

А. Абдуллаев

ТАСАВВУФ

ВА УНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

Илмий – оммабоп рисола

ТЕРМИЗ-2007

Ушбу китобда адабиёт, маданият ва фалсафа тарихида шаклланган ва машҳур руҳоният жараёнларидан бўлган тасаввуф таълимотининг мазмун ва моҳияти, ғоявий йўналиши ва урфоний хусусияти баён этилади. Тасаввуф илоҳийшунослик илмидир. Шу мезонда унинг зоҳидона ва орифона кўриниши, маслак, мақсад ва принциплари, силсилалари, сўфиёна ҳаракати, муриддан авлиёгача, шариатдан ҳақиқатгача, ҳайрату яқиндан фано ва бақоғача бўлган амалий ва руҳий ривожланиши, инчунин XV асргача яшаган улўф намояндаларининг ҳаёти ва ижоди кўриб чиқилади.

Китоб филологлар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир ва муқарриз:

Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов

1937 йилда қатағон қилинган турмуш ўртоғидан айрилган ва «халқ душмани» оиласи деб мудҳиш азобларга гирифтор бўлган жафокаш онайи зорим-БИБИОТУН Мулла ТўРА қизининг ёрқин хотирасига бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Шақшунослик илми бўлган тасаввуф борасида мустақиллик йилларигача, мен кўпчилик қатори умумий фикрлар билан чегараланиб, бу илмнинг асослари, қонун-қоидалари, принциплари, аҳамияти ва хосияти хусусида кам маълумотга эга эдим. Аммо XX асрнинг саксонинчи йилларидан кейин тасаввуфнинг пантеистик ғояси ўрганила бошланди ва Душанбе шаҳрида (дорилфунун ва аспирантура йилларини ҳисобга олмаганда, мен бу шаҳарда 1962 йилдан 1995 йилгача яшаганман) бу ҳақда файласуфлар мақола ва рисоалар ёзишга киришдилар. Жумладан, 1984 йилда Кароматулла Олимовнинг «Хорасанский суфизм» номли рисоласи рус тилида «Дониш» нашриёти томонидан чоп этилди.

Шу тариқа тасаввуф бу барчахудодийлик илми (ҳамахудой) деб таърифланди ва инсон қадрини аллоҳ даражасига кўтарадиган, уни улуғлайдиган, худо билан тенг биладиган фан сифатида қадрладилар.

Бу фикр аслида тўғри эди, аммо у мазкур илмнинг фақат бир томони билан боғлиқдир холос. Тасаввуф жуда чуқур ва кенг қамровли бўлиб, у мустақил фан сифатида махсус тадқиқотни талаб қиларди. Шу пайтгача тасаввуфнинг яхши ўрганилмагани сўзсиз шўро ҳукуматининг динсизлик сиёсати ва сўфий-авлиёлар ва шайх

руҳонийларга қарши кураш олиб борганлиги билан боғлиқ эди. Шу сабаб мустақиллик давригача тасаввуф илми ўз ҳолида қолиб кетиб, бу ҳақда тадқиқот олиб бориш имконияти йўқ эди.

Камина 1959 йилдан бошлаб, аспирантурада ўқиётган пайтимдан, шўролар сиёсати томонидан рад этилган ва таъқиқланган адабиётшунослик илмининг яна бир соҳаси-сарой адабий муҳитининг ўрганилиши бўйича тадқиқот ишларини бошлаган эдим. Шўролар ёқтирмайдиган шоҳлару амалдорларнинг таъриф-тавсифига бағишланган маддоҳона қасидалар ушбу адабиётнинг мундарижасини ташкил этарди. Шу боис 1959 йилгача Тожикистонда (қисман Ўзбекистонда ҳам) сарой адабиётининг маддоҳ намояндалари ҳақида диссертация ҳимоя қилиш у ёқда турсин, ҳатто яхшигина бирон бир мақола ҳам ёзилмаган эди. Шундай қилиб мен «нима бўлса, бўлсин» деб бу соҳада номзодлик диссертацияси ёзиб, Москвада ҳимоя қилдим. Кейин қирқ йил давомида илмий ишларим асосан саройда шаклланган адабий муҳит

мундарижасини ўрганиш ва қасида жанрининг тадқиқ-таҳлили муаммоси билан боғланиб кетди ва ҳозиргача шу иш билан шуғулланиб келмоқдаман.

Аммо хоҳ тасаввуф бўлсин, хоҳ сарой адабиёти бўлсин хорижда, хусусан Эрон, Афғонистон, Арабистон, Туркия ва бошқа мамлакатларда бу соҳада ҳамиша тадқиқот ишлари олиб борилган ва бу мавзу уларда эркин ўрганиларди. Фақат шўролар даврида бизда бу иш мумкин эмасди, холос.

1988 йилда нима учундир менда тасаввуфни мустақил ўрганиш ва бу соҳада бир нарса ёзиш фикри пайдо бўлди. Бу фикр аста-секин мустаҳкамлана бошлади ва мен Душанбе шаҳридаги кутубхоналардан манбалар йиғиб, уларни мутолаа қила бошладим. Ҳали бир хулосага келиб улгурмасимдан, шу йили тасаввуф ҳақида биринчи гап очган файласуфлардан яна бири Муҳаммадқул Ҳазратқулов 125 саҳифадан иборат «Тасаввуф» номли бир рисола нашр қилди. Рисола қуйидаги боблардан таркиб топган эди: Тасаввуфнинг бошланиши ва тараққиёт йўли; маърифат ҳақида; тасаввуфнинг урфоний ва амалий фалсафаси; тасаввуф силсилалари, урфоний ишқ ва шеърят (26). Камина рисола билан танишиб чиқиб, айрим камчиликларга дуч келдим. Хусусан, эронлик бир тасаввуфшунос олимнинг китобидан анчагина фикрлар қўштирноқсиз кўчириб олинганлигига амин бўлдим. Мен мазкур рисола ҳақида танқидий тақриз ёзиб, «Адабиёт ва санъат» газетасида чоп эттирдим.

Орадан икки кун ўтиб, М.Ҳазратқулов юқорида номи зикр этилган файласуф дўсти Кароматулла Олимов (у киши менинг ҳам дўстим ва ҳозирда Тожикистон Маданият ишлари вазири лавозимида ишляпти) билан менинг олдимга келиб афсусланиб айтдиларки, сиз ноўрин

тақриз ёзибсиз, чунки, М.Ҳазратқулов докторлик ишини ҳимоя қилмоқчи эди, унинг ғанимлари тақриздан фойдаланиб, унга қарши чиқадилар. Мен ҳайрон қолдим ва дўстларимнинг паришон аҳволини кўриб, ёзган тақризимдан пушаймон бўлдим. Қарор шу бўлдики, М.Ҳазратқулов менинг тақризимга раддия ёзади ва мен бунга сукут сақлаб, эътироз билдирмаслигим керак. Шундай ҳам қилдик. М.Ҳазратқулов эсон-омон ҳимоя қилди.

Лекин бу воқеа менинг тасаввуф борасида бир нарса ёзиш керак деган мақсадимга алоҳида урғу берди ва ният менда янада мустаҳкамланди. Мен 1988-1990 йилларда илмий материалларни йиғиб бўлган ва ёзишни бошлаган эдим. Аммо 1991 йилнинг феврида Тожикистонда «фуқаролар уруши» бошланиб кетди. Ҳамма зор-ҳайрон қолган эди. Кўчамиздан туну кун саф тортиб аскарлар, ҳарбий қурол-аслаҳа, танклар ўтарди. Отишма тўхтамасди. Уйдан айвон (балкон)га чиқиш хавfli эди.

Шаҳар ҳақиқий уруш ҳолатида эди. Аксар жойлар ер билан яқсон бўлди. Идоралар ёпилиб, бозорлар, дўконлар талон-тарож қилинди. Нон анқонинг уруғига айланди. Нон заводига яқин турардик. Кечалари соат икки-учда туриб, қўрқа-қўрқа нон заводининг олдига борардик. Минглаб одамлар йиғилган, заводни автоматлар билан қуролланган зобитлар қуршаб олган. Нон олмасдан қайтиб келардик. Жуда қийин аҳволда кун кечирардик. Шундай ҳолатда ҳамма, хусусан зиёлилар ўз ишларидан қолиб кетдилар. Менинг режаларим, алалхусус, тасаввуф ҳақида китоб ёзаман деган ниятим ҳам барбод бўлди. Йиққан материалларим ва қўлёмаларим талотўпда ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Ҳатто ёзилган китобларни жой қилолмасдан безор ҳам бўлдик. Шаҳарда жуда ёмон миш-мишлар тарқалган эди: Муҳолифат кучлар ҳукумат бошига келгандан сўнг гўё катта тинтув бошланади. Агар уйдан русча ёхуд крилл ёзувидаги китобларни топсалар, яхши бўлмайди. Бунинг устига яна айтар эдиларки, ҳукумат аскарлари агар араб ёзувидаги китобларни кўрсалар, бу ундан ҳам нохуш вазиятга сабаб бўлади. Бу гаплар ҳаммасидан ваҳималироқ эди. Бу гапдан сўнг жамики зиёлилар ўз китобларидан ташвишга тушган эдилар.

Шу билан беш йил ўтиб кетди. Мен 1996 йили Термиз давлат университетининг ўзбек филологияси факультети қошида ташкил этилган тожик тили ва адабиёти гуруҳига дарс бериш учун махсус таклифнома орқали Термизга келдим. Аммо ўзбек тилини мукамал ўрганиш масаласи кун тартибига чиқди. Шу боис ўрта мактабдан ҳам озгина дарс олиб, бешинчи-олтинчи синф ўқувчиларидан тил ўргана бошладим. Орадан яна беш йил ўтди. Сўфиёна биринчи ниятим (сўфийлар ҳақида китоб ёзиш) дан чамаси ўн йил ўтган эди. Бу орада мен университетнинг учинчи курс талабаларига тасаввуф илмидан дарс бера бошладим.

Яна тасаввуф мени ўзига чорлади. Ўзбекистонда яшаётган тасаввуфшунос олимларнинг ишлари билан танишиб чиқдим. Хусусан Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олимларнинг рисола ва мақолаларини кўздан кечирдим. Энди шароит туғилди деган қарорга келдим. Бу ўринда яна беш йил ўтиб кетган ва менинг тасаввуфона ниятимга ўн беш йил тўлган эди. Ва ниҳоят кенг омма учун мўлжалланган бу китоб яратилди. Бу иш кейинчалик дўстлар маслаҳати билан катта бир фундаментал тадқиқотга айланади деган умиддаман.

Китобга айрим таҳрирлар киритган Термиз давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси илмий тадқиқотчиси **Мақсуда Бердимуродова**га ўз миннатдорчилигимни билдираман.

«Ислом дунёсининг устунлари бўлган Имом Замахшарий, Имом Термизий, Имом Насафий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоваддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий каби кўплаб мумтоз зотларнинг ҳаёти ва фаолияти бизнинг юртимизни нафақат мусулмон оламида, балки Мағрибу Машриқ дунёсида машҳур этганидан ҳақли равишда ғурурланамиз».

И.А.Каримов (Асарлар, 9 жилд. Т, «Ўзбекистон», 2001, 123-224б.)

БИРИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ

ТАСАВВУФ НИМА ВА У НИМА ҲАҚДА БАҲС ЭТАДИ?

Тасаввуф маданиятимиз тарихидаги ғаройиб бир фан бўлиб, ўзига хос йўналиш ва анъаналарга эгадир. У кўпинча адабиёт ва фалсафа ғояларини ирфоний тарзда, яъни маърифий қиёфада акс эттиради, шу боис баъзан мазкур илмлар қаторида тилга олиниб, уларнинг глобал бир қисми саналади. Масалан, X асрдан бошлаб тасаввуф профессионал шеърят ғоялари билан қўшилиб кетиб, унинг бир йўла мазмунини акс эттирди, адабиётнинг энг гўзал ва нафис туйғуси-орифона йўналишини бошлаб берди.

Шу билан мумтоз адабиётимиз мундарижаси бир неча тармоққа ажралиб кетди. Жумладан, адабиётнинг маддоҳлик, диний-мазҳабий, қаҳрамонлик, илмий ва сиёсий йўналишлари ривож топган бир пайтда, унинг маърифатомуз ва панд-ахлоққа бой ғоялари тасаввуфона оҳанг касб этиб, оламу одам қисмати, коинот сирлари, руҳоният масаласи, ваҳдатул-вужуд муаммоси, бирлик ва аналҳақ ғояси-умуман аллоҳ ва уни идрок этиш, таниш ва билиши ҳақида баҳс этди.

Юзлаб мадҳияомуз қасидалар оҳангида айтилган маддоҳона руҳдаги шеърларимиз, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) ва у кишининг чорёрлари-ю саҳобалари ҳақидаги ҳамд, наът, муножотлар, инчунин шиа мазҳабли имомлар, жумладан имом Ҳусайннинг саргузаштини акс эттирган диний ва мазҳабий китоблар, «Шоҳнома» ва «Қутадғу билик»ка ўхшаган қаҳрамонлик дostonлари, шоҳларнинг сиёсий юришлари ва одоб-ахлоқини тасвир этган манбалар, шунингдек адабиётимиз назариясига оид рисолаларнинг мазмуни умуман олганда тасаввуфга ҳеч алоқаси йўқ эди. Аммо адабиётнинг алалхусус ошиқона ва пандомуз мавзуси тасаввуфга қаттиқ боғланиб кетиб, тасаввуф уларнинг ғояларини ўз мақсадларига тобе этиб, адабиётнинг ички имкониятларидан кенг кўламда фойдаланди ва унинг яширин ва сирли оҳанги ва мағзини аллегорик-рамзий тарзда ифодалади. Мана шу тарзда мустақил ва махсус бир фан-тасаввуф адабиёт билан қўшилиб кетиб, унинг ирфоний ва маърифий-маънавий хусусиятларини таъсис этди.

Тасаввуф илк шаклланган давридан бошлаб мустақил бир илм сифатида нафас оларди ва кейинги асрларда махсус тарихга эга бўлиб, ўз келажагини асраб-авайлаб мустаҳкамлади. XV асрда яшаган аллома олим Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватнома» асарида тасаввуф сўзи ҳақида бундай ёзади: «Баъзилар бу сўз ислом пайдо бўлгандан кейин келиб чиққан дейдилар. Аммо маълум бўлишича, тасаввуф сўзи исломдан олдинги замонда ҳам бўлган экан. «Унсул сўфия» китобида биринчи бўлиб «сўфий» деган номни олган одам Одам Ото фарзандларидан бири-Шиш эди деб нақл қилинади. Унинг либослари яшил суф (жун мато) дан экан ва Шишдан кейин жун матодан кийим кийиб юривчиларни «сўфий» дейдиган бўладилар. Ўзини шу тоифага мансуб деб биладиганларни тасаввуф аҳли деб юритадилар» (15, 184).

Яъни маълум бўлишича, тасаввуф илмининг тарихи дунёнинг пайдо бўлиши даврига бориб тақалади ва биринчи бўлиб тасаввуф йўлига кирган ва шу билан бу номга асос солган киши Одам Отонинг ўғли Шиш бўлган экан. Шу боис мазкур маълумотга кўра тасаввуф исломдан олдинги асрларда ўз тарихига эга фан эди ва ул даврларнинг диний ва мазҳабий ғоялари билан биргаликда қўшилиб, тараққий топиб келди. Бинобарин унинг таъсири ва айрим ғояларини, жумладан жун матодан кийим кийиш, нафсга берилмаслик,

хилватланишлик ихтиёр этиш каби анъаналарини иудейлик, буддийлик, зардуштийлик, монийлик ва насронийлик динларида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур динларга нисбатан ёш ва навқирон дин бўлган-ислом дини эса ўз ғояларини асосан шу динлар асосида шакллантирди ва бас шундай экан, табиийки, бу муносабатлар асосида қадимий тасаввуфна ғоялар, масалан аллоҳни севиш, унинг йўлида риёзатга берилиш, унинг висолига етиш, сўфийликка интилиш ва бошқа сифатлар исломга ўтиб, бу даврда нашъу намо топти ва кейин янги-янги ранг ва оҳанг касб этиб ривожланиб борди.

Али бин Усмон ал-Жуллобий «Кашф ул-махжуб» китобида (XI аср) тасаввуф тарихини ислом дини билан боғлаб, ушбу тушунчанинг шарҳи бўйича VII-X асрларда яшаган, мазкур илм намояндаларидан Ибн Жало, Абуамр Димишқий, Абубакр Шиблий ва шуларга ўхшаган жуда кўп кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини қайд этади (3, 43). Жумладан, ҳазрат Али чевараларидан бўлмиш улуғ мутасаввуф арбоб Муҳаммад бин Али бин Ҳусайн бин Али бин Абутолиб деган эканлар: «Тасаввуф бу эзгу хусусиятли бир касб деганидир, ҳар кимки эзгу табиатли бўлса, у яхшироқ сўфий бўлиши мумкин ва эзгу табиатлиликнинг икки томони бор: бири халқ билан ҳамжиҳат бўлиш бўлса, иккинчиси ҳақ билан бўлишдир» (3,44).

Кейинги мутасаввуф шайх Абулҳасан Нурий «тасаввуфни нафсни тарк этиш ва нафс балосидан қутулиш» деб ҳисоблайди (3,42) ва сўзининг пировардида муаллиф яна таъкидлаб ўтади: «Тасаввуф расмиятчилик эмас, ахлоқдир. У озодлик воситасидир ва бу восита ила бандалар ҳою ҳавас бандидан озод бўладилар» (3,47). Машҳур сўфий Жунайд Бағдодийнинг фикрига кўра «тасаввуф таъриф-тавсифлардан иборат бир хабар ва ҳар бир бандасининг кўзгусидир. Дейдиларки, бу таърифлар ҳақ учун қилинадими ё халқ учун? Деди: асли ҳақиқати ҳақ учун, зоҳири эса халққа оид. Яъни ҳақиқати улки, бандалар сифатининг фано топишини тақозо этади ва бандалар сифатининг фаноси ҳақ сифатининг бақосидир» (3, 41).

Фаридаддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сида берган маълумотга биноан Жунайд Бағдодий тасаввуфни яна бундай таърифлайди: «тасаввуф кўнгил софлиги, нафс талабидан воз кечиш, руҳоният сифатларни касб этиш ва ҳақиқат (аллоҳ) илмларидан воқиф бўлишдир» (23, 300). Жунайд Бағдодий сафдошларидан бўлган забардаст мутасаввуф олим Боязид Бистомий тасаввуф ҳақида бундай ёзади: «Дедилар: тасаввуф нимадир? Деди: осойишталик (тинчлик) эшигини ўзига қаттиқ ёпиш ва ичкаридаги қулфланган танҳоликка азоб-машаққат билан тиззасини устига бош эгиб умр кечиришдир» (23, 137).

Шайх Али бин Биндор ас-Сайрофий ан-Нишопурийнинг айтишича, «тасаввуф шундай нарсадирки, унинг эгаси ҳам зоҳирда ва ҳам

ботинда ўзини кўрмайди ва фақат ҳақни кўриб ва у билан яшайди» (3, 46). Шайх Абуҳафс Ҳаддод Нишопурийнинг таъкидлашича, «тасаввуф жумла (тамомила) одобдир» (3, 47).

«Нафоҳот ул-унс» муаллифи Мавлоно Жомийнинг айтишича, Бундор бин ал-Ҳусайн бин Муҳаммад аш-Шерозий (вафот этган йили 964 мелодий) номли X асрда яшаган шайх тасаввуфни бундай таърифлаган эди: «Ундан сўрадилар: «тасаввуф нимадир»? »Деди: «аҳдга вафо қилиш». Шу лаҳзада бир айёр сўфийга деди: «бизу сиз ўртамиздаги фарқ шундан иборатки, нимаики биз айтсак, уни қиламиз, аммо сизлар нимаики кўнгилдан ўтса уни қиласизлар» (4, 32-33).

Шу тариқа, тасаввуф тушунчаси ва унинг маъно-мазмунини англаш бўйича қадимий манбалар маълумотига таяниб, бир мунча фикрлар билан танишиб чиқдик. Бу фикрлар кейинги асрларда яна кўпайиб, чуқур илдиз отди. Аммо мазкур маълумотлардан ҳам аниқки, тасаввуф нима экан, унинг мазмунини нима ташкил қиларкан? Тасаввуф-олимлар ва унинг намояндалари фикрига кўра-илоҳ ҳақидаги илм ва илоҳиёт ҳақиқати билан боғланган руҳониятдир. Унинг замирида эзгулик ва ҳамжиҳатлик, одоб ва ахлоқ, озодлик ва мангулик, ҳаққа ва халққа хизмат қилиш, кўнгилни пок ва мусаффо тутиш, аҳду паймон ва вафодорлик, ҳалолликка берилиш ва нафсдан қутулиш, илм ўрганиш, камтарлик ва хоксорона ҳаёт кечириш, гуноҳлардан юз ўгириб, фақат савоб ишлар билан шуғулланиш, пок ниятли ва ихлосманд бўлиш, танҳоликни севиш, ягона мақсад сари интилиш, икки оламга қўл силтаб руҳан ва жисман озод ва эркин бўлиш, фақирона ҳаётни барча бойлик ва ҳатто султонликдан ҳам афзал кўриш масалалари ётади ва шулар билан умр ўтказиш талаб этилади. Шу сабаб тасаввуф инсоннинг руҳиятини тарбия этадиган, унинг бойиши, мукаммаллашиши, комиллиги ва фаолиятига кучли таъсир этадиган муҳим бир ахлоқий омил бўлиб, инсон зотида аллоҳга хос сифатларни кўришни истайди.

Бу мезонда тасаввуф инсон учун энг керакли нарса-ахлоқи ҳамида (эзгу ахлоқ)ни тарғиб ва ташвиқ этадиган илмий ва адабий манба ҳисобланади ва унинг моҳияти эса таълим-тарбия ва панд-насихатга оид бўлиб, инсоний ва ҳаётий масалаларни қамраб олади. Мумтоз адабиётимиз тарихида шу йўсинда яратилган, яъни тасаввуфна одоб-ахлоқ хусусида баҳс этадиган китоблар сон-саноксиз. Масалан, бизга маълум китоблардан, Низомийнинг «Махзан ул-асрор»и, Амир Хусрав Дехлавийнинг «Матла ул-анвор»и, Шайх Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» ва «Гулистон»и, Ҳофиз Шерозийнинг ғазалиёти, Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» ва «Маҳбуб ул-қулуб»и, Жомийнинг «Силсилат ул-зуҳаб»и ва шу каби асарлар дунёвий одоб-ахлоқ замирида тасаввуфна одоб-ахлоқни тарғиб-ташвиқ қилиб, муҳокама этадилар ва сўфиёна мазмунга эгадирлар.

Иккинчи томондан тасаввуф ҳақ (аллоҳ) билан бирга бўлишни, ўзини буткул ҳаққа бериб кўзгудек уни кўришни, зоҳирда халқ, аммо ботинда ҳақ билан яшашни, банда тимсолида фано бўлиб (ўлиб) бақо (тириклик) ва аллоҳ илмидан воқиф бўлиб руҳоният топишни, ором ва осойишталикдан воз кечиб доимий равишда азобу машаққатларга берилишни, туну кун муроқабага ўтириб, риёзат чекиб, зикр этишни ва ниҳоят ўзини тамоман йўқотиб фақат ҳақ томон интилишни, ҳақ билан нафас олишни, бутун вужудини, руҳиятини ҳаққа қаратишни билдиради ва ифода этади. Бу низомнома бўйича унинг меъёри ҳақшунослик илми бўлиб қолади.

Тасаввуфна ғоялар аслида шу мазмунни қамраб олади ва у шу мазмунларга қаратилган илоҳий бир кучдир. Одоб ва ахлоқ, вафо ва аҳд масалалари унинг маърифий қоидаси бўлиб, у шу ғоялар кенглигида ёйилиб, сайқал топиб, ривожланиб, инсониятга таъсир этади, унинг жисму жонига куч ва нуру сафо бахш этади. Бинобарин, шайх Абулҳасан Нурийнинг «тасаввуф бу ахлоқ» ва Муҳаммад аш-Шерозийнинг «тасаввуф вафо ва аҳддадир» дегани айни ҳақиқатни билдиради ва тасаввуфнинг асл мазмунига оид қўлланма ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳақшунослик илми ахлоқ илми билан бақамти ва биргаликда жараён топиб, умуминсоний фазилатларга бой ва оламу одам тақдири билан боғлиқ муаммоларни тарғиб-ташвиқ этади ва доимо шуларга таянади. Тасаввуфнинг бош йўналиши бўлган ғоя аллоҳ билан боғланган руҳиятдир ва шу тизимнинг асосларини ифода этадиган китоблар ҳам ниҳоятда кўп. Бу ҳақда бизга таниш асарлардан имом Ғаззолийнинг «Кимийейи саодат» ва «Эҳё ул-улум»и, Хожа Абдуллаҳ Ансорийнинг «Мақомат»лари, шайх Абусаид Абулхайрнинг «Асрор ут-тавҳид»и, Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони Ҳикмат»и, Фаридаддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» ва «Илоҳийнома»си, Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»си, Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийлари, Навоийнинг «Лисон ут-тайр»и, Жомийнинг «Шарҳи рубоийёт» ини санаб ўтиш мумкин.

XI асрда тасаввуф борасида форс тилида ёзилган энг қадимий тазкира «Кашф ул-маҳжуб» да ушбу таълимотнинг «биноси» яъни тузилиши «саккиз хислат» дан иборат деб таъкидланади. Кейин бу хислатларнинг ҳар бири ўз навбатида пайғамбарларнинг шу хислатларга доир хусусиятлари билан қиёсланиб, шу тариқа мазкур хислатларнинг пайғамбарлар хислатидан сарчашма олгани ишора этилади. Шу тартибда мазкур тазкира муаллифи Али бин Усмон томонидан тасаввуф «биносига» том маънода диний-ирфоний оҳанг берилади. Чунончи тасаввуф тузилишининг саккиз хислатдаги саккиз биноси (иморати) бундай таърифланади:

Биринчиси «саховат ва у Иброҳим пайғамбардан нисбат оладики, саховатда тенги йўқ киши эди. Чунончи фарзандини худо йўлида

қурбон қилди» ва бу сахийликни ҳеч ким қилмаган эди. Иккинчиси «ризоликким Исҳоқ пайғамбарга тааллуқлидир. У аллоҳ фармониға розилик бериб азиз жонини тарк этишга рози бўлди». Учинчиси «сабрким, Айюб пайғамбардан илдиз олади. Бу пайғамбар танасини етмиш йил қуртлар еди ва у эса бу балойи азимга сабр-бардош қилди». Тўртинчиси «ишоратким, Зикриё пайғамбарга мансубдир» ва бешинчиси «ғарибликким, Яҳё пайғамбар қисмати билан боғлиқдир. У ўз ватанида ғариб ва қариндошлар орасида бегона эди». Олтинчиси «саёҳатдаким Исо пайғамбарнинг одатига туташади. Исо сайру саёҳатда мужаррад, яъни танҳо (якка) юрарди ва бир коса ва бир тарокдан бошқа нарса олиб юрмасди». Еттинчиси «суф либосдаким Мусо пайғамбарнинг либосига нисбат берилади. Мусонинг жамики киядиган кийими (тўни) суф (жун мато)дан иборат эди». Саккизинчиси «фақирликдаким, Муҳаммад Мустафо (с) нинг асл одатларидан эди» (3, 45).

Шу тариқа, XI асрда яшаган ал-Жуллобийнинг фикрига кўра, тасаввуф иморати саккиз қаватдан иборат бўлиб, ўзаро бир-бирига ўрнатилган ва пайванд бўлган ушбу қаватлар еру ҳавода мустаҳкам ва абадий турибди. Булар сахо, ризо, сабр, ишорат, ғурбат, саёҳат, суф кийим ва фақр. XI асргача тасаввуфга майл қилган кишилар ана шу саккиз зинадан эсон-омон ўтишлари ва уларнинг қонун қоидаларига риоя қилишлари шарт эди. Чунончи саховатда ягона бўлиши, ризоликка жонини ҳам аямаслиги, сабр-бардошда мислсиз, ғурбатда тоқатли, фақрда чидамли бўлиши талаб этиларди. Ишорат ва саёҳатда эса бошқаларга намуна бўлмоғи даркор эди. Буларнинг қаторида албатта жун матодан тикилган кийим кийиб юриши лозим эди. Яъни дарвешликни ихтиёр этган солиқ ул замонларда мазкур босқичларни забт этиб, ҳақиқий мутасаввуф арбобга айланарди ва кейин иршод (даъвот)га ўтириб, сўфиёна ғоялар тарғиб-ташвиқи билан шуғулланарди.

Орадан тўрт аср ўтиб, XV аср келди. Бу орада тасаввуфнинг мазкур бинноси янада мустаҳкамланиб, тобора ривожлана бошлади ва унинг босқичлари ўнтага етди. Босқичларнинг тузилиши ва ички мундарижаси ҳам такомиллашиб борди. Чунончи мазкур саккиз босқич ё рукндан иккитаси ризо ва сахо қолиб, қолганлари бошқача тус ва мазмун олди ва инчунин уларга иккита янги рукнлар ҳамроҳ бўлди.

Шундай қилиб, XV асрда тасаввуф «бино»си-Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватнома»да айтишича, қуйидаги ҳолатда намоён бўлди: илм, ҳилм, тақво, сахо, шукр, сидқ, вафо, сафо, ишқ, ризо (15, 186). Бу номлар тасаввуф жараёнининг VII асрдан XV асргача бўлган масофада туб ўзгаришларга дуч келгани ва моҳиятан тамоман янгиланганини кўрсатиб турибди. VII-VIII асрларда аҳамиятсиз қолган рукнлар кейинги даврларда муҳим аҳамиятга эга бўлдилар ва шу

тартибда тасаввуф зоҳидликдан орифлик томон йўл олиб, сўфийларнинг янгича тус олган фикру зикри ва тафаккурини акс эттирди. Инчунин, у тасаввуфнинг халқона оҳанг ва принциплардан бошланиб катта ва ҳақиқий бир мактабга бурилганлиги ёхуд табдил топганидан далолат беради.

Бу ҳодисани шундан ҳам билиш мумкинки, ўтган асрларда унча муҳим бўлмаган янгича тасаввуфона ғоялар яна пайдо бўлди. Масалан XV асрга келиб, мазкур ўн рукндан ташқари яна тўрт рукн ва уч ниҳоя (тасаввуфона тушунча) амал қила бошлади. Улар ҳол, сир, хотир (кўнгил) ва ишорат бўлиб, ниҳояси тажрид, тафрид ва тавҳиддан ташкил топдилар (15, 186).

Шу тариқа, тасаввуф маслағига майл қилган киши ҳақиқий сўфий бўлиши учун жараённинг ўн рукнига сидқидилдан берилиб, уларни ўзлаштириб, кейин яна тўрт рукн таъсирида қолиб, ниҳоясида ўзидан кетиб бирлик топиш мақсадида танҳоликка берилади. Бу зинадан бошлаб у фард, яъни ёлғиз бўлиб, ундан сўнг охириги даража-вахдатга эришади ва комиллик сифатлар касб этади. Тасаввуф XV асрда ва ундан кейинги даврларда шундай босқичларга бўлиниб кетди ва биринчи қадамлардан ваҳдатгача унинг босадиган йўли астрономик масофа олиб, ер билан осмон ўртасидаги ниҳоясиз йўл бўлиб, шу йўналишга бурилиб кетди. Минглаб сўфийлардан фақат биттаси бу тўсиқлардан эсон-омон ўтиб комилликка эриша оларди, холос. Тасаввуф йўли мана шундай мушкул ва мураккаб йўл эдики, унинг тўнғич намояндаси солиқ-сўфий унга эришиш ва уни босиб ўтиш мақсадида доимо саъй-ҳаракатда бўлиб, жонини фидо қиларди.

СЎФИЙ ВА ЖУН МАТО

Ўтган фаслда тасаввуф борасида сўз юритганимизда унинг кейинги тушунчалари: сўфий, дарвеш, шайх ва уларнинг хирқалари-жун матодан тикилган либоси тилга олинган эди. Мурид, дарвеш, сўфий, солиқ, шайх, муршид, пир, авлиё деган номлар тасаввуф намояндаларига тегишли унвон бўлиб, шу номлар орқали уларнинг даражалари муайянлашади. Шайх ёхуд пир, муршид тасаввуф босқичларини босиб ўтган унинг буюк арбоби. Унинг кейинги даражаси авлиёлик ва комиллик зинаси. Солиқ ва мурид биринчи шогирдлар. Дарвеш шогирдлик мақомидан ўтган шайхнинг халифаси. У баъзан солиқ ва мурид даражасида қолади, кўпинча сўфийлик топади, шайх билан маслакдош бўлади, дарвешлик тариқатига эришади. Сўфий эса буларнинг мажмуи.

Солиқ, дарвеш, сўфийнинг мақсади битта: аллоҳни излаш ва аллоҳ йўлида риёзат чекиб, уни топиб дийдорига тўйиш. Ҳатто ўтган айрим тасаввуф тадқиқотчилари аллоҳнинг ҳамма жойда мавжудлиги,

яъни бутун борлиқ У эканини ҳисобга олиб, солиқларнинг Уни излашларини зарур деб билмаганлар. Чунончи «Зубдат ул-ҳақойиқ» муаллифи Азизиддин Насафий ёзади: «Солиқнинг риёзат ва тақво йўлидаги мақсади худони излаш бўлмаслиги керак, чунки худо ҳамма ерда мавжуддир ва уни излашнинг ҳожати йўқ. Бутун борлиқ унинг ўзидир» (15, 162). Аммо солиқ сўфийлар худони излашга қарор қилганлар; орифона йўл-йўриқ тутиб, аллоҳ даражасига эришиб, кейин унга фано бўлишни бош мақсад деб билганлар.

Хирқа-жундан тўн кийган солиқ сўфийдир. Сўфий қиёфаси аксар ўз кийимдан билиниб турган. Бу кийим эса жун матодан тикилган желак ёхуд тўн бўлиб, сўфиёна усул ва оҳангда кийилади. Сўфий-тасаввуфнинг асосий намояндаси. Тасаввуф сўфий билан ҳаммаъно. Сўфий деса тасаввуф тушунилган. Тасаввуфнинг ўзаги суф-жун мато ва кейин унинг арбоби сўфий сўзига туташади. «Кашф ул-маҳжуб» да сўфий ҳақида бундай ёзилади:

«Бир гуруҳ айтадиларки, сўфийни ул жиҳатдан сўфий дейдиларки, у суф (сурф) матодан тўн кияди ва бошқа гуруҳнинг фикрича, сўфий ул кишидирки, биринчи сафда турадилар ва учинчи гуруҳнинг айтишига биноан, сўфийлар ул кишиларки, суффа эгалари (ба асҳоби суффа) га тавалло қиладилар ва ниҳоят тўртинчи гуруҳ талқин қиладиларки, бу исм (сўфий) сафо сўзидан илдиз олгандир. Аммо сўзнинг луғавий маъноси тақозо этадики, сафо сўзи уларнинг ҳаммасидан яхшироқ ва эзгу маънолидир» (3, 34-35). Бу сатрлар XV асрда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватнома»сида айнан такрорланади ва бу қаторда унга яна бир таъбир-«суфух» сўзи ҳамроҳ этилади. Яъни Кошифийнинг айтишича, «сўфий сўзи суфух сўзидан пайдо бўлган деган кишилар ҳам бор эди ва суфух эса бирон нарсанинг хулосаси демақдир-яъни улар (сўфилар) халқнинг хулосаси-зубдасидир» (15, 186).

Мазкур икки иқтибосда сўфий шахсиятига оид фикрлардан ташқари тасаввуф ва сўфий тушунчаларининг келиб чиқишига ҳам махсус ишорат бор. Яъни тасаввуфнинг негизи аслан суф сўзидадир, дейилади ва мадомики сўзлар арабча ёзилар экан, арабча тарзда ўқиганда суф сўзининг фоил оти (исми фоили) сўфий ёхуд мавсуф (сифатлаш) бўлиб, мафъул оти (исми мафъули) тасаввуф тушунчасига оид бўла олади. Демак, сўзнинг асл моҳияти суфда. Суф эса-матод: жун мато, сурп мато, бўз мато ва ҳақозо. Шу матолардан тикилган махсус либос тасаввуф намояндасига хос либос ҳисобланади ва айтганимиздек, шу кийимдан унинг зоҳирий қиёфаси маълум бўлади. Сўфийнинг ботиний сир-асрорини ҳам шу либос белгилайди ва унинг мартабаю мавқеи ҳам ўша либос билан боғланиб кетади. Аммо ал-Жуллобийнинг фикрига кўра, XI асргача сўфий сўзининг маъноси бир неча тушунчалар билан боғланган эди. Масалан сўфий сўзи жун

матого ўралган кишилардан ташқари саф, суффа ва сафо сўзлари билан ҳам маънодошдир. XV асрда эса Кошифий бу қаторда суфух сўзини ҳам қўшиб, уларнинг сонини бештага етказди.

Яъни маълум бўлишича, сўзнинг ташкил топишида фақат суф сўзи эмас, балки саф, суффа, сафо ва суфух сўзлари ҳам иштирок этган. Ал-Жуллобий буларнинг ҳаммасидан «сафо» сўзини танлайди ва уни маъқул топади, уни сўфий сўзининг шаклланишига энг мақбул ва асосий омил деб ҳисоблайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур тасаввуфна шарҳларнинг баъзиларига диний оҳанг берилади. Масалан «саф» сўзи номоз сафига ўхшаган барча диний заруриятларга мосланган тушунча. Буларнинг биринчи поғонаси-сафда. Суффа эгалари (асҳоби суффа) эса, ал-Жуллобийнинг тавсиф беришича, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с)нинг бир гуруҳ саҳобаларидан иборат кишилар бўлиб, улар ул зотнинг масжидида туну кун ибодатда ўтириб, мол-дунёдан воз кечиб, зикр билан шуғулланардилар (3, 97). Улар аслида муҳожир ва шу боис ҳеч нарсаи йўқ кишилар бўлганлар, яъни улар ҳақиқий сўфий бўлиб, «суффа» яъни сояли жойларда бирлашиб, сўфиёна суҳбат қуриб юрганлар. Бинобарин ал-Жуллобий уларнинг номи-«суффа»ни амалда тасаввуф луғати билан боғлайди. «Сафо» сўзи эса поклик, ҳалоллик, тозалик, озодаликни билдиради. «Суфух» хулоса сўзи бўлиб, сўфийлар халқ хулосаси деган маънони ифода этади.

Шундай қилиб, ал-Жуллобий ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қайд этишича, ушбу тизимдаги сўзлар махсус илмий гуруҳларнинг фикри бўлиб, улар сўфий ва тасаввуф луғатининг келиб чиқишига ҳақиқатан далил бўла олади. Мазкур сўзларнинг ҳаммаси ўзига хос маъноларга эга. Аммо энг асосийси ва муҳими сўфий сўзининг суф-сурф мато билан боғлангани бўлиб, шу матонинг тузилиши, ранги ва умуман кўриниши сўфийнинг қиёфасига мос ва хос бўлиб, унинг илк танитувчи белгиси ҳисобланади. Бу кўрсаткич XI асрдан кейин ҳақиқий қонунга киради ва бу ўринда сўфий луғатининг диний оҳанги ирфоний тус олади.

Қадимги манбалар муаллифлари сўфий сўзининг шарҳи, моҳияти, келиб чиқиши ва тузилиш ҳақида ҳам хийла фикрлар айтиб ўтганлар. Чунончи ал-Жуллобий юқорида сўфий сўзининг негизи қайси сўз билан маънодош эканлигини қайд этиб, кейин сўфийнинг кимлиги, фикр-зикри, мафкураси хусусида ҳам диққат-эътиборни қаратиб, бу борада илмий изланишларини баён этади. Масалан, унингча «сўфий ул киши бўладики, ўзини бутунлай йўқотиб ҳаққа етишиши, мангу ҳаёт топиши ва тобелик чангалидан озод бўлиб, аллоҳ таоло ҳақиқатига уланиши керак» (3,40).

Мана сўфийнинг асл тимсоли ва мақсади қандай экан?! Унинг бутун вужуди ва борлиғи аллоҳ билан банд бўлишидадир ва у аллоҳ

учун курашадиган ва ҳаёт кечирадиган зот. Бу ҳодиса шу даражага етадики, у бу йўлда ақл-ҳушини йўқотиб тирикликда ўлик бўлади ва ёд-хаёлида фақат аллоҳ номи ва унинг зикри бўлиб, у ўзининг тимсолида аллоҳ сифатларини кўради. Бу эса сўфийнинг комилликка эришган даражаси бўлиб, унда сўфий барҳаёт зотга айланади. Сўфийнинг ўзидан бегона бўлиши ва ўзини тамом йўқотиши унинг ҳаёт тобелигидан нажот топишидир. Жумладан, унинг озодлиги мангуликдадир ва мангулик эса аллоҳ билан бирлашиш бўлиб, бу омил сўфий зотининг асл ҳақиқати ва моҳиятини билдиради.

Ҳақиқатга эришган тасаввуфнинг илк намояндалари авлиёмисол сўфийлар эдилар. Улар ҳам бу атама юзасидан баҳс-мунозарага киришиб, сўфийнинг кимлигини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, машҳур мутасаввуф арбоб шайх Зуннун Мисрий ёзади: «Сўфий ул кишидурки, айтадиган сўзи унинг ҳол-аҳволини ифода этса, яъни бўлмаган нарсани айтмаслиги керак ва агар жим ўтирса, унинг муомаласи аҳволдан билиниб турса. Унинг айтгани саҳиҳ ва тўғри, сўзлари буткул ҳақиқий ва феъл-атвори фақирона бўлиши шарт» (3, 41). Бу мисолда сўфийнинг хислатлари ва ташқи муомаласи ифода этилган. Шайх Зуннун Мисрий сўфийларнинг сўфийси эди ва сўфийларни жуда яхши биларди. Шу боис у ўзи ўйлаган сўфий шахсияти ва ўзи амал қилган сўфиёна ҳаёт тарзини бошқаларга намуна сифатида баён этади.

Бу баённомага кўра, сўфий оддий, камтар ва хокисор инсон бўлиб, ҳамиша тўғри фикр юритиши ва тўғри сўзлаши лозим эди. Унинг кимлиги ва яхши муомаласи ўз аҳволдан маълум бўлиши даркор. Яъни сўфий диёнатли, ҳалол ва пок кишидир, ҳалол бўлмаган ишларга қўл урмайди, халқона ва фақирона турмуш тарзи билан яшаб, ҳақиқат учун курашади. Бу инсон эса халқ намояндасидир ва уни ҳақиқий ҳаёт қаҳрамони десак, хато бўлмайди. Шу тариқа, сўфий, ал-Жуллобий фикрига биноан, ҳаққа эришган ҳақпараст киши бўлса, иккинчи томондан шайх Зуннун Мисрий уни халқ қаҳрамонига айлантириб ҳалол ва мусаффо инсон қиёфасида тасвир этади.

Бошқа тасаввуф намояндаси Абулҳасан Нурий айтади: «сўфийлар шундай кишиларки, улар гина кудуратдан холи, нафс балосидан озод ва ҳою-ҳавасдан халосдир. Ҳеч нарса унинг илгига банд эмасдир. Сўфий киши мол-дунё ва зеб-зийнатга мутлақо қарамайди» (3, 42).

Бу парча сўфийнинг кейинги янги хусусиятлари ва ахлоқ-одобидан маълумот беради. Бу мисолда ҳам сўфийнинг ҳалоллиги, комиллиги, ҳар нарсадан озод инсон бўлганлиги таъкидланади. У инсонга бегона ва унинг душмани бўлган нафс омили ва гина-адоватдан юз ўгиради; мол-мулкка, бойликка, мансабга, тиллаларга бефарқ бўлади ва улардан нафратланади. Яъни сўфий аллоҳ каби фард ва ғолиб киши, дунёни тарк этган озод инсон ва комиллик

сифатларини ўзида жам этган киши. Бундай сўфий ҳам халқона сифатлар касб этган ва халқ намояндасига айланган оддий қаҳрамондир.

Кўрамизки, тасаввуфнинг бош намояндаси бўлган ва туб моҳиятини белгилайдиган шахсият-сўфийлар мутасаввуф арбоблар назарида ҳам буткул ҳаётий фазилатлар касб этган инсонлар бўлганлар ва улар амалда халқ билан яшаб, уларнинг орзу-армони ва фикр-хаёлини ўзларига сингдирган аллоҳ қудратидек буюк зотлар эдилар.

Қадимий тасаввуф арбобларидан шайх Шиблий ва Жунайд Бағдодийларнинг фикрига биноан «сўфий ул кишиким, икки дунёда аллоҳ таолодан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди» (3, 44). «Улар худовандга қаратилган бир қавм (гуруҳ) бўлиб, айтадиларки, ёмонликларнинг энг ёмони бахилликдир» (23, 301). Бу баённомада сўфийнинг бошқарув иродаси ва асл мақсади ҳамон аллоҳ эканлиги яна бир бор таъкидланади. Аммо сўфийлар учун бегона ва ножўя хислатлар эса жуда кўп эди ва мазкур кўчирмада улардан биттаси-бахиллик қаттиқ қораланади ва унинг туб зараркунандалиги фош этилади.

XII асрдан кейинги даврлардаги манбаларда сўфий ҳақидаги мазкур фикрлар аксар такрорланади. Аммо уларнинг орасида баъзан қадимги фикрларга аниқликлар киритиш лозим бўлган сўзлар ҳам учраб туради. Хусусан, тасаввуф илми тараққий топгани сари сўфийларнинг сирли ҳаёти янада равшанроқ намоён бўлиб борди ва улар хусусидаги мулоҳазалар алоҳида қолипга киритилиб, қатор моддалар асосида тавсиф этилади.

Жумладан, Ҳусайн Воизнинг «Футувватнома»сида (XV аср) сўфий шахсининг беш маъноси бундай ифодаланади: «биринчи: сўфий зоҳирда қул, ботинда озод, яъни зоҳирини тоат-ибодат билан боғлаб, ботинини барча дунёвий алоқалардан узган шахс; иккинчидан: сўфий ҳеч нарсага гирифтор эмас; учинчидан: сўфий қалби мусаффо, ақли муалло, фазли дарё, кўнгли муҳаббат билан тўлган одамлар; тўртинчидан: тафаккурга мойил, унинг ҳиммат кўзи олдида олтин билан туфроқ тенг бўлмоғи даркор; бешинчидан: сўфий илмуляқиндан айнуляқинга тараққий эта олган одамлар» (15, 185).

Бу моддалар сўфий ҳақидаги махсус дастурдир. Сўфий мана шу кўрсаткичларга амал қилиши даркор ва улар унинг аъмолини белгилайдиган алоҳида омиллардир. Сўфий зоҳирда тирик жонзот, тоат-ибодат қилади, аллоҳ дейди ва зикр билан шуғулланади. Аммо ботинда дунё билан хайрлашган ва уқбони кўзлаган зот. Шундай экан, сўфий озод инсон бўлиб, ҳеч нарсанинг бандига гирифтор эмас, қалбан пок, ақлан расо, илму фазлда ягона ва аллоҳ муҳаббати билан банд шахс. Сўфий шундай зотки, унинг назарида олтин билан туфроқ

баробар, бир хил қийматга эга нарсалар, яъни у энг ҳиммати баланд инсон ҳисобланади. Шу ўринда Ҳофиз Шерозий ижодидан бир байт хотирга тушди. У ёзади:

Онҳо, ки хокро ба назар кимиё кунанд,

Бошад, ки то гўшайи чашме ба мо кунанд.

Яъни: Уларким туфроқни кўз олдимизда кимиё (дори) қилурлар, бўлсаларки биз томонга ҳам бир қиё боқсалар.

Ҳофизнинг бу айтгани ҳам сўфийларнинг авлиё хислатлиги ва олий ҳимматлик одобига оид мулоҳазадир. Сўфийлар авлиёмисол кишилар бўладилар, уларнинг каромати ила туфроқ дорига айланиши мумкин. Ҳиммат бобида улар дарёга ўхшайдилар; диллари нурга тўла ва оламни бир тийинга олмайдиган кишилардир. Шундай комил ва бузрук зотлар олдида албатта туфроқ билан олтин бир хил туюлар ва улар туфроқни дорига айлантирар эдилар. Ёхуд уларнинг бир қиё боқиши ўликни тирилтирарди ва икки оламга барҳам беришга ҳам қодир эди. Шундай қилиб, мазкур гаплардан сўфий шахсининг тимсоли яққолроқ намоён бўлади. XIV асрда улар ҳақида баён этилган Ҳофиз Шерозийнинг фикрлари XV асрда Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан такомиллаштирилиб, яна жозибали бир тарзда баён этилади. Шу билан сўфий ҳақидаги кўрсатма ва қоидалар XV асрга келиб амалда кучга киради ва илмулсўфия деган алоҳида бир тушунча пайдо бўлади.

Юқорида сўфийларнинг махсус либоси-суф (сурп)-жун матодан тикилган тўнани эслатиб ўтдик. Ҳусайн Воиз Кошифий ёзади: «суф луғатда жун ва улар (сўфийлар) аксар жун чакмон кийиб юрганлари боис сўфий дейилган» (15, 186). Бу либос ислом ва кейин тасаввуфнинг пайдо бўлиши билан пайдо бўлди ва ислом давридаги илк сўфийлар, жумладан пайғамбаримизнинг ўзлари ва биринчи халифалари Абубакр, Умар, Алилар ҳам мазкур либосдан тўн тиктириб кийиб юрганлар. Бу ҳақда ал-Жуллобий шайх Ҳасан Басрий тилидан ёзади: «Етмиш дарвештабиат биродарларни кўрдимки, ҳаммалари жун матодан тўн кийиб юрар эдилар ва Сиддиқ Акбар (Абубакр) тажрид (танҳолик) ҳолида сурп матоли жома киярди, инчунин бир мусулмонни кўрдимки, жуда тилка-пора бўлган ва ямалган (руқъаҳои бисёр) гиламга ўралиб юрарди. Умар бин Хаттоб, Али бин Абутолиб ва Ҳасан бин Ҳайён ривоят қилурларки, шайх Увайс Қоранийнинг қуроқ қилиб ямалган жулдур тўни бор эди... Бу пайтда имоми Аъзам Абуҳанифадан ривоят қилурларки-ва бу ривоят Муҳаммад бин Али ат-Термизийнинг «Тарих ул-машойих» китобида келтирилади-у киши ҳам аввалида жун мато-суфдан либос кийиб, хилватнишинлик ихтиёр этган эдилар» (3, 50).

Шу тариқа, сўфийларнинг жун мато-суфдан тикилган либоси узоқ ва қадимий тарихга эга бўлиб, ислом давридан бошлаб юзага

келганди. Сўфийларнинг илк белгиси сифатида агар бу либосга қарасак, биринчи рошидия халифалари ҳам сўфий бўлганлар ва сўфийлик тариқати пайғамбаримизнинг ўзларидан бошланганлиги аниқ эди. Биз сунний мазҳабчиларнинг бош имомимиз Абулҳанифа ҳазратлари ҳам биринчи галда жун либос кийганлари ва хилватнишинлик ихтиёр қилганлари боис сўфий бўлганлар. Бу фикр ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Тарих ул-машойих» китобида келтирилиши ажойиб бир мўъжизадир.

Биринчидан: ат-Термизийнинг мазкур китоби бошқа бирон жойда эслатилмайди ва биз бу китоб номи билан шу ўринда танишамиз. Иккинчидан, мазкур китоб бизгача етиб келмаганлиги сабабли, ал-Жуллобийнинг камтарин хизмати туфайли ундан яқиндан хабардор бўламиз. Учинчидан, XI асрда битилган ал-Жуллобийнинг «Кашф ул-маҳжуб»и ҳалигача тасаввуф тарихига оид форс тилида ёзилган биринчи манба саналарди. Энди эса IX асрда форс тилида ёзилган ат-Термизийнинг мазкур китоби тасаввуф тарихи бўйича биринчи ўринни эгаллайди ва бу ҳусусда илк илмий манба ҳисобланади. Бу муҳим аҳамиятга эга манбада VI-IX асрларда яшаб ижод этган мутасаввуф арбоблар ҳақида тўлиқ маълумот бор эди ва ал-Жуллобийнинг тасаввуфона асарини озиқлантирган биринчи китоб ҳам албатта шу ал-Ҳаким ат-Термизийнинг мазкур китоби бўлганди.

Мазкур матнда руқъа сўзи қуроқ шаклида, сўфийларнинг ямалган жулдур хирқасига оид ишоратдир. Сўфийларнинг жун тўн кийишлари бир гап бўлса, бу тўннинг парчалардан иборат бўлиши ва уларнинг ҳар хил рангли қуроқлар билан ямалишида ҳам ҳикмат бор. Бу ҳолатларда сўфийнинг сурп тўни хирқа, мураққа, руқъа деган номлар билан тилга олинади. Ҳусайн Воиз хирқани бундай таърифлайди: «хирқа луфатда ямоқ, қуроқ тўн, истилоҳда дарвешларнинг эски ва йиртиқ тўни, турли матолардан ямалган тўн» (15, 208). Аммо бу тўнни сўфийларнинг одатига кўра фақат ҳақиқий сўфийлар, даража топган дарвешлар ва шайхлик мансабига эришган зотлар кийишлари мумкин эди.

Тасаввуф йўлига эндигина қадам қўйган мурид, шогирд, солиқлар аввалида тўнсиз оддий либосларда юрардилар. Булар бир неча вақт тарбия кўргандан сўнг пир яъни шайх қўлидан хирқа кияр эдилар ва шу билан сўфийлар сафига кирардилар. Шайх муриднинг ҳақиқий ва амалий фақру фаноси ва ўзига буткул тобелигини ҳис қилгани билан унга хирқайи муборак кийдиради ва мурид шайхнинг пок нафасидан баракат топади. Кейин хирқа кийган солиқ унинг тўрт фазилатидан огоҳ ва баҳраманд бўлади. Масалан, улардан биринчиси бутун борлиғи билан аллоҳни севиши, иккинчиси унинг ишқ-муҳаббати билан ёниб куйиши, учинчиси бу шартларни бекаму кўст бажариш учун ҳою ҳавасдан воз кечиши ва тўртинчиси доимий равишда пирлар суҳбатига

амал қилиши эди. Ҳусайн Воиз эса бу тўрт моддани хирқа сирри деб атаб, уларни иродат, эҳсон, фазилат ва фарз деган номлар билан тилга олади (15, 211).

Шундай қилиб, жун тўн, желак ёхуд чакмон сўфийларнинг-тасаввуф намояндаларининг махсус либоси бўлиб, уни ички либосларнинг устидан кийиб юришарди ва бу ҳолатни кўрган киши сўфийнинг сўфийлигига ишонарди. Бу тўн суф-сурпдан тикилган олақуроқ ямоқ бўлган жулдур матодир. Халқ назарида бу олақуроқ йиртиқ тўн ажойиб бир тарзда намоён бўларди ва у кўнгилга ваҳима ва қўрқув ҳам соларди. Сўфийнинг асосий мақсади ҳам шу эди. У нафақат ички дунёси, балки ташқи кўриниши билан ҳам оммага таъсир этиб, кейин хоҳлаган ишини бажарар эди.

Бас шундай экан, сўфийларнинг сафида риёкор ва фирибгар сўфийлар ҳам, кам бўлса-да учраб турарди. Нопок мақсадларига эришиш учун жун матога ўраниб, ҳаром ишлар билан шуғулланган сўфийтарош кишиларнинг сони ҳам соноқсиз бўлган. Аммо улар доимо ҳалол сўфийларнинг танқидига гирифтор бўлганлар. Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги байти мана шундай нопок сўфийларни фош этишга қаратилган бир дастур бўлган:

Пашминапўши тундхў, к-аз ишқ нашнидаст бў,

К-аз ҳастиаш рамзе бигу, то тарки айёрий кунад.

Мазмуни: жун мато кийган мағрур зот у, аммо ҳақиқий ишқ (илоҳий ишқ) фазилатидан хабарсиз у; Бу ишқнинг мангулигидан уни огоҳ қилғил, токи айёрлик-фирибгарликни тарк этсин. Яъни ҳақиқий ишқ йўлига кирсанг, жун мато сиррига амал қил, мағрурлигу найрангдан воз кечиб, ўзингдан огоҳ бўл, дейди улўғ шоир. Ҳофизнинг ўзи эса сўфийларнинг бош қаҳрамони эди ва шу боис сўфийтарош ғаламисларни ёқтирмасди. У худо йўлида ҳалоллик, мустаҳкам иродат ва чексиз муҳаббат билан яшарди.

Сўфийларнинг жун желакдан ташқари, уларнинг бошқа фарқли кийимлари ҳам бор эди. «Футувватнома» да тавсифланишича (15, 211-212) бош кийимлари номи кулоҳ бўлиб, унинг устидан баланд кўтарилган нарса кияр эдилар. Кулоҳни ўраб олган оқ дастор-салла. Бу қиёфага мос равишда жун мато (пашм) дан тикилган олақуроқ тўн ҳам аксар оқ рангда бўларди. Сўфий табиатан бошдан оёғигача оқ либосга ўралган фаришта хислатли шахс сифатида кўриниши керак эди ва бу сифат уларга салобат, бузрукворлик, ғурур ва тафриқа бахш этарди.

Сўфийларнинг зикр усули жуда мураккаб бир жараён эди ва бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз. Оддий шариат қоидалари-намоз, рўза, ҳаж ва ҳакозолар барча мусулмонлар каби сўфийларнинг ҳам расмий одати эди ва улар бу фарзларни ҳамиша бажарардилар. Намоз пайтида ёйилган белбоғ-жойнамозни сўфийлар сажжода дердилар. Яна бир кийим-ридо сўфийларнинг ташқи кўринишига яна-да салобат

бахш этарди. Ридо-хирқага ўхшаган жун желак эди. Фақат юпқароқ, енгилроқ, ихчамроқ бўлиб, енгсиз ҳолатда елкага эркин ташлаб юрардилар. Сўфийларнинг оёқ кийими эса махсус ишлов берилган чармдан тикилган кавуш эди. Қўлларида сабҳа номи билан аталган тасбеҳ доналари айланиб юрарди. Сўфийнинг ташқи қиёфаси асосан шу, аммо ички дунёси орифона фикр-хаёлга ўралган ва аллоҳ ёди билан банд бўлган сержило ва мавҳум бир олам оғушига фарқ эди.

ШАЙХ ВА МУРИДЛИК ОДОБИ

МУРИД ҲАҚИДА

Ўтган фаслларда шайх ва муридларни тасаввуф маслагининг асосий намояндалари сифатида тавсиф этдик. Шунини айтмоқчимизки, мулла, руҳоний, имом ва муфтиларни шайх ва мурид деб билиб, бу номларни бир-бирига аралаштириб юбориш мумкин эмас. Мулла, имом, руҳоний, муфтилар диний мансаблар, аммо шайх, мурод, мурид, муршид, пир, сўфий, авлиё орифона номлар. Шу боис булар халқ назарида бир-бирига яқин бўлсалар-да, табиати ва мафкураси бўйича ўз навбатида бир-биридан фарқ қилади ва ҳатто ораларида баҳс-мунозара ҳам бўлиб туради.

Шайхлар қадимдан халқ орасида эшон номи билан машҳурлар. Авлиё мансабига эришган, ҳаққа етишган ва камол топганлари боис шайхларнинг номларини тилга олиш гуноҳ эди. Шунинг учун ўша бузрук ва табаррук инсонларни эшон (алар) деб аташ расм бўлди. Бу удум эса ҳалигача давом этаяпти. Аммо бугунги эшонлар шайхлик мақомига эришган кишилар эмаслар. Ҳозир хусусан, Марказий Осиёда ҳақиқий шайх ёхуд авлиёни топиш амри маҳол. Улар ўтмишда мавжуд эдилар. Лекин ҳаққа эришган улуғ шайхларнинг авлодлари бугунги кунда ҳам бор. Улар энди ташқи кўринишлари билан оддий халқдан фарқ қилмайдилар. Лекин уларнинг аجدодларига қараб ва ўтган зотлар ҳурмати учун авлодларни эшон деб аташ анъанага кириб қолган. Ҳозирги эшонларда ҳам худди салафлари каби кароматлар кўрсатишга интилиш, азайимхонлик ва жаҳрлар ўтказиб, радди балога эътибор бериш мақсадида жисмоний ва маънавий тарзда тазъийқу тарбия усулларини қўллаш бугунги кунда ҳам мавжуд.

Мурид ҳақидаги фикримизни давом эттирамиз. Мурид шайхнинг шогирди. У тарбия олиб дарवेशлик рутбасини топади ва шайхнинг халқасини ташкил этади. Етти йилга мўлжалланган тарбия муридни тариқат йўловчисига табдил этиб, ҳақиқий соликка айлантиради. Бузрук шайхларнинг муридлари кўп бўларди. Масалан Жунайид Бағдодийга ўхшаган, уларнинг айримларининг тўрт юзгача

муриди бўлган. Саҳл Тустарий (23, 213) ва Мансур ҳаллождлар хизматида ҳам тўрт юздан зиёд муридлар айланиб юрган.

Ҳамиджон Ҳомидий «Тасаввуф алломалари» китобида Ҳожи Халфанинг «Райҳонат ул-адаб» тазкирасида истинод қилиб айтадики, XI-XII асрларда яшаган машҳур шайх Аҳмад Жом Жандапил (1049-1141) «қирқ ёшида уч юз олтмиш минг шогирд ва муридни ўзига эргаштира олган буюк авлиё эди» (27, 97). Бу фикр албатта муболаға бўлиши мумкин, аммо ҳар ҳолда шуниси аниқки, Жандапил (мастфил) га, Жунайдага, Саҳлга ва Ҳалложга ўхшаган улуғ шайхларнинг муридлари тўрт юз, беш юз, ёхуд минг адад эмас, балки ундан ҳам ортиқроқ, яъни сон-саноксиз эди.

Ҳисоби йўқ бу муридлар шайхларнинг ҳақиқий кўриқчисирмиясига айланиб кетган. Шундан кейинги асрларда шоҳлару ҳокимлар шайхларнинг каромати ва армиясидан кўрқиб, истиҳола қилиб, уларга сиғиниб, ҳурмат-иззат қилардилар, оёқларига ожизгина бош қўярдилар. Шайх шогирдларига мунтазам таълим берарди ва уларни қатъийлик билан маърифат йўлига бошларди. Айримларининг шайхлик мақомига кўтарилишига ёрдам берарди. Бу гуруҳнинг асосий муассасалари хонақоҳ эди. Хонақоҳлар ибодат, иршод, тавба ва зикр учун сўфиёна диний услубда қурилган махсус бино эди ва ички ва ташқи хусусияти ва кўриниши билан масжиду мадрасалардан фарқ қиларди. Тўрт бурчакли ёхуд айлана тарзда қурилган бўлиб, қубба ва гумбази бор эди. Хонақоҳни одатда шайх ўз ҳисобидан қурарди. Баъзан амалдорлар, ҳокимлар ва давлатманд бойлар савоб олиш ва диний-сўфиёна иршодга ёрдам бериш мақсадида шайхларга хонақоҳ қуриб берардилар. Хонақоҳлар назру ниёз ҳисобидан яшарди. Уларга ер участкалари, боғ-роғлар, чорва моллари ва бошқа нарсалар тақдим этиларди. Хонақоҳга даромад ёмғирдай ёғиларди, аммо унинг харажати ҳам кўп бўларди. Пуллар дарвешлару қаландарлар овқатига, жулдур кийим-кечагига сарфланарди, шайхнинг шахсий хазинасига кетарди, бева-бечораларга ҳадя қилинарди. Сўфиёна шеъриятда эса хонақоҳнинг рамзи майкада, майхона, дайр, харобот сўзлари билан ифодаланади. Мана шу хонақоҳларга йиғилиб, шайх атрофида ўралашиб, тавба-тазарру ва зикр билан машғул бўлиш муридларнинг кун тартибидаги вазифаси эди. Муридлар бардам, бақувват, соғлом йигитлар бўлардилар. Улар ҳар хил азоб-уқубат ва машаққатларга чидардилар ва шайх иродасидан, унинг хоҳишидан бир қадам ҳам четга чиқмас эдилар.

Ҳусайн Воизнинг айтишича, мурид метин иродали бўлиб, тариқат йўлига ихлос билан кириши керак эди, чунки ҳақиқий иродат уни саодатга олиб борарди (15, 192). Жумладан мурид ва унинг тимсоли, ахлоқ-одоби ва сифатлари ҳақида Ҳусайн Воизнинг кейинги фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга: «Мурид луғатда истовчи, хоҳловчи,

тариқатда нафснинг барча истакларидан қутулган одам. Бундай одам пирнинг хоҳиши билан иш юритади. Муриднинг ўнта сифати бор: масалан у балоғат ёшига етиши, оқил, муслим, талабгор ва жид-жаҳдли бўлиши даркор, пирга нисбатан ихлос қўйиши, тобе ва садоқатли бўлиши шарт, зеҳни ўткир, ўзи зийрак, қабул этиш қобилияти баланд, қаноатпеша бўлиши керак» (15, 192).

Мана шу шартлар тўғрисида оддий шахс мурид бўла олади ва шайх уни шогирликка қабул қилади. Муриддан талаб қилинадиган биринчи вазифа унинг «нафснинг барча истакларидан қутулганидир». Нафсини ўлдирмаган, ундан воз кечмаган ва қутулмаган мурид мурид эмас. Шайх уни тез орада рад этади ва лозим топса, ҳатто жазолайди. Шу ўринда эслатиб ўтамизки, Бобораҳим Машраб Қошғарга бориб машҳур шайх Офоқ Хўжага мурид бўлган онларида муридликнинг асосий шартли бўлган нафси амморани енгмаган эди ва шу боис шайх қувғинига гирифтор бўлди. У очикдан-очик канизакни севиб нафс балосига йўлиқди ва хатога йўл қўйди. Машраб албатта ўз хатосини англади ва шайх унга қанча азоб берган бўлса, чидади. Кейинроқ у бундай гуноҳларга ўзи тамоман чек қўйди ва муридлик даражасидан ўтиб ҳақиқий шайхлик мақомига эришди. У юзлаб муридларни рисоладагидек қонун-қоидалар асосида тарбиялади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, юқорида келтирилган парчада муриднинг ўнта сифати белгиланади. Аммо аслида бу сифатлар хийла кўп бўлиб, уларнинг сони саноксиз. Мурид бутун борлиғи ва сифатлари билан ҳақиқий муслмон ва садоқатли инсон бўлиши шарт. У қийинчиликлардан ҳеч қачон қўрқмайдиган мағрур шахсдир. Унинг тоғдай юраги, шердай куч-қуввати, фариштадай феъл-атвори, тошдай мустаҳкам иродаси, чўғдай ярқираган кўнгли бор; нафаси пок, тили ўткир, нияти холис, дили, қўли, кўзи-бутун борлиғи ҳалолу мусаффордир. Шу сифатлар ила у шайх шогирдликка лойиқ бўла олади ва шайхнинг қўлидан нажот топади. Нафсни енгиб, қаноатга берилиб, жид-жаҳд билан риёзат йўлига тушиш навқирон мурид йигитга албатта осон эмасди. Аммо ана шу қийинчиликлардан ўтиб, кейин мақсадга эришиб фароғат топиш ҳар бир муриднинг орзуси ва бош вазифаси эди, зеро шуларни бажаргандан сўнг комилликка эриша оларди ва шу асосда унинг сўфиёна садоқати ва мақсади ҳосил бўларди.

Ҳусайн Воиз «Футувватнома»да муридлик бобида хийла сўз юритади. У муридлик сифатларини белгилагандан кейин унинг ўзига хос одоби бўйича яна етти моддадан иборат шартларини айтиб ўтади. Чунончи унинг айтишича, мурид ўз фаолиятида мана бу шартларга ҳам риоя қилиши даркор: «Ишга ниҳоятда пухта, сулуқатда пок эътиқодли бўлиши, пирнинг назарига тушгач ўз одатларидан воз кечиши, ножоиз нарсалардан кўз юмиши, эшитилиши ножоиз нарсалардан қулоқ

беркитиши, қилиниши манъ этилган ишлардан қўл тортиши, пирнинг мухолифатлари билан муомала қилмаслиги керак» (15, 193).

Мурид учун белгиланган бу шартлар аслида ҳамма учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир инсон агар уларни бажарса, ҳаёт янада гўзалроқ кўринади, унинг манфаати кўпроқ тегади. Аслида поклик, пухталиқ, ёмон ишларга қўл урмаслик ҳар бир йигит-қизнинг бурчидир ва булар ҳозирги кунда ҳам инсон учун энг зарурий талаблар ҳисобланади. Аммо мурид уларни «чуну чаро» яъни «нима, нима учун» демасдан бажариши зарур эди. Шунда у ҳақиқий мурид сифатида шайхнинг назарига тушарди ва кейин шайх томонидан хирқа (сўфиёна тўн) кийдириларди.

Инсон тирик жонзот. Унинг тарафдорлари ва мухолифлари ҳам кўп бўлади. Хусусан, улуғ инсонлар, жумладан руҳоний пирлару шайхларнинг ҳам рақиб ва ғанимлари бор эди. Шу боис пир ўз муридига мухолифлар билан муомала қилмасликни энг муҳим талаб деб белгилайди ва шу билан муриднинг садоқатли бўлишини хоҳлайди. Мурид пирга нисбатан жонкуяр бўлиб, керак бўлса у пир учун ўз жонини ҳам фидо қилади. Унинг душманларига нафақат қўшилмайди, ёхуд улар билан сирдош бўлмайди, балки шайх учун унинг ғанимларига нисбатан беомон бўлиб, уларга қарши курашади ва уларни фош этади. Мурид пирнинг фидойи (фанатик) аскардир. Пир уни қанча тарбиялаб даражаларга етказса, мурид ҳеч қачон пирдан юз ўгирмайди, балки ўлгунича уни ҳурмат қилиб, хизматида бўлади.

Бу одоб эса турли воситалар асосида амалга оширилади. Масалан, шайх тарбия пайтида муриднинг ақлий-мантиқий тафаккурини бартараф этиб, унга ҳиссий туйғуларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бу усул орқали мурид охир-оқибат ақлдан бегона бўлиб, ҳиссиёт билан иш юритади ва тилию дили аллоҳ ҳаёли билан банд бўлади. Унинг кўнглида мусаффолик ва шаффофлик нафосати барқ уради. У пок, соф ва зилол бир вужудга айланади. Шунда мурид нур жилвасини сезиб, маърифат йўлига қадам қўяди.

Бу йўл-йўриқ шайхнинг тинимсиз ва ҳаракатчан фаолияти туфайли бажарилади. Шайх муриднинг йўлбошчиси сифатида уни ҳақиқий манқуртга айлантириш учун жазм қилади. Ва мурид фақат ўз хўжайинини таниб, у орқали аллоҳни билиб, ўзига тегишли жамики ишларни, ҳатто ота-онасини ҳам фаромуш этади. Бундай тарбия шайх томонидан кароматлар кўрсатиш, тариқат қоидаларини амалга жорий этиш, муридни сомеъ (эшитувчи) ва итоаткор қулга айлантириш ва мурид томонидан аллоҳ номини ҳар дақиқада юзлаб маротаба тилга олиш, шайх раъйдан бир қадам ҳам четга бурилмаслик, туш ва рўё ҳолатларига берилиш, керак бўлса, танбеҳ ва маломатларни эшитиш, доимий равишда муроқаб ва зикрга машғул бўлиш йўли билан ўтказилади. Шулар асосида шайх муридни имо-ишора, мимика,

пантомима, рақс, ҳаракат, телбалиқ, ўйин каби омилларга машғул этади; уни эътиборсизлик ва бепарволикка чорлаб, миясини дунёвий хом-хаёллардан холи этади ва муаллақ бир жинсга айлантиради. Шу туфайли муридда ҳақиқий сўфийлик хусусиятларини уйғотишга муваффақ бўлади ва бу эса шайхнинг муридга нисбатан қўллаган тарбия усули ҳисобланади.

Мурид ва пир муносабатлари ва маърифий алоқалари шундай йўллари усуллар билан жараён топарди. Бу тушунча бир-бирига боғланган тугуни йўқ абрешим (тола) ипга ўхшаб кетарди. Бу ип учини жиндақ тортсанг, у охири билан пайванд бўларди. Пиру мурид ажралмас яқин дўстлар ва мурид аксар пир учун бир восита, унинг вужуди, фаолияти, бутун борлиғи пирга тааллуқли (тегишли)дир. Мурид пир паноҳида вояга етади, бахт-саодат топади, хонақоҳ соҳиби бўлади, шайхлик рутбасини эгаллайди ва охирида ўзи ҳам пири комил сифатида иш юритади.

Тасаввуф талабига мослашган пиру мурид муносабатлари, муриднинг шахсий сифатлари ва фаолияти ана шулардан иборат. Ҳусайн Воиз Кошифий тасаввуфшунос олим сифатида муриднинг шахсий хусусиятлари ва одоб-ахлоқидан ташқари, унга тегишли бўлган яна олтига рукни кўрсатиб ўтади. Булар «итоат этмоқ, рост сўзламоқ, вафоли бўлмоқ, насихатга қулоқ солмоқ, сирни сақламоқ ва дилозорлик қилмасликдир» (15, 193).

Кўрамизки, муридга тегишли сифатлар ўртасида такрор моддалар мавжуд. Аммо моддаларнинг такрор бўлиши муридга қаратилган сўзларнинг қатъийлигига ишорадир. Масалан мурид олдида итоаткор ва сирни сақлай олиш қобилиятига эга бўлиш каби хусусиятлар биринчи вазифадир. Агар мурид бу қоидаларга бўйсунмаса, у мурид бўла олмайди. Муриднинг итоаткорлиги худди шайхнинг олдида ётган мурда каби бўлмоғи даркор. Шайхнинг иродаси ва раъйдан ташқари у бир қадам ҳам қўймайди, шайхга нисбатан бутун вужуди билан тобе бўлади. Сир-синоат ғаройиб бир омил. Уни сақлаш ҳаммининг қўлидан келмайди. Барибир сир ошкор бўлади. Ҳофиз Шерозий айтади: «Дил меравад зи дастам, соҳибдилон худоро, Дардоки рози пинҳон хоҳад шуд ошкоро». Яъни: Дилим қўлимдан кетаяпти, эй дил эгалари (орифлар) худо ҳаққи, буни тушунинглар, зеро дариф-дард бўлсунки пинҳон қолган сир ҳеч қачон пинҳонлигича қолмайди. Яъни Ҳофиз айтмоқчики, мен ошиқ (бедил) бўлдим ва шариатда ошиқликнинг манъ этилганлиги боис, бу сирнинг ошкора бўлишидан қўрқаяпман. Демак, тариқат йўлига кирмоқчи бўлган шоир, шариатга зид удумларга кўникиши керак ва шу боис шариат талабларидан воз кечиш унга осон эмас ва бунинг азобини тортиши даркор: муҳолифат, тўсиқлик, таъна-маломат, аммо аллоҳ ишқи билан банд юрак улардан истиҳола қилмайди, ориф бўлиб, маърифатга эришади.

Шу тариқа, Ҳофиз Шерозий орифона сир-аллоҳга кўнгил боғлаш ҳақида ҳикоя қилади. Бу сирни пинҳон тутиш мушкул, у суқр ҳолатига тушиб, инсонни маҳв этади ва фано-бақо йўли шу бўлади. Бундай орифона маъно тасаввуфнинг асил моҳиятидан келиб чиқади ва унинг бошловчи намояндаси-мурид сир сақлагувчи инсоннинг асл тимсоли бўлиб қолади. Аммо пирга нисбатан муриднинг сир сақлаши унинг бош вазифаси ҳисобланади. Ҳеч қачон ва ҳеч ҳолатда пирнинг сир-асрорини фош қилишга, ёхуд айтишга унинг ҳаққи йўқ ва бунга у журъат қилолмайди ҳам. Акс ҳолда пир шу заҳоти уни мардуд (рад) этади.

Аммо пирнинг сирни жуда кўп эди. У ўзича ривоятлар топиб, баъзан ножўя ва манъ этилган ишларга ҳам қўл уриб қўйиши табиий. Баъзи шайхтарош пирлардан эса буни кутиш мумкин эди. Бу ҳолатларни кўрган ёхуд ҳис этган мурид кўз юмиб ўтиши керак ва уни сир сифатида сақлаши лозим. Аммо шайхнинг сўфиёна ҳаракатлари ҳамон сўфиёна сир бўлиб қолади. Масалан зикр пайтида шундай кароматли ҳолатлар ҳам юз бериши мумкин эдики, ундан муридлар талваса ва ҳайратга тушар эдилар ва бошқалар-да ул ажойиботни кўрмас эдилар. Шунда сир ҳосил бўларди ва уни каромат кўрсатиш учун эҳтиёт қилиш шарт эди. Шу боис сир сақлаш мурид учун асосий вазифа бўлиб уни бажариш ҳаётини эҳтиёжга айланарди.

Муриднинг аҳд-вафоси, тили ва дили пок ва рост бўлиши, насиҳатга бўйсунуши ва дилозорлик қилмаслиги унинг итоаткорлиги ва сир сақлай олиши билан боғлиқдир. Шундай қилиб, мурид мутлақо хатога йўл қўймайди, унинг вужуди гавҳардек тоза, зилол сувидек озода ва кўнгли метиндек мустаҳкам бўлади. Раҳимдиллик унинг асосий хусусиятидир, у шайхнинг қурбонига айланган мавжудот эмас, балки унинг мусаффо ва покланган кўзгусига тенг инсон қиёфасида зухур этади. Бу манзарани муриднинг кейинги беш хислатидан ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳусайн Воиз ёзади:

«Пок юриш, жавонмард ва маломатий хислатларга эга бўлиш, қаландар сифатли, шижоатли ва жасур бўлиш, ўзини хотиржам тутиш, ниёзманд ва дийдор талаб бўлиш муриднинг хислатларидир» (15, 193). Кўрамизки, муриддан қилинадиган талаб ниҳоятда оғир ва қатъий эди. Шунинг учун ҳам мурид бўламан деганлар ўтмишда сон-саноксиз бўлсалар-да, аммо улардан айрим фидойи (фанатик)ларигина бу йўлга кира олардилар, холос. Шуларнинг ҳисобидан ҳар бир шайх ёхуд пир юзлаб муридга эга бўлар ва улар шайх атрофида халқа тузиб юрар эдилар. Шайхнинг муриди бутун борлиғи билан поку ҳалол, куч-қувватга эга паҳлавон, ғайрати ва шижоати бор йигит бўларди. Аммо шундай бардам, соғлом ва паҳлавон йигит бошини эгиб, ҳурмат-иззатни жойига қўйиб, раҳимдиллик билан юрарди. Маломатий

қиёфага кириб, қаландарона ҳаёт кечириш унинг асосий хислатларидан эди.

Қаландар ва маломатий озод ва эркин инсонлар эдилар. Уларнинг юриш-туришлари ва кун кечириши дарвешона бўларди ва шу боис бошқалар назарида улар масхара бўлишлари ҳам табиий бир ҳодиса эди. Аммо фақат шу каби хислатларга эга мурид шайхга маъқул бўларди. Яъни дунёнинг энг яхши ва эзгу хислатлари мурид тимсолида зухур қиларди ва шу билан тасаввуфнинг тамоман ахлоқий хусусиятларга эга бўлиши ва тоза ахлоқ илми эканлиги яққол намоён бўларди. Мурид тасаввуф намояндасининг энг оддий кишиси, унинг биринчи шогирдидир. Агар шогирд шунча фазилатлар эгаси бўлса, унинг пирларию авлиёлари қандай экан?! Булар ҳақиқатан инсон зотидан ўтиб, ваҳдатга эришган илоҳий қудратли хислатларни касб этган ва улўф фазилатлар соҳиби бўлган кишилар эдилар, албатта.

Юқорида кўриб чиққан масалалар, жумладан муриднинг сифатлари, одоб-ахлоқи, рукнлари ва хислатлари ҳали унинг ташқи дунёсига мансуб бўлиб, зоҳирий хусусиятларига оиддир. Муриднинг ички дунёси ва унинг ботиний зийнати қўйидаги принциплар асосида белгиланади. Чунончи мурид қўйидаги сифатларни забт этиши ва улар оғушида яшаши керак: «зуҳд, тақво, мушоҳада, нафсни енгиш, беминнат хайру эҳсон қилиш, ишга садоқатли бўлиш, илм эгаллаш, одобга риоя қилиш, мулойим хулқли, инсофли, фидойи ва беозор бўлиш, камгапликка, олий ҳимматликка интилиш, омонатни сақлай олиш, раҳм-шафқатли бўлиб, ота-она, пир-устоз раъйидан чиқмасликка ҳаракат қилиш» (15, 193).

Ниҳоят мурид ташқи дунёсини барча нопокликлардан тозалаб, фариштахулқ зот бўлгандан сўнг тасаввуфнинг илмий ва мантиқий қонун-қоидаларига бўйсуниб, ич-ичидан бу илмни ўзлаштириши ва шу билан сўфийлик мансабига эришиши даркор бўлади. Бу принциплар зуҳду тақво ва уларнинг кейинги босқичларига майл қилишдан иборат. Масалан, мурид зоҳидона ҳаёт йўлини ихтиёр этиб, сўфиёна тақводорликка киришади, хонақоҳда зикр билан шуғулланиб жид - жаҳд кўрсатади, илмга интилади. Хонақоҳ эса унинг асосий манзили. Унинг саҳнида ҳалқа тузиб ўтиради ва минбарда ўтирган шайх суҳбати (амри маъруф) ни бутун вужуди қулоққа айланиб тинглайди. Шу ҳолатда у икки қўлини тиззасига қўйиб баъзан муроқабага кетади, ўй-хаёл суради, баҳс - мунозарага тушади, баъзан телбалик ҳолатида рақсу ўйин ҳам қилади. Энг муҳими, мурид бу орада барча ҳаром хислатлардан юз ўгириб, поклик ва софлик томон интилади. Жумладан, у биринчи бўлиб нафсини ўлдиришга ва ундан абадий қутилишга ҳаракат қилади. Муридликдан талаб этиладиган бошқа одобларни ҳам хусусан, хайр - эҳсон, олийҳимматлик, юмшоқлик, фидойилик, раҳимдиллик, ҳурмат ва иззатни ўрнига қўйишга астойдил

киришади. Шу билан мурид ушбу маслакнинг барча ахлоқий принципларини эгаллаб, сўфиёна тафаккур билан кун кечиради ва ўз мақсадига эришиш ниятида доимий ҳаракатда бўлади.

Манбаларда муриднинг нафақат ижобий хусусиятлари ва эзгу ниятлари кўрсатилади, балки унинг қайси ножўя ишларга берилмаслиги ва нималардан ўзини тийиши ҳам таъкидланади. Бу хусусда яна Ҳусайн Воизга - мурид ҳақида энг кўп фикрлар баён этган тасаввуфшунос олим сўзларига қулоқ соламиз. Унингча мурид кейинги ўттиз салбий омиллардан холи бўлиши талаб этилади. Булар: «бойликни, мансабни, шухратни севиш, гўзалларга нопок ният билан майл қилиш, ҳирс, ҳасад, макру ҳийла, кибру ҳаво, гина - адоват, фисқ - фасод, очкўзлик, ғафлат, шак - шубҳа, такаббурлик, ёлғон, бўхтон, нифоқ, риё, ҳаромхўрлик, ҳавас, тамаъ, ўйин - кулги, бадниятлик, тоат - ибодатда қусур кўрсатиш, фаҳш, иккиюзламачилик, айғоқчилик, бировдан айб қидириш, ғаламисликдан юз ўгириш»(15,194).

Шундай қилиб, мурид қанча ҳалол, пок ва тоза бўлса, шунча комилликка йўл топади. У барча ман этилган ишлардан воз кечиб, фақат ва фақат яхшилик кўрсатади, яхши хулқ, яхши ният, яхши мақсад муриднинг асосий хислатлари бўлади ва шу тариқа обрў - эътибор ва фазилат топади. Юқорида муридни йўлдан урадиган ва унинг манфаатига мос келмайдиган барча салбий хислатлар саналди. Уларнинг аксарияти одамларда мавжуд ва кўп кишилар шу фазилатлар билан яшайди. Чунончи: бойлик, мансаб, шухрат, фаҳш, такаббурлик, тамагирлик, ўйин-кулги каби хислатларни одамлар ҳатто севишади ва уларга интилади. Ёлғон, нифоқ, риёкорлик, ҳаромхўрлик, иккиюзламачилик ва бошқа хусусиятлар ҳам инсон зотига бегона хусусиятлар эмас.

Бас шундай экан, шайхнинг ўз шогирди муриддан қилинадиган талаблари танҳо ўша мурид учун бўлмаса керак. Агар ўша мурид мазкур салбий хислатлардан воз кечса ва уларга ҳеч қачон интилмаса, у ҳақиқий инсон бўлади, аммо агар бошқалар ҳам улардан юз ўгирсалар, олам сўзсиз гулзорга айланарди. Демак, тасаввуфнинг асил мақсади ва маслаги дунё миқёсида поклик ҳалолликка чорлаш, яхшилик ва эзгулик сари интилиш, инсон зотига бегона бўлган барча ёмонликлару қабоҳатлардан юз ўгириш ва уларни рад этишдир. Шундагина инсонлар ўз яратгани каби ҳурсифат хислатлар оғушида тинч яшайди, шайтон макридан қутилиб, асл манбаи - илоҳиятга қайтади. Мурид эса шайхона хислатлар касб этиб, валоятлик мақомига эришади. Бу омиллар эса олам аро сир - синоат бўлиб, ўша сир тасаввуфнинг бош рамзи ва унинг ички нафосатидир.

Шундай қилиб, шайх ва муридлик муаммоси бўйича муридлик касби ва унинг фазилатлари аниқ равшан бўлди. Энди муриднинг

устози ва тарбиячиси - шайх ҳақида ижмол тарзда бир неча сўз айтишга тўғри келади.

ШАЙХ ҲАҚИДА

Юқоридаги кўрсаткич ва тафсилотларимиздан қисман маълум бўлдики, шайх ким, унинг мақомати нимадан иборат. Аммо бу ўринда манбалар асосида яна қуйидаги маълумотларни тақдим этсак, ёмон бўлмайди. Ҳусайн Воизнинг «Футувватнома» да ёзишича, «шайх сўзи луғатда кекса ота, истилоҳда камолот даражасини эгаллаган киши» (15,189). Шайхлик шартлари эса қуйидаги моддалардан иборат: яъни пок эътиқодли, илмли, ўз аҳдида устивор, сахий, шижоатли, олийҳиммат, меҳрибон, ҳалим, кечиримли, латифхулқ, қўли очиқ, ҳимматли, мураббий, ҳирси йўқ, осойишта, салобатли, одобли киши бўлиши даркор (15,190). Демак, шайх энг улўф инсон ва намуна учун яратилган мўътабар зотдир. Унинг илм ва маърифатда бўлган камолоти барча муридларга намуна ва у ҳаққа эришган, ҳақ дийдорига тўйган ва ҳақдан сўзлагувчи муҳтарам шахс. Шайхнинг тарбиясини олган шогирд сўзсиз мансабларга эришади, камолот топади. Зеро, шайхнинг эътиқоди пок, илми тенгсиз, ҳиммати олий, хулқи намунавий, тарбияси ўткирдир.

Шайх зоҳирда оддий кўринади, аммо ботинда ҳайбатли киши; ҳайбат эса унинг каромати. Масалан шайхнинг ташқи кўринишидан, қиёфасидан ваҳимага тушиш табиий бир ҳол. Бунинг акси шайхнинг ёқимли суҳбати, йиғи аралаш зикри, раҳму шафқат ва фазилатларга бой хусусиятидир. Бундан ташқари шайхнинг асосий хислати унинг олий ҳимматлиги, қўли очиклиги, кечиримли бўлиши ва ҳирсу ҳаваси йўқлигидадир. Хусусан бойлиги ва мол - мулки бор шайхлардан бу омиллар алоҳида талаб қилинади. Шайх шулар натижасида шайхлик бурчини адо этади ва унинг муриддан қиладиган талаблари муваффақиятли бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, шайхнинг ўзи сўфийлик ақидаларига амал қилгандагина унинг ҳукми муридга ўтади ва мурид унинг талабларини сўзсиз ижро этади. Шу боис шайхлардан талаб ниҳоятда катта ва жиддий эди, шунинг натижасида юзлаб муридлар орасидан бир киши шайхлик мақомини эгалларди. Бир мисол келтирамиз. Ўтмишда, ислом мафкураси ривож топган асрларда, шайх, пир, муршид, шайхулислом, авлиёлар етишиши муаммо эмасди ва бунга катта ва очик равон йўл мавжуд эди. Хонақоҳ ва савмаада улўф шайхлар қўлида минглаб муридлар тарбия топиб, улар тез орада шайхлик мақомини эгаллаб, ўзларига янги-янги хонақоҳлар очар эдилар. Аммо шундай бўлса ҳам манбалардан шу нарса аёнки, улўф шайхлару авлиёларнинг сони дастлаб унча кўп бўлмаган. XII асрда

ёзилган «Тазкират ул-авлиё»да жами бўлиб тўқсон етти шайх ва XV асрда ёзилган Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» ва Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ида етти юздан кўпроқ шайхлар номи рўйхат қилинган. Яъни VI асрдан XV асргача бўлган ораликда етти-саккиз юз шайхлар билан танишишимиз мумкин.

Аммо ўрта асрларда шайхлик мансаби каби шоирликка талаб катта эмасди. Керак бўлса мадраса остонасидан шоир бўлиб кетаверардилар ва диний мафкура эса бунга мутлақо бефарқ эди. Шунга қарамай ўтган асрларда шоирларнинг сони саноксиз бўлган. Масалан ас-Саолибийнинг «Ятимат ут-дахр» тазкирасида X асрда фақат Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларида араб тилида ижод этган шоирларнинг сони тўрт юзу элликтага етган эди ва мазкур асрда ўша минтақада форс-тожик тилида шеър ёзган шоирлар эса бундан ҳам кўпроқ ва манбаларнинг далолатига кўра улар мингтадан зиёд эди. XI асрда эса фақат биргина Султон Маҳмуд ғазнавийнинг саройида тўрт юз шоир жамъ бўлган эди. XVI асрда ёзилган Насрободий тазкирасида шу асрда яшаган шоирлардан икки мингтаси рўйхат қилинган.

Энди хулоса чиқарамизки, VIII асрдан XIX асргача бўлган ораликда юртимиздан минглаб шоирлар етишиб чиқди, аммо шу асрлар мобайнида катта талаб ва эътиборга қарамай, агар рўйхат қилинса, шайхларнинг номи мингтага етмайди. Бунинг бош сабаби шайхлик мақомининг мураккаб ва оғир талаблари эди. Мазкур шайхлик шартлари ва уларга ўхшаган бошқа талаблар давр тақозоси юзасидан амалга оширилган ва уларни тўғри ва ҳалол йўллар туфайли бажаргандагина шайх ҳақиқий шайхлик даражасини топиб, авлиёлик томон йўл оларди. Шоирлик ва бошқа касблар эса бундан мустасно ва шундан-да уларга йўл очиқ ва равон эди.

Мазкур шайхлик шартларидан ташқари шайхлик рукнлари деган талаблар ҳам бор эди. Уларни Ҳусайн Воиз бундай санайди: маърифатли, ўткир фаросатли, етук руҳий-маънавий қудратга эга, эркин одам, ихлоси мустаҳкам, риё, тамаъ, мол, мансабдан юз ўгириш, рост ва беғараз бўлиш, мурид манфаатини ўзидан устун кўриш (15, 191). Бу моддаларнинг ҳар биттаси шайх учун бир китоб ва у ўзи бу китобнинг муаллифи эди. Шунда у касб соҳиби, ихлосу эътиқод эгаси ва маънавий куч-қудрат манбаи бўла оларди.

Шайхлик бобида манбаларда таъма, хирс, мол-мулкка эҳтиёжнинг йўқлиги ва уларнинг зарари ҳақида бот-бот таъкидланиши албатта бежиз эмасди. Бу машъум нарсалар таъсиридан шайху авлиёлар ҳам холи эмас эдилар. Шу сабаб уларни рад этиш шайхларнинг махсус иш режасига киритилган эди. Машъум одатлар, хусусан таъма ва мол-мулкдан нажот топган шайх жамоа ишончини қозониб, уларнинг ҳурматига сазовор бўларди. Кейин у уларни муридга ўргатиб, уни риёзат сари етакларди. Мурид манфаати ва

беғараз бўлиш шайх учун алоҳида аҳамият касб этарди. Ўзининг манфаатидан воз кечиб, шогирд манфаатини ўзидан устун қўйган инсон учун ғараз ва таъмагирлик бегона эди. Шу принциплар натижасида шайх аста-секин юқори мақомларни эгаллаб, авлиёликка эриша оларди.

Бу олий мартаба, яъни авлиё бўлиш учун шайх уч водийни забт этиши ва уч муаммо ечимини топиши керак эди. Булар дарё каби саховатли бўлиши, муридни куфр зулмидан абадий қутқариши ва ҳеч кимга хиёнат кўзи билан қарамаслигида эди (15, 191). Дарёдан қанча сув олсангиз, камаймайди ва у туфайли қақроқ ерлар жаннатга айланади. Шайх ҳам худди шундай бўлади. Мурид ундан қанча манфаат кўрса, шайх ундан шунча рози бўларди ва мурид ундан қанча билим талаб қилса, шайх билими шунча кўпаяр эди. Шайхга шу қадар саховат насиб этган худо, уни худди ўзидай муҳтарам ва муҳташам қилгани ва унга беҳисоб фазилатлар бахшида этган эди. Кейин битта муридни тарбиялаб вояга етказиш қанча оғир масала эди. Шайх эса юзлаб муридни тарбия қиларди ва бунга унинг куч-қуввати ва беминнат хизмати сўзсиз сарф бўларди. Демак, муридни куфрдан қутқариб илоҳий йўлга бошқариш шайхнинг аллоҳ олдидаги асосий вазифаси ва бурчи ҳисобланарди. Шу боис шайх бу нарсдан ҳақиқатан манфаатдор ҳам эди. Аммо ўша восита туфайли аллоҳ нуридан зиё олган ва нурланган шайх тажаллий сифатларини ўзида жам қиларди. Шу боис улуғ зот мақомига эришган шайхга инсонларга хос хиёнаткорлик, жумладан, очкўзлик ва шаҳват мутлақо ёт ва бегона эди ва шайх булардан зимдан юз ўгириб, уларнинг ифшосига ҳаракат қиларди. Шайх шу авлиёлик сифатлар воситасида элнинг буюк даҳосига айланиб, ҳужжат ул-ҳақ деган лақаб оларди.

Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» муқаддимасида таъкидланишича, шайхнинг сўзи ўз моҳияти ва фазилати билан қуръони карим ва ҳадиси шарифдан кейинги диний манба сифатида учинчи ўринда турар эди (23, 3). Шу боис шайхнинг айтганларини кароматли сўзлар деб билиб, уларга сирли бир мўъжиза сифатида эътибор бериш алоҳида аҳамият касб этарди. Шу даражага етишган шайх эса ҳақиқий илоҳий сифатлар касб этган зот бўларди.

Шу тариқа, шайх, мурид ва авлиё ҳақидаги гапимизни тугатар эканмиз, шуни айтиш керакки, «Тазкират ул-авлиё» асарида авлиё сўзларининг кароматли хусусияти тез-тез таъкидлаб ўтилади. Бунинг асосий сабаби шунда билинадикки, авлиёлар сўзи гўё қуръон ва ҳадисларнинг шарҳи эмиш (23, 4). Кароматга бой шайхлар эса авлиёдан кейин иккинчи зинада турардилар ва уларнинг сўзлари ҳам қуръон ва ҳадисларга асосланган эди. Шайхнинг алоҳида қуроли эса унинг ҳайбати ва салобатидир. Мурид ва бошқалар наздида шайх

азроилдек кўринарди. Унинг амрини бажармаган ва ундан кўрқмаган киши шу заҳоти ваҳимадан бир балога дучор бўлиши табиий эди.

Шайхни кўрган киши ҳам унинг важоҳатидан даҳшатга тушар эди. Важоҳат ва ҳайбат эса шайхнинг ўткир нигоҳи, гипнозга ўхшаган муомаласи, ҳайратомуз ҳаракатлари ва юриш-туришида зоҳир бўларди. Хусусан шайхнинг қуроқлардан иборат ва йиллар давомида ювилмаган жулдур кийими, унинг юзларини беркитган қалин соқоли, бошидаги катта салласи ва унинг тепасида ўрнатилган найсимон ускуна ёхуд шоху шабба унинг ташқи қиёфасига яна-да ҳайбат бағишларди, кўрган кишининг дилига ҳақиқий ваҳима солар эди.

Шайх ваҳима туғдирадиган кароматли хусусиятларни махсус машқлар орқали ўзлаштирарди. Машқлар эса самоъ мажлисларидаги хос ҳаракатлар ва ўйинлар, ҳайрат мақомидаги сурункали ўй-хаёллар, тавба вақтидаги йиғилар, муроқаб ва ҳолатидаги шафқатли нигоҳлардан ҳосил бўларди. Шайх шу ҳолатларда бошқалар назарида кароматли туюладиган хислатларни ўзига касб қилиб оларди. Шу боис мазкур машқлар мактабидан ўтган шайх оддий инсонлардан сўзсиз фарқ қиларди. Шайхнинг вужудига ҳақиқатан бир ғайритабиий ҳолатлар юз берарди ва шунда унинг важоҳати ҳам ваҳима ва кароматлар билан ҳамроҳ бўларди.

Шайхнинг мазкур ноанъанавий ҳаракатлари биринчи навбатда муриднинг итоаткорлигини, хусусан шайх олдида у ўзини ўликдай ҳис этишини таъминлаш мақсадида амалга ошириларди. Масалан аслида машқлар ҳисобидан ҳосил бўлган, аммо ичи холи ваҳимали кароматлар айрим фожиаларга ҳам сабаб бўлар эди: «Тазкират ул-авлиё» да ёзилишича, Абутуроб Нахшабийнинг ёш навқирон муриди шайх Боязид Бистомийнинг таклифига биноан бир вақт унинг олдида боради. Мурид шайх билан рўпара бўлган заҳоти ваҳимадан талвасага тушиб қотиб қолади ва шу онда жон таслим қилади. Ул лаҳзада жун матодан эски пўстин кийган шайх Боязид кўлида кўзада сув келтираётган ҳолатда эди (23, 141).

Кўрамизки, шайх учун каромат бу важоҳат эди ва уни махсус пайдо қилиб, манфаат кўрарди. Шахсни ҳақиқий махлуққа айлантириш ва ўз мақсадига эришиш учун шайх каромат машқларидан кўп фойдаланарди. Йиллар давомида каромат учун махсус кашф этилган бу ваҳимали сўфиёна машқлар шайхга сўзсиз қўл келарди ва унинг ўткир пичоғи ёхуд шамшири ҳисобланарди. Шундай қилиб, шайхлару авлиёлар мана шу иллатлар оғушида яшаб, улар ёрдамида мақому манзалат топардилар. Каромат орқали бутун жамиятга таъсир этиб, шоҳона яшар эдилар. Аммо аслини олганда на каромат бор эди-ю ва на сеҳр, кўрқинч ва ваҳимали ҳолатлар шундай таассурот туғдириб, ғайритабиий ва фавқулодда вазиятларга дучор қиларди, холос.

Шайхнинг мурид билан муомаласи ва муридга бўлган унинг ихлос-эътиқоди кейинги мисоллардан ойдинлашади. «Тазкират ул-авлиё»да ҳикоят қилинишича, шайх Жунайд Бағдодий «бир муриди билан жазирама чўлда сафарга чиқади. Муриднинг ямалган эски кийимининг бир томони йиртилган эди ва қуёш нурида унинг бадани куйиб, ўша жойдан қон оқа бошлади. Мурид мужмал қилиб шундай деди: «бугун кун иссиққа ўхшайди». Бу гапни эшитган шайх ҳайбат билан муридга қаради ва айтди: кет, сен суҳбат аҳли эмассан» ва уни рад этиб, азоб-уқубатларга гирифтор этди (23, 297).

Муриднинг шайх олдидаги қадрсизлиги ва ўликка ўхшаган ҳолати мазкур ҳолатдан аён бўлиб турибди. Мурид ўлгудай азобда қолса ва ҳатто ўлиб кетса ҳам, барча азобларга бардош бериши шарт эди, уқубатлардан ҳеч қачон шикоят қилмаслиги ва шайх олдида ҳайкалдек сўзсиз туриши лозим эди. Шунда шайх уни яхши кўрарди, сўфийлик тўнини кийдирарди ва мақоматларга сафарбар қиларди. Аммо шайхнинг ҳайбатидан балоларга йўлиққан муриднинг аҳволи мазкур ҳикоятдан баралла кўриниб турибди.

Тасаввуф таълимотига биноан муриднинг фаросатлилиги, билимдонлиги, заковати, донолиги шайхлар учун алоҳида аҳамият касб этарди. Шайхлар ана шундай комил муридларни ёқтирарди ва кўпинча уларни ўзига ҳамдам тутиб, улар билан суҳбат қурарди. Ақли расо, хушёр ва зийрак муриддан ҳақиқий сўфий чиқарди. Бу кўрсаткичлар ҳам шайхлигу муридлик муносабатларидан келиб чиққан низомномалар эди ва унинг қоидаси билан танишиш учун яна шайх Жунайд Бағдодий маноқибларига мурожаат қилишни лозим топдик. «Тазкират ул-авлиё»дан ўқиймиз:

«Нақл қилишларича, Жунайднинг бир муриди бор эдики, уни бошқалардан яхши кўрарди. Бунини сезган бошқа муридлар рашк-ҳасад қилдилар. Шайх бу аҳволни фаҳм-фаросат билан англаб олди. Деди: «унинг одоби ва онги бошқалардан зиёдроқ, қани бир имтиҳон қилиб кўрамиз, тоинки сизларга маълум бўлсин». Шайхнинг хоҳиши билан йигирмата товуқ олиб келдилар ва у деди: «ҳар бир мурид биттасини олсун ва ул жойдаким ҳеч ким сизларни кўрмасун, товуқларни сўйиб менга олиб келинлар». Ҳаммалари биттадан товуқ олиб кетдилар ва кейин сўйиб олиб келдилар. Аммо ул мурид (шайхнинг назари тушган мурид) товуқни тирик ҳолда олиб келган эди. Шайх ундан сўрадики, «нимага сўймадинг?» Деди: «шунданки, шайх айтган эдилар: ул жойда сўйинларки, ҳеч ким сизларни кўрмасун ва мен қаерга борардим, аллоҳ таолони кўрардим». Шайх деди: «кўрдинларми, унинг фаҳм-фаросати қандай экан?» Бу воқеадан сўнг ҳасадчилар тавба қилдилар» (23, 297).

Тасаввуф таълимотидаги шайхлик ва муридлик қоидаси шулардан иборат эди ва бу мавзу ниҳоятда кенг, чуқур ва жозибали

бўлиб уни билган, эшитган ва ўқиган кишилар сўфиёна одоб-ахлоқнинг олий даражасини эгаллаб комилликка эриша оларди. Зеро, сўфиёна талқин ва тазкира (зикр)лар ўз ғоялари билан ниҳоятда эҳтиросли ва мутаассир бўлиб, оҳанрабодек ҳаммани ўзига тортади ва уни сеҳрлаб қўяди. Тасаввуфнинг сир-синоати шунда эди ва уни сўзсиз тан олиш керак.

ИККИНЧИ БОБ

ЗОҲИДЛИК, ОБИДЛИК, ОРИФЛИК. ДАРВЕШ ВА ҚАЛАНДАР.

Мазкур номлар сўфиёна тушунчалар бўлиб, тасаввуф намояндаларининг фаолияти ва касб-кори билан боғлиқ вазифалар ҳисобланади. Зоҳид луғатларда дунёни тарк этган, ёхуд дунёдан воз кечган парҳезгар ва хилватнишин шахс деб таърифланади. Обид эса зоҳиднинг нусхаси бўлган ибодатчи ва художўй кишидир. Ориф дунё сир-синоатидан воқиф донишманд ва фозил. У барча нарсаларга кўр-кўрона қарамасдан, уларни ақл билан билиб, текшириб ва муҳокама қилиб, маъноларини англаш учун ҳаракат қилади. Яъни ориф танишадиган тимсол, у ҳамма нарсани биладиган зот.

Дарвешнинг асл маъноси камбағал, қашшоқ, фақир, гадой ва бенаводир. У аслида даровеш (даровез) сўзидан олиниб, эшикларда гадойлик ёхуд тиланчилик қиладиган шахс маъносини билдиради. Яъни дарвешнинг асл маъноси гадой деганидир. Дарвеш тасаввуфда асосан шу маъноларини сақлаб, ўз навбатида тасаввуф намояндасининг шу мезондаги фаолияти ва машғулотини ифода этадиган тушунчага айланди. Фақирлик ва бенаволик тасаввуф жараёнининг бош мезони, унинг асосий қоидаси ва талаби эди. Дарвеш эса шу маъноларга мослаштирилган тушунча бўлиб, шу боис у сўфийлик тариқатининг бошланғич намояндаси сифатида танилган ва шуҳрат қозонган ибодатчи обид, дайди (оворагард) сўфий ва хилватнишин зоҳид ҳам эди. Бу табақа инсонларни ҳам дарвеш номи билан тилга олиш ҳамон одат тусига кирган ва мазкур сўз уларнинг иккинчи номидир.

Қаландар сўзи дайди, дарвеш маъносини билдиради ва шу сабаб уларнинг фаолияти қарийб бир хил жараён топади. Қаландар ҳам камбағал, аҳли аёли йўқ ва дунёдан воз кечган танҳо йигит.

Шу тариқа, дарвеш ва қаландар тасаввуф намояндасига айланган унинг илк фарзандлари: улар-художўй гадойлар. Шу тартибда улар сўфийлик тариқати талабларига мослашиб, фаолият кўрсатиб, шогирд тутиниб, мурид бўлиб, сўфиёна босқичлардан ўтиб мартаба топардилар, зоҳидлик ва обидлик даражасига эришардилар. Шу боис

дарвеш, қаландар, зоҳид, обид бир-бирларига яқин кишилар бўлиб, бир ариқдан сув ичган зотлар эдилар. Ориф булардан фарқ қилади ва у тасаввуфнинг иккинчи босқичидаги-унинг эстетик тафаккур сари ривожлана борган даврларида зуҳур этган намоянда. Ориф, огоҳ, закий, ақлли ва билимдон инсон.

Энди мазкур тушунчаларни янада аниқроқ билиш ва уларнинг сўфиёна маслакда тутган ўрни ва мақомини тушуниш мақсадида манбалар маълумотига қулоқ соламиз.

ДАРВЕШЛИК ТАРИҚАТИ

«Кашф ул-маҳжуб» (XI аср) асарининг «ал-фақр» (фақирлик) бобида шундай ёзилган: «Билгилки, иззатли ва бузрук аллоҳ таоло йўлига дарвешликнинг азим мартабаси бор (ва бу фақирликдир). Чунончи шайхлар айтган эканларки, агарда дарвешнинг қўли калтароқ бўлса (у камбағалроқ бўлса), унга ҳол даражаси очиқроқ кўринади: Бир дарвеш бир шоҳ билан мулоқот қилди. Малик деди: «мендан бирон нарса сўрагин». Дарвеш деди: «мен ўзимнинг бандаларимдан ҳеч нарса хоҳламайман». Деди: «бу қандай бўларкан?» (бу нима деганинг?). Деди: «менинг икки бандам (қулим) борки, икковлари ҳам сенинг аллоҳингдир: булардан бири ҳирс (ҳарислик) ва иккинчиси амал (вазифадир)» (3,22-23). Мазкур китобнинг кейинги ҳикоясида яна келтирилади: «Бир дарвешга бир султон уч юз дирҳам бериб айтди: «буни олгину ҳаммомга боргин». Дарвеш ҳаммомга борди ва уч юз дирҳамни ҳаммомбонга берди» (3, 413).

Ал-Жуллобийнинг бу ҳикоятларида дарвешлик кайфиятининг назарбаландлиги, кўзи тўқлиги (очкўзлик қаршисида) ва унинг олийҳимматлиги таъкидланади. Дарвеш гадоёга ўхшаган қашшоқ шахс бўлса-да пасткаш, мол-мансаб, пул-бойлик ва амалдорликни яхши кўрадиган тамаъгир ва ҳарис киши эмасди ва у дунёга қўл силтаган ва уни бир тийинга олмайдиган зот. Шу боис ҳирс билан мол жамлаш ва амалдор бўлиб бошқаларга зиён етказиш дарвеш учун ножойиз ишлардир. Балки булар унинг манфур душмани ҳисобланади. У алдаш ва қаллобликлардан йироқдир. Султонлар уни синаганида у синовдан сарбаланд ўтиб кетарди.

Шунда дарвеш шоҳ илтифотини қабул қилмади. У берган уч юз дирҳамни ўзлаштирмади, балки айнан айтганини қилди. Ҳирсу амалга йўлиққани учун султонни мазаммат этиб, уни ўз ҳиммати баландлиги билан қойил қолдирди. Дарвешнинг ўзи эса ҳирсу амални қул қилганидан ва бойликка мутлақо аҳамият бермаганидан фахрланарди ва шу тартибда у ўзини шоҳдан устун қўярди. Ал-Жуллобий эса буни худо олдидаги дарвешнинг «азим мартабаси» дейди ва бу сўзида у ҳақ эди. Чунки сўфийтабиат дарвеш ўз маслагининг устуворлиги ва

иродасининг мустаҳкамлиги учун доимо курашарди ва тасаввуфона ғоялар асосида бунга эришарди. Дарвешликнинг барча амаллардан, ҳатто шоҳликдан ҳам афзаллиги шунда эди. Унга бирон мансаб тенг келмасди ва натижада шоҳлар дарвеш бўлишни орзу қилардилар. Чунки дарвешлар жисмоний тубанликлардан, жаҳолатдан нажот топиб, поклик мартабасига ноил бўлардилар ва бу эса комиллик даражасини эгаллаш усули эди. Бенаво дарвеш мана шундай шахс эди. У ўз маслаги, мақсади ва вазифаси учун туну кун курашарди. Ўз жандаси-йиртиқ тўни ичида халқ, жамият, омма назарида шоҳ кўринарди ва одамлар унга ҳурмат-иззат, раҳимдиллик ва эҳтиром кўзи билан қарардилар. Дарвеш эса улардан ҳеч нарса сўрамасди, балки уларнинг хизматида бўларди. Эранлар (мардони худо)нинг иши эди бу иш ва бунда ҳаётнинг, катта оламнинг ҳақиқий ва порлоқ нури тажаллий этарди.

Дарвешларга очликка тоқатсизлик (очликни яхши кўрмаслик) ва пурхўрликка берилиш (қорин тўйғазиш билан овора бўлиш) мутлақо бегона эди. Ўтган тасаввуфшунос олимлар дарвешлар учун қайд килинган (умуман, ҳамма учун ҳам) очликнинг аҳамияти ҳақида хийла маълумотлар берганлар. Жумладан, ал-Жуллобий фикрига кўра, «уммат ва миллат олдида яъни, мусулмон халқлар наздида очликнинг бузрук шарофати бор. Очликка тоқат қилганларнинг хотираси кучли ва тан-жони соғлом бўлур ва улар шу билан ўзларини риёзатга тайёр қиладилар»(3,419). Бундан ташқари ал-Жуллобий очлик фазилати ва унинг қаршисида бойликка берилиб фақат қорин тўйғазишни вазифа қилиб юрганлар аҳволини яхшироқ кўрсатиш мақсадида пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) ҳаётидан қуйидаги ҳикоятга тўхтаб ўтади. «Пайғамбаримиз (с) га саксон минг дирам олиб келдилар ва бир гиламга тўкдилар. У жойидан қўзғалмади ва ҳатто унга қарамади. Али разиаллоҳу анҳу деди: мен ул мавридда пайғамбар аҳволига синчиклаб қарадим. Кўрсам у очликдан бир тошни қорнига боғлаб қўйибди» (3, 412).

Очлик аломати қанча чўзилса, дарвешга шунча яхши эди. Бу мавридда унга нурлар эшиги очиларди ва у рўхоний ҳолатларни кўришга муваффақ бўларди. Аммо агар дарвеш очлик бобида шайх белгилаган масофага етиб боролмаса ва бетоқатлик қилса, у дарвеш бўла олмасди ва уни шайх рад этарди. Яъни очлик тасаввуф маслаги учун алоҳида мақомга эга эди. Бу ҳақда Абутуроб Нахшабий ҳаётида рўй берган қуйидаги ҳикоят қимматлидир: «Бир куни унинг бир муриди харбузага қўл узатди ва у уч кун ҳеч нарса емаган эди. Шайх деди: «кет, сен тасаввуфга лойиқ эмассен, сен бозорда бўлишинг керак» (23, 236).

Дарвешу сўфийлар мана шу тартибда ҳаёт ўтказардилар. Улар қанча оч, яланғоч, бенаво ва ҳимоясиз юрсалар яхши эди ва шундан

мартабаларга эришардилар. Бойликни ва мол-мулкни ёқтирмасдилар ва уларни оғир юк билиб гуноҳга ботирувчи нарсалар ва «бир дирҳамни бир йилга бас» (23, 205) деб билардилар. «Саҳл Тустарий айтган экан: «менинг куч-қувватим арпа нонда эди» (23,205). Яъни бир бурда арпа нон ва бир коса сув билан озод ва эркин яшаш дарвеш учун катта бахт эди ва шунда у худо розилигини кўрарди. Абу бакр Варроқ Термизийдан нақл қиладилар: «Бир киши унинг зиёратига келди ва қайтишда ундан насиҳат сўради. Деди: «Дунё ва охират хайр-баракатини мол-мулкнинг камлигида топтим ва икки дунё шарру зарарини уларнинг кўплигида кўрдим» (23, 365). Оз луқмага қаноат қилиш ва уни кўпайтиришга интилмаслик дарвешнинг икки дунёдаги орзуси, маслаги ва мақсади эди ва бунга у ғайрат ва матонат билан эришарди. Бу одоб ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Сўфий дарвеш ўз вужуди билан аллоҳнинг бандаси. Уни севади ва унинг хаёли билан яшайди. Аллоҳ унинг дўсти, маъшуқаси ва жисм-жони. Унинг ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, ўзини сахий ва олийҳиммат кўрсатарди. Шайх Саъдий айтганидек «Дарвеш тухфаси яшил япроқ (барги сабз)» эди. Яшил япроқ-дарвеш саховатидан бир нишона. Фақат дарахтнинг узилган япроғига унинг кучи етарди. Япроқ ҳеч кимники эмас, аллоҳ берган улуғ неъмат эди. Зеро яна Саъдийнинг фикрига биноан:

Барги дарахтони сабз дар назари ҳушёр

Ҳар варақи дафтарест мўъжизайи кирдигор

Яъни: яшил дарахтлар япроғи ҳушёр ва донолар олдида дафтарнинг варақлари эди ва бу аллоҳ яратган мўъжизадир. Дарвеш ана шундай сергак, зийрак ва ҳамма нарсадан огоҳ инсон эди. Унинг сўфиёна каромати олдида япроқ оятлар била тўла дафтар бўлиб кўринарди. Худо назар-писанд қилган художўйнинг бу фалсафаси эса оламу одам тақдири билан боғланган ва чуқур мутафаккирлик ғояларини ўзида мужассам этган мўъжизали бир манба эди.

Модомики юқорида Саъдийдан гап очдик, унинг «Гулистон» китобида дарвешлик одоби ҳақида хийла яхши ва муҳим фикрлар талқин этилган. Саъдий дарвешни камбағал киши деб билса ҳам, аммо унинг ҳиммати ва заковати олдида таъзим-тавозуда турарди. Дарвеш унинг назарида оддий фуқаро, лекин ботиний фазилатлари билан шохдан устун турадиган шахс. Унинг орифона тимсоли оламни мунаввар этади ва олам унинг вужудига мужассам бўлган. Дарвешнинг бош принципи қаноат ва ҳалоллик ва у шулар оғушида яшайди. Жумладан, «Гулистон» китобидан ўқиймиз:

«Икки ака-укадан бири подшоҳ хизматида эди ва иккинчиси ўзининг қўл кучи билан нон топарди. Бир куни бой акаси дарвеш укасига айтди: «Нима учун султонга хизмат қилмайсанки, оғир меҳнат

машаққатидан қутулар эдинг»? Укаси деди: «Сен нимага меҳнат қилмайсанки, хизмат азобидан нажот топардинг!» Ва эшитгил, хирадманд донолар нима деганлар: «Ўзинг топган бир бурда ҳалол нонни ейиш шоҳ хизматида бўлиб, тилла белбоғ боғлаб, фармон кутиб ўтиргандан минг марта афзал. Амирнинг олдида қўлни сийнага тутиб таъзим билан туришдан кўра оловда ёнган темирдан хамир қилиш осонроқдир» (22, 182).

Мана, дарвешнинг гўзал фаолияти, ички фазилати ва ҳақиқий халқона сифатлари шулардан иборат эди. Унга шоҳлик ва шоҳлар хизмати керак эмас. У ҳалол хизмати ва машаққат билан топган бир бурда нонини барча бойликлардан афзал кўрарди. Тасаввуф яратган ва кашф этган бу ғоялар ўз аҳамияти билан тоғдек кучга эга ва бугунги даврда ҳам қийматини йўқотмаган. Тасаввуф намояндасидарвеш шундай олийжаноб инсон эди ва бутун вужуди билан у аллоҳ буюрган ҳаётий фазилатлар ва одоб-ахлоқни тарғиб этарди.

Саъдийнинг кейинги ҳикоятида дарвешнинг зулму бедодликка қарши чиқиши ва унинг тинчлик тарафдори эканлиги бундай баён этилади: «Бағдодда дуолари қабул бўладиган бир дарвеш пайдо бўлди. Халифа Ҳажжож бин Юсуф ундан хабар топти ва уни чақиртириб деди: «менга хайрли бир дуо қил». Деди: «Эй худо, бунинг жонини олгин». Деди: «худо ҳаққи, бу қандай дуо бўлди». Деди: «бу сен ва жумла мусулмонлар учун энг хайрли дуодир» (8, 264). Дарвеш ўша топда комиллик қиёфасида эди ва халифадан ўзини устун ҳисобларди, ундан кўрқмасди. Аммо халифа қанча бузрук ва амиралмўминин бўлмасин, бу оддий эрандан истиҳола қиларди. Дарвеш эса золим Ҳажжож талабининг аксини бажарди. У Ҳажжожнинг ўлимини хоҳлади ва унинг зулмидан мусулмонларнинг қутулишини шунда деб билди.

Бу эса ҳақиқий ва хайрли дуо эди ва фақат тасаввуф арбобидангина уни эшитиш мумкин эди. Чунки дарвешлар худо амрини айтардилар ва уларнинг айтганлари маъноларга эга кароматли туйғу эди. Аммо сўфий дарвешлар барча ножўя ишларни рад этиб, фақат яхшилиқ, ҳалоллик ва инсонийликни ташвиқ-тарғиб этардилар, жумладан, зулм, бедодлик, бойлик, мансаб, хирс, нопоклик, ҳаромхўрлик, осон йўл билан ризқ топиш ва ҳақозо номақбул ишларга нафрат кўзи билан қараб, тўғри йўл тутиш ва тўғрилиқни таъминлашни ўз бурчи деб билардилар. Тасаввуф дарвешини шундай олий сифатларга бой инсон бўлиб, фақат аллоҳ буюрган йўллар унинг йўли эди ва шу воситалар натижасида комилликка эришарди.

«Нафоҳат ул-унс» муаллифи мавлоно Абдурахмон Жомийнинг ёзишича, шайх Абубакр Ҳамадоний (X аср) айтган эканлар: «дарвешлик уч нарсадир: тарк ул-тамаъ в-ал манъу в-аж жамъу. Яъни ҳеч кимнинг нарсасига тамаъ қилмаслик, нимаики сенинг бошингга

келса, манъ этмаслик ва агар қўлингга нарсалар тушиб турса, уни йиғмаслик» (4, 25). Дарвешдан талаб қилинадиган сифатлар жуда кўп эди ва уларнинг бир қисмини юқорида кўриб чиқдик. Булардан ташқари шайх Абубакр Ҳамадоний дарвешдан мазкур уч нарсани махсус талаб этади:

Чунончи таъмагирлик нафақат дарвеш учун, балки умуман тасаввуф таълимотида энг манфур ва ножўя иш ҳисобланади. Сўфийлар ундан юз ўгириши ва доимо уни рад этиши керак. Аммо дарвешнинг шафқатлилиги ва раҳимдиллигини шайх Абубакр унинг алоҳида фазилати деб билади ва улар ҳақиқатан ҳам ниҳоятда мақбул ва маъқул хусусиятлар эдилар. Шу фазилатлари туфайли дарвешнинг обрў-эътибори ошар эди ва у мартаба топарди.

Дарвеш бошига агар калтак тушса-да, у индамай туриши шарт эди ва шу оромлик орқали у балолардан қутулиб, уларни ўзига ром этарди. Дарвешнинг олий хислати ямалган йиртиқ тўни билан танҳо ва ёлғиз аллоҳ хаёли ва зикри билан юришида, дунёдан ҳеч нарсаи йўқлиги ва ҳеч нарсага муҳтож эмаслигини ошкор қилмаслигида эди. Аммо аслида дарвешнинг нарсалари кўп бўларди. Ҳар қадамда ҳады этиладиган назру ниёзлар уни тарк этмасди. Лекин дарвешнинг вазифаси, шайх Абубакрнинг кўрсатишича, шу назрларни йиғмаслигида, балки уларни бошқаларга инъом этишида зоҳир бўларди. Мазкур фикр эса ҳақиқий ва табиий бир тушунча эди. Дайди дарвешга мол-дунё керак эмасди. Зеро у ризқ-рўзини бемалол топарди ва қаерга борса ва яшаса, бошидан ризқ ёғиларди.

Дарвешлару сўфийлар шундай киши эдилар ва уларнинг фаолияти шундай жараён топарди. Ҳалоллик, поклик ва таъмадан юз ўгириш, раҳимдиллик ва халқ хизматида бўлиш уларнинг бурчи эди. Аммо дарвеш нима хоҳласа, шу лаҳзада муҳайё бўларди. Балки унинг хоҳишисиз ва иродасисиз ҳамма ноёб нарсалар тўсатдан унга насиб бўларди ва ҳатто агар хоҳласа, аёллар ҳам келиб турарди. Тасаввуфнинг одоб-ахлоқи ва талаби шу эди ва бутун халқ ва жамият бунга риоя қиларди. Бўлмаса оворагарчиликда, дайдичиликлда ва қашшоқликда дарвеш шу заҳоти ўлиб кетарди ва у билан ҳеч кимнинг иши ҳам бўлмасди. Дарвешлик орқасида сўфиёна қонун-қоидалар турарди ва уларнинг паноҳида бу тариқат асрлар оша бардош бериб яшаб келди.

Кейинги асрларда, яъни XII асрдан сўнг дарвешу шайхларни парвариш қилиш ва уларга текинга назрлар бахшида этиш амалий бир тус олиб, бир қолипга тушди ва кўпайиб кетди. Дарвешнинг халқ ҳисобидан подшоҳдай бемалол яшаши қонун доирасига кириб, тасдиқланди ва муҳрланди. Тасаввуфона талаблар ва қонун-қоидалар қанча мушкул ва оғир бўлса, унинг замиридаги ички фойдаси, ботиний

ва зоҳирӣ манфаати ҳам шунча аён бўлиб турарди. Чунончи битта мисол келтирамиз:

XIV асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Батутта Машриқу Мағрибни кезиб юрган вақтида Мажористон (Венгрия)га тушиб қолади ва у жойдаги муслмонларнинг шайху дарвешларга нисбатан бўлган эътиқоди ва ҳурмат-иззати ҳақида бундай ёзади: «Мажор шаҳрида шайх Муҳаммад Батоихий хонақоҳи бор. Бу туркларнинг энг улуғ ва энг яхши шаҳарларидандир. Ундаги хонақоҳда араб, форс, турк ва рум дарвешларидан етмиш киши истиқомат қилади. Ўлканинг халқи эса дарвешларга эътиқод камоли юзасидан ҳар кеча хонақоҳга от, мол ва қўйларни етаклаб келтириб назр қиладилар ва султонлару уларнинг хотинлари шайхнинг зиёратига келиб, тухфалар эҳсон қиладилар. Дарвешларнинг бир қисми оилали, бир қисми бўйдоқ бўлиб, халқнинг лутфу карами билан фаровон яшайдилар ва художўйлик билан шуғулланадилар» (13, 67).

Мана дарвешлик фазилати (манфаати) ва унинг турмуш тарзи. Мазкур сўзларни ортиқча шарҳлашга ҳожат йўқ, зеро бу ўринда ҳамма фикр аён ва равшандир. Фақат шуни айтмоқчимизки, VII-VIII асрларда дарвешу шайхлар ўша иллатларга камроқ дуч келар эдилар ва агар илож топсалар, имкони борича улардан парҳез қилардилар. Кейинги даврларда мазкур ҳодисанинг авж олганлиги боис дарвешлик тариқати кўринмас даражада ривож топти. Хонақоҳу чиллахоналар, ибодатхоналар дарвешлар армиясидан тўлиб-тошган эди ва ҳар бир шайхнинг атрофида юзлаб киши мўралаб юрарди.

Аслида ҳаммаси текинга парвариш топишдан ва бунинг устидан художўйликка берилиб фароғат яшашдан иборат эди. Бу эса сўфиёна қолипга мослаштирилган қоида бўлиб, унинг равнақи учун амал қиларди. Дарвешнинг ички маърифий тараққиёти, унинг сўфиёна ҳаракатлари ва фаолияти хусусида манбаларда хийла маълумотлар келтирилган. Жумладан, бу ҳақда Жалолиддин Румийнинг мутасаввуф донишманд ўғли Султон Валаднинг «Маориф» китобидан (XIII аср) битта мисол келтирамиз. Султон Валад ёзади: «Билгилки, агар дарвеш сидқу вафоли бўлса, намозу рўза, зикру хилватнишинлик шартларини адо этиб, худо талабида юрган бўлса, ботиний мезон орқали уни идрок этган бўлса, у самоъ мажлисида иштирок этиб, доира ва най, танбур ва рубоб овозини эшитганда худовандга яна ҳам яқинлашади, ҳолати ўзгариб, илоҳий шавқ илҳомида ёнади» (15, 95).

Бу ўринда дарвешнинг шайхга нисбатан садоқати ва вафодорлиги махсус таъкидланади. Шу мезонда унинг асл қиёфаси намоён бўлади; у барча шариат ва тариқат шартларини астойдил бажарадиган зот бўлиб, ҳақиқий художўй сўфийга айланади. Шунда самоъ мажлисларининг эшиги унга очилади. У бу мажлисларда иштирок этиб, унинг мусиқа садоси остидаги манзараси ва ваҳимали

ғулғуласидан чуқур таассуротга ботади, бундан унинг ички фазилятлари янада ривож топиб, кейин у буткул аллоҳ даргоҳига ноил бўлиб, унинг дийдори билан яшайди.

Дарвешнинг босқичма-босқич руҳий тараққиёти шунда намоён бўларди. Шу тартибда шайхга айланган дарвеш мартаба топарди ва кейин авлиёлик мансабини эгаллаш учун муттасил ҳаракатга тушарди.

Келтирилган мазкур матнда самоъ мажлисининг кун тартиби билан яхши танишамиз. Самоъ зикр ҳолатининг бир тушунчаси ва кўриниши эди. У суқр (мастлик) кайфияти билан боғлиқдир. Унда мусиқий чолғу асбоблар остида сўфиёна ҳазин оҳанглар янграйди. Уларнинг таъсирида сўфий дарвеш рақсга тушиб, сирли ҳаракатлар қилади ва шу тариқа зикр ҳолати ифода этилади, сўфий машғулотининг олий ва мураккаб бир намунаси намоён бўлади. Самоъ сўфиёна талабларнинг энг баланд даражаси эди. Унда ҳамма иштирок этмасди, балки фақат энг садоқатли ва закий дарвешлар йўл топардилар. Бу дарвешлар самоъда шайх атрофида айланиб, йиғлаттирадиган сўфиёна байтлару ғазаллар айтиб, илоҳий ва фусункор рақслар остида аллоҳга интилар эдилар, унинг висолини кўз олдига келтириб, маст-аласт бўлардилар, баъзан йиқилиб ҳушдан кетиб, фано манзилини тасаввур қилардилар.

Аммо мазкур самоъ тушунчаси кейинги асрлар маҳсули эди. VII-VIII асрларда у бошланғич шаклда, яъни содда ва зоҳидона тарзда бажариларди. Шу боис тасаввуфнинг биринчи босқичидаги дарвешлик ҳаракати, гарчи дарвешдан мазкур тариқат шартлари талаб этилса-да, ҳали унча мураккаб эмасди. Дарвешлик йўлидаги оғир талаблар, жумладан, самоъ мажлисида бажариладиган омиллар кейинроқ унинг фаолиятида тўлиқ жо бўлди.

Дарвешдан талаб қилинадиган омилларнинг саноғи йўқ. Уларнинг ҳаммаси дарвеш, яъни озод ва эркин йигитнинг яхшилик томон йўл олишига қаратилган кўрсаткичлардир. Улар баъзан ундовли тарзда айтилади. Яъни дарвешнинг дарвешлик шартларини бажариши ниҳоятда зарур эди. Акс ҳолда у киши дарвеш бўлмасди ва тариқат халқасидан узоқлаштириларди. Талаб мазмуни эса кўпинча аллоҳга интилиш ва жисмни маҳв этиб, қалбни аллоҳ висолига боғлашдан иборат эди. Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ» китобида (XIII аср) бу ҳақда ёзади:

«Эй дарвеш, холиқи мавлони идрок этишга жаҳд қил, унинг жамолига етишишга интил, токи ўз борлиғинг дўзахидан қутулиб, зора худованд борлиғи жаннатига эришсанг» (15, 164). Бундай ошкора ва қатъийлик билан айтилган талаблар албатта натижа берарди. Улар дарвешлик тариқатининг ривожини ва унинг маъно-моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилиш учун айтилган фикрдир ва бундан дарвеш мақсадига эришиб, ўз йўл-йўриғини топиб оларди. Азизиддин Насафийнинг

кейинги даъвати ҳам дарвешлик қонун-қоидаларига асосланган бўлиб, мутасаввуф олим уларни янада такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган эди. Унингча, дарвеш кейинги одатлар, хислатлар ва талабларга бўйсуниб, уларни бажарса, яхшигина тариқат ходими бўла олади ва аллоҳ нуридан баҳра топади. Олим ёзади:

«Эй дарвеш, ифротий (доимий) рўза ва намозга берилиб, кетма-кет ҳажга борма, буюрган фарзни адо этиш билан чеклан. Кўп сўз ва гапларни ёдлашни ҳам ўзинга одат қилма, фикҳни берилиб ўрганишнинг ҳам, кўп ҳикмат билишнинг ҳам фойдаси йўқ, кераклигини билиб олсанг, бас. Аммо шундай йўл тутгинки, қалбинг саховат ва ҳимматга тўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин... Сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин... сенинг ҳақиқатинг тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин... ҳамма вақт, ҳамма учун эзгуликлар яратганингагина сен Аллоҳнинг хулқи билан музайян этилажаксан» (15,164). Ниҳоят мана бу фикрлар дарвешлик тушунчасининг дастури бўла олади. Ватандошимиз Азизиддин Насафий бу тариқат мезонига якуний нуқтани қўйган эди. Бошқалар дарвешлик хусусида нима деган ва унинг фаолияти ва мақсадини қандай шарҳлаган бўлсалар, ҳаммаси келиб Азизиддин Насафийнинг хулосаси бўйича якун топган ва бир қолипга тушган. Дарвеш аллоҳга етиши ва комиллик топиши учун нима қилиши керак, юқорида яхши ёритилган ва уни шарҳлашга ҳожат йўқ.

Дарвешдан биринчи навбатда саховат, ҳиммат, эзгу ишлар, яхшилик, тўғрилиқ, хайрли ният талаб этилиши унинг ботиний дунёсининг камолоти билан боғлиқ ва дарвеш шу эзгу одату анъаналар билан иш юритади; улар билан бирга яшаб, бутун вужудини аллоҳга бахш этади. Зеро, мазкур ниятлар аллоҳ хулқи ва унинг феъл-атворидир. Шу тариқа, дарвешнинг бош мақсади барча ёмонликлардан қутулиб, яхши хулқларни ўрганишдир. Шунда у комилликка эриша олади ва сўфиёна мақсад ҳосил бўлади. Аммо дарвешликнинг насиҳатомуз таълимоти барча инсонлар учун фойдали ва шу боис уларни ўзлаштириш, унга эътибор бериш айти муддао бўлади. Тасаввуфнинг фойдаси ҳам шунда эди.

ҚАЛАНДАРЛИК ТАРИҚАТИ

Энди бир-икки оғиз сўз қаландар ҳақида. Фикримизнинг муқаддимасида қаландар тушунчаси маъно, мазмун ва фаолият жиҳатдан дарвеш тушунчасига ниҳоятда яқин туради деб айтиб ўтган эдик. Дарвешлик ҳаракати, унинг талаби ва принциплари қаландарликка ҳам мос келади ва у ҳам аллоҳ номи билан яшайдиган ва комиллик сари йўл оладиган саёҳатчи дарвеш ва қашшоқ гадойдир. Бизнингча, уларнинг бир фарқи шундаки, дарвешлар дуогўй ва дуохон

соликлар эдилар. Улар хонақоҳда ҳам шу зикр усули билан кун кечирардилар ва шу тартибда уларнинг сўфийлик тариқати зоҳир бўларди. Қаландарлар эса кўпинча шеърхонлик ва пировардида «ё аллоҳ, ҳай аллоҳ» ёхуд «ҳақдўст ё аллоҳ» ибораларини такрорлаш билан шуғулланардилар.

Шу тариқа, қаландарларнинг талабчанлиги ҳақиқат учун курашиш эди ва риёзати эса хонақоҳ ва кўча-кўйларда қаландарона ашулалар воситасида ифода топарди. Ашулалар мазмуни асосан диний-тасаввуфий эди ва бу иш тасаввуф ғояларининг тарғиб-ташвиқи учун ишлаб чиқилган ва шу ғояларга мослаштирилган бир тадбир эди. Дарвеш ва қаландарнинг халқ орасидаги фаолияти оддий тиланчиликлардан фарқ қиларди, албатта. Улар шу воситалар туфайли тасаввуф таълимотининг ёйилишига ва уни манзур этишга ёрдам берардилар; сўфийлик тариқатини оммалаштирардилар, аҳолини тариқатга жалб этардилар.

Қаландар тушунчаси ринд, яъни бебок, ҳушёр, лоқайд маъноларида ҳам келиб, озод ва эркин шахс деганидир. У хонақоҳ, чиллахона, кўча-кўйдан ташқари давралар, ҳалқалар, сўфиёна мажлисларда ҳам иштирок этарди. Қаландар ҳам дарвеш каби барча нарсалардан воз кечган, хусусан аёл, маишат ва таъмадан юз ўгирган эди. Эронлик тасаввуфшунос олим Зарринкўбнинг фикрига биноан, қаландарлар фаолияти маломатия намояндаларининг турмуш тарзига монанд эди. Ва яна у ёзадики «Мавлоно Жалолиддин Румий даврида (XII аср) қаландарлар Қуния (Туркия) да махсус хонақоҳ қурган эдилар ва улар ғолибо сочларини тозалаб қириб, кўча ва бозорларда юрардилар». Зарринкўб мазкур фикрларини давом эттириб яна таъкидлайди: «Қаландария (Қуниядаги мазкур қаландарлар ҳақида сўз кетаяпти) ҳалқасини таъсис этган шахс шайх Жалолиддин Соважий эди ва у Дамашқда сочини (устара билан) тозалаб ва қошларини териб юришни расм қилди» (6, 305-306).

Қаландарнинг ташқи кўриниши бошқалардан, жумладан дарвешлардан нимаси билан фарқ қилиши мазкур парчада яхши ифодаланган. Бу далилномадан мазкур оқимнинг маломатияга яқинлиги яққол кўриниб турибди. Зеро маломат ва мазаммат билан ички дунёсини бойитиш ва хокисорликка берилиш қаландар учун ҳам энг яхши одат эди ва бунда сўфийлик фаолияти кенгроқ, теранроқ намоён бўларди. Соч ва қошларни тоза қириб, ярим яланғоч ва ямалган йиртиқ жулдур кийимлар билан ғаройиб бир тарзда ва нафратли бир қиёфада бозорларда айланиб юриш ҳам маломатия тариқатига хос сифатлар эдики, қаландар кейинроқ уларни ўзлаштириб олган эди.

Иккинчидан, хунук кўриниш ва бадбашаралик хотинлар диққатини тортмаслик учун эди. Дарвешлар аксар ўйинлар ва аёлдан

бош тортмас эдилар (юқорида келтирилган Ибн Батутта маълумотиға диққат қилинг). Аммо қаландарлар учун аёл масаласи тамоман бегона эди ва улар ҳатто ундан қочиш мақсадида ўзларини махсус маломатия қиёфасида юрардилар. Зарринкўбнинг қаландария силсиласи ҳақидаги фикри шу эдики, VII-IX асрларда бу тариқат ҳали дарвешлик ҳолатида бўлиб, гуруҳлару ҳалқалардан ташкил топиб, ишлаб чиқилган қонун-қоидалари унча сезиларли эмасди. XI асрдан бошлаб қаландарлик ҳаракати қаландария силсиласи асосида таъсис этилди ва унинг хос муассасалари ҳам пайдо бўлди. Бу силсила бора-бора мустаҳкамланиб сўфийлик ҳаракатининг бир бўлаги сифатида иш юритди.

Ундан кейин қаландарлар сўфийлар каби хирқа кийиб, ҳасса олиб, кулоҳ тақиб қаландария ҳалқасига хос тартибда махсус одоб ва қоида билан ҳаракат қилиб, фирқа мезони ва талабига риоя қилардилар. Шунда уларнинг алоҳида гуруҳлари бошларию юзларини қип-қизил қилиб қиришдан ташқари махсус ранглар билан бўяб, қўлларию бўйниларига кишан ва занжир солиб, телба ва девоналарга ўхшаб, ваҳимали қиёфада юрардилар. Энди улар қадимги ҳақиқий художўй қаландарларга ўхшамас эдилар ва Зарринкўбнинг айтишича «диний фарзларнинг ижросига эътиборсизлик билан қарардилар»; таъмадан воз кечиш ўрнига худди кейинги дарвешлар каби садақа сўраб «унинг ҳисобидан кун кечирардилар» (6, 393).

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, XII асрдан кейинги даврларда ҳам қаландарлик фирқасига бўйсунмайдиган ва гуруҳ бўлиб юрадиган, уй-жойи йўқ кўчманчи қаландарлар ҳам хийла кўп эдилар. Улар қаноатпешалик, дунёни тарк қилиш ва парҳезгорлик анъаналарини давом эттирардилар. Бу анъаналар сўфийлик принциплари асосида XX асрнинг бошларигача Марказий Осиёда сақланиб қолди.

Тасаввуфнинг илк намояндалари-дарвешу қаландарларнинг кимлиги билан танишар эканмиз, фикримизнинг иккинчи босқичи-зоҳидлару обидлар масаласининг шарҳи ҳам олдимизда кўндаланг бўлиб турибди ва бинобарин кейинги тафсилотларимиз шу ҳақдадир.

ЗОҲИДЛАРУ ОБИДЛАР ҲАҚИДА

Зоҳиду обид айтганимиздек, айнан бир мазмунни ифодалайди ва бир ипнинг икки учи бўлиб, ислом шаклланган даврда тасаввуф жараёнининг биринчи идеолог-мафкурашунослари сифатида намоён бўлдилар. Агар дарвешу қаландарлар бу мафкуранинг ижрочилари-жарчилари бўлсалар, зоҳидлару обидлар унинг назариётчилари эдилар. Шундай қилиб, илк тасаввуфона оқим зоҳидона шаклда ривож топти ва унинг биринчи намояндалари диний ва сўфиёна таълимотга берилиб, кетма-кет бош кўтара бошладилар ва уч аср-VII-VIII ва IX асрлар давомида уларнинг сони анчага етди.

Шуни ҳам айтмоқчимизки, зоҳидлару обидлар ўз машғулоти юзасидан шу ном билан шуҳрат қозонганлар. Масалан зоҳид-зуҳд сўзидан олинган бўлиб, порсо, тақводор, диндор, художўй маъноларини билдирса, обид-ибодатчи ва тавба-тазарру қилгувчи деган тушунчаларга асосланади. Мазкур мазмунларга таяниб зоҳидлару обидларни шайх ёхуд имом тушунчалари билан ҳам тилга олиш расм бўлган эди. Шайх ва имом уларнинг сўфиёна унвони эди. «Кашф ул-маҳжуб» (XI аср) ва «Тазкират ул-авлиё» (XII аср) да рўйхат қилинган ўша илк зоҳидлар-имому шайхларнинг баъзилари булар эдилар:

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўрт халифалари-Абубакр, Умар, Усмон, Али (Ҳайдар) ва у кишининг аҳли хонадонига мансуб-Ҳасан, Ҳусайн, Абужаъфар. Улардан кейин Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Ҳумам бин Ҳайён, Абуали Басрий, Саид бин Мусайяб, Ҳабиб Ажамий, Молик бин Динор, Абуҳанифа Нўмон бин Собит, Абуабдуллоҳ бин Муборак, Зуннун Мисрий, Иброҳим бин Адҳам, Бушр бин Ҳофий, Абуязид Бистомий, Ҳорис Муҳосибий, Абутуроб Нахшабий, Жунайд Бағдодий, Рўям бин Аҳмад, Саҳл Тустарий, Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Али ат-Термизий, Абубакр Варроқ Термизий, Абу Ҳозим Маккий, Суфён Саврий, Маъруф Кархий, Сарий Сақатий, Аҳмад Хизравия ва шулар қаторида аёллардан Робия Адавия.

Мазкур зоҳид ва имомларнинг сўфиёна маслаги художўйлик эди. Худони билиш, таниш, ундан қўрқиш ва уни жон-дилдан севиш ва соғиниш таълимот мундарижасининг асосий мақсадини ташкил қиларди. Шу мезонда худо олдида тавба қилиш, умр бўйи ибодатга ўтириш ва порсоликка берилиш уларнинг кун тартибида турарди. Бу одоб-анъанани эса чиллахонада ўтириб зикр билан шуғулланиш, мол-мулкдан нафратланиб фақирона ҳаёт кечириш, тарки дунёчилик ихтиёр этиш, чин ҳалолликка берилиш, нафс балосидан нажот топиш, таъма ва риёдан юз ўгириш, ўз бойлигидан қочиб бошқаларнинг инъомини мутлақо қабул қилмаслик, поку мусаффо юриш ва сидқ-сафо кўрсатиш, аёл зотига эътиборсизлик билан қараш йўли билан амалга ошириш мумкин эди.

Азизиддин Насафийнинг гапига кўра «шундай қилиш керак эдики, зуҳду тақво ва риёзат чинакам одам бўлишга ёрдам бериши ва одамийликнинг барча даражаларини намоён этишга» сабабчи бўлиши ҳар қадамда билиниб турсин (15, 164). Яъни мазкур олим зоҳидона тавба-тазарру ва тақвони одамийликка чорлайдиган ҳақиқий одоб ҳисоблайди ва бу йўл-йўриқ билан камол топиб намунали инсон бўлиш мумкинлигини рамз этади. «Чинакам инсон бўлиш ва одамийлик даражаларига эришиш» зоҳидларнинг асосий мақсади эди ва улар бунга риёзат ва тақво усули билан эришарди. Зоҳидона тариқатнинг аҳамияти ҳам шунда эди.

Шу сабаб Ҳорис Муҳосибий (855 мелодий йилда вафот этган) «зоҳидлик мероси роҳатдадир» деб зоҳидона таълимотни қўллаб-қуватлаб, унга баҳо беради (1,24). Муҳосибий фикрига кўра, зоҳидона тариқатдан қолдириладиган адабий мерос фақат роҳат келтиради, холос. Бу билан шайх зоҳидлик одобини гўзал одоб ва муҳим аҳамиятга эга таълимот деб ҳисоблайди. Яҳё бин Маоз ар-Розий (вафот этган йили 872 мелодий) эса зоҳидлик аҳамиятини уч нарсада деб билади. Булар: «камдан қаноатда, хилватда ва очликда эдилар» (1, 76).

Бу кўрсаткичлар зоҳидларнинг хос хусусиятига ишорадир. Улар доимо қаноат қилишлари, хилватнишин бўлишлари ва кам ейишга одатланишлари зарур. Бадан тарбияси ва саломатлик учун белгиланган мазкур хислатлар ҳаммага фойда келтиради ва бинобарин улар билан мунтазам шуғулланиш ҳамиша, бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Мазкур хулосалардан келиб чиққан ҳолда шайх Али бин Усмон ал-Исфаҳоний (874 мелодий йилда оламдан ўтган) зоҳид бўлганидан фахрланиб деган экан: «соғлик истадим, зоҳидликдан топдим» (1,81). Шу тариқа, IX асрда яшаган шайхлар соғлик-саломатлик, роҳатланиш ва манфаатни зоҳидлик усули деб билганлар ва шу боис мазкур тариқатни ташвиқ-тарғиб этиб, унга эришиш ва у билан яшашни буюрганлар. Буларнинг ҳаммаси зоҳидликнинг ахлоқий принципларига мос ва хос бўлиб, унинг аҳамиятини белгилайди.

Мазкур ахлоқий кўрсаткичлар аслида бундан ҳам зиёдроқ эди. Уларнинг қаршисида барча ножўя, носоғлом ва манфур машғулотлардан истиҳола қилиб, фақат диёнат, адолат, риёзат ва яхшилик томон ҳаракатда бўлиб юриш талаб этиларди. Зоҳид-сўфий ҳаётининг фойз-баракати ҳам шунда эди. Иккинчидан, зоҳидона таълимотнинг ривожланишига фақат ислом давридаги художўйликка интилиш машғулотлар эмас, балки қадимги зардуштийлик, масеҳийлик, яҳудийлик ва бутпарастлик динларининг замирида шаклланган диний ибодатларнинг таъсири ҳам сезиларли эди. Кейин пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) вафотларидан сўнг халифалар даврида ривож топган айрим нопокликлар ва ўзгаришлар, жумладан бойликка, мол-мулкка, мансабга берилиб, амалий ислом йўлидан четланишлар мазкур тартиботга норозилик билдириш мақсадида зоҳидлик маслагининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Зоҳидлар энди асл диний ғояларни эҳтиёт қилиш ниятида курашга чоғландилар ва бу омил зоҳидлик фирқасининг кенг кўламда ва катта куч билан ривожланишига яққол урғу берди.

VII-IX асрлар зоҳидлари ирфоний сирлар, жумладан ишқий жазаба ва ҳол савдосини чин зоҳидона ҳаракатлар билан уйғунлаштирдилар. Покиза ният билан тоатга ўтириш ва ҳаром

молдан парҳез қилиш, инчунин аллоҳга банда бўлиш ва ундан кўрқиш уларнинг мақсади ва вазифаси эди. Бундан зоҳидлар охират файзини, жаннат жамоли ва аллоҳ раҳм-шафқатини интизорлик билан кутардилар. Улар аллоҳ билан ўзлари орасида масофа ва фарқ кўярдилар. Аллоҳни идрок этиш, бу дунёда унинг дийдорига эришиш ниятидан кўра, зоҳидларда аллоҳ ёрдамини кутиш, уни холик ва ўзларини махлуқ деб билиш, аллоҳнинг паноҳида яшаш, унга суюниш, уни мадаккор дейиш биринчи ўринда турарди ва уларнинг нияти ҳам шу эди. Халифа ал-Мўътасимнинг Иброҳим Адҳамга қараб «сен нима билан шуғулланасан» деган саволига улўф зоҳид «мен бу жаҳонда аллоҳ таоло зикри ва у жаҳонда унинг дийдорини кўриш билан шуғулланаман» деб жавоб беради (23,88). Мана зоҳид шахсининг ҳаёт тарзи шундай ва унинг орифдан фарқли ўлароқ бош ғояси ва низомномаси шу эди.

Шу мезонда зоҳидлар таълимоти шариат ғоялари билан маънодош ва унинг ўзгинаси эди. Сўфиёна ғоялар эса исломий ғоялар билан уйғун ҳолда ривожланарди ва улар бир ғояни акс эттирарди. Тариқат шариатга тобе ва мувофиқлаштирилган бўлиб, шариатдаги барча одоб ва расмиятларни ифода этишга қаратилган эди. Масалан икки вужуд тўғрисидаги шариатчиларнинг қўйидаги фикри зоҳидлар учун ҳам айнан қўл келарди ва уларнинг мафкурасини ифодаларди. XIII асрда яшаган тасаввуфшунос олим Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ» асарида бу ҳақда ёзади: «Билгилки, шариат аҳли иккита вужуд тўғрисида гапирдилар. Биринчиси, вужуди қадим (яъни азалий вужуд), иккинчиси вужуди ҳодис (яъни дунё). Вужуди қадимнинг бошланиши йўқ, аммо вужуди ҳодиснинг бошланиши-аввали бор... Азалий ва абадий вужудни худо дейдилар, ўткинчи, фоний вужудни олам дейдилар. Худо оламнинг халлоқи (яратувчиси) дир» (15, 114).

Яъни хулоса шулки, аллоҳ яратувчи ва олам унинг яралган мавзеи. Инсонлар эса унинг махлуқи. Олам ўткинчи нарса ва шу боис мақташга арзимади. Уни пастга уриб, ундан нафратланиб, охиратда аллоҳ дийдорига тўйиш бош мақсаддир. Аллоҳ мавжуд, олам бор, ҳохласа, у бир зумда оламини барбод этади. Шунинг учун аллоҳдан кўрқиб, унга доимо итоат қилиб юриш зарурдир. Зоҳидлар учун шариатчиларнинг бу дастури амалий қонун ҳисобланарди ва улар унга сўзсиз бўйсунарди.

Зоҳидларнинг тавба ва тоат-ибодати эса шариат рукнлари ва қонун-қоидаларига сўзсиз бўйсунарди, уларни ортиғи билан бажаришга ва доимий равишда уларга берилишда ифодаланарди. Шу боис зоҳидларнинг тилидан фақат ва фақат аллоҳ номи эшитиларди, намоз ўқиш ва рўза тутиш уларнинг доимий иши эди, ҳаж амали эса

такрор-такрор бажариларди. XI асрда яшаган ҳаким Носир Хисрав орифона ғоялар оҳангида ёзган эди:

Аз намозу рўзайи ту ҳеч накшоюд туро,

Хоҳ кун, хоҳи макун, ман бо ту гуфтам рости.

Яъни: сенинг номоз ва рўзангдан сенга ҳеч қанча фойда-манфаат йўқ (улар сенга фойда келтирмайди), уларни хоҳласанг қил, хоҳламасанг қилма, мен сенга ростини айтдим қўйдим. Аммо зоҳидлар бу гапларнинг аксини қилардилар. Намозу рўза фойдасини улар аллоҳ ёрдамида билардилар ва унинг ризоси учун, унинг номига атаб бажарардилар. Энди зоҳид шайхларнинг одоб-ахлоқи, маслағи, мақсади, машғулоти, урф-одати, зикр ва ибодат усули бобидан баъзи мисоллар келтирамиз.

НАФС ҲАҚИДА

Зоҳидларнинг энг асосий талаби нафсдан қутулиш эди. Нафси аммора уларнинг душмани, рақиби ва қотилидир. Шу боис улар биринчи бўлиб ҳужумга ўтиб, нафсни ўлдиришга, ундан қутулишга саъй-ҳаракат қилардилар. Нафс эса зоҳидларни ёмон ва ножўя ишларга етаклар эди, уларнинг ҳалоллиги ва художўйлигига зарар келтирарди. Нафс зоҳидларга муҳолифат ва зиддият кўрсатиб, ҳамиша ҳаром ва қабоҳат йўлини тутишга чорларди. Шунда зоҳидлар нафсга қаршилик кўрсатиб, уни душман сифатида мағлуб ва маҳв этишга илдам курашар эдилар. Аслида инсон вужудидаги нафс манбаи инсон баданини емирадиган, қуртдай ўядиган бир балойи азимдир. Шу сабаб ундан қутулиш ва нажот топиш инсон учун энг шарафли иш ҳисобланади. Шу ҳолатда инсон ҳалол, покиза ва сувдай зилол бўлади ва аллоҳ висолига эришади.

Бу мақсадни амалга ошириш учун зоҳидлар барча имкониятлардан фойдаланар эдилар. Бу ҳаракатлар сидқидилдан, қатъийлик ва жиддийлик билан амалга ошириларди ва шунда ҳақиқий зоҳидлик дастури бажарилиб, зоҳид гўё мақсадга эришарди. Уларнинг нафс ҳақидаги дастури пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) нинг қўйидаги айтганларидек бўлган эди: «Душмантарин душманони ту нафси туст дар миёни ду паҳлуи ту». Яъни: «сенинг энг буюк душманларингдан бўлган душманинг икки ёнбошинг орасидаги нафсингдир» (3, 260).

Ал-Жуллобий бу табаррук сўзлардан илҳомланиб XI асрда нафс хусусида ўзининг қўйидаги хулосасини таъкидлаб ўтади: «кўҳ ба нохун кандан бар одамизод осонтар аз муҳолифати нафс. Зоҳиртарин сифате нафсро шаҳват аст». Яъни: «нафс қаршилиги (муҳолифати) олдида тоғни тирноқ билан тешиш одамизодга осонроқ туюлади ва нафснинг энг яққол намоён бўладиган сифатларидан бири бу шаҳватдир» (3,

263). Шаҳвоний нафсни ҳайвоний нафс деб лаънатлаш ўтмишда улуф шайхларнинг кундалик дастурига айланган. Улар шаҳватдан абадий юз ўгирган ва имкони борича унинг зарарини ошкор этган; дин-диёнат, комиллик, ўзлигини англаш, озод ва эркин инсон бўлиш, ҳалоллигу поклик, саломатлик учун шаҳватни нест-нобуд қилиш ва унинг тазйиқидан қутулишга ҳаракат қилганлар.

Чунончи шайх Абулҳасан Сарий Сақатий (вафот этган йили 868 мелодий) айтганлар: «Динидан шаҳвати олдинроқ юрган инсон комил бўла олмайди» (1,23). Боязид Бистомий таъкидлаган: «Шаҳвати билан суҳбатдош инсон ҳеч қачон ўзини танимайди» (1,29). Шайх Аҳмад бин Хадравай (854 мелодий йилда вафот этган) фикрига кўра «Шаҳват изидан боришлиқдан ортиқ қуллик ҳам қуллик эмас» (1, 41). Шайхлар шаҳватга қарши шундай кескин фикрларни ва талабларни қўйган эдилар. Унга берилиш инсонни оғир азоб-уқубатларга мубтало этиб, охир оқибатда уни йўқотади. Шаҳват эса нафснинг асосий омили ва зуҳуроти. Шу боис нафси амморанинг биринчи кўриниши шаҳват билан курашиб, уни енгиш, инсоннинг улуф бахти ва иқболи деб тушунилади. XI асрда яшаган тасаввуф тадқиқотчиси ал-Жуллобий «Кашф ул-маҳжуб»нинг «ал-тазвиж вал-тажрид» («жуфтлик ва танҳолик») бобида ёлғизлик фазилатини алоҳида моддалар билан ажратиб, жумладан шаҳватни қоралаб ўтади ва ундан қутулиш йўлини бундай таъкидлайди: «Танҳолик фазилатининг шарти улдурки, ношоисталиқдан кўз юмсанг, кўришга нолейиқ нарсаларни кўрмасанг, нописанд фикрларни ўйламасанг ва шаҳват оловини очлик билан ўчирсанг»-булар сени руҳоният томон етаклайдиган воситалардир (3, 478).

Нафс ва шаҳват ҳақидаги шайхларнинг мазкур сўзлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Улар таълимотига биноан нафс тушунчасининг икки қутби-унинг пастдаги ва юқоридаги учи бирдай қораланган ва улар одамзотнинг қаттол душмани ҳисобланган. Аммо нафсдан қутулиш ҳақиқатан осон иш эмасди, зеро нафс аслида инсоннинг куч-қуввати, жисм-жони ва вужудидир, уни ихота этган, яъни қаттиқ боғлаган ва ушлаган бир талабдир. Шу боис инсон ундан осонликча қутулолмайди ва ҳамма гап ҳам шундадир.

Аммо одамзод, қандай бўлса ҳам, ундан қутулиши керак, хусусан агар у зоҳид бўлса! Зоҳид тоғдай азобларга чидаб, харсангни бошига кўтариб, шу душмани устидан зафар топиши даркор, уни енгиб, мағлуб қилиб, комиллик хусусиятлар касб этиши керак. Зоҳиднинг жасорати ва ғайрати ҳам шунда зоҳир бўларди. Алалхусус, нафснинг энг яққол намоён бўладиган сифатларидан бири бўлмиш-шаҳват устидан ғалаба қозониши ва уни бартараф этиши зоҳидларнинг аллоҳ йўлидаги энг бузрук тадбири ҳисобланарди. ал-Жуллобий Саҳл Тустарий таржимаи

ҳолини баён этганида шайх таълимотига асосланган нафс муҳокамасига тўхтаб, бу ҳақда қуйидаги хулосаларни баён этади:

«Нафс ёмонлик (шарр) манбаидир. Нафсга қаршилик кўрсатиш барча ибодатларнинг боши, аммо унга мувофиқат қилиш (у билан келишиш) банданинг ҳалокатидир» (3, 246). Зоҳидлар назарида нафс шундай бир ялмоғиз аъжуба эди. У зоҳидни алдаб-сулдаб ҳалокатга олиб боради ва шу сабаб қаттиқ эҳтиёткорлик кўрсатиб собитқадамлик билан уни енгиши, унинг қилмишлари ва тубан мақсадидан огоҳ бўлиши шарт ва зарур эди. Шунда шайх учун ибодат иморатининг барча эшиклари очилар эди.

Нафс аломатлари бойлик орттириш, ҳарислик ва хасислик кўрсатиш, мансабга интилиш, мол-дунё тўплашдир. Туядай қорин тўйғазиш, еб-ичишга, овқатга, ётиб ейишга, маишатга меҳр қўйиш ва уларга берилиш ҳам нафс аломатларидир. Буларни шарҳлашда ҳам ал-Жуллобий Саҳл Тустарий ҳаётдан шундай мисол келтиради. У ёзади: «Айтишларича, Саҳл Тустарий ўзини шунда намоён этган эдики, ҳар ўн беш кунда бир бор таом истеъмол қиларди ва бу билан нафсни енгишга қаттиқ ҳаракат қилди. Шундай бўлса ҳам у озгина егулик билан жуда узоқ умр кўрди» (3, 252).

Абусулаймон Дороний номли бошқа бир шайхнинг фикрича «нафс амонат (жисм) учун хоин ва ризо талаби учун монеълик. Шунинг учун энг яхши аъмол унга қаршилик кўрсатишдир» (3, 251). Ҳаким ат-Термизийнинг фикрича: «нафс инсон тириклигидир ва ундан қутулиш ўлим билан баробар. Аллоҳни таниш учун ана шу ўлимдан устун чиқиш керак, ўзингни ҳеч нарсадан аямаслигинг лозим» (3, 251).

Шу тартибда зоҳидлар нафсни жиловлаб, ундан қутулиш мақсадида барча чора-тадбирларни кўрар эдилар. Нафс монелигидан ташқари, аллоҳ риёзатига йўл олиб, ҳиммат, оқибат ва порсолик кўрсатарди. Инсоннинг шахсий ҳаёти ва унинг маишати билан боғлиқ нафси шаҳват ҳам душман қиёфасида зухур этарди. Инсонни йўлдан урадиган ва уни расвойи олам қиладиган бу нафсдан қутулиш зоҳидлар учун катта бахт ҳисобланарди. Аммо фақат энг қатъиятли зоҳид бунга эриша оларди холос. Зеро шундай улўф зоҳид ўта ҳалолу поклиги туфайлигина бундай нафсни енгишга қодир эди.

Шу боис шайх Абубакр Варроқ Термизий нафснинг асл ғалабасини шаҳват қўшничилигида деб билиб (23, 366) бу қўшнidan доимо узоқлашиб, нафсни жиловлашга ҳаракат қилишни талаб этади. Кўрамизки, юқорида таъкидлаганимиздек, Сарий Сақатий (IX аср), Боязид Бистомий, ал-Жуллобий (XI аср), Абубакр Варроқ Термизий (IX аср), Шайх Аҳмад бин Хадравайх (IX аср) лар шаҳватни нафс белгиси, унинг асосий кўриниши ва қўшниси деб билганлар. Шаҳват эса инсон учун яралган бир омил ва инсон у билан яшайди. Бу яшаш аломати устидан ғалаба қозониш-оғир бир тадбир. Аммо зоҳидлар бунга кўнар

эдилар ва худо ҳаққи уни жон-дилдан бажарардилар. Зоҳидлик одобининг моҳияти шунда эди ва шунда у ҳақиқий сўфий бўла оларди.

Аммо мазкур баённоманинг, яъни шаҳват нафсини енгиш муаммоси зоҳиднинг аёл зотига бўлган муносабатига алоқадор эмасди. Зеро, тассаввуф таълимотида уйланиш, аҳли аёлли бўлиш, фарзандлар кўриш инкор этилмайди. Сўфий хоҳласа уйланар эди. Яна қандай? Бир нечта аёлга уйланиши ҳам мумкин эди, сайру сафарларда вақтинчалик уйланишга ҳам ижозат бор эди ва ҳақозолар. XI асргача бўлган тасаввуфнинг ўн икки силсиласининг тўққизинчиси-хафифия ҳалқасининг кашфиётчиси шайх Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Хафиф «ўзининг нафсоний шаҳвати (жинсий алоқадаги куч-қуввати) ни кўрсатиш мақсадида тўрт юз аёл билан никоҳланган эди ва улардан ташқари қирқта аёл унинг кундалик хизматини қиларди ва улардан биттаси қирқ йил шайх билан бирга бўлганди» (3, 318) .

Бу ишлар шайхлар учун табиий бир ҳолат эди, унинг обрў-эътибори бу билан камаймасди, балки шайхлик мартабаси ўз йўли ва ҳоли билан ривож топарди.

Аммо аёл ва фарзанддан юз ўгириш ва оилали бўлмаслик масаласи ҳам зоҳид шайхлар учун муҳим аҳамият касб этганди. Бу эса нафсни ўлдириш ва ундан воз кечиш масаласига боғлиқдир. Ёлғиз ва танҳо ҳаёт кечириб, фақат аллоҳ билан бирга бўлиб, унинг ибодатига туну кун шуғулланиш зоҳид кишининг буюк фазилати ва нодир иши ҳисобланарди ва зоҳид эса буни катта ирода, қунт ва тамкин орқали махсус машқлар асосида бажарарди.

Ёлғизликка шайхлар алоҳида ва махсус эътибор берарди. Агар улар танҳо бўлсалар, аллоҳ каби фард бўлишга интилар ва шу зинадан буюк фазилатлар кутардилар. Улуғ мутасаввуф арбоб ал-Жуллобийнинг ёлғизлик фазилатини бирма-бир санаб ўтганини юқорида-унинг шаҳватга берилишни қоралаганида-кўриб чиққан эдик. У зот «Кашф ул-маҳжуб»нинг ўша «ал-тазвиж вал-тажрид» («жуфтлик ва танҳолик») бобида ёлғизлик фазилатини яна бир бор таъкидлаб, шайх Аҳмад Ҳаммодий тилидан издивож масаласини, яъни аёл билан никоҳ тузишни шайх учун ортиқча юк деб ҳисоблайди ва шу билан аёл яқинлигини сўфий ҳаётидан рад этиб, танҳоликни энг муҳим омил деб билади. Чунончи ёзади:

«Аҳмад Ҳаммодий Сарахсийким Мовороуннаҳр сафарида мен билан бирга ҳамроҳлик қилган эди, энг буюк эранлардан эди. Унга айтдилар: «Издивож (аёл билан никоҳ қилиш)га ҳожатинг борми»? Деди: «мен ўз ҳаётимда ўзимдан ғойиб бўлганман» (3,476-477). Шу тариқа, шайх Ҳаммодий ўзидан ғойиб бўлиб бирлик даражасини топган эди ва бу зина аллоҳ зинаси эди. Шу сабаб бирлик топган шайхга аёл керак эмасди. У аёлдан юз ўгирди ва уни шайхлик мақоматига оғир бахтсизлик ва ташвишу таҳлика манбаи деб билди. Аёлдан ўзини

узоқда тутиш, унинг яқинлигини оғир гуноҳ деб билиш ва ундан қутулиш мақсадида қаттиқ азоб ва машаққатларга берилиб, уларга чидаш шайх Зуннун Мисрий ҳаётидан келтирилган қўйидаги ҳикоятда яққол ўз ифодасини топган. Масалан, шайх Зуннун Мисрий тоғлар аро қилган саёҳатида «бир зоҳид йигитни кўрдики, савмаасидаги ибодат учун қурилган кулбасидан бир оёғини ташқарига ва иккинчисини ичкарига қўйиб ўтирган эди. Унинг ташқаридаги оёғи кесилган ва уни қуртлар еб ётибди. Бу мудҳиш манзарадан ажабланган Зуннун йигитдан аҳвол сўрайди. У дейди: «бир куни савмаада ўтирган эдим, бир аёл ўз иши билан бу ердан ўтиб кетди. Кўнглим унга мойил бўлди ва хоҳладимки, унинг орқасидан қувлаб борсам. Бир оёғимни энди савмаа эшигидан ташқарига қўйдим, шу лаҳзада бир овоз эшитдимки деди: «уялмайсанми, шайтонга ибодат қиляпсан». Ўзимга келдим ва ташқарига қўйган оёғимни кесиб иккига бўлдим ва шу ҳолатда шу жойда ўтирибман» (23, 103).

VII-VIII асрларда бундай оғир ва фожиали риёзатларга берилган зоҳидларнинг сони кўп эди. Аёлдан воз кечиш ва уни ихтиёр этмаслик бир гап, аёлдан қочиш, уни кўрганда юз буриш, уларни ўзларига умуман яқинлаштирмаслик зоҳидларнинг режасига кирган ва ҳаёт мазмунига айланган эди. Бу машғулотларни амалга ошириш учун улар турли-туман азобларга ҳам чиқардилар. Масалан аёлни ногоҳон кўрганда ёхуд тасодифан унга дуч келганда қаттиқ изтиробга тушиб ва гуноҳга ботиб қолдим деб ўз кўзларини кўр қилардилар; аёл изидан бормаслик ва шайтон васвасасига чек қўйиш мақсадида ўзларига азоб бериб оёғларини кесардилар; фикр-хаёлларини аёл ёдидан буткул тозалаб, мабода агар у ёдга тушса, шу заҳоти туриб тавба-тазарруга ўтирардилар, сурункали ҳолатда зикр қилардилар; хусусан аёл илтифотига тошбағирлик кўрсатиб, унга мутлақо аҳамият бермас эдилар ва у қувлаган пайтда ҳам ундан қочиб қутулар эдилар.

Шу фикрлар юзасидан ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаётида юз берган қўйидаги воқеани мисол қилиб келтиришимиз мумкин: «Нақл қилурларки, йигитлигида бир соҳибжамол унга ошиқ бўлди. Шайх унинг илтифотини рад этди. Бир куни қиз хабар топдики, шайх боғ сайрига чиққан. У ўзига оро бериб боққа борди. Шайх буни кўриб қочди. Қиз унинг орқасидан қувлади. Шайх тўхтамади ва боғ бурчагидаги баланд деворга осилиб ўзини кўчага ташлади» (23, 360).

Аёлни кўрганда унга ҳавас билан боқиш ва ҳиссиётга берилиш зоҳид учун қанча оғир гуноҳ ҳисобланса, тасодифий ҳолатлар туфайли аёлни яланғоч ёки чўмилаётган пайтида кўриш шунча гуноҳлар манбаи бўлиб, зоҳид киши бундан адои тамом бўлиб, чексиз қайғурарди. У бу гуноҳдан ор-номус қиларди, дўзахга тушиб оловда ёнишдан ёхуд йиртқич ҳайвонлар емига айланишдан кўрқарди; дард-алам билан бошига уриб, тунлари бедор бўлиб йиғларди ва аллоҳдан илтижо

қилиб раҳм-шафқат сўрарди. Чунончи шайх Мансур бин Амморнинг (839 мелодий йилда вафот этган) кейинги ҳикояти шу ҳақда деб ўйлаймиз. У ёзади:

«Саълабу ибн Абдурраҳмон исмли зоҳид йигит расулуллоҳ ҳузурларида бўлиб, хизматларида юрган эди. Кунлардан бир куни бир кишининг эшиги ёнидан ўта туриб, ичкарига назар солди. Бу пайтда уй эгасининг хотини чўмилаётган бўлади. Йигит иккинчи марта назар солади. Бирдан қилган иши ҳақида расулуллоҳга ваҳий нозил бўлиб, хабардор бўлишларидан қаттиқ қўрқиб кетади. Қўрқув ичида Мадинадан қочиб кетади. Ор ва ҳаё уни қувиб Мадина ва Макка орасидаги тоққа етиб келади... Ярим кеча бўлгач, у тоғлар орасидан чиқиб, қўлларини боши устига қўйиб йиғларкан, худога нола қилади: «Эй руҳим ва жасадим эгаси, жаҳаннам азобидан қутқар» (1, 48-49).

Мазкур фактларга сўяниб шайх Юсуф Розий (917 мелодий йил вафот этган) сўфийлар учун аёл жинси (танаси) нима эканлигини бундай изоҳлайди: «сўфийларнинг офати... аёллар билан яқинлашишдан эканлигини тушундим» (1, 66). Яъни аёлдан узоқлашиш ва унга қарамаслик сўфий учун катта бахт эди ва буни у умр бўйи орзу қиларди, фақат энг ҳалол сўфийларгина бунга эришарди.

Зоҳид шахсининг ҳалолу поклиги, художўйлиги ва аллоҳ каби ёлғизлиги мана шу мисоллардан баралла намоён бўлади. Унинг шаҳват балосидан нажот топиши, нафси амморани нест-нобуд қилиб, ундан тамом қутулиб фард бўлиши ҳам шу тадбирлар туфайли амалга ошириларди. Яъни зоҳидлар аёл ва уйланишни рад этмас эдилар, аммо агар ундан юз ўгириб, танҳоликка берилсалар, нафсдан тамоман ва ҳар томонлама озод бўлишларига имконият ҳосил бўларди ва бу асосда зоҳидлик даражаси ва унинг фазилатлари ошиб, у камолотга эришарди.

Бу ҳақда Иброҳим Адҳам аҳволига бир назар ташлайлик. У Балх шаҳрининг ҳокими эди. Ов пайтида ҳоли ўзгариб зоҳидлик аломати зоҳир бўлди. Шунда ҳамма нарсадан: подшоҳликдан, ҳомиладор аёлидан, бойлигидан, мансабу шуҳратидан воз кечиб, дарвешона либос кийиб тоғу биёбонларда юрарди. Йўли Нишопурга тушди ва у ерда бир ғорда тўққиз йил ибодат билан шуғулланди. Кейин Маккага бориб у жойда мужовир (муқийм) бўлди» (23, 82-83).

Бу танҳолик ва дарвешона ҳаёт кечириш Иброҳим Адҳамни кейинчалик аёлга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. У аёлдан воз кечиш ва уни севмасликни сўфиёна махсус одоб деб билди ва бу борада таъкидлади: «хотинли эркак дарё ўртасидаги қайиққа ўхшайдики, ҳар лаҳзада унга ғарқ бўлиш аломати таҳдид қилади» (26,24). Бу фикр ва мулоҳазалар ҳам зоҳиднинг танҳоликни яхши кўргани, аёлга бўлган бепарволиги ва уни деб риёзат ишларидан

қайтмаслигидан далолат беради. Бундан ташқари, Иброҳим Адҳам саргузаштидан зоҳиднинг мол-дунёдан воз кечиши, мансаб ва бойликни рад этиши, фақат аллоҳ ёди билан банд бўлиши, хилватнишинликка берилиб, тавба ва ибодат билан машғул бўлишини теран ҳис этиш мумкин. Иброҳим Адҳам ҳақиқий зоҳид эди. Зоҳидлик тариқати унинг аҳволидан ва шахсий ҳаётидан баралла намоён бўлиб туради. Худодан қўрқиш, унинг номини тилга олиб юриш ва унинг лутф-марҳаматини кутиш Иброҳим Адҳам учун ҳамма нарсадан афзал эди ва у фақат шу тартибда кун кечириб, хор-зорлик билан дунёдан ўтди.

Зоҳиднинг художўйлик ва ҳалоллик учун одатланган энг буюк хислатлари унинг таъма ва нафси амморадан нафратланиши ва бошқа зоҳидона амаллари хусусида яна бир нечта далилларга назар ташлаймиз. VIII асрда ўтган Ато бин Сулаймон деган басралик зоҳид бир куни хасталанди ва ёнбошлаб офтобда ётарди. Бу аҳволни кўрган кишилар сўрадилар: «нимага сояда ётмаяпсан»? Деди: «сояда ётишни хоҳлайман, аммо ундан қўрқаманки, дейдилар: «нафснинг роҳати учун мақсадига эришмоқчи» (4, 14-15). Зоҳид нафсни таҳқирлаш учун қаттиқ азобга берилган ва у қанча азоб чекса, чидайди, фақат нафс ғалаба қилмаса бас эди. Бўлмаса бошқалар унинг зоҳидлигига ишонмаган бўлардилар, зеро зоҳид албатта нафсдан ҳазар қилиши ва уни рад этиши керак. Шунда унинг тавбаси қабул бўлиб, у шафоат топарди.

VIII асрда яшаган зоҳидлик маслагининг яна бир намоёндаси «Абумансур Говкулоҳ Сарахс вилоятидан ва маломатия оқимининг машҳур шайхларидан эди. Бир куни унинг ҳамроҳлари сафарга чиқиб кетдилар ва у танҳо қолди. Бир кишининг ҳовлисига кириб қудуқ қаза бошлади. Сув чиқди. Қудуқдан тепага чиқиб унинг ёнидан бошқасини қаза бошлади ва унинг тупроғини биринчи қудуққа ташлай берди. Бир киши унга деди: «телба ёхуд батрак эмасмисан, бу беҳуда ишни нимага қиляпсан»? Деди: «нафсимни бир машғулот билан банд қиляпман ва агар буни қилмасам, қўрқаманки, у мени бирон ножўя ҳаракатга бошлайди» (4, 18).

Нафсни рад этиб, ундан қутулиш албатта осон иш эмасди. Нафс айрим манбаларда жон сифатида таърифланади. Демак нафсдан айрилиш, жондан жудо бўлиш демакдир. Шу боис нафс балосидан қутулиш учун барча чора-тадбирларни ҳисобга олиш керак бўларди. Унинг бир воситаси зоҳиднинг азоб-уқубатга берилиши ва оғир машғулотлар билан банд бўлишида эди. Машғулот, касб-кор, меҳнат, жумладан деҳқончилик нафс ҳаракатининг талабларидан четлатиши ва қутқариши мумкин. Зоҳид шу вазиятда нафсни бир йўла унутиши мумкин эди ва бу эса нафс жабр-жафосидан қутулиш омили демакдир.

Абумансур Говкулоҳнинг беҳуда ранж чекиб, азоб тортиб, текинга қудуқ қазиши шу мақсад учун қилинган эди. Бўлмаса танҳолик ва беҳуда хаёллар қанча шайхларни гуноҳга бошлар эди ва нафси аммора енгарди. Шундай вақтда иродасиз оддий инсонни, жумладан, жоҳил, нокас, нопок ва ғаламисларни нафси аммора сўзсиз енгади ва улар оғир ва қаттиқ гуноҳларга ботадилар. Фақат энг бузрук ва кароматли шайхлару зоҳидлар нафсни енгиш учун хилма-хил чоратадбирларни қўллаб, шу тариқа ўз мақсадларига эришардилар.

ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА

Шайх-зоҳидларнинг ҳалоллик ва покликка амал қилишлари сўфиёна махсус одоб анъаналаридан эди. Нафс балосидан қутулиш ҳалолликни тақозо этарди ва зоҳидлар аллоҳ йўлидаги покланиш ва умуман ҳаромдан юз ўгириб, ҳалолликка интилишни сўфийлик тариқатининг асосий мақсади деб билардилар. Юқорида номи келтирилган Абумансур Говкулоҳ, ал-Ҳаким ат-Термизий, Иброҳим Адҳам ва бошқа шайхларнинг ривоят ва ҳикоятларидан сўфиёна покланиш ва ҳалоллик ҳақида тегишли хулосалар чиқариш айни муддаодир. Уларнинг ҳаракатлари, фикр-зикри, ният-мақсади покланиш томон интилишда эди ва ҳалоллик улар учун олий даражали, энг мўътабар, жозибали йўл ва тариқат мезони ҳисобланарди. Зоҳид киши пок юриш, мусаффоликка интилиш ва доим ҳалол бўлишни жон-дилидан севарди ва уларни илдамлик, қатъийлик ва собитқадамлик билан бажаришга ҳаракат қиларди. Зоҳиднинг бу нияти ва мақсадини жумладан, қўйидаги ҳикоятдан ҳам яхши англаш мумкин.

«Шайх Ҳушшом бин Абдоннинг (X аср) бир қўйи бор эди ва ҳар куни ўтлатиш учун саҳрога ҳайдаб борарди. Бир куни Ҳушшом уйқуга кетди. Уйғониб қараса қўй бир кишининг экинига кириб еб ётибди. Ҳушшом қўйни ҳайдаб чиқариб, етаклаб экинзор эгасининг олдига олиб борди ва деди: «уни ол, сенинг эккан нарсаларингни ебти». Экинзор эгаси деди: «мен бу ишни кечирдим». Деди: «менга сенинг кечиришинг керак эмас». Экинзор эгаси кўп ҳаракат қилди, аммо қўй эгаси қўйини қабул қилмади ва охир-оқибат қўйни ташлаб кетди» (4, 38).

Ана ҳалоллик ва поклик мартабасига қаранг! Бугунги кунда одамлар молини бировнинг экинзорига ҳайдаб, боқиб семиртирса, димоғи чоғ, хурсанд бўлади. Илгари вақтларда ҳам худодан кўрқмаган нопоклар бу ишга қўл урар эдилар. Аммо художўй зоҳидлар бу ишни ва бу йўлни рад этардилар ва уни ҳаром деб билардилар. Зеро улар макруҳ (ҳаром) ва нопокликлардан парҳез қилиб ҳалолликни ҳаётларининг шиорига айлантирган эдилар. Зоҳиднинг қўйи бегона

кишининг экинига тасодифан киргани боис уни экинзор соҳибига бериб юборди ва экин эгаси кечирганига ҳам қаноат қилмай, қўйни ўзи учун макруҳ ҳисоблади. Зоҳиднинг зоҳидлик одоби эди бу. Ҳаром нарсаларга мутлақо қарамаслик ва бошқаларга зиён келтирмаслик, агар мабода тасодиф рўй бериб зиён етказса, унинг ҳақини тўлашга шай бўлиб туриш, тамоман ҳалоллик билан яшаш, бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, доимий равишда аллоҳ ризолиги учун курашиш ва ундан қўрқиб, унинг ҳузурда ўзини гуноҳкор билиш зоҳидларнинг иш дастури ва ҳаёт мундарижаси ҳисобланарди ва бундан улар даража ва фароғат топарди.

Бу ғояларни Абуҳомид Дўстон номли X асрда яшаган шайхнинг таржимаи ҳолида учрайдиган ҳикоят ҳам тасдиқлайди. «Абуҳомид бир куни Марв шаҳрида бир дўкон эшиги олдида ўтирган эди. Бир саққо (сув сотувчи) унга сув берди. Саққо деди: «Эй шайх нимага ичмайсан»? Деди: «бир чивин сув ичяпти, сабр қиялман, токи у ичиб тўйса, кейин мен ичаман» (4, 50).

Шайхнинг бир чивин учун шунча андишага борганини бир мулоҳаза қилинг?! Чивин сувни ҳаром қилгани боис шайх ундан истиҳола қилди. Бу ҳаромдан парҳез эди. Аммо чивинга шафқат қилиб чанқаган шайх сувдан маҳрум бўлади. Шундай қилиб у олий даражадаги покланиш ва ҳалолликка берилиб, зоҳидлик низомномасининг биринчи банди бўлмиш ҳиммат, мурувват, раҳимдиллик ва сабр-бардош кўрсатади.

Бу ўринда савол туғиладики, VII-VIII асрлар зоҳидлари ва уларнинг кейинги авлодлари мол-дунёдан юз ўгириб, қашшоқлик ихтиёр этиб, ҳеч кимнинг лутф-марҳаматига муҳтож бўлмасдан фақирлик билан яшар эканлар, қандай қилиб улар бу аҳволда оммавий тарзда ўлиб, қирилиб кетмасдан ўзларини эҳтиёткорлик билан сақлаганлар ва соғ-саломат яшаб, қариллик гаштини ҳам суриб, худо йўлидаги барча машғулотларни ортиғи билан бажарганлар?!

Буларнинг асосий сабаби уларнинг ҳалол меҳнат билан шуғулланганидир. Улар ўзлари муносиб ва лойиқ кўрган энг паст ва ҳақирона ишларга банд бўлиб, оз бўлса ҳам бир бурда зоғора ва арпа нонига қаноат қилганлар. Ҳалол луқма уларнинг бош шиори эди ва буни улар хизмат ва меҳнатдан топардилар. Бу ҳақда ҳазрат Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида бундай тафсир беради: «Сойири машойихи кибордин кўпи ҳалол луқма касбига муздурлук қилибдурлар, ўтун тошибтурлар ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, андин файз ва маърифат зоянда бўлур» (7, 68).

Бундан ташқари, Навоий шайхларнинг ҳалол луқмаси манбаини кўрсатиш мақсадида уларнинг баъзиларидан ном олиб, қайси касб-кор билан шуғулланганларини қайд этади ва шу тартибда ҳақир ва фақир шайхларнинг подшоҳлардан ҳам сарбаланд ва мағрур яшаганини

таъкидлайди. Чунончи улур шоирнинг рўйхати бўйича шайхулмашойих Абусаид Харроз этикдўз, мешкдўз, шайх Муҳаммад Саккок пичоқчи, шайх Абу ҳафз Ҳаддод темирчи, шайх Абулаббос Омилий қассоб, шайх Иброҳим Ожарий ғиштрес, шайх Мирчайи сополфуруш кулол, шайх Абулҳасан Музайян наққош, шайх Баннон ҳаммол, шайх Абулҳасан нажжор (дурадгор) ва хожа Баҳоваддин Нақшбанд «кимҳо нақшини боғловчи» эдилар (7,67-68).

Зоҳид, обид ва шайхларга мана шу ҳақирона машғулотлар нон берарди ва улар шу ҳалол луқма билан умргузаронлик қилиб, мутлақо ҳаром ёхуд ташқаридан келган макруҳ (ҳаром) луқмага қарамасдилар.

Зоҳидлар чиллаҳона ва хилватларда ўтириб, қанча азоб чексалар ҳам чидаб тоқат қилардилар. Уларнинг фикрича, буни албатта аллоҳ биларди ва кўрарди. Шу боис улар унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун ўзларига тасалли бериб ўтирардилар. Аммо танҳолик, порсолик ва парҳез зоҳидларни жамики ножўя ишлардан, хусусан мансаб, бойлик ва аёлдан муҳофаза қиларди ва бу ишларни зоҳидлар доимо ташқарида, очиқ ҳолатда ҳам назорат қилиб юрардилар. Масалан улар хилватнишинлик ва чексиз-чегарасиз тавбаю тазарру ва муроқабдан юзага, очиқ ҳавога чиқиб сайр-саёҳатга чиқардилар; чўлларни пиёда кезиб ҳаж қилардилар ва шу йўсинда дунёни айланиб, ғорлару тоғларда маскан тутиб, олам ва одамни кўриб, қаттиқ риёзатлар чекиб, ўзларини сарсонун саргардонликка машғул этиб, художўйликнинг барча талабларини ортиғи билан бажариб маромига етказардилар. Бу ҳам аслида тавба ва зикр, ҳалоллик ва покланиш усули эди.

Масалан шайх Абдуллоҳ бин Муҳаммад ал-Муртайиш (вафоти 940 мелодий йилда) устози шайх Абуҳафз Ҳаддод таклифи билан саёҳатга чиқади ва «ҳар йили оёғланг минг фарсах (км) йўл юрарди ва қайси шаҳарга борса, фақат икки кун у жойда таваққуф қиларди» (4,26). Ёхуд «Тазкират ул-авлиё»да келтирилган шайх Зуннун Мисрийнинг тоғлараро қилган саёҳатини эслайлик. Шайх Зуннун тавбасини махсус такомиллаштириш мақсадида тоққа пиёда бориб, унинг қатламларидаги ғорларда ажойиб манзаралар-сўфийларнинг бир ажойибот ва фожиали тарзда азоб чекаётганини ва ҳар хил усуллар билан ўзларини қийнаётганлари (масалан оёғини кесиши, ўзларини дарахтга осиши)ни кўриб қаттиқ афсусланади. Аммо шайх Зуннун бу ҳодисалардан сабоқ олади ва ўзига келиб ҳақиқий обидга айланади (23, 102-103).

Иброҳим Адҳам ва Абуяъқуб Наҳржурый мунтазам сайр-саёҳатга чиқиб, ниҳоясида Маккага бориб тўхтайдилар (23, 82-83, 507). Жўнайд Бағдодий эса «ўттиз карра пиёда ҳажга бориб қайтади» (23, 315). «Бушр Ҳофий номли шайх шунчалик парҳез ва ҳалолликка берилган эдики, Бағдод шаҳрида тайёрланган нон ва бошқа озиқ-

овқатни емас эди, зеро уларнинг ҳалоллигига шубҳа қиларди» (23, 511).

Мана сизга ҳалоллик ва парҳезгарликнинг олий намунаси. Зухд ва тақво учун ва ҳақиқий сўфиёна тариқатнинг ривожини, инчунин унинг мақсади, моҳияти ва асл ҳолатини сақлаш учун жид-жаҳд билан амалга ошириладиган авлиёлик ҳаракатлари шунда эди. Шайх Суфён Саврийга араб халифаси ал-Мансур мансаблар тақдим этди. Аммо Суфён уларни рад этиб, қабул қилмади. У қозилик мансабини қабул қилмаслик мақсадида Куфа шаҳридан Яманга қочиб қутулди (23,522). Машҳур мовороуннаҳрлик шайх Абубакр Шиблийнинг отаси халифанинг биринчи муовини эди ва кейин у ҳам халифанинг вазири бўлди. Шиблий зоҳидона тариқат юзасидан барча мансаблардан воз кечиб, ибодатга берилди. Бойлик ва мансабни ножоиз ҳисоблаб, ҳатто отасидан қолган мол-мулк ва олтмиш минг динорни қабул қилмай фақирлик ихтиёр этди ва шу тариқа озгина топган ҳалол луқма билан қаноатланди (23, 525).

Зоҳид сўфийларнинг асл аҳволи мана шундай эди. Улар ҳақиқатан пок ва ҳалол инсонлар бўлганлар. Тамаъ ва риёдан ҳазар қилиб, нафси амморани енгган эдилар. Мол-мулк, бойлик, мансаб улар учун қадрсиз эди, бир бурда арпа нони ва йиртиқ тўн билан қаноатга берилиб, аллоҳдан мадад тилаб, қаерда бўлсалар-хилватда ё саёҳатда-сидқидилдан тавба-тазарру қилиб, оҳ-воҳ, нолаю дард ва азоб-машаққатлар билан жисму жонини қийнаб, ўзларини аллоҳга фидо ва ҳадя этганлар, унга фоний бўлганлар.

ОРИФЛИК ТАРИҚАТИ

Энди икки калима орифлик ҳақида. Орифлик тариқати зоҳидликдан кейин унинг замирида шаклланди. Орифлар ҳам зоҳидлару обидлар каби тақвога берилиб, тавба-ибодат ва художўйлик қилардилар. Аммо бу ишларни улар зоҳидликка хос кўр-кўрона ва фидойилик билан амалга оширмасдан, бу йўлда билим, фазл ва огоҳлик кўрсатиб, ҳиссий идрок ва таҳлиллар орқали оламу одам ва жамият асроридан хабардор бўлардилар. Орифлик тариқати IX асрдан бошлаб тараққий топиб XI асрдан кейин оммавий тус олиб, машҳур бўлиб кетди. Бу тариқатда ҳам таркидунёчилик, хилватнишинлик, зикри хайр, амри маъруф, ҳаж, сайр-саёҳат, азоб-машаққат, таъмадан истиҳола қилиш, нафсдан эҳтиёт бўлиш, хонақоҳда умр ўтказиш ва шулар каби сўфиёна одоб-ахлоқ ва қонун-қоида сўзсиз хос эди. Лекин бу йўл-йўриқлар ҳушёрлик билан қилинар, мақсад-муддао эса муҳокама ва фаҳм-фаросат туфайли амалга оширилар эди. Шу боис мазкур ишлар ҳатмий ва зарурий бўлмасдан, улардан гоҳ-гоҳида чекиниш ҳам мумкин эди.

Шу тариқа, орифлар шариат даргоҳидан ташқари, тариқат остонасини босиб ўтишни ўзларига афзал ва раво кўрганлар ва улар даврида тариқат ва ундан сўнг маърифат усуллари тасаввуфнинг асосий йўналиши, унинг мақсад ва принципига айланиб кетди. Айтганимиздек, зоҳиду обидлар художўйлик ва худодан илтижо қилиб мадад сўрашни асосан шариат доираси ва унинг қонун-қоидалари асосида бажарганлар. Орифлар сирасига эса ҳиссий ибодат ва ирфоний туйғулар катта рол ўйнаган ва алоҳида мақомга эга бўлган. Аллоҳни ҳиссиёт билан англаш, унинг борлиғи ва бирлигини тушуниш, сўфиёна тушунчалар орқали унга эришиш, уни кўнгил кўзгусида кўриш ва сидқу сафо омили деб билиш ва ҳақозолар орифона тариқатнинг моҳиятини белгилайди.

Ориф учун аллоҳ ягона мақсад, ягона йўл ва ягона иродадир. У туну кун унинг зикри билан шуғулланарди ва тилию дили унинг номи билан банд эди. Аллоҳ орифнинг суҳбатдош маъшуқаси эди. У аллоҳдан таскин топарди ва аллоҳга йўқолиб, унда тириларди. Боязид Бистомий бу ҳақда айтади: «Орифнинг аломати шундаки, аллоҳни зикр этиб чарчамайди, ундан ўзга билан суҳбатдош бўлмайди» (1, 29).

Аллоҳни англаш йўлидаги суқру саҳв (хушёрлигу мастлик) орифлар учун бир хил дард бўлганди. Улар ҳар икки мазкур мақомда ҳам тариқат буюрган амалларни бажариб, улардан фойдалана олганлар. Мансур Ҳаллож, Абусаид Абулхайр, Абулҳасан Ҳараконий, Мавлоно Румий, Нажмиддин Кубро, Фаридаддин Аттор каби орифлар тасаввуф тарихидаги энг забардаст намояндлар ва унинг мундарижасига амалий таъсир кўрсатган ва ўзгаришлар, янгиликлар киритган зотлар эдилар. Мўътадил ва хотиржам сўфиёна ғоялар ва унинг замиридаги диний таъсирчан таълимотни Баҳоваддин Нақшбанд ва у кишининг издошлари Хожа Аҳрор, Хожа Муҳаммад Порсо, Мир Кулол, Мавлоно Яъқуб Чархий давом эттирдилар. Бобо Кўхий, Бобо Фигоний, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Муҳаммад Ғаззолий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Абдуқодир Гелоний, Хожа Аҳмад Яссавий эса зоҳидона ғояларни кўпроқ давом эттириб, уни диний-назарий ва ирфоний таълимот билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилдилар.

Агар XI асрда таълиф этилган «Кашф ул-махжуб» дан зоҳидлик маслағи бўйича кўпроқ маълумот оладиган бўлсак, XII аср манбаси бўлмиш «Тазкират ул-авлиё» ва ундан кейин XV асрда ёзилган Жомий ва Навоий тазкираларида орифлик тариқатига хос кўпгина маълумотлар кўзга ташланиб туради. IX асрда яшаган шайх Зуннун Мисрий таржимаи ҳолида ориф киши бундай таърифланади: «ориф киши сифатида (дар сифати ориф) ундан сўрадилар. Деди: «Ориф синчков кишидур, илмсиз, кўзсиз, хабарсиз, мушоҳадасиз, сифатсиз, кашфсиз ва пардасиз... ва ул эранларнинг сўзи (сухани эшон) ҳақ сўзидир» (23, 110).

Аслида ориф учун саналган мазкур хислатлар ҳақиқатан унда бор эди. Унинг амалий илми, мушоҳадаси, кашфи, саҳв (ҳушёрлик) сифати ҳам мавжуд эди ва унинг табиий кўзи билан ирфоний кўзи ҳам равшан эди. У кўр эмасди. Аммо булардан ташқари у билимли, синчков ва кашфиётчи донишманд бўлиб, дунё сир-синоати ва бутун асрорини ташхис қиларди ва текширарди; улардан аниқ хулосалар ва натижалар оларди. Ҳақдан сўзлаш зоҳидларнинг ҳам иши эди. Яна қандай? Улар ҳақсиз яшай олмасдилар. Аммо орифлар ҳақни ақл ва ҳис билан идрок этиб, уни тушунган ва билган ҳолда у билан ҳамнафас бўлиб, ҳамроҳликда яшар эди.

Зоҳидга хос бўлган кўрқиш, кўрлик, қуллик ва махлуқона муомала ориф учун бегона эди. У бино ва равшан кўзлар билан жасорат ва ғайрат кўрсатиб, юксак дид ва қарашлар орқали аллоҳни кўриб, у билан сўзлашиб, васл йўлини излар эди. Шайх Зуннун Мисрий ушбу фикрларни бошқа бир жойда-ориflik даражаси ва мақоматини тавсиф этганида-бундай изоҳ беради: «ундан (Зуннундан) сўрадилар: «ориф юзланадиган бирламчи даража қайсидур?» Деди: «тахайюр, ундан кейин ифтиқор, ундан кейин иттисол, ундан сўнгиси ҳайрат». Яна ориф амалларидан сўрадилар. Деди: «ҳамма ҳолатда ҳақ таоло нозирини бўлиши шарт» (23,114).

Ориф аллоҳ билан яшайди ва унинг олдида ҳозир у нозирдир. Буни у ҳушёрлик, яъни саҳв йўли ва эркинлик усули билан амалга оширади. Чунончи шайх Зуннун, шайх Жунайд ва Мансур Ҳалложлар шу йўсиндаги орифлар эдилар. Улар учун озодлик ҳамма нарсадан афзал эди. Шунда улар аллоҳни кўриб, руҳониятга интилиб ва мутлақиятдан насиба топардилар. Ориф мартабасини шайх Зуннун донишмандона бир тарзда муайянлаштиради. Сўфий ориflik мақомига етгунича ҳайратнинг илк кўриниши билан учрашиши керак. Кейин бу ҳайрат уни фақирлик-муҷаррадликка етаклайди, сўнгра висол нури жилваланади ва уни кўрганда ҳайратнинг охирги даражаси-беҳушлик ва ўзидан кетиш аломати рўй беради.

Мазкур мисоллар орқали орифнинг ирфоний манзиллар кезиши ва руҳий бочқичлардан ўтиб оромлик топиши таъкидланган ва шу мезонда гўё орифнинг нияти ва мақсади барқарорлик топиши мумкин бўлади. Яъни орифнинг ердан осмонгача бўлган ҳиссий марҳаласи ва унинг аллоҳ йўлидаги руҳий ҳаракатлари тўрт поғонадан: тахайюр, ифтиқор, иттисол ва ҳайратдан ташкил топган бўлади. Зоҳидларга ҳам бу тушунчалар бегона эмасди, аммо уларнинг мароҳил томон руҳий ҳаракатларини босқичларсиз ҳам ўтиш мумкин эди. Тавба, ибодат, фақр ва муроқаб а оромлик ва сафо бахш этиб, аллоҳ йўлидаги жонкуярликларга сабаб бўлади. Тасаввуф тарихига бағишланган Абдулҳусайн Зарринкўб китобининг таржимонлари «Урфоний

тушунчалар луғати» (Техрон: 1350 ҳ.й) китобига асосланиб зоҳид, обид ва ориф сўзларининг маъносини бундай шарҳлаганлар:

«Зоҳидлар исломнинг илк даврида ижтимоий адолатсизликлардан нафратланиб нажот умидида хилватнишинлик ихтиёр этган шахслардир. Улар моддий дунёдан қўл ювиб, зуҳд-порсоликка берилган эдилар. Ибн Жузийнинг «Шайтон васвасаси» китобида VI-VII асрларда яшаган зоҳидларнинг қирқтаси рўйхат қилинган. Улар асосан шариат талабларига аҳамият бериб, сабр, қаноат, таҳаммул билан яшаганлар. VIII асрдан бошлаб зоҳидларнинг сўфиёна одоб-ахлоқи: фақр, сабр, қаноат, риёзат, зикр, ибодат ва шулар каби янги тушунчалар билан тўлди.

Обидлар зоҳидлардан унча фарқ қилмасдилар. Ҳақиқий мусулмон сифатида диний машғулотлар билан банд эдилар. Абу Али ибн Сино «рўза ва намоз ибодатига махсус аҳамият бериб юрганларни обид деб номлаган». «Орифлар ҳақ маърифатига жид-жаҳд қилувчилар бўлиб, зоҳидлик ва обидлик таълимоти асосида шаклланиб, билувчи кашшофлар (шиносанда) сифатида шуҳрат қозондилар. Орифлар илоҳий сирларни идрок этиш учун солиқнинг ўзидан фоний бўлишини тавсия этардилар. Уларнинг айтишича, аллоҳ бор, мавжуд ва бўлган зот (ҳастии ҳақиқий ва буд аст). Коинотдан ташқи нарсалар эса унинг сифати (намуди). Бинобарин орифлар инсонни яралган ва аллоҳ ҳақиқати (хулқи)нинг натижаси деб, уни жаҳоннинг тожи деб қадрлайдилар, аллоҳ маърифатига йўл олувчи муносиб зот дейдилар» (6, 365-378).

Шундай қилиб, зоҳидлигу обидлик йўли шариат қонун-қоидаларига оид бўлиб, уларнинг намояндалари илк сўфийлар сифатида сўфиёна таълимотнинг илк асосчилари бўлганлар. Бу таълимот диний-исломий мезонда шаклланган ва шариат талабларига бўйсунган. Орифлик эса зоҳидлик ва обидликнинг тараққий топган даражаси. Орифлар IX асрдан бошлаб ақлий хушёрлик ва ҳиссий эътиқодга йўл олиб, ирфоний таълимотнинг кейинги босқичини асослаб, инсон ва аллоҳ ўртасидаги алоқанинг барқарорлигини тайин этганлар.

Орифлар шариатдан ташқари тариқат зинасини кашф этганлар ва уларнинг фикрига биноан бор ва мавжуд зот-аллоҳга унинг сифати бўлмиш инсоннинг фано бўлиши шарт ва инсон Унинг ердаги зарраси ва кўринишидир. Шу боис у улўф зот бўлиб, комиллик топиши мумкин. Орифлик тариқатининг кейинги босқичи ва орифлар таълимотининг натижаси маърифатга олиб боради, сўнг ҳақиқат даргоҳининг дарчаси очилиб, олий мартабалар ҳосил бўлади.

УЧИНЧИ БОБ

СЎФИЁНА МАСЛАК, МАҚСАД ВА ТАЪЛИМОТ

VIII асрда яшаган машҳур балхлик сўфий, шайх Аҳмад Хузравиянинг устози ва Шақиқ Балхийнинг суҳбатдоши Ҳотам ибн Ассам (вафот йили 755 мелодий) сўфиёна маслакнинг тўрт принципини белгилайди ва уларни қуйидаги тартибда баён этади: 1. «Мавти абъяз ва у очлик; 2. мавти асвад ва у сабр; 3. мавти аҳмар ва у нафсга қарши туриш; 4. мавти ахзал ва у кийим-кечак тилка-порасини тикишдир» (4, 14).

Яъни Ҳотам ибн Ассам фикрига кўра сўфий мана шу тўрт нарсага эътибор бериши ва сўфийлик тариқати учун уларни асосий мақсад деб билиши шарт ва зарур эди. Илк сўфийлар ҳақиқатан мазкур тўрт омил оғушида сўфийлик мақомига эришиб, аллоҳ йўлида ўз жонларини фидо қилганлар. Бу йўл тариқат ва орифлар йўли эди. Тариқат дегани «йўл ва йўлга бошқаришдир». Истилоҳда у сўфиёна маслак ва мақсадни ифодалаб, шариат мақомининг кейинги-иккинчи босқичидир. Тариқат бу шариат заруриятларидан ташқари, орифлик талабларини бажаришга қаратилган босқич эди. Ҳофиз Шерозий бу мазмунни жуда келиштириб қуйидаги байтда бундай ифода этади:

Дўш аз масжид сўйи майхона омад пири мо,

Чист ёрони тариқат баъд азин тадбири мо?

Яъни: пиримиз (муршид шайхимиз) бугун масжиддан чиқиб, майхонага келди, эй тариқат ёронлари бундан кейин бизнинг ишимиз-тадбиримиз нима бўлади? (на бўлмай?).

Бу ўринда масжид тушунчаси шариатга дахлдор бўлиб, майхона (хонақоҳ) тариқатга оид мафҳумдир. Сўфий тасаввуфнинг шариат босқичидан ўтиб, тариқатга йўл олади ва бундан кейин ўз пиридан ўзининг тариқат босқичидаги йўл-йўриғини маслаҳатлашиб олади. Яъни зоҳид шариат йўлига ва ориф тариқат маслағига интилганлари, ҳаракатга тушганлари боис улар янги маслак ва мақсадлар сари руҳий ривожлана бошлайдилар. Шу мезонда уларнинг ҳақиқий зоҳидона ва орифона низомномалари бошланиб кетади.

Шариат ва тариқатнинг нима эканлиги ва сўфиёна ғоялар талқинида улар намояндаларининг мафкуравий қарама-қаршилиги ҳақида Ҳофиз Шерозийдан ташқари XVII асрда яшаган машҳур мутасаввуф арбоб Бобораҳим Машраб бундай ёзади:

Оҳи дилимга зоҳидо масжиду минбаринг куяр,

Қочмасанг эмди зоҳидо тасбеҳу дафтаринг куяр.

Яна:

Зоҳид менга бир шишада май, сенга намозинг,
Минг тақвони бир шишайи майга сотақолдим.

Машраб ориф шоир эди. Шариат даргоҳидан ўтиб, тариқатнинг йўлбошчиси сифатида камолга етди. Шу боис унга масжид, минбар, тасбех, дафтар (турли-туман оятлар мажмуаси), намоз, рўза унча ёқмасди, зеро у бу талабларни бажариб улар мезонидан ўтган шахс эди. Энди иккинчи бочқичга якун ясаб, ҳол мақомлари унга эшик очган эди. Бу марҳалада Машрабга бир шиша май, яъни аллоҳ йўлидаги орифона муҳаббат ва унинг беҳудлиги даркор бўлди. Шунда ориф шоир тақво-тавбани майга алмаштирди ва ҳақиқий тариқат арбоби эканлигини намоён этди. Яъни Ҳофиз ва Машраб фикрига биноан, барча диний талаблар жумладан, масжид, намоз, рўза, тасбех, тақво, тавба шариатга хос нарсалар, тариқат эса уларнинг кейинги босқичи бўлиб, аллоҳга интилиш йўлидир ва бу йўлга биринчи навбатда сўфийлар ва шайхлар майл этадилар.

Ҳазрат Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да мазкур ўтиш даврини, яъни шариатдан тариқатга ўтишни жуда яхши тушунтириб берган. Чунончи, ул зот шайхларнинг «ҳалол луқма касбига муздурлук» қилганлари масаласини шарҳлаб бундай ёзади: «Андин сўнгра шариат риоятидур... ва бу тоифанинг ... суннат мутобаатидин улуғроқ ишлари йўқдур... ва бу риоят... ислом аркони дур. Ва анинг аввали шаҳодат калимасидур... ва яна бири салоти хамсадур... яна бири закотдур... яна бири рўзадур (ва яна бири) ҳаждур» (7, 68-70). Бу тафсилотдан кейин улуғ шоир ўз фикрини бундай давом эттиради: яна бовужуди шариат тариқат одобидурки, бу тоифа маръи тутарлар; ул адабдурки, яхши ва ёмонга ва улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки барча халойиқдин ўзларини кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки ўз фарзандларига ва ходим ва мамлукларигакам, ҳар неча алардин беқоидалиғ кўрсалар, хушунат била аларга сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоқ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғригача. Бу навъ одоб (нинг) бири сахойи муфриддурки... ҳеч нималарни ҳеч кишидан аямаслар... (иккинчиси) ҳилм ва бурдборлиғдурки... ҳар кимдин ҳар шиддат етишса, лутф ва мадори ила ўткарурлар ва муқобалада миннатдорлиғ била узр қўларлар... яна ризодурки, ҳар не ҳақдин келса ва ҳар ким сабаб бўлса, мусаббибдин ўзга киши арода кўрмағайлар... Яна сабрдурким, ҳар не ҳақдин юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса, сабр қилғай... Яна сидқдурки, ғайри воқеъ сўз тилга мутлақо жорий бўлмағай... ва яна риёзатдурки, шариат они мутаайин қилмайдур, ҳам бу тоифа (тариқатчилар) дин мутанавве воқеъ бўлубдур» (7, 70-73).

Шундай қилиб, ҳазрат Навоийнинг фикрига биноан, шариат ва тариқат ўртасидаги фарқлар мазкур иқтибосда кўрсатилган

моддалардан иборат ва уларнинг биттаси беш ва иккинчиси олти тушунчага эга бўлиб, тариқат атамаси ўз мазмуни ва моҳияти билан шариатнинг юқоридаги тараққий топган босқичи ва унинг орифона ғояси ҳисобланади. Аммо шундай бўлса-да, Навоий ҳар иккала босқич учун мазкур тушунчаларнинг баробар зарурлигини ишора этади ва фақат у бу ўринда тариқатнинг олтинчи зинаси-риёзатни мустасно этади. Унингча, шариатчилар риёзатни ёқтирмайдилар ва бу тушунчани гўё тариқатчилар кашф этганлар.

Тариқатда аллоҳ таоло йўлида риёзат чекиш, яъни орифона мақсадга эришиш учун қаттиқ азоб-уқубатларга бардош бериб, уларга бардамлик билан чидаш, ҳатто азоблардан ҳузур-ҳаловат олиш муҳим аҳамият касб этади ва бу ишлар жуда ўринли ҳисобланади. Зеро, ранжу машаққатда орифнинг иродаси синалади. Агар у ҳақиқий сўфиёна иродага молик бўлса, азоблар қанча оғир бўлмасин, у чидайди ва шунда унинг мақсади ҳосил бўлади, яъни у аллоҳ васлига эришади.

Масалан, Навоийнинг айтишича, азобга берилиш учун айрим сўфийлар бир ой рўза тутиб, шу бир ой муддатда емасдан ва ичмасдан, фақат ойнинг охирида бир марта ифтор (оғиз очиш) қилардилар (7,73). «Риёзатда мислсиз ва тариқатда баланд даражаларга эришган имом Абуҳанифа Кўфий ўн тўққиз йил давомида бир таҳорат билан бомдод намозини хуфтон номозига улаб юрган эди» (23,157). Ёхуд бир қатор сўфийлар бир таҳорат билан ташқарига чиқмасдан бир ой тоқат қилиб номоз ўқиб юрардилар (7, 73). XI асрда яшаган машҳур шайх Абусаид Абулхайр ҳар кеча бир қудуққа бошларини пастга осилтириб тонггача зикр билан машғул бўлганлар ва шу машғулот давомида у кишининг кўзларидан сув ўрнига қон оқар экан (7,73). Шайхулислом хожа Абдуллаҳ Ансорийнинг бир нонуштасига «саккиз ботмон нон» етар экан, аммо у киши бунинг ўрнига «ёз гиёҳи бирла кун кечурур эрмишлар» (7,73). XI асрнинг улуғ «шайхи Аҳмад Жом Жандапил ўн саккиз йил тоғда тоат қилибдурлар, эл юзун кўрмайдурлар ва анда емак маълум эмас эркандурки, қайдиндур ва қишда киймак қайдин» (7, 73).

Мана бу тариқатчиларнинг расм-русуми эди. Тоғларда, ғорларда, хилват жойларда, қудуқларда, чўлу саҳроларда ўзини қийнаб азоб бериш, риёзат деб аталар эди. Аммо бу одоб ва низомнома шариатда қарийб йўқ эди ва унинг ибодатчилари бу йўлларда юрмасдилар. Шариатнинг беш фарзи улар учун кифоя эди холос. Мазкур фарзлар: калимаи шаҳодат (шаҳодат сўзи), салоти қомат (беш вақт намоз), закот (мол-мулкдан хайрия бериш), рўза тутиш ва ниҳоясида ҳаж ўтказиш эди. Бу одобнома шариатпаноҳларнинг асосий йўналиши бўлиб, уларнинг мақсадга эришиши учун асосий восита ва сабаб бўла оларди. Шу боис мазкур азобларга чидашни шариат раҳбарлари

тариқат ходимларига ҳавола этиб, уларнинг орифлик кашфиёти ва бош мақсади деб билганлар.

Шу тариқа, ҳазрат Навоий тариқатнинг олти белгиси-саховат, ҳилм, ризо, сабр, сидқ, риёзат ҳақида маълумот беради; уларнинг шариат билан алоқаси ва тариқатда тутган ўрнини тайинлайди ва барча мазкур тушунчаларни одоб ифодаси деб билади. Ҳақиқатан ўша тушунчалар инсон табиатидаги ахлоқий хусусиятлар ва фазилатларни белгилайдиган омил ҳисобланади. Уларнинг таълимий аҳамияти ҳозирги кунда ҳам сезиларли албатта ва таълим-тарбия учун энг керакли ва муҳим ғоялардир. Мазкур тариқат белгилари, Ҳофиз ва Машраб айтганидек, майхона орифлари учун тақдим этилган босқичлар бўлиб, масжид эса уларнинг бештасини низомнома сифатида қабул қилган эди. Ҳазрат Навоий шариат ва тариқат тушунчаларининг назариётчиси сифатида мазкур сўфиёна йўналишларнинг XV асрда тутган ўрни хусусида баҳс юритади. Уларнинг тарихи эса VII асрдан бошлаб, кейин эса бутун тасаввуф оламида шуҳрат қозониб, жараён ёхуд маслакнинг асл моҳиятини ифодалаб келди.

Навоийнинг машҳур шогирди ва замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» асарида тасаввуфнинг тариқат одобига алоҳида аҳамият бериб, унинг хусусиятлари, сифатлари ва амалий йўналишини ҳар томонлама қайд этиб ўтади. Жумладан, у ёзади: «Тариқат луғатда тўғри йўл, истилоҳ сифатида сулук манзил (яъни маънавий покланиш даража)лари. Тариқатнинг асли учта: дам (нафас), қадам ва карам. Яъни айтиши лозим бўлмаган нарсалардан дам урмаслик, қилиниши манъ этилган ишларга қадам қўймаслик, керакли ишларга интилиш-карам. Тариқат мақомлари тўрт нарсада мужассамдир: тавба, хавф (гуноҳ ва ғайри шаръий ишлардан), жиҳод (нафс билан жанг), сабр (мақсадни кутмоқ). Тариқат аҳкоми олтита: маърифат, саховат, таваккул, тафаккур, сидқ, яқин (ишонч). Тариқатнинг манъ қилинган ишлари олтита: нафсни, бойликни, ёлғонни, зинони, шаробни, хиёнатни тарк этиш» (15, 179-181).

Бу ерда Ҳусайн Воиз Кошифий тариқат даражалари учун белгиланган махсус шарт ва талабларни санаб ўтади; уларнинг бажарилишини буюради, уларга аҳамият беришни айтади. Шу тариқа, сўфий шариат талабларидан тамоман озод бўлганидан кейин тариқат зинасига мазкур мақомларга дуч келади ва уларни сўзсиз бажариши керак бўлади. Яъни у энг аввало ўзининг сўзига, юриш-туришига, муомаласига, одоб-ахлоқига аҳамият беради ва гуноҳлардан буткул фориф бўлиб, уларни бартараф этиб, ҳалолликка интилади.

Бундан кейин сўфий гуноҳ қилмасликка ҳаракат қилиб, бу борада доимо ўзига хавф-хатар сезиб, нафси аммолага бутунлай хотима бериб, сидқан тавба қилади ва ўз мақсади учун сабр-бардош билан

йўлга тушади. Яна сўфий олти поғоналик тариқат ҳукмларини бажариб, амалда ниятига эришади ва комиллик даражасини топиб, аллоҳ маърифатига ноил бўлади. Тариқат мана шундай улӯғ бир аҳком эди. Навоий айтганидек, унинг олти поғоналик ахлоқий хусусияти ва Ҳусайн Воиз Кошифий таъкидлаганидек уч зиналик маъноси, тўрт зиналик мақомати ва олти босқичдан иборат аҳкомини бажаргандагина ва бу ҳалқа (тўсиқ) лардан ўтгандагина сўфий амалда камолот топади ва ҳақиқий тасаввуф арбобига айланиб, шайхлик мартабасига муносиб шахс деб тан олинади. Кейин у хонақоҳ очиши ва унда сўфиёна даъват ва ташвиқ-тарғиб билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Шу тариқа, тариқат сўфиёна олий маслак бўлиб, унинг намояндасининг биринчи мақсади ва тадбири харобот ва майхона ходими сифатида орифона иш юритиш, махсус машқлар орқали ҳиссий туйғуларни тарбиялаб, жуъдан куллгача, яъни танҳоликдан мужассамликка интилишдадир. Шунда ҳақшунос сўфий ҳаққа эришади ва тасаввуфнинг шариат ва тариқат чўққиларини забт этиб, унинг учун маърифат даргоҳининг нури тажаллий этади. Бу сўфийлик йўли, унинг мезони, маслаги, мақсади ва таълимоти эди.

Кўрамизки, сўфиёна покланиш энг мушкул талабларга эга. Сўфий уларни бажаргунича ўзини тамом йўқотиб қўяди, ҳайкалга ўхшаб қолади. Аммо у бу ҳолатда хизр ё авлиёга айланади ва аллоҳ даражасини касб этади. Тариқат йўловчиси яхшиликларга қанча юз ўгирса, у шунча ёмонликлардан узоқлашади. Жумладан, ёмонликларнинг ўта ёвуз ва энг зарарлиси бойлик орттириш, ёлғон, зино, шароб, хиёнат ва нафсга берилишдир. Ҳақиқатан ҳам шу олти нарса инсонни йўлдан уради, уни балоларга гирифтор этади ва ҳайвон ёхуд махлуққа айлантиради. Сўфий эса улардан ҳамиша қочади ва уларни рад қилгандагина ўз мақсадига эришади. Бу тариқатнинг талаби ва таълимоти эди.

Шундай қилиб, ҳазрат Навоий тариқат ходимлари учун олти поғоналик ахлоқий кўрсатмани белгиласа, Ҳусайн Воиз Кошифий тўрт усул, тўрт мақомат ва олти аҳкомни буюриб, буларга қарши олтита манъ этиладиган ножўя ишларни ҳамроҳ этади. Шу тарзда тариқатнинг даражаси, моҳияти ва кўриниши кўрсатилади; фалсафий категория сифатида унинг меъёрий вазифалари муайянлашади. Албатта, Навоий ва Ҳусайн Воизнинг кўрсатмаларида тариқат учун белгиланган «сабр», «сидқ» каби сифатлар дафъатан такрорланади. Лекин мазкур иқтибослар бир-бирларини тўлдирди ва улар орқали тариқат талабига оид барча урфоний тушунчалар рўйхатдан ўтказилади.

Шу тариқа, тасаввуф маслаги учун тўрт машҳур даража ё аҳком белгиланган бўлиб, улар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Буларнинг ҳар биттаси махсус таъриф-тавсифга эга ва улар ўз

мундарижалари билан сўфиёна юксалиш ва покланишни ифодалаб, солиқни олий мақомат-фано даргоҳига етаклайди ва солиқ бу ишларга ҳақиқатан муяссар бўлса, унинг бақо топиши ҳам бу йўлда мумкин бўлади.

Тасаввуф ҳақшунослик ва чин қалбдан аллоҳни севиш илмидир. Унинг намояндаси руҳий босқичлар ва мураккаб сўфиёна талабларни бажаргандагина ўша илмга ноил бўла олади ва унинг биринчи шarti эса мазкур тўрт босқичнинг марҳалаларидан эсон-омон ўтишдadir. Шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат бир-бирига боғланган ва бири иккинчисини тўлдирадиган таълимот. Тасаввуфнинг туб моҳияти, асл ифодаси ва принципларини мазкур тўрт поғоналик таълимот белгилайди ва шу боис сўфиёна ички талаблар ва кўрсаткичлар шу таълимот орқали ҳисобга олиниб, тартибга солинади. Тасаввуф тадқиқотчилари ҳам мазкур тушунчаларга алоҳида тарзда шарҳ берган ҳолда кўпинча уларни бир-бирига қўшиб биргаликда таъриф этганлар ва шу тартибда уларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини қайд қилганлар. Чунончи Ҳажвирий «Шарҳи гулшани роз» китобида ёзади:

«Шариат ва тариқат аҳлуллоҳ ибораларидан бўлиб, бири зоҳирнинг саломатлигидан, иккинчиси ботиннинг саломатлигидан далолат беради» (20,80). Абулқосим Қушайрийнинг фикри бу ҳақда шундай: «Шариат бандалик заруриятининг амрлари, ҳақиқат эса худо мушоҳадаси. Шариат халққа мўлжалланган мажбурий амрлар, ҳақиқат эса ҳақ йўлидан хабар бергувчи хос кишиларнинг насибаси» (20,80). Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг фикри бу ҳақда мана бундай ифодаланади: «Шариат барча инкор ва тасдиқдан иборат, у инсон вужудига қаратилган бўлиб, шакл-русумлар-қолипларни ташкил этади. Тариқат буткул маҳв бўлмоқ (фоний бўлмоқ), ҳақиқат эса барча ҳайратдан иборат. Шариатни тана деб бил, тариқатни дил дегин, ҳақиқатни эса жон ҳисобла» (20, 81).

Ҳусайн Воиз Кошифий бу қиёсий фарқларни қуйидаги тартибда баён этади: «Шариат-равшан билган нарсалардир, нишон, ҳурматдир; тариқат қидириладиган нарсадир, интилиш, баён, хизматдир; ҳақиқат кўриш учун курашиш, кўринадиган нарса, яъни аёндир, ҳимматдир. Булардан ҳар бирининг самараси-шариатники: аҳдга вафо, тариқатники: фано (ўзидан воз кечмоқ), ҳақиқатники: бақо-ҳақ суйган ишларга боғланиш» (15,183). Мавлоно Жомий «Нафоҳат ул-унс» тазкирасида таъкидлайди: «Аҳмад бин Ҳусайн бин Мансур ал-Ҳаллождан сўрадим: «Эй падар, (сўфиёна одоб-ахлоқдан) бирон нарса айтгин». Деди: «вақтики жумлаи жаҳон сенинг хизматингда бўлади, сен шу нарсага интила берки, ундан шояд бир мисқол яхшилик ва бузрук моҳият сенга насиб этган бўлса». Айтдим: «у нарса нима?» Деди: «маърифат» (4, 18).

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин эди, аммо ўйлаймизки, мазкур иқтибослардан ҳам барча тегишли фикрлар аён бўлди. Ўтган донолар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни тасаввуф категорияси сифатида бирма-бир санаб, уларнинг зиналари ва зиналар бўйича белгиланган махсус кўрсаткичларни муайянлаштирганлар. Шайхулислом хожа Абдуллоҳ Ансорий (XI аср) ва шайх Аҳмад бин Ҳусайн фикларига кўра, агар мазкур тўрт поғонани инсон вужудидаги тегишли аъзо ва ҳиссий туйғулар билан қиёсласак, унда шариат-тана (жисм), тариқат юрак, маърифат-моҳият, ҳақиқат жон бўлиб чиқади. Тана (жисм)ни зоҳирий ибодатлар билан тарбиялаш керак, унда юракда покланиш юз беради. Натижада инсон жисми бузрук моҳият касб этиб, руҳий юксалиш (руҳоният) пайдо бўлади, унда жон ҳақиқатга интилиб, «жони жаҳонга» пайвандлик топади. Жомий айтганидек: «Эй жони жаҳон, дар ду жаҳон ғайри ту кист?»-Эй жаҳоннинг жони, икки жаҳонда сендан бошқа ким бор? Яъни сен ўзинг ягона ва танҳосан ва сендан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган моҳият ҳосил бўлади.

Шу тарзда мазкур босқичлар бирлик-ваҳдат муаммосини ифода этгувчи далиллар ҳисобланади. Ибодатдан фано ва бақога эришган шайх бирлик касб этади. Бу эса олам ва одам, аллоҳнинг бирлиги бўлиб, унда бутун оламнинг моҳияти, қолипи, ашъё ва сифатлари аллоҳдан иборатдир деган маъно яширинган бўлади. Шу мезонда тўрт поғоналик сўфиёна босқичлар: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат тасаввуфнинг илк давридан бошлаб кейинги тараққиётгача унинг мақсад ва маслагини ифодалайдиган асосий мафкура ва манба бўлган. Тасаввуф илмининг моҳияти ҳам мазкур тўрт зиналик таълимотга асосланиб ва улар иштирокида ўз тасдиғини топган эди.

Шариат барча диний қонун-қоидалардан таркиб топиб, уни озиклантирадиган тегишли манбалар қуръони карим, ҳадислар ва турли-туман соф диний китоблардир. Шариат ходимлари учун жаннат, дўзах, кавсар, замзам, тўбо, хур, ғилмон, фаришта, қиёмат, ҳазрати Одам, худо, пайғамбар, чорёрлар, уларнинг оила аъзолари, фарзандлари, қариндош-уруғлари, шаҳодат сўзи, номоз, рўза, ҳаж, закот, диний оятлар, гўр (қабр) биноти, мулло, хўжа, масжид, мадраса ва шулар каби барча тушунчалар мос ва хосдир. Барча диний ҳаракатлар ва кўрсаткичлар, жумладан, тавба, ибодат, кўрқиш, ҳурмат, иззат, соғиниш, бош эгиш ва ҳақозолар мазкур фикрлар атрофида бирлашади ва бажарилади.

Тариқатда эса-агар шариат арбоби уни (шариатни) алоҳида бир босқич билиб, тариқат сари йўл олиб, сўфий ё солиққа айланса-кейинги даражаларга эришишга интилади. Чунончи бу зинада мақомлар, манзиллар, марҳалалар пайдо бўлади. Йўловчи солиқ сулуққа интилади ва унинг руҳий сайр-саёҳати бошланиб, бу узоқ

сафарда дам оладиган жойи-мақомлар белгиланади. Бу зинада у тўсиқларга рўпара бўлиб, ҳаяжонли ҳолатларга дуч келади ва ҳол жазабасини ҳис қилади. Шундан сўнг маърифат эшиги кўрина бошлайди ва комиллик кайфияти туғилади. Кейин озод бўлиш, ўзидан воз кечиш, ўзини йўқотиш, аллоҳга эришиб қоришиш ва фано бўлиш омиллари юзага чиқади ва ҳақиқат тушунчаси ҳосил бўлади.

Тариқатда сўфиёна махсус тавба босқичи расмийлаштирилади. Ал-Жуллобийнинг айтишича, «мақомат ибтидоси бу тавбадир» (3,325) ёхуд «ҳақ тариқатига интилган солиқлар мақоматининг биринчи зинаси тавбадир» (3, 378). Солиқ барча гуноҳлардан ва ножўя ишлардан тавба қилади ва улардан қутулиб, холи бўлгандан сўнг янги йўлга киради.

ал-Жуллобий «тавбанинг энг муҳим аломатини надомат» да деб билади ва уни нафақат солиқ учун балки «мўъминлар оммаси учун зарурий тадбир» ҳисоблайди (3,379-380). Демак, тавба надомат ва афсусланишда ифода этилади. Солиқ қилган гуноҳларидан надомат чекади, ғам-аламга ботади ва шу тартибда кечирган жоҳилонга ҳаётдан юз ўгириб, уни пастга уриб, янгиланиш учун ҳаракат қилади ва бу ўринда ҳалоллик унинг бош мақсади бўлади. Аммо тавба аслида ҳамма мусулмонлар учун энг муҳим иш ва шариат қоидаларига асосланган хос тадбирдир. Шу боис у шариат босқичида ҳам амалий бир восита ва биринчи ҳодиса бўлиб қолади.

Лекин тариқат тавбаси шариат ва барча мусулмонлар тавбасига ўхшамайди ва улардан фарқ қилади. Шариатда тавба қолипдагидай, аллоҳ йўлига фидойиларча бир тарзда бажарилади. Тариқатда эса у покланиш ва улуғ мақсадлар сари йўл олиш учун ҳушёрлик ва ғайрат билан амалга оширилади. Тариқат йўловчиси гуноҳ ва куфрни дуолар билан эмас, балки илдамлик ва жасорат билан рад этади, улардан бутунлай қутулиш мақсадида барча йўлларни, жумладан қаттиқ машаққатларга бардош беришни ҳам ўзига раво кўради.

Шундай қилиб, тариқатнинг биринчи аломати ва талаби тавба мақоматидир ва ундан кейин шу йўсинда яна саккиз мақомат тушунчалари тавбага эргашади: булар вараъ (парҳез), зуҳд (тақво), фақр, сабр, хавф (қўрқув), рижо (умидворлик), таваккул ва ризо. Юқорида кўрганимиздек, мақоматлар қадимий манбаларда, чунончи ал-Жуллобий тазкирасида учрайди ва уларнинг маъно ва моҳияти ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд (3, 225). Жумладан, вараъ, зуҳд, фақр, сабр каби тушунчалар шариатда ҳам истифода қилинади. Аммо улар тариқатда ўз маъноларини сақлаган ҳолда янги сифатлар касб этиб, сўфиёна мақсадга буйсундирилгандир.

Шу тариқа, биз тавба мақоматининг тариқатдаги тушунчасига шарҳ бердик. Қолган мақоматлар эса тариқатда қуйидаги маъноларга мослаштирилган ва ишлатилган.

Вараъ ёхуд парҳез-жамики ножўя ишлар, ҳаракатлар ва ҳаромдан истиҳола қилиш.

Зухд ёхуд тақво мансаб, мол-мулк, маишатдан нафратланиб, хилватнишинлик ихтиёр этиб, тақводорликка юз ўгиришдир.

Фақр-бенаволик, камбағаллик, камтарлик йўлини тутиш, ожиз, фақир ва хокисорликка интилиш, фақирликни подшоҳликдан устун деб билиш, дарвешона ва қаландарона сифатлар касб этишдир.

Сабр-ҳамма азобларга сабр-бардош қилиш, ҳеч нарсадан ҳазар қилмасдан уларга тоқат қилиш, бардош ва чидам билан олий мақсадга эришиш, сирли муаммолар ечимини топиш, бетоқатликка барҳам бериб, матонатли бўлишдир.

Хавф-хатарга қарши эҳтиёткор бўлиш, аввал қилган гуноҳларни қайтаришдан ҳазар қилиш, янгиларини такрорламасликка ҳаракат қилиш, барча шайтоний ишлар, макр-ҳийла, нафси аммора, ёмон ва ёлғон ишларнинг ҳужумидан ўзини муҳофаза қилиш, уларга қарши доимо ҳушёрлик кўрсатиш, яъни ҳаёт-мамотини хавфу хатарлардан сергаклик билан ҳар қадамда эҳтиёт бўлиб юриш, бунга эришиш ва тайёр бўлиб туришдир.

Рижо-бу зинанинг мақсади хавф даражасида кўрсатилган барча тадбирларга умид боғлашдир. Солик биладики, хавфли гуноҳлардан эҳтиёт бўлиш оғир иш бўлса ҳам, аммо буни сабр-тоқат билан бажариш шарт. Бу йўлда у қаҳрамонлик кўрсатади, лекин у шу қаҳрамонликка умидворлик билан интилади, унинг амалга ошишига ишонади. Яъни солик ишонч билан йўлга тушади, хавфдан, яъни бало-қазолардан кўрқмайди, уни қатъийлик билан бартараф этиб, мақсадга эришади.

Таваккул-аллоҳ йўлидаги сайри сулукка иймон эътиқод билан ҳаракат қилиш, бу йўлда итминон (ишонч) ҳосил қилиш, амну-осойишталик кутиш, фароғат ва ишонч ҳосил қилиш, сўфиёна чизилган қонун-қоидаларга бўйсунуш ва уларнинг амалга ошишига амин бўлишдир.

Ризо-соликнинг ўз қилмишларидан ризо бўлгани ҳақида тан бериш, ишониш. У биладики, сабр-бардош билан гуноҳлардан қутулди, тавбада садоқат кўрсатди, хавфу хатардан озод бўлди ва унинг вужудида покланиш юз берди, инчунин фаришта каби сифатлар касб этиб, кейинги руҳий босқич сари тайёр бўлди, унда ризо даражаси кўрина бошлайди. У энди ўз ҳаракатига, куч-қувватига, фикр-андишасига юз фоиз ишонади ва аллоҳ ризосини қутлаш учун ҳаяжон билан саф (пойга)да туради.

Абутуроб Нахшабий айтади: «мендан сўрадилар: «сенинг бирон ҳожатинг борми, бизларга?» Дедим: «менинг қандай қилиб сен ва сенга ўхшаган кишиларга ҳожатим бор бўладики, менинг худога ҳам ҳожатим чиқмайди!» яъни мен ризо мақомидаман ва ризонинг ҳожатга

иши йўқ» (23, 238). Яъни аллоҳ ризосини олган солик ҳеч нарсага, ҳатто аллоҳнинг ўзига ҳам ҳожати қолмайди. У муҳтож ва кутувчи шахс эмас. Ризо мақомида тургани боис аллоҳ ишончини қозонган бўлади. У аллоҳдан бошқа ҳожатбарор йўқлигини билиб, уни ризо даражасида топади ва аллоҳга сифинишни истайди. Зеро уни топган, ундан ризо бўлган ва муҳтожлик сезмайдиган бўлган эди.

Шу тариқа, шариатдан кейин тариқатга бошлайдиган мақоматлар босқичи бошланади. Тўққиз поғоналик руҳий ривожланиш бошланиб, солик қушдай озод ва ҳурдай пок бўлиб, мақомлар сари манзилга тушади. Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, тариқатда бажариладиган тўққиз зинали сулукат мақомати тегишли сўфиёна китобларда (3, 225) ва тадқиқот асарларида, жумладан Саид Нафисий, Саид Жаъфар Сажжодий, Қосим Ғаний Абдулҳусайн Зарринкўб, В.А. Жуковский, Е.Э. Бертельс, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Муҳаммадқул Ҳазратқулов, Расул Ҳодизода рисолаларида қайд этилган ва қўшимча маълумот олиш учун ал-Жуллобийнинг «Кашф ул-маҳжуб» асарига (3, 225) ва айниқса, тадқиқотчилардан Е.Э.Бертельс ва Нажмиддин Комилов рисолалигига (9, 36-37; 20, 21) мурожаат қилиш мумкин. Аслида мазкур мақомат тушунчаларининг тақсимланиши X асрда яшаган мутасаввиф арбоб Абунаср Саррожнинг (988 йилда вафот этган) араб тилида битилган «Китоб ул-ламаъ» (нурлар китоби) асарида келтирилган. У жойда мақоматлар етти поғонали бўлиб, бундай тартибда зикр этилади: тавба, вараъ, зухд, фақр, сабр, таваккул, ризо.

Шу тартибда сўфий солик учун аллоҳ томон руҳий йўл бошланади. Унинг охирги мақсади аллоҳни билиш, унинг муҳаббатига ноил бўлиш, унга фано топиш ва кейин бақо ҳолатига тушиб илоҳий сифатлар касб этиш бўлади. Инсон ва аллоҳни боғлайдиган нарса эса руҳдир. Шу сабаб инсон аллоҳни кашф этиш учун ўзининг руҳониятига назар ташлаши керак. Шунда унинг руҳи уйғониб, камол топиб, ўз аслини билишга, танишга қодир бўла олади.

Сўз орасида айтиб ўтамизки, руҳ тарбиясида белгиланган биринчи босқичлар юқорида кўриб чиққан тўққиз поғонали тушунчалардан иборат эди. Улардан сўнг сайри сулукка руҳий марҳалалар бошланиб кетади. Бу йўлда солик сўзсиз тўсиқлар, водийлар, фано саҳроси ва оғир азоб-машаққатларга дуч келади. Аммо манзил ва марҳалалар қанча мушкул бўлмасин, улар босиб ўтилади. Бу маърифат водийси бўлади ва шу тариқа солик шариат ва тариқатдан кейин маърифатга йўл олади. Маърифат водийсида унга ҳол даражалари дуч келади. Ҳол ёхуд аҳвол йўловчини руҳий ўзгаришларга олиб бориб, унга аллоҳ маърифати учун қулай шароит яратади.

Ҳол солиқнинг руҳий кайфияти, шавқ-завқи, фикрий мушоҳадаси, мажнунсифат кўриниши, ҳиссий жазаба ва инқилобидир. Ҳол босқичида солиқнинг аҳволи ўзгариб, у изтиробга тушади, баъзан ўзидан кетади ва шунда у аллоҳ зотини соядек кўриб, унинг нуридан баҳраманд бўлади ва лаззатланади, у ғаройиб бир ички ғалаён ва изтироблардан охир-оқибат нажот топиб, тинч, ором ва осуда бўлади. Ҳол жазабаси билан яшаб, натижага эришгани боис ўзини бахтиёр ҳис этади, кўнгли таскин топади. Худди тариқатдаги мақомлар каби маърифатдаги ҳол марҳаласида ҳам бир неча даражалар белгиланган ва улар Е.Э.Бертельснинг фикрига биноан (9, 38) қуйидаги номлардан иборат:

1. Қурб-аллоҳ билан қаробат яъни яқинлик топиш. Бу зинада солиқда шундай кайфият ва ҳиссиёт пайдо бўладики, у гўё аллоҳ билан ҳамжавор (қўшни) дир. Аллоҳ гўё унинг олдида ва гўё унга қараб турибди.
2. Муҳаббат-аллоҳга бўлган жазаба, унинг тўлқинланиши, ҳаракати, ғалаёни, аллоҳга ишқ-муҳаббат боғлаш, унинг меҳрини, муҳаббатини қозониш, унинг қуёшдай сўзон ишқига ноил бўлиш.
3. Шавқ-висол завқидан баҳра олиш, аллоҳнинг боқишидан лаззатланиб, ҳаяжонли ҳаракатга тушиш, аллоҳ дийдоридан шавқ-завқ олиш
4. Унс-аллоҳ анислигини ҳис этиш, уни ўз олдида ҳамдам кўриш, у билан дўст бўлиш, маҳрам тутиниш, унинг меҳрини, шафқатини қозониш, вафо ва аҳдга интилиш, сирру синоат ва розлардан хабар топиш, аллоҳ унсиятини биродарлик ва яқинлик омили деб билиш; унсият қаршисида фақр ва тавозу кўрсатиб, аллоҳ зотига иймон келтириш.
5. Итминон-ишонч, кўнгил сукунати, оромлиги ва осудалиги; аллоҳ раҳм-шафқатини қозонишга ишонч ҳосил қилиш, астойдил ишониш, унсиятга ҳақиқий ишонч уйғониш. Шу ишонч оғушида яшаш ва уни аллоҳнинг меҳр-садоқати ва муҳаббати деб билиш.
6. Мушоҳада-шундай ҳолатки, солиқ аллоҳнинг нафақат яқинлигини сезади, балки гўё уни кўриб туради. Аллоҳ борлигини ҳис этиш ва уни соядек кўришдир. Солиқ гўё аллоҳ шоҳидлигида туради, яъни уни ўз олдида мушоҳада этади ва гўё у билан юзма-юз суҳбат қилгандай бўлади; аллоҳ билан дийдорлашиш марҳаласи.
7. Яқин-руҳоният дунёсининг асл-моҳиятини идрок этиш; аллоҳ билан бирлик топишнинг ниҳояси, охирги манзили, ишончининг олий рутбаси, руҳониятнинг абадийлиги ва ғолиблигига тан бериш, уни ҳақиқий маъво деб билиш;

яқиндан аллоҳ билан бирикиб, абадият сирридан воқиф бўлиш, уларни кашф этишдир.

Мазкур тушунчалар маърифат даражасидаги ҳол зиналари учун яратилган сўфиёна таълимот эди. Тасаввуф остонасига қадам ранжида қилиб, сўфий бўлгандан сўнг, сўфий шариатдаги беш диний рукнлар ва тариқатдаги тўққиз мақомлардан ўтиб, маърифатдаги мазкур етти ҳол босқичларига дуч келиб, уларга ҳам илдамлик билан эришади ва кейин ҳақиқат манзилига етиб боради. Сўфий ҳақ билан рўпара келиб, унинг яқинлигини ҳис қилади, мушоҳада ва мукошафа қилади, аллоҳ билан унс тутиниб, унинг муҳаббатини қозонади. Шу таълимот орқали сўфий олам марказида қарор топган асл моҳиятни кўради ва унга қоришиб, ўзини йўқотади, шу билан фано даражаси юз беради. Солик бирлик топиб, руҳи абадиятга ҳулул бўлади. Ундан сўнг унга бақо даражаси насиб этади.

Бу даража аллоҳнинг абадияти, унинг доимий тириклиги, унинг бақоси. Сўфий ҳам мазкур зинада бақо топиб, ўзининг доимий тириклигини ҳис этади. У аллоҳ даражасини топганидан мамнун бўлади ва руҳ тимсолида абадий тирикликда яшай бошлайди. Сўфий ҳис этадики, ўзи ва аллоҳ ўртасида фарқ қолмапти ва икковлари ҳам бир тимсол эканлар. Аллоҳ ҳақидаги сўфиёна таълимот ва ҳақшунослик илмининг асл моҳияти шунда эди. Агар зоҳид ва обид ўз тавба ва ибодатлари туфайли шариат даражасида қолиб кетсалар, улар ҳақиқий руҳонийга айланиб, диний-исломий кўрсаткичлар доирасига шўнғиб кетардилар. Шунда улар аллоҳни холиқ сифатида севиб, махлуқлик вазифасини бажариб юрардилар.

Аммо агар улар орифона тариқат, яъни орифлик йўлини танлаганларида мазкур кўрсатилган мақомлар ва даражаларга эришиб, улар воситасида руҳий манзилу мароҳиллардан эсон-омон ўтиб, аллоҳ зотига яқинлашардилар, уни ҳис ва идрок этиб, унга фано бўлиб, у орқали бақо топардилар. Сўфийлар шу таълимот асосида инсонни улуғлашар ва инсон ўзини аллоҳ деб билганига ишонч ҳосил қилар эди. Фақат аллоҳ сифатларини касб этиши учун сўфийга риёзат чекиш ва мақомлардан соғ-саломат ўтиш талаб қилинарди. Шунда у ўзига ўзи эга ва олам кўзгусига табдил бўларди. Ҳақиқат даражасини топган ва аллоҳга айланган сўфий аҳлул ҳақиқат, яъни ҳақиқий абадият одамлари деб ном олар эди (9, 38).

Бу ном диний суннатлар буюрган аҳлулҳақ, яъни ҳақ одамлари принципига зиддир. Сўфиёна аҳлулҳақиқат аллоҳ бўлган зотлар маъносида ишлатилиб, аҳлулҳақ эса аллоҳ махлуқлари деган мазмунни ифодалайди. Шу тариқа биз биламизки, тасаввуфона қарашлар ва унинг таълимоти ҳақиқатан инсон зотини қадрлашга қаратилган манба бўлиб, диний таълимот эса инсонни махлуқ даражасида қолдириб, унинг раҳбари ва жиловдорини аллоҳ деб тайин қилгандир.

Биз юқорида шариатга мос ва хос номлар, жумладан, жаннат, дўзах, номоз, рўза, масжид, мулла каби тушунчаларни эслатиб ўтдик. Шунини айтмоқчимизки, тасаввуф тариқати ва унинг кейинги босқичлари маърифат ва ҳақиқат учун ҳам шариат қоидалари зарурий нарсалар эди. Аммо тариқатчилар шариатдан кейин диний талабларга унча бўйсунмас эдилар ва ўзларини бу даражадан устун кўриб, уларга эътиборсизлик билан қарардилар.

Масалан сўфийликда ҳайрат деган марҳала бор. Вақти ки сўфий ҳол мақомида аллоҳ дийдорига мушарраф бўлиб, яқинлик топади, унда ҳайрат даражаси юз беради. Яъни у бу аҳволдан ҳайратга тушиб, мот-мабхут бўлади, гангиб қолади. Шу пайтда у ғойибни кўради, ғойибда бўлган аёнсиз ҳодисалар унинг назарига тушади ва ғайбий кароматлар билан юзма-юз бўлади. Ғайб аллоҳники ва у ғойибда кўринади. Шу боис сўфий ғойибда аллоҳ юзини кўрганида уни ҳайрат ҳолати тутади ва у лол бўлиб қолади.

Шу руҳий ўзгаришда, шу мақомда сўфий беш вақт номозни ҳам унутади. Ҳушсиз ва телба бўлиб, зоҳирий машғулотлардан қолади. Масалан Жомий «Нафоҳат ул-унс» да Ҳушшом ибн Абдон номли шайх таржимаи ҳолини ёзганида бундай баёнот беради: «Шайх Абдуллоҳ Ҳафифдан сўрадилар: «нима сабаб эдики, Ҳушшом номоз ўқимас эди?» Деди: «доимий равишда ғойибни кўрарди ва шунда у ғайбий ҳодисалар таъсирида қоларди («умури ғайби бар вай ғолиб омад буд»). Бу эса ҳайрат мақоми эди ва бу мақомда у зоҳирий машғулотлар (жумладан намоз)дан қолган эди» (4, 39).

Бордию Ҳушшом шу кезларда намоз ўқиганида ҳам, у важд ҳолатига тушиб, телбаларча ҳаракат қилиб, намоз ўқирди ва уни кўрган кишилар кулардилар. Чунончи Жомий Ҳушшомнинг бу аҳволига ҳам эътибор бериб, мазкур ҳодисага бундай таъриф беради: «Вақти ки, у намозга машғул бўларди («чун ў дар намоз мешуд»), у важд ҳолатига тушарди ва меҳробда ҳаракатга тушиб, олдин ва орқага айланиб турарди ва қуръон ўқирди. Бу аҳволни кўрган атрофдаги яҳудийлар, насронийлар ва зардуштийлар ҳайратланиб, унинг атрофида тўпланиб, уни томоша қилардилар» (4, 38).

Шариатчиларнинг жойи масжид, тариқатчиларники майхона эканини юқорида Ҳофиз Шерозий ва Бобораҳим Машраб шеърлари мисолида шарҳ бердик. Яъни тариқатчилар майхонада аллоҳ муҳаббати билан яшашни масжиддан афзал кўрар эдилар. Улар учун жаннат тушунчаси ҳам шундай эди. Бу борада яна Ҳофиз Шерозий шеърига мурожаат қиламиз. У айтади:

Биҳишти адн агар хоҳи биё бо мо ба майхона,
Ки аз пойи хумат яксар ба ҳавзи кавсар андозем.

Яъни: аъло ва муборак жаннат даргоҳини агар истасанг, биз билан майхонага юр ва сени хумдаги майга ботириб кавсар сувига шўнғитамиз.

Кўрамизки, тариқатчиларнинг асл жаннати майхона эди. Шу сабаб улар шариат буюрган жаннатни ёқтирмасдилар. Улар учун майхонада маст бўлиб суқр ҳолатига тушиб аллоҳ дийдорига ноил бўлиш юз жаннатдан яхшироқ эди. Зеро, жаннат кайфияти хурсандчиликдан бошқа ҳеч нарса бермасди, майхона мастлиги эса уни аллоҳ жамолига насиб этарди ва у жумлаи жаҳонга аллоҳ каби сарвар бўларди. Шу руҳий ҳолатда майхона яъни хонақоҳ ва ундаги художўйлик ҳаракатлар жаннатдан устун ва яхши кўринарди.

VIII асрда яшаган машҳур сўфий аёл Робия Адавиянинг бундай бир муножоти бор: «Деди: эй Аллоҳим, агар сенга дўзах ваҳимасидан кўрқиб сиғинсам, дўзахда мени ёндириб юбор; ва агар жаннат умиди учун сени яхши кўрсам, жаннат эшигини мен учун ёпиб қўй. Аммо агар фақат сен учун сенга кўнгил қўйсам, абадият жамолингни мендан дариф тутма» (23, 70). Робия Адавия шариатни кезиб тариқат ва ҳатто маърифат зинасини эгаллаган сўфий аёл эди. У ҳол даражасининг охириги поғонасида аллоҳга яқин туриб, уни ҳис этди, абадиятга эришди ва аллоҳни кашф этди. Бу манзил эса аллоҳ яратган ҳар хил жаннату дўзах ва еру осмондан устун эди ва шу боис шоира аллоҳ жамолига муҳаббат боғлаб, уни қалби билан билди ва унинг юзига юзини қўйди.

Бу ҳолатда жаннат керак бўлмасди, зеро Робия ҳақиқий жаннатни аллоҳ висолидан топди. Бу ҳолат дўзах кўркувини ҳам рад этарди. Шунинг учун унинг ваҳимаси ҳам бартараф бўлган эди ва шоира тўғридан-тўғри аллоҳга юз ўгириб «сени севганим дўзахинг ваҳимасидан эмас, ваҳоланки, уни мен бир тийинга олмайман, балки сенинг юзингга эришганим ва унда абадият топганимдандир» дейди.

Мазкур фикрларни, яъни орифга жаннат ўрнига аллоҳ муҳаббати ҳақиқий жаннат эканлигини машҳур мутасаввуф арбоб Боязид Бистомийнинг қуйидаги гаплари яна-да ёрқинроқ тасдиқлайди: «Муҳаббат аҳли жаннат ҳақида ўйламайдилар, аллоҳга бўлган муҳаббати уларни буткул эгаллаган бўлади» (1, 29). Орифнинг эс-хаёли доимий тарзда аллоҳга қаратилади ва шу боис унинг жисми жонини аллоҳ муҳаббати ўраб олиб у бошқа жаннатдан воз кечади. Майхонада қўзғалган ва алангага айланган муҳаббат ўти сўфий вужудини куйдириб, масжиддан эшитган жаннату дўзах ҳисобини унинг ёдидан чиқаради. Бу ўт ориф учун фано ва бақо нишонаси бўлиб, унга шу йўл, шу тариқат керак эди, холос. Бошқа нарсалар, талаблар, кўрсатмалар ва афсоналарга ориф сира парво қилмас эди.

Шу тариқа, шариат ва тариқатдаги фарқ ва ҳодисалар мулла ва сўфий учун алоҳида-алоҳида кайфият касб этарди. Улар аввалида бир

йўлга тушиб, ҳаракат қилсалар-да, кейинроқ олдиларидан икки йўл чиқиб, улардан бири сўфийни ваҳдоният сари етакласа, иккинчиси муллани холиқият томон сафарбар қиларди. Жумладан дин уламолари агар илоҳий сирларни бу дунёда англаб, аллоҳ билан қиёматда учрашишни мақсад қилсалар, сўфийга қиёмат керак эмасди, у аллоҳни бу дунёда идрок этарди. Уламо фақат илоҳий маърифат билан шуғулланарди, сўфий эса бутун олам ва вужуднинг бирлиги билан иш юритади.

Шариат билан тариқат ўртасидаги келишмовчиликлар ва тариқатчилар томонидан шариат аҳкомларига нисбатан эътиборсизлик кўзи билан қарашлари, бунга қарши шариатчилар томонидан тариқатнинг йўл-йўриғини маъқул топмаслик шу ўриндан бошланади. Масалан тариқат намояндалари, яъни сўфий-дарвешлар ва сўфий шайхларнинг ботиний қиёфаси ва таълимоти жумладан, аллоҳга интилиш, аналҳақ бўлиш, бирлик ва ваҳдоният топиш, ваҳдат ул-вужуд ғоясини тарғиб этиш шариатга қанча хилоф бўлса, сўфийларнинг зоҳирий қиёфаси ва ҳаракатлари, чунончи уларнинг жулдур ва ямоқ кийимлари, йиллар давомида ювилмаган, тит-пити чиқиб кетган хирқаси, қуртларга тўла тўни, телбаларга ўхшаган афт-андоми, рақсу самоъ усули, қаландарона қўшиқлари, хилватда ўтириш, хонақоҳда ҳайқириқ солишлари, сеҳру жодуга монанд сўзлари-ю, куф-суфлари, уларни каромат деб номлаганлари ҳам диний йўналиш ва шариат урф-одатларига шунча мос келмас эди ва шу орада шариат билан тариқат ўртасида доимий равишда жанжаллару келишмовчиликлар бўлиб турарди.

Иккинчи томондан, тариқатчиларнинг мазкур юриш-туришлари, ҳаракатлари ва ғоявий йўналишлари улар учун махсус ва алоҳида аҳамият касб этарди ва улар шу йўлда ўз мақсадига эришиб, авлиё бўлардилар, ҳақ билан бирлик топардилар. Шариат даражасида қолиб махлуқ бўлиш тариқатчиларга ёқмас эди ва шунинг учун шариат аҳкомларига нисбатан баъзан қарши ҳаракат қилиб, уларни мазаммат қилардилар. Низолару ихтилофларнинг акси ва кейинги бочқичи эса шу тартибда жараён топарди.

Шу ўринда тасаввуф зиналарига хос яна уч поғоналик яқинлик даражаларини айтиб ўтамыз. Булар сўфиёна зиналардан бўлмиш илмуляқин, айнуляқин ва ҳаққуляқиндир. Улар аллоҳ томон сулукат воситаси бўлиб, солиқнинг руҳий уружини белгилайдиган ривожланиш йўллари ҳисобланади, кашфу завқ ҳолати ойдинлашади. Чунончи, ал-Жуллобийнинг «Кашф ул-маҳжуб» китобида ёзилишича, (3, 397-398) илмуляқин «амрлар ҳукмига оид дунё муомаласи илми» яъни соддароқ қилиб айтганда, илмуляқин махсус ўрганиладиган илмлар бўлиб, далилларга асосланади. У ишончли зоҳирий илмдир. Айнуляқин» назъ (ўлим арафасидаги) ва дунёни тарк этгувчи ҳолатдаги илм». Яъни

сўфий айнуляқинда маърифатнинг иккинчи зинаси сифатида илоҳий сирлар кашфига муяссар бўлади. Бу зина илмий далиллар билан эмас, балки солиқ қалбида пайдо бўладиган мукошафа ва завқ туфайли ҳосил бўлади. Уни ботин, яъни сирлар илми дейиш мумкин. Ҳаққуляқин эса-«жаннат ҳудудидаги рўят (мушоҳада) кашфи ва унинг халқига муоина (ташхис)дан пайдо бўлган кайфият» яъни ҳақдан сиймоси (суврати)ни ҳис қилгандан кейин унга фано бўлиш илми.

Ал-Жуллобийнинг фикри бўйича янада аниқроғи, илмуляқин «олимларнинг ашъвий-далилий ҳукми», айнуляқин «орифлар мақомати» ва ҳаққуляқин «дўстлар фаногоҳи» (фано манзили) дир. «Эрон тасаввуфи атрофидаги изланишлар» китобининг муаллифи Зарринкўб айтадики, илмуляқин мушоҳадат (жаҳд, ҳаракат)да, айнуляқин мувонасот (кўриниш)да зоҳир бўлади ва улардан бирини уммат (халқ) десак, иккинчисини хос (тариқат йўловчи)лари ва учинчисини хосулхос (ҳақиқатга эришган) зотлар деймиз (6,398). Е.Э.Бертельс мисол ва қиёс тарзда ёзади: илмуляқин-яъни менга айтадиларки, ўт куйдирувчи қувватга эга ва мен биламанки, ҳақиқатан ўт одамни куйдиради. Айнуляқин-бу зинада мен кўрдимки, ўт ҳақиқатан куйдирипти ва мен бу жараённи аниқ кўрдим. Ҳаққуляқин-мен ўтда ёндим ва аниқ ишондимки, ўт ёндириш ва куйдириш кучига эга экан (9, 38).

Шундай қилиб, илмуляқин шариат зинаси бўлса, айнуляқин тариқат ва ҳаққуляқин ҳақиқат даражалари. «Ҳақиқатда эса кўринадиган аллоҳ зотига қоришиш ҳолати рўй беради ва шу лаҳзада кўриб турувчи зотга сўфий тўлиқ фарқ бўлиб, йўқолиб кетади» (9,39). Бу жараён ҳам сўфиёна таълимотнинг бир кўриниши, мақом, ҳол, мароҳил, даража ва фано ҳолатига ишончли бир тадбир, аниқроғи зиналар уружидир. Шу тарзда ҳам маърифат жараёни содир бўлади ва у аллоҳ зотига қоришиш билан яқунланади. Сўфий мақсадига эришиб, ҳаққуляқин зот бўлади. Аслида мазкур уч яқинликни тилимизда илми зоҳир, илми ботин ва илми ҳақ дейишади. «Яқин» эса тилимизнинг маълум бир сўзи, форсча «наздик» деган маънони билдиради. Арабча маънолари «исботланган», «шубҳасиз», «равшан», «ростлик», «ҳақиқат», «дурустлик», «ишонч», «эътиқод» ва ҳақозо. Яъни яқинлик ишонч, эътиқод ва ҳаққонийлик маъноларига оид бўлиб, ундан илмуляқин табиий ва шаръий билимлар бўлса, айнуляқин маърифий сирлар билими ва ҳаққуляқин ҳаққа фано топган илм демакдир. Исботланган, шубҳасиз ва ишонарли билим биринчи зинадан ниҳоясигача аллоҳ зотининг шубҳасизлиги ва ишонарлилиги билан боғланган ва унинг яқинлиги, абадийлиги ва ўз-ўзига қоимлигининг ифодасидир.

ТҮРТИНЧИ БОБ

СҮФИЁНА СИЛСИЛАЛАР

Тасаввуф халқалари ёхуд ал-Жуллобийнинг ёзишича, «гуруҳлари» биринчи мартаба мазкур муаллиф томонидан тасниф (классификация) этилган. Бу таснифда халқаларнинг ҳар бири баробарида унинг кашфиётчисининг номи ҳам зикр этилади. Бу номлар сўфиёна силсилалар ғоясига асосланган бўлиб, улар орқали маърифат жараёнидаги халқанинг аҳамияти ва таъсири таъкидланади. Яъни шу тарзда аллоҳ маърифатининг моҳияти қайси сўфиёна мафкурага мослаштирилгани ва шу тушунчанинг унга нисбатан қандай алоқада бўлганлиги маълум қилинади.

Бу тушунчаларнинг айримлари мақом, ҳол, марҳала тушунчалари атрофида кўриб чиқилган сўфиёна атамалар билан баъзан мос келади, яъни улар билан бир хилдир. Аммо уларнинг аксарияти янгича садо ва кайфият бериб, шайхларнинг маърифат сари баён этилган фикр-мулоҳазаларини қамраб оладиган ғоялар ҳисобланади. Аниқроғи бу баённома ва кашфиётлар аллоҳ идроки учун тутган йўл-йўриқ ҳақида сўфийнинг ҳол ва мақом сари амалга ошириладиган мушоҳадасини кўрсатади. Шу боис мазкур кўрсаткичлар машҳур шайхларнинг силсиласи сифатида уларнинг номига насб этилган махсус атамалар бўлиб, шайхнинг кейинги анъанасининг ривожига далолат берадиган таълимот ҳисобланади ва унинг тасаввуф тарихида тутган ўрнини белгилайди ва тайинлайди. Жумладан, ал-Жуллобий VI асрдан X асргача ўнлаб шайхларнинг орасидан фақат ўн икки олиймақом шайхга оид бўлган ўн икки сўфиёна халқалар хусусида маълумот беради. У ёзади: «Ва жумлаи мутасаввифа ўн икки гуруҳдир ва улардан иккитаси рад этиладиганлар бўлиб, ўнтаси қабул қилинадиганлар (мақбуллар)дир. Мақбуллардан биринчиси муҳосибия, иккинчиси қассория ва кейингиси тайфурия, жунайдия, нурия, саҳлия, ҳакимия, харрозия, хафифия ва сайёриядир. Ва булар муҳаққиқ (таҳқиқ қилувчи) лар ва суннат (анъана) ва жамоа аҳли. Аммо икки мардуд (рад қилинган) гуруҳлардан бири ҳулвалийларким ҳулул (қоришиш) га мансуб бўлиб, иккинчиси ҳалложийларким шариатни тарк этгувчи ва илҳод (мулҳидлик-динсизлик) ка берилувчилардир» (3, 164).

XI асргача сўфиёна халқалар бўйича ал-Жуллобийнинг фикр-мулоҳазалари қанча аҳамият касб этган бўлса-да, ўн икки мазкур халқалардан иккитасини кофирликка мансуб этиб, уларни мардуд (яъни рад) бўлганлар дегани шунча ҳайратланарлидир. Бу баённома

ал-Жуллобийнинг шахсий фикрими ёхуд сунний тасаввуф намояндаларининг хулосаси эдими-бизга аниқ маълум эмас. Ҳар ҳолда бу фикр сунний тасаввуф намояндаларининг фалсафий тасаввуф намояндаларига билдирилган махсус эътирози эди. «Суннат ва жамоа» ни, яъни диний ғоялар ва шариатни қўллаб-қувватловчи сўфийлар ориф файласуфларни кўролмас эдилар ва уларни шариатдан юз ўгирган бидъатчи деб ҳамиша мазаммат ва маломат қилардилар. Жумладан, Мансур Ҳалложга қарши курашлар ва ул зотни илҳод (кофирлик) да айблаш ул замонларда шуҳрат қозонган ва атайин ташкил этилган махсус бир тадбир эди ва бундан хулоса чиқадики, ал-Жуллобийнинг бу ҳақдаги фикри ҳақиқатан жамоа фикрини ифода этган сўзлардир.

Аммо аслида ҳулулия ва ҳалложия мардуд халқалар эмас эдилар. Билъакс, уларнинг кўрсаткичлари тасаввуфнинг асл моҳиятига мос келиб, ҳақшунослик илмининг талаб ва қоидаларига бир йўла жавоб берарди. Фақат шуни айтиш керакки, ҳулул (қоришиш) нинг икки томони қайд этилади. Биринчиси орифга бўлган ҳулул, яъни ориф жисмига аллоҳнинг қоришиши бўлиб, иккинчиси ориф руҳининг комилликка эришиб, сўнг ҳаққа қоришганидир. Шариат пешволари ва суннат аҳли биринчи қоришишни рад этиб, иккинчисини қабул қилганлар. Зоҳидлар ва орифлар ўртасида ҳам бу келишмовчилик айнан шу тартибда давом этган. Чунончи орифона тариқатга мансуб ҳулулиячилар биринчи фикрни қўллаб-қувватлаб, унинг асосчиси сифатида ном чиқардилар. Ал-Жуллобий эса иккинчи-зоҳидона ва шариатга мос фикр тарафдори бўлиб, шу боис ҳулулия халқасига нисбатан улар «рад гуруҳлар»дир деган хулосага келган эди.

Аммо аллоҳ орифга, ёхуд ориф аллоҳга қоришиши тасаввуфда мавжуд тушунчадир. Аллоҳнинг орифга қоришиши ҳам фано даражасини билдириб, ҳақ билан қоришиб кетиши ва ҳалложийларнинг «аналҳақ» дейиши аллоҳ билан ваҳдат топиб, аллоҳлик мартабасининг насиб этишига ишоратдир. Бу принциплар тасаввуф қонун-қоидаларидан келиб чиққан маъно ва уларнинг махсус силсиласи ва сўфиёна маслагининг ифодаси эди. Улар тариқат ва маърифат босқичлари асосида айтилган фикрлар. Шу боис ўз моҳияти билан шариат ҳукмларига мос келмас эди.

Шариат орифга қоришиш ва аллоҳ бўлишни нафақат инкор этади, балки аллоҳга холиқ сифатида юз ўгириш ва унинг ҳузурида тиз чўкиб сиғинишни буюради. Шу боис, орифга қоришиш ва аналҳақ X-XI асрларда шариатга хилоф деб эълон қилинди ва уларнинг тарафдорлари жазоланди. Шариат ҳукм сурган даврда тасаввуфнинг демократик ҳаракатларининг қабул бўлмаслиги мазкур ҳужжатдан яққол кўриниб турибди. Инчунин шариатга нисбатан сўфиёна айрим

ҳалқаларнинг халқона моҳиятга эга бўлганлиги ҳам ушбу мисолдан яхши маълум бўлади.

Шу тариқа, тасаввуфнинг ўн икки халқаси қаршисида турган уларнинг муаллифлари бўлмиш сўфий арбобларнинг асл мақсади ва бу сўфийларнинг ҳаққа етишиш йўли борасида айтилган фикр-мулоҳазалари нимадан иборат эди? Юқорида биз икки халқа-ҳулул ва аналҳақни эслатиб ўтдик. ал-Жуллобийнинг ёзишича (3, 394) ҳулулия халқасининг етакчиси шайх Абуҳилмон Димишқий (X аср) ва ҳалложия сарвари Ҳусайн бин Мансур ал-Ҳаллож (X аср) эдилар. Ҳулулиянинг принципи «алкалом фирруҳ» («руҳларга сўз», яъни орифга ҳулул) эди. Абуҳилмон Димишқий ва унинг тарафдорлари фикрига кўра руҳоният даражаси мазкур принципга асосланади. Ҳаётнинг асл моҳияти руҳдан иборат ва руҳоният ҳулули боис ориф мартаба топиб, аллоҳ даражасига кўтарилади. Бу ғоя ҳам аналҳақнинг бир кўриниши эди ва шу сабаб ҳар икки таълимот бирдан рад этилиб, кофирликда айбланди.

Ўн икки сўфиёна халқанинг биринчиси муҳосибиядир. Ушбу халқанинг кашфиётчиси-шайх Ҳорис Муҳосибий. Бу халқанинг аллоҳ идрокида тутган ўрни-«ризо» зинасидир. Тасаввуф қоидасига биноан ризо-мақом даражаси ва мақом ал-Жуллобийнинг ёзишича «ҳақ йўлидаги қиём воситаси, талаб ва жаҳд (ижтиҳод) даражаси, макосиб (касб) ҳолати, ҳаракат зинасидир» (3, 225) яъни ризо тариқат мақоми эди. Ҳорис Муҳосибий шуни маъқуллади ва тасаввуфнинг бирламчи халқасига асос солди. Чунончи, ал-Жуллобий ёзади: «Ва унинг мазҳабининг нодираси шул эдики, ризонинг мақомат жумласига мансуб этарди (тасаввуфдаги) бу ихтилофга биринчи марта у пойдевор қўйди («ва ин хилоф ибтидо вай кард») (3, 219).

Иккинчи халқа-қассория шайх Абусолеҳ Ҳамдун бин Аҳмад бин Аммора ал-Қассорга мансуб. Бу халқанинг моҳияти маломатия оқимиға оид ва Қассор шу оқимнинг асосчиси эди. Маломатия ўзига хос тасаввуфнинг бир оқими бўлиб, тариқатнинг фақр мақомиға яқин туради. Фақр бу камбағаллик, фақирлик, бенаволикка оид таълимот. Маломатия эса буларнинг олий даражасини намойиш этадиган оқим. Бу оқим вакиллари йиртилган эски тўнда оёғяланг, бошяланг, гадойсифат кўча-кўйларда, бозорларда, айрим вақтларда масхарабозларга ўхшаб юрар эди. Уларни кўрган кишилар албатта улар орқасидан кулишлари, уларни маломат ва масхара қилишлари, ортидан тош отишлари, ҳақоратлашлари шарт эди. Шу боис ҳам уларни маломатия дейишади.

Бу манзара эса ўзига хос художўйлик ва аллоҳга яқинлашиш йўли бўлганди. Зеро, аллоҳ фақр ва бенаволикни яхши кўрарди. Бандаларнинг ақл-ҳушини аллоҳга банд этиш, уларни махлуқ сифатида холиққа тобелигини таъминлаш маломат тарзи туфайли

амалга ошарди. Маломатчилар аслида зоҳирий қиёфада маломатга қолсаларда, ботинда маърифатга эришган билимдон, зукко ва доно кишилар эдилар. Улар асл қиёфаларини халқдан пинҳон тутиб, зоҳирий ҳаракат ва кўринишлари билан мақсадга эришмоқчи бўлганлар. Ҳамдун Қассорнинг бош ғояси зоҳирда халқ билан, лекин ботинда ҳақ билан бўлиш эди ва у айтарди: «ҳақ пардасига йўл олиш халқ билан бирга бўлишдир» (3, 228).

Шайх Қассордан бошланган мана бу ғоя тасаввуфнинг бир халқасига айланиб кетди. Бу халқанинг келиб чиқиш мавзеси Нишопур шаҳри эди ва кейинги асрларда ҳам мазкур шаҳардан етишиб чиққан шайхлар уни қўллаб-қувватлаб ривожлантирдилар. Маломатиянинг бошқа вилоятлардаги нуфузи ҳам ҳарқалай мазкур таълимот маркази бўлган Нишопур шаҳри билан боғланган эди.

Учинчи халқа-ат-тайфурия. Унинг муаллифи Абуязид Тайфур бин Исо ал-Бистомий-маълум ва машҳур тасаввуф намояндаси Боязид Бистомий эди. Ал-Жуллобийнинг ёзишича, у киши «тасаввуфнинг раиси аъзами ва киборларидан эди» («аз руусойи тасаввуф ва аз кубарои эшон буд») (3, 228). Боязид силсиласининг моҳияти «ғалаба ва суқрга», яъни беҳудлик ва унинг жазабасига оид эди. Боязид фано ҳолатини мастлик (мастона) воситасида кўрарди ва бу эса ҳақ таоло муҳаббатининг олий ғалабаси эди.

Демак, суқр-беҳудлик ҳол даражасидаги муҳаббат зинаси билан боғланган ғоядир. Яъни Боязид аллоҳ йўлидаги руҳий интилиш, унинг ҳаяжонланиши, ботиний ғалаёни ва жазабасини суқра-беҳудликда кўрарди. Мастлик, яъни ақлсизлик, хаёл ва уйқу воситасида аллоҳ жамолига эришиш мумкин дейди Боязид. Шу йўсинда суқр билан боғлиқ май, майхона, майкада, шурб, жом, пиёла, коса, шароб, шароби, антахур, чоғир каби барча маълум сўзлару бизга таниш тушунчалар Боязид Бистомий таълимотидан илдиз олиб, кейинги асрларда адабиётга ўтиб, шеъриятнинг энг гўзал ва бузрук бир тимсолига айланиб кетди. Шу тартибда мумтоз шеъриятимизда суқр-мастлик сўфиёна бош ғоя сифатида доимий равишда ишлатилади ва истифода этилади.

ал-Жуллобий суқрни иккига бўлади. Чунончи биринчисини «шароби маваддат (дўстлик шароби) ва иккинчисини коси маҳаббат (маҳаббат шароби) деб айтиб, илова қиладики, маваддат суқри (мастлиги) иллатли бир нарса бўлиб, кўз билан кўринадиган неъматдан ҳосил бўлади, аммо маҳаббат суқри (мастлиги) иллатсиз нарсадир» (3, 333-334). Шу тариқа, суқр (мастлик) ва ундан келиб чиққан май образи икки хосиятга эга бўлади. Мастлик узум ва бошқа мевалардан ишлаб чиқиладиган май билан ҳам боғлиқ бўлиб иллатга, яъни куфрга тортади ва уни маваддат шароби деймиз. Аммо маҳаббат шароби ҳақиқий иллатсиз май бўлиб, у тасаввуф этилади, зеро у

кўринмайди ва унинг хаёлий жазабаси аллоҳ висолининг нурли таъсиридан келиб чиқади.

Бу илоҳий май (майи ваҳдат) дир ва Боязиднинг суқр ҳақидаги фикр-мулоҳазаси мана шу мастликни ифода этиб, унинг тарғиб-ташвиқига қаратилган муддао эди. Тасаввуфнинг етук халқасига айланган суқр (мастлик) ғояси Х асрдан кейин шоирлар орасида шухрат қозонди ва унинг тарафдорлари кўпайиб кетди. Мастлик ғояси ишқ-муҳаббат, жазаба, май, соқий сўзлари билан бирга ишлатилиб, аллоҳ йўлидаги сўфиёна телбаликка олиб келди ва шу услубдаги руҳият эса ҳаяжонли ички ҳолатлар ва зоҳирий мастона ҳаракатларни ифода этди.

Тўртинчи халқа-Абулқосим ал-Жунайд бин Муҳаммад Жунайд Бағдодий шахсияти билан боғлиқ ал-жунайдия халқасидир. Жунайд Бағдодий Боязид Бистомийга ўхшаган машҳур тасаввуф арбоби ва ушбу таълимот тарихида сезиларли из қолдирган улўф зотлардан эди. ал-Жуллобийнинг ёзишича, унинг лақаби «товус ул-уламо» (олимлар товуси, яъни зийнати) эди ва у олимлар тоифасининг бош саййиди ва уларнинг имом ул-аиммаси (имомларининг имоми) дир» (3,235).

Бу улўф зот силсиласининг бош бўғини «сахв» (ҳушёрлик) ғояси эди. Бу ғоя учинчи халқа-тайфуриянинг суқр (мастлик) силсиласига хилоф тарзда унга қарши пайдо бўлган таълимотдир. Сўфиёна мақом ва ҳол босқичларидаги манзилу мароҳилларга бу халқанинг унча алоқаси йўқ ва у аллоҳшунослик йўлидаги ўзига хос бир тадбир ва кўриниш эди. Яъни аллоҳни билиш, ҳис этиш, таниш, у билан бирга бўлиш, унинг суруридан баҳра олиш, муҳаббатига эришиш ва унга фано бўлиш ҳолатларида ҳушёр ҳаракат қилиш энг зарур восита деб ҳисобланади. Зеро, ҳушёр ҳолатда йўлга тушиш солиқни ўз мақсадига ноил этади, унга куч-қувват бағишлаб, уни ўз-ўзига таништиради, жасоратли ва ғайратли этади.

Шундай қилиб, инсон зотининг камолотга эришиб аллоҳ бўлганлиги уйқу ва ғафлатга ўхшаган мастлик тарзида эмас, балки ҳушёрлик усулида юз бериши талаб этилади. Яъни инсон бу ҳолатда ўзига ишонч ҳосил қилади ва унинг даражаси ва фазилати кун сайин кўтарилади ва ошади. Сахвнинг аҳамияти эса шунда эди.

ал-Жуллобий бу ҳалқани ҳам иккига бўлади. «Бирини у ғафлатдаги сахв деса, иккинчисини маҳаббат сахви дейди» (3, 234). Демак, ал-Жуллобийнинг фикрига кўра ҳаётдаги ҳушёрлик ғафлатдир, аммо аллоҳ муҳаббатига оид ва банд бўлган ҳушёрлик ҳақиқий бедорлик ҳисобланади. Ал-Жуллобий шу тарзда аллоҳ зотига доимий равишда сергаклик билан меҳр-садоқат кўрсатиш кераклигини буюради. Унингча, ҳушёрлик билан, катта бир мақсад билан бу йўлга қадам қўйиш боқий саодатдир. Аммо аллоҳ йўлидаги хаёлий ҳушёрликни табиий ва ҳаётий ҳушёрликдан афзал билиш

аллоҳпарастликнинг фанатизмига асосланган ўта салбий ғоя эди. Лекин бу фикр тасаввуф таълимоти ва қоидалари бўйича билдирилган тўғри ва энг ишончлиси ҳисобланади.

ал-Жуллобийнинг ёзишича, саҳв муаллифи Жунайд Бағдодий суқр қаршисида ўз халқасини ўзи таърифлаб, суқрни инсон учун зарарли таълимот деб билган эди. Бу ҳақда унинг қуйидаги сўзлари машҳурдир: «суқр офатлар сарчашмасидир, зеро у ҳол даражаларини ташвишга солиб инсон саломатлигига зарар келтиради ва фойдаси йўқдир» (3, 231). Шу тариқа, Жунайд Бағдодий ҳушёрлик ғоясини муҳофаза қилиш мақсадида тўғри йўл-йўриқ излаган ва уни топган. Ҳақиқатан мастлик инсонни йўлдан оздиради, уни юз минг балоларга гирифтор этиб, саломатлигига таъсир этади. Шу боис Жунайд бу борада ҳақ эди. Унинг саҳв ҳақидаги таълимоти инсон фойдасига қаратилган бўлиб, илоҳийшунослик илми учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аммо шундай бўлса ҳам, Боязиднинг суқр (мастона) таълимоти тасаввуф тарихида шуҳрат қозонди ва сўфиёна адабиётнинг энг қизиқарли ва ёқимли, ҳароратли мазмунига айланди. Кейинги асрларда кўп адиблар мазкур таълимот ғоясини қўллаб-қувватладилар. Жунайднинг саҳв таълимоти эса асосан маҳдуд (тор) доираларда ва илмий оқимлар халқасида ўз тъсирини сақлаб қолди. Аммо саҳв хумор маъносида адабиётга ҳам йўл топти ва шу тартибда суқрга ўхшаб у ҳам шеъриятнинг ёқимли мавзусига айланиб кетди.

Бешинчи халқа-ан-нурия деб номланади. Унинг асосчиси шайх Абулҳасан Аҳмад бин Муҳаммад ан-Нурий ва у «тасаввуф олимларининг буюги бўлиб, улар орасида нурдан ҳам машҳур бўлган кишидур» (3, 239). Ан-Нурий таълимоти «фақр, суҳбат ва саҳв» ҳақидадир. Шу уч нарса туфайли у аллоҳ йўлидаги барча тадбирларни бажариб, унинг йўлида фидойилик кўрсатиб, фано манзилига бориб етиш мумкин деб билади. Фақр тариқат бочқичидаги мақомлардан бири бўлиб, камбағаллик ва камтарликка асосланади. Ан-Нурий эса аллоҳга бўлган муҳаббатини мана шу мақом орқали амалга оширмақчи бўлади. Демак, у тариқат куйчиси эди ва унинг тўққиз зинали мақомати атрофидан биттаси-фақрни барчаларидан устун биларди.

Ан-Нурий томонидан саҳв таълимотининг қўллаб-қувватлагани унинг Жунайд Бағдодий изидан борганлигига далолатдир ва буни ал-Жуллобий маҳсус ва алоҳида таъкид этади (3, 239). Демак, ан-Нурий ўз вақтида аллоҳни билиши ва таниши учун тутган йўлда суқр-мастликни қабул қилмаган бўлиб, ҳушёрлик оқимининг тарафдори сифатида Жунайд Бағдодий таълимотининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган эди. Нурийнинг суҳбат ҳақидаги тушунчаси узлат ғояси қаршисида изҳор этилган ва у суқру саҳв каби маърифатдаги янги бир сўфиёна таълимот бўлиб чиқди.

Нурий узлатда-хилватда ўтириб мууроқаба қилишни хуш кўрмасди. Унингча, узлат-танҳолик одамзотга зарар келтиради, уни бошқаларга муҳтож қилади, миясини айнитади ва ривождан қолдиради. Суҳбат эса инсонга масрурлик бахш этади, уни халққа, жамиятга ҳамроҳ этади, ақлли-заковатли қилади. Шу сабаб Нурий фикрича, халқ орасида дарвешона ҳаёт кечириб, сўфиёна суҳбат билан шуғулланиш инсон учун катта фазилат ва фарздир. Жумладан, жория шаклидаги суҳбат шайх Нурий таълимотининг бош ғояси бўлиб ушбу ғоя зикр аломати сифатида тасаввуф тарихида махсус ўрин олди ва сўфиёна суҳбат халқасининг бунёд этилишига сабабчи бўлди.

Ас-Саҳлия олтинчи халқанинг номи ва унинг асосчиси Саҳл бин Абдуллоҳ ат-Тустарий-машҳур сўфий ва ал-Жуллобийнинг ёзишича, «тасаввуф аҳлининг муҳташам ва киборларидан» бўлиши Саҳл Тустарийдир. Бу шайхнинг тасаввуф тарихидаги мақом ва манзилати, обрў-эътибори Боязид Бистомий ва Жунайд Бағдодийларга тенг келади. Ҳақиқатан Саҳл мазкур шайхлар каби сўфиёна ўз мазҳабига эга бўлган зот ва унинг ҳақшунослик йўлида яратган махсус таълимоти мавжуд.

Саҳл Тустарий назарияси «ижтиҳод ва мужоҳадати нафс ва риёзат», яъни жаҳд ва қатъийлик билан нафсни енгиш унга қарши жанг эълон қилиш ва бу йўлда ҳар хил уқубатли оғир риёзатдан чекинмасликдир. Нафс тушунчаси ҳали сўфиёна мақомлару ҳол босқичларида алоҳида тарзда учрамайди, лекин у сўфиёна фақру сабр истилоҳларига моҳият жиҳатидан мос ва аниқ келади ва қадимий тарихга эгадир. Саҳл Тустарий шу тарихга эга нафс ҳақида ўзича таълимот яратади, Боязид ва Жунайдларнинг янги тасаввуфона тушунчаларга асос солганлари каби уни алоҳида сўфиёна истилоҳга мансуб этади. Бу йўл-йўриқ эса унинг халқасининг асл моҳияти ва сир-синуатини ташкил этиб, ундан ном олди.

Саҳлнинг нафс ва риёзат ҳақидаги таълимоти оддий нафсни енгиш ва кўр-кўрона риёзатга берилиш усулидан фарқ қилади. Саҳл бу йўлда ҳақиқий жаҳд ва ҳаракатни талаб этади, ишонч ва қатъийлик кўрсатишни буюради, тўсиқларни бартараф этиб мақсадлар сари илдам қадам қўйишни таъкидлаб ўтади. Зеро, унингча нафсдан осонгина қутулиш мумкин эмас, солиқ аввало нафсининг моҳияти, унинг туб зарари ва чаёндек захрини яхши тасаввур қилиши керак. Кейин унга бутун куч-қувват ва катта бир матонат билан қарши чиқиш талабга мувофиқдир. Нафсни енгмагунча курашдан қолмаслик даркор. Яъни нафсни таъна-маломат қилиш ва уни душман, шайтон, хоин, илон деб ҳақоратлаш билан мурод ҳосил бўлмайди, фақат илоҳий бир куч билан уни абадий даф этиш лозим ва шунда нафсдан қутулиш йўли очилиб ундан тамом халос бўлиш мумкин бўлади.

Бу таълимот ўз моҳияти билан янги ва муҳим бир ғоя бўлиб, солиқни сўфиёна қатъий мақсадлар сари етаклайди ва унга илоҳий сирлар бешигининг кайфиятини очиб беради. Иккинчидан, риёзат йўли ҳам қатъийликни истайди. Азоб ва машаққат чекиш ўз-ўзидан бўлмайди, унга сўфиёна ҳақиқий жасорат кўрсатиш керак бўлади. Шу таълимот туфайли Саҳл ва унинг тарафдорлари муридларни ҳақиқий риёзат ва жаҳдга сафарбар этганлар, улардан бу йўлда фидойилик талаб қилганлар.

Лекин улар муридларни ҳурмат қилиш ва уларнинг хизматида бўлишдан ҳам мутлақо чекинмаганлар, балки азоб-уқубатларга бардош беришни муридларга ўргатганлар ва шу тартибда муридларни фанатик сўфий қилишга уринганлар. Масалан: саҳлчилар белгилаган муридларнинг риёзат йўли бундай бўлган: мурид аввал ҳар куни бир марта, кейин уч марта, кейин куннинг ҳар бир соатига қараб аллоҳ номини тилга олади. Кейин у кечалари ҳам аллоҳ дейишдан тинмайди. Бора-бора мурид фақат аллоҳ номи билан яшай бошлайди ва қаттиқ уйқу вақтида ҳам ихтиёрсиз аллоҳ дейишдан ўзини тўхтатолмайди.

Шундай қилиб, мурид аллоҳ номидан бошқа нарсани билмайди ва бутун вужудини унинг номи билан боғлаган бўлади. Бу ҳодиса шу даражага етадики, ҳикоятда келтирилишича, мурид бир ҳолатда уйда бўлганда унинг бошига ногаҳон зарб билан ёғоч тушади. Қаттиқ зарбадан муриднинг боши ёрилиб, қон кетади ва у йиқилиб ҳушидан кетади. Шу ҳолатда ҳам у ҳушсиз ётиб оҳ-воҳ демасдан, тўтига ўхшаб аллоҳ дейишини қўймайди. Мана бу ғоя риёзатдан келиб чиққан аллоҳпарастлик таълимоти эди ва уни ал-Жуллобийнинг таъбири билан айтганда саҳлчилар (саҳлиён) тарғиб-ташвиқ қилган эдилар (3, 245).

Ал-Жуллобий риёзатга берилиш, ҳалолликка интилиш, нафсни жадаллик билан тийиш борасида Саҳл Тустарий фикрларига қўшилиб, уни қўллаб-қувватлаб, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) ҳаётидан мисол келтиради ва қўйидаги ҳикоятни нақл қилади: «Абухурайра айтган эди: «расули акрам масжид қурилишида ғишт таширди ва азоб чекарди». Айтдим «ё расулуллоҳ, ғиштни менга бер ва мен сенинг ўрнингда ишлайман». Деди: «сен бошқа бир ғишт кўтарки, охират айши бу дунёнинг ранжидир. Риёзат чекиб машаққат тортганлар охиратда ўз шифосини топадилар» (3, 254).

Шу тариқа, Саҳл Тустарий таълимотига биноан риёзат билан ҳалол кун кечириб, нафси амморани енгиш ва бу йўлда жаҳд- жадал, азм, ғайрат кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади ва саҳлия халқаси шуни ҳохлайди ва шуни буюради.

Ал-Ҳакимия халқаси сўфиёна халқаларнинг еттинчи зинасига оид бўлиб, унинг шайхулмашойихи Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Али ал-Ҳаким ат-Термизийдир. Ал-Жуллобий у кишини «зоҳирий ва ботиний

илмларнинг барчасида давр имомларидан бири ва унинг асарлари ва табаррук сўзлари бисёрдир», -деб таърифлайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий силсиласига доир таълимот валоятлик тариқати эди. ал-Жуллобийнинг таъкидлашича «тасаввуф ва маърифатнинг асос ва қоидаси валоят ва унинг исботидур ва барча шайхлар шунга келишганлар, аммо Муҳаммад бин Али бу соҳада махсус ва барчаларидан афзал ва устундир» (3, 265).

Шундай қилиб, авлиёлик даражаси сўфийларнинг охирги мақсади бўлиб, бу таълимот қадимдан тасаввуфда мавжуд эди; ал-Ҳаким ат-Термизий эса уни тараққий топтирди, янги қонун-қоидалар билан тўлдирди, мазҳаб ва силсила даражасига кўтарди. Жумладан авлиёлик зинасини барча сўфийлар эътироф этсалар-да, ал-Ҳаким ат-Термизий унинг асл ҳақиқатини исботлади ва унга шак келтиришни ножоиз деб топди. Иккинчидан, у авлиёларни барча оммадан фарқ қиладиган, эъжоз ва уруж даражасига етишган ва аллоҳ таолонинг яқин кишиларидан бўлган зотлар деб ҳисоблади.

Учинчидан, ул зот бу ўринда авлиёларнинг каромати ва хушнафас инсонлар эканликларини қатъийлик билан исботлади. Тўртинчидан, у киши авлиёлар кароматини саҳв (хушёрлик) аломати деб билиб, суқр (мастлик) ни ундан рад этдилар ва ҳақозолар. Аммо ал-Ҳаким ат-Термизийнинг мазкур валоятлик таълимоти даставвал у кишининг она ватани-Термизда хийла шухрат қозонди ва IX-X асрларда барча термизликлар шайх ва унинг тарафдорларига сиғиниб, уларни ўзларининг авлиёлари деб билдилар. Шунинг ҳам айтиш керакки, тасаввуф тарихида ҳақимия силсиласининг валоятлик оқими тариқат даражаларию мақомлари ва ҳол зиналари билан унча алоқадор ғоя эмасди, балки у суқр ва саҳвга ўхшаб алоҳида таълимот бўлиб қолганди.

Бу таълимот аллоҳ зотига эришиш йўлини излаш билан бирга аллоҳ яқинида турувчи авлиёлар зоти билан иш юритди ва сўфийнинг олий мақоматга эришиш мақсадини шу мансаб ва мақсадда кўрди. Яъни аллоҳга интилиш ва авлиё бўлиб кароматлар кўрсатиб, халқ ҳурматини қозониш валоятлик таълимотининг илк моҳиятини ташкил этади. Бу тасаввуф тарихида махсус таълимот бўлиб, шайхларнинг худо йўлига суқр (мастлик) га абадул абад берилиб, риёзат чекишини эмас, авлиёлик мақомини эгаллашга тарғиб этарди. Валоятлик шайхлик учун сўфиёна зиналарни босиб ўтишини буюради ва унинг охирги даражасини авлиёлик деб билади.

Маълум бўладики, ҳақимия тариқати бўйича илоҳийлик омили билан бирга фақат авлиёлик энг олий уруж ҳисобланади. Шу боис ҳақпарастлик, аллоҳ номи билан яшаш, ҳаққа интилиш, парҳез қилиш, нафсни тийиш ҳақимия тариқатига ҳам хос омиллар эди. Алалхусус ал-Ҳаким ат-Термизий валоятлик ғояси асосида мазкур йўлларни эътироф

этарди ва илдамлик билан қадам қўярди. Масалан авлиё зоти қандай бўлишини ал-Жуллобий ал-Ҳаким ат-Термизий фаслида Иброҳим Адҳам номидан бундай шарҳ беради:

«Иброҳим Адҳам бир кишига деди: «сен вали бўлишни истайсанми?» Деди: «истайман». Деди: «дунё ва охиратни ҳеч билгил ва ҳақ жонибига кўнгил қўйгил» (3, 271). Яна ал-Жуллобий валийлар учун хос кароматлар фаслида кейинги ҳикоятни нақл қилади: «Нил дарёси ҳар йили бир марта оқишдан қолиб, тинч тўхтаб қоларкан. Унда жоҳилият даври (исломгача бўлган давр) да бир канизакни безантириб дарёга ташлар эканлар ва дарё шу заҳоти равон оқаркан. Ислом даврида Умар халифалиги вақтида дарё мазкур одатига кўра оқишдан тўхтаб қолибди. Умар аллоҳ номи билан бир қоғоз ёзиб дарёга ташлабди ва сув равон бўлибди» (3, 267).

Бу мисол валийлик каромати эди, дейди ал-Жуллобий ва валий номини олиш учун у бундай кароматлар бўлишини шарт деб ҳисоблайди. Ал-Ҳаким ат-Термизий эса ундан ҳам яхшироқ ва муборак кароматлар эгаси эди ва унинг мисоли саҳв (ҳушёрлик) ҳолатида рўй берган унинг кейинги каромати бўлганди: «Абубакр Варроқ Термизий ривоятига кўра ал-Ҳаким ат-Термизий бир куни шогирдига қараб айтган экан: «Эй Абубакр, бугун мен сени бир жойга олиб бораман». Дедим: «шайх биладилар» ва у билан бордим. Кеч бўлмасдан бир чўлбиёбонга чиқдик. Жазирама чўл ўртасида бир заррин тахтни бир сояли яшил дарахт тагида қўйибдилар ва унда яхши либосга ўранган бир киши ўтирибди. Олдидан сувли бир булоқ оқиб турибди.

Муҳаммад бин Али унинг олдига борди, салом берди ва у тахтдан тушиб жойига Алини ўтирғизди. Шу топда атроф-жонибдан одамлар йиғилдилар ва қирқ киши бўлдилар. У ишорат қилди, осмондан овқатлар туша бошлади. Бизлар тановул қилдик. Муҳаммад бин Али улар билан савол-жавоб қилди ва хийла сўзлар айтди. Аммо мен бир сўзнинг маъносини ҳам тушунмадим. Кейин у ижозат сўради ва биз қайтдик ва менга деди: «Эй Абу бакр, бундан кейин сен абадий сайид бўлдинг». Бир фурсатдан сўнг Термизга келдик. Мен сўрадим: «Эй шайх, у жой қайси жой эди ва ул мард (эркак) ким бўлди?» Деди: «ул тия (биёбон, чўл) Исроил (яхудийлар) сулосига мансубдир ва ул мард олий даражали кутб эди». Дедим: «Эй шайх, бир сонияда қандай қилиб Термиздан ул чўлга тушиб қолдик?» Деди: «Эй Бубакр, сен ул жойга бориб келдинг, шуни билгил, унинг нималигини сўрама, сўраш сенинг ишинг эмас». Бу эса саҳв (ҳушёрлик) аломати эди на суқр (мастлик) аломати» (3,289-290).

Бу қисса Муҳаммад бин Али ат-Термизийнинг кароматлари эди ва у ғафлат уйқусида, яъни суқр ҳолатида эмас, балки ҳушёрликда содир бўлганди. Авлиёликка хос кароматлар ҳакимия силсиласининг махсус аломати эди ва бу ҳалқа валоятликка оид хусусияти билан бошқа

оқимлар орасида алоҳида ўрин тутиб, кейин ўзига хос анъана яратди. Сўз орасида шуни ҳам айтиш керакки, ал-Жуллобий ал-Ҳаким ат-Термизий номи билан боғлиқ ҳакимия силсиласи хусусида сўз юритганида, бу оқимнинг валоятлик мазҳаби асосида шаклланган авлиёлик ва анбиёлик тушунчаларининг маъносини тез-тез шарҳлаб, керакми ёки йўқми бу ҳақда ўзининг хулосасини айтиб ўтади. Бунинг бош сабаби, биринчидан, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг авлиёлликка оид таълимотининг баёноти бўлган бўлсада, иккинчидан, у кишининг авлиё ва анбиёларни қиёслагани ва бу асосда уларнинг бир-биридан устун бўлганлиги ва ёхуд тенг эканликлари ҳақида берган маълумоти эди.

Биз биламизки, ал-Ҳаким ат-Термизий бир ўринда авлиё зотини пайғамбар даражасига тенглаштириб қўйган эди ва бу фикр унинг даврида норозиликлар ва қаттиқ эътирозга сабаб бўлди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби бор эди. ал-Ҳаким ат-Термизий авлиёлликка эришиб, авлиёлик мансабини забт этган улўф шайх эди. Шу боис у валоятлик оқимининг юксак чўққиларига кўтарилиб, уни сўфийликнинг муҳим бир силсиласига айлантирди. Бинобарин табаррук кароматлар соҳиби бўлган улўф авлиё анбиёлик мақомати учун даъвогар бўлди ва ўз кароматларини мўъжиза даражасига олиб чиқиб ўзларини набилар қаторида кўрди. Бу муддао ал-Ҳаким ат-Термизийнинг олимона муҳокамаси ва хулосаларидан келиб чиққан бир фикр эди ва уни тасаввуф тарихида фақат у киши катта бир жасорат ва журъат билан талқин этди. Лекин бу фикрлар у даврда қабул қилинмаган, маъқул топилмаган бўлса ҳам, уларнинг ифодаси ўзига хос қаҳрамонлик тимсоли бўлганди.

Мазкур фикрлар ватандошимиз ал-Ҳаким ат-Термизийнинг шайхлик даражасидан ўтиб, авлиёлик мансабини эгаллагани ва сўнг ҳатто пайғамбарликка даъвогар бўлганликлари хусусида ажойиб бир манба ва далилдир. Бу ҳаракат ва жасорат фақат Ҳаким ат-Термизийга насиб этганди. Аммо XI аср тасаввуф тадқиқотчиси ал-Жуллобий ушбу даъвони тўғридан-тўғри рад этишга журъат қилган эди, балки у бу борада умумий сўзлар билан кифояланиб, хулосани китобхоннинг ўзига ҳавола этади. Мана бу олимнинг айтган фикри:

«Билгилки, ҳамиша ва ҳамма вақту соатда тариқат шайхларининг фикри шунга келишилганки, авлиёлар пайғамбарларнинг тобелигида бўладилар ва анбиёлар авлиёлардан фозилроқ кишидурлар. Зеро, маълумки, валоятлик ниҳояси нубувватлик ибтидоси (пайғамбарликнинг бошланиши) га олиб боради ва барча анбиёлар валидурлар, аммо авлиёлардан ҳеч ким наби бўлмагандир» (3, 303).

Агар биз ал-Жуллобийнинг сўзларига синчиклаб диққат қилсак, у авлиёлликнинг ниҳоясини пайғамбарликда деб билади. Бас шундай экан, ал-Ҳаким ат-Термизий шу ниҳояни босиб ўтган зот эдилар ва

шунда у кишининг даъволари ҳаққоний ва тўғридир десак гўё янглишмаган бўламиз.

Саккизинчи ҳалқа-ал-харрозия-харрозийларнинг шайх Абусаид Харрозга бўлган ҳурмат-иззати туфайли пайдо бўлган махсус силсиладир. Ал-Жуллобий ёзади: «Тариқатда у кишининг асарлари кўпдир ва фано ва бақо ҳақида биринчи сўзни у айтди («ибтидойи иборат аз ҳоли фано ва бақо ў кард») ва ўзининг тариқатини шу икки ибора мазмунига оид эттирди» (3, 311).

Шундай қилиб, харрозия ҳалқасининг ғояси тасаввуфнинг мазкур икки тушунчаси-«фано ва бақо»га оиддир. Фано ва бақо тасаввуфнинг илк давридан бошлаб маълум бўлган сўзлардир. Аммо улар мақомлар, ҳол зиналари ва бошқа сўфиёна юксалишлар орасида ҳисобга олинмагандир, зеро, улар ўз-ўзидан маълум ва машҳур таркиблар бўлиб, сўфиёна тушунчаларнинг асл моҳиятини ташкил этади. Аммо фано ва бақони орифона йўналишга алоҳида тайин этиб, аллоҳ томон руҳий босқичларнинг ниҳояси сифатида қайд этиш ғояси шайх Абусаид Харрозга насиб этган эди. Шу боис фано ва бақо сўзларининг орифона янги талқини Абусаид Харроз номи билан боғлиқ бўлди ва бу омил унинг ҳалқасининг ғояси ва моҳиятини ташкил этди.

Шайх Абусаид Харрознинг фикрига биноан «фано бандаларнинг фаносидир, бандалик алоқасидан ва бақо ҳам бандаларнинг бақосидир илоҳий шоҳидлигидан ва банда ўзлигини йўқотиб фоний бўлган ҳолда ҳақ таоло жамолига етиб боқий бўлади. Бу йўлда у бандалик офатидан қутулиши керак. Яъни у бандалик ҳақиқатига шунда эриша оладики, агар у ўзининг кирдикорига назар ташламай, феъл-атворининг мушоҳадасидан фоний бўлиб, ҳақ таоло фазлининг дийдорига боқий бўлса, у ўзига қарамасин, зеро унинг феъли жумла ноқислик ва ҳақ таолодан насиб этган нарса комиллик мисолидир» (3, 314) яъни шайх фано ва бақо-икковини ҳам бандага-инсонга хос хусусиятлар деб билади, инсон маънан фоний, аммо бу дунёда феълан ноқисдир. Зеро, у фақат ўзини билади ва ўзлигига аҳамият беради. Агарда у шу ножўя хислатларини ўзи ҳис этиб, ўзлигидан воз кечиб, ҳақ таоло йўлига кирса, яъни ўзи ва ўзлигини йўқотиб, фоний бўлгандагина боқийга эришади ва бақо топади.

Шундай қилиб, Абусаид Харроз ҳамма ҳақ-ҳуқуқни солиқ бандага беради. У ҳам банда ва ҳам ҳақ, ҳам шоҳ ва ҳам гадо, ҳам дарвеш ва ҳам аллоҳ. Риёзат ва ибодат, мақомат ва ҳол зиналари солиқни комилликка олиб боради. У фано даражасини топиб йўқолади, кейин эса бақо топади ва абадиятга айланади. Бу таълимот инсон куч-қудратини улўғлашга қаратилган ғоя эди, уни боқийликка сафарбар этарди.

Аммо фано ва бақо зиналари аслини олганда соф тасаввуфна таълимот бўлиб, унинг бош мезонидир. Абусаид Харрознинг бу ҳақдаги

мазкур фикрлари эса ҳақшунослик илми нуқтаи назаридан ўзига хос аҳамиятга эга. Шу ўринда ал-Жуллобий, бошқа таълимотларга нисбатан айтганлари каби, харрозийларнинг мазкур фикрларини ҳам муҳокамага тортиб, фано ва бақо ҳақида ўзининг қуйидаги хулосасини изҳор этади: «ҳақ бақоси ва унинг сифати нимададур?» У ўз сифати билан қадимдир ва унинг бақосидан мурод унинг вужудининг давомидир. Унинг тавсифи бўйича ҳеч кимнинг у билан ҳамроҳлиги йўқ. Бас шундай экан, фано исмини шунда билгилки, дунё фонийдур ва бақо илмини шунда билгилки, уқбо боқийдир» (3, 312).

Ал-Жуллобий фано ва бақо тушунчаларини икки илмга оид деб, уларни илмий нуқтаи назардан муҳокама қилиб, бирини боқий ва иккинчисини фоний билиб, бу дунёни ўткинчи ва охиратни абадий ҳисоблайди. Шунда у ҳақ таоло сифатларини қадим деб билиб, инсонни у сифатлар билан безанган зот дейди ва шу билан инсон шахсига аллоҳ хусусиятларини беради. Харрозийлар ҳам тахминан шуни айтадилар. Фақат улар фано ва бақони инсон учун яралган сифатлар ҳисоблаб, унинг ўзлигидан нажот топгани сабаб боқийликка эриша олади деб хулоса чиқарадиларки, бу ғоя зимдан тасаввуфга хос таълимот ва назария бўлиши ҳақиқатдир.

ал-Хафифия ҳалқаси-тўққизинчи ҳалқа ва унинг назариётчиси-Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Хафиф сўфийларнинг машҳур намояндаларидан биридир. ал-Жуллобийнинг таъкидича, «зоҳирий ва ботиний илмларда асарлари жуда кўп олим» (3, 317). Аммо қарийб барча сўфийлар одобига қарши, у киши нафс балосига, жумладан аёл шахватига мубтало бўлган шахс эдилар. Сўфийликда уйланиш ва фарзандли бўлиш манъ этилмайди. Аммо бу масалани ифрот (энг юқори чўққи даражаси) га етказиб, нафси амморага берилиш тамоман ножоиз ва манъ этилган тадбирдир.

Бизга маълумки, кўп сўфийлар аёл алоқи (алоқаси) ва даҳмазасидан озод бўлишни жуда истаганлар ва буни нафснинг рад этиши ва ҳақиқий ҳалолликка эришиш мақсадида қилганлар. Лекин шайх Муҳаммад бин Хафиф шу нопок нафсни тийиш ўрнига унга қаттиқ берилиб кетганди ва бу ишни «маъраз аз шаҳавоти нафсоний», яъни, «шаҳватпарастлик нафсониятини намойиш ва кўз-кўз қилиш учун» (3, 318) амалга оширганлар.

Жумладан, у шахвоний нафсини қондириш учун тўрт юз аёл билан никоҳ тузиб, ўнлаб хилма-хил аёлларни фаррошлик ва хизматкорлик баҳонаси билан навбатма-навбат уйига чақиртириб турадиган киши эди (3, 318). Бу факт ҳақиқатан нафси амморага берилиш ва нопок шахвоний ишлар билан шуғулланишнинг олий даражаси ҳисобланади. Аммо аслида бу ишлар шайхнинг шахсий иши ҳам эди ва унга ҳеч ким халақит бермасди. Чунки шайх Муҳаммад Хафиф тасаввуфнинг барча қонун-қоидаларига бўйсуниб, уларни

ғайрат билан бажариб, ҳақпарастлик йўлини авжига етказган шахсдир. У фақат нафси амморадан қутула олмаган эди. Эҳтимол шайхнинг жисми (вужуди) бу ишни рад этишда мутобиқ бўлмаганди ва шу сабаб у бу ишга шунчалик эътибор бергандир.

Бу ўринда танҳоликка берилмаган, аллоҳ каби ёлғизликни яхши кўрмаган, ҳақиқий ҳалолликка интилмаган, хотинбозликда биринчиликни эгаллаган киши қандай шайх бўла олади ва қандай кароматлар кўрсатади деган саволлар пайдо бўлиши табиий, албатта. Бу саволларга жавоб топишда шу тобда мен ожизман. Аммо шайхларнинг айтганини қилиб, қилганини қилмаслик керак деган тушунча омма учун шарт эди ва шу боис мазкур шайхга ҳаққа эришган машҳур сўфий киши сифатида муомала қилиш жоиздир. Бу масалани ал-Жуллобийнинг қуйидаги фикрлари яхшироқ ойдинлаштиради ва шайх аслида нафсоний шаҳватпарастликни тийган инсон бўлиши ҳам мумкин эди:

«Мен шайх Абулҳасан Али Букрон Шерозийдан эшитдимки, ул зот деяр эди: «бир куни шайх Муҳаммад бин Хафиф ихтиёрида бўлган хотинлар шайх аҳволдан ҳикоя қилдиларки: «биз шунга амин бўлдикки, шайх хилватда шаҳват шуғлига ҳеч маҳал ҳаракат қилмаган эди» (3, 318). Бу ҳикоят тўқима ва шайх сирини яшириш учун айтилган бир фикр бўлиши ҳам мумкин. Зеро, ал-Жуллобий ўзи юқорида шайхнинг шаҳвоний ҳаракатларини таъкидлаган эди. Ҳатто у шайх шаҳвоний нафсининг куч-қуввати ва нимага қодир эканлиги (иқтидори)ни кўрсатиш мақсадида бу ҳодисага йўл қўйган дея хулоса чиқарган эди. Бас шундай экан, шайх Муҳаммад бин Хафиф аслида шаҳвоний нафсга берилган сўфий бўлиб, аммо унинг бу иши эса у кишининг сўфийлигига халақит бермайдиган бир тадбир бўлганди.

ал-Хафифия ҳалқасининг ғояси-ғайбат ва ҳузур ўз-ўзидан ғойиб бўлиб, ҳаққа ҳозир бўлиш муаммоси эди. Бу ғоя Муҳаммад бин Хафифнинг тасаввуф оқимига киритилган сўфиёна тариқати ва талқинидир. Кўрамизки, ҳар бир силсиланинг ўзига хос хусусияти ва кўриниши бор. Аммо булар аслида тариқатда мавжуд тушунчалар эди. Фақат шуни ҳисобга олиш керакки, улар шайхлар томонидан айтилган янгича талқинлар бўлиб, сўфиёна мақому ҳол зиналарига қўшимча тарзда киритилган ғоялар ҳисобланади. Шу боис мазкур талқин ва тушунчалар ноёб ва такрорланмас бўлиб, янгича аломатлари билан маҳсус ҳалқалар ғоясини ифода этганлар. Аммо бу тушунчаларнинг ҳаммаси қарийб бир маъно ва мақсадда ишлатилиб, ҳақшунослик ва художўйликнинг янги-янги кўринишидан далолат беради.

Жумладан, Муҳаммад бин Хафифнинг ғойиблик ва ҳозирлик тариқати шу мезонда ишлатилган ғоя эди. ал-Жуллобий мазкур тариқат мазмунини бундай шарҳлайди: «ҳозирликдан мурод кўнгил ҳозирлигидир. Яқин (ишонч) далолати ила ва бунга ғойиблик аёнлик

топади. Ғойибликдан мурод кўнгил ғойиблигидир, шу даражадаким ўзидан ғойиб бўлади ва ўзининг ғойиблигидан ўз-ўзига назора қилади. Бас шундай экан, ўзидан ғойиб бўлиш ҳаққа ҳозир бўлиш, ҳаққа ҳозир бўлиш ўзидан ғойиб бўлишдир. Шундайки, ҳар ким ўзидан ғойиб бўлса, ҳаққа ҳозир ва ҳар ким ҳаққа ҳозир бўлса, ўзидан ғойиб бўлар» (3, 319). Ва яна ал-Жуллобий таъкидлайди: «Ўзидан ғойиб бўлиш ҳаққа йўл олишдир ва ғойибликка ҳижоб (парда)нинг ваҳимаси тушади, аммо ҳозирликка кашф роҳати кўринади» (3, 322).

Шу тариқа, Муҳаммад бин Хафиф тариқатининг мазмуни бизга аёндыр. Унда сўфийнинг ўзидан воз кечиши ва ўзлигини йўқотиши ташвиқ этилади. Шунда у аллоҳ ҳузурига етиб боради ва у билан рўпара бўлади, уни назора қилиб, дийдорига тўяди. Аммо савол туғиладики, сўфий қай ҳолатда ўзидан ғойиб бўлади? Бу саволга шундай жавоб қайтариш мумкин: вақтики сўфий тариқат мақомлари ва маърифат ҳолномасини зинама-зина кезиб ўтиб, руҳониятга эришади, у ўзлигини йўқотади ва телбаларча ақлу ҳушидан айрилиб, аллоҳ хаёли билан банд бўлади. Шунда сўфийда суқр-мастлик ҳолати зоҳир бўлиб, у ҳайрат мақомига етишади. Шу ҳолатда сўфийда янгича ҳаёт нафаси уфура бошлайди ва унинг кўнгли таскин топади. У хурсанд бўлади, ҳузур ҳаловат топади. Бу мақом аллоҳ мақоми бўлади. Сўфий унга эришиб, эркин ва фард бўлади. Бу эса комиллик ва илоҳият даражаси эди.

Муҳаммад бин Хафиф таълимотининг ниҳояси шу эди ва бунини у юқорида келтирилган иқтибосга кўра такрор-такрор таъкидлайди. Айтиш керакки, ҳақ дийдори кўринмайдиган жойда парда бўлади ва пардадан ўтиб, ўзлигидан қутулиб ва ўзлигини тамоман йўқотган сўфийга шу йўсинда ҳақ таоло дийдори кўрина бошлайди ва у ўзини ҳақиқатга эришган киши деб билади.

Шу тариқа, бу таълимот далолат берадики, ҳақпарастлик талқини ва инсон-аллоҳдир деган ғоя Муҳаммад бин Хафиф силсиласининг асл мақсади ва моҳиятидир. Унингча, ғойибликдан ҳозирликка йўл кўнгил тарбияси билан амалга оширилади. Ғойиблик шу ҳолатда аёнлик ва ишонч топадики, агар кўнгил пок ва мусаффо бўлиб, умрбод аллоҳ ёди билан ҳаёт ўтказса ва шунда кўнгил кўзгусида аллоҳ дийдори намоён бўлади ва ғойиб бўлган вужуд ўзлигини топиб, аслига қайтади. Кейин у ўз-ўзига қараб ҳақлигига ишонади. Муҳаммад бин Хафиф эса шу масалага муттафиқ (ишонар) эди ва унинг бу фикр-мулоҳазалари кейинги асрларда янгича тус олиб, тасаввуф тарихида ёйилиб кетди.

Унингча ҳалқа-ас-Сайёрия. Унинг шайхи Абулаббос Сайёр Марвий эди. ал-Жуллобийнинг фикрига биноан Марв ва Ниссо (Ашхобод) шаҳарларининг шайхлиги унинг тариқатига бўйсунар ва у шу шаҳарларнинг машҳур имоми эди (3, 324). Абулаббос Сайёр тариқати «жамъ ва тафриқа», яъни жамлаш ва кейин уларни фарқлаш эди.

Масалан, мазкур шайхнинг фикрига кўра, «аллоҳ таоло халқни жамлаб ҳаммасига бир мезонда қаради ва кейин уларнинг ҳақ-ҳуқуқини муайянлашга фарқ қўйди». Яъни жамъ бу ҳақиқат (аллоҳ) ва ҳақнинг иродаси ва сирри, фарқлар эса унинг амрининг изҳоридир (3, 324). Бошқача қилиб айтганда, жамъ бу кулл-руҳоният, тафриқа-жузъ ва нарсалар, бу эса зот ва сифот таълимотининг бир кўриниши эди. Демак, жамъ-кулл-аллоҳнинг сирлар олами ва ҳақиқат манзили, тафриқа оламаро буюрилган, изҳор этилган ва яратилган амрлар.

Шунда ал-Жуллобий жамъ-куллни иккига бўлади. Улардан «бири ҳақ тавсифи бўлса, иккинчиси халқ тавсифидир. Ҳақ тавсифига оид нарсалар тавҳид сирридирки, халқ уни тушуна олмайди, аммо халқ тавсифига оид нарсалар тавҳиднинг ўзидан иборатдир-мақсадлар садоқати ва азиматлар саломатлиги учун» (3,325). Шу тариқа тавҳид-вахдат-бирликнинг икки томони бор экан ва улардан бири ўз асрорига-зотига қоим аллоҳ бўлиб, иккинчиси унинг сифатларидан ташкил топган бирликдир. Иккинчи тавҳид-халқ жамъ бўлиб, куллга айланиб ваҳдат топиши мумкин. Аммо у сирли тавҳиднинг ўзи бўла олмайди ва у ўз зотига ягона ва фарддир.

Бу мисол орқали бизнингча, тавҳид бирлиги ифода этилган ва тафриқалар билан кулл орасидаги алоқа воситасига оид тушунча туфайли ҳақ ва халқ бирлигига ишора қилинган. Демак, бу ваҳдатул-вужуд таълимотининг илк кўриниши эди. Ваҳдатул-вужуднинг тўлиқ тушунчаси эса XII асрда Ибн ал-Арабий томонидан яратилди ва шу даврдан бошлаб у бутун ғояси ва моҳияти билан кўрина бошлаб, ўзига хос тарих ва анъанага эга бўлди. Абулаббос Сайёр даврида мазкур таълимот халқона шаклда кўринар ва у бу шайхнинг ғояси ва силсиласи сифатида шуҳрат қозонган эди.

ал-Жуллобий жамъ ва тафриқа тариқатининг муҳокамасида жамъни асл илм, аммо тафриқани унинг шиоси (нури, фуруғи) дейди. Инчунин, у жамъни илмал-тавҳид ва тафриқани илм ал-аҳком деб изоҳ беради. Яъни сайёрия силсиласи бўйича жамъ илоҳий зот бўлиб, ердаги тафриқа (фарқлар) унинг инъикоси ҳисобланган. Шунда тафриқа жамъдан ҳосил бўлган аҳком бўлиб қолади. Бу эса вожиб ал-вужуд ғояси бўлиб чиқади. Мумкин ал-вужуд эса, ал-Жуллобийнинг фикрига биноан тирилиш ва ўлиш, фано ва бақога эришиш таълимотидир (3, 325).

Шу тариқа, XI асргача бўлган ўн икки сўфиёна силсилани кўриб чиқдик. Бу силсилалар тасаввуф намояндалари ва қадимги улуғ шайхлару авлиёларнинг эътирофига биноан, VI-X асрларда шаклланган махсус ғоялардан иборат таълимотлар эди. Уларнинг ҳар бири минглаб тарафдорлар пайдо қилиб, ҳақиқий сўфиёна ҳалқалар сифатида шуҳрат қозондилар. Ҳалқалар тариқат ва маърифат доирасида шаклланиб, солиқ-сўфийнинг ҳақпарастлик йўлидаги

ғоясини акс эттирган. Шунда уларни мақомлару ҳол зиналарига оид қўшимча даражалар деб айтиш ҳам мумкин бўлади.

X асрдан сўнг силсилалар яна ривож топиб, янги-янги номлар билан тўлиб тошди. Мавлавия, Саидия, Жаҳрия, Кубравия, Қодирия, Нақшбандия ва ҳақозо каби силсилалар кейинги асрларда хийла шуҳрат қозониб, махсус орифона ғояларни шакллантирдилар. Янги силсилалар номлари эса ҳақиқатан барқ уриб ривожланди ва орифлик ғояси тасаввуф жараёнининг асос ва моҳиятини ташкил этадиган алоҳида таълимот бўлиб қолди. Умуман олганда тасаввуф тарихида бир юз саксон силсила маълум бўлган, аммо улардан энг кўзга кўринадиганлари биз келтирган номлардир. Бу ҳодисалар ҳақида ўз ўрнида сўз юритамиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ БИРИНЧИ БОБ

ТАСАВВУФ НАМОЯНДАЛАРИ

VI, VII, VIII асрлардан, яъни тасаввуф жараёнининг шаклланишидан бошлаб, ислом даврида биринчи сўфийлар арзи вужуд қилиб (пайдо бўлиб), мазкур оқимнинг илк намояндалари сифатида машҳур бўлдилар. Булар Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Молик бин Динор, Муҳаммад бин Восеъ, Ҳабиб Ажамий, Абулҳозим Маккий, Робиа Адавия, Абуҳошим Куфий, Шафиқ Балхий, Фузайл бин Аёз ва бошқалар эдилар. Мазкур асрларда тасаввуф оқими ўзининг илк мазмуни-зоҳидона шаклда намоён бўлганди ва шу боис мазкур сўфийлар зоҳид ва обид кишилар эдилар. Улар шариат қонун-қоидаларини ижро этиб кейин бу босқичдан тариқатга қадам қўйиб, мақоматлар ғояси билан яшардилар.

Илк сўфийлардан баъзилари, китобимизнинг биринчи қисмида таъкидлаганимиздек, ҳалқалар эгаси ҳам бўлган эдилар. Кўплари, жумладан, юқорида номлари тилга олинган сўфийлар эса шайхлик мансабига эришиб, кароматлар кўрсатиб, авлиёлик сифатлар касб этиб, сўфиёна бурчини бекаму кўст бажарганлар. Юқорида гапнинг пировардида ва мавриди келганда бу сўфийларнинг аксарияти тилга олинди. Бу ўринда, китобимиз ҳажмига мувофиқ уларнинг баъзилари билан мухтасар танишиб чиқамиз.

УВАЙС ҚАРАНИЙ

Яманнинг Қаран шаҳридан. Ал-Жуллобий «Кашф ул-маҳжуб»да ёзишича (3,99-101) пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) билан замондош эди. Аммо пайғамбар билан дийдорлашиш унга муяссар бўлмаган. Пайғамбар эса уни кўриш орзусида бўлганлар ва айтиб юрганлар: «Қиёматда аллоҳ-таоло Увайс Қараний атрофида етмиш

минг фаришта ато қилади ва Увайс улар билан бирга аросатга равона бўлади ва тўппа-тўғри беҳишт (жаннат)га ўтиб кетади. Ҳеч ким бу воқеадан хабардор бўлмади» (23,17). Пайғамбар Умар билан Алига буюрган эдики, Увайс билан дийдорлашиб, пайғамбар саломини унга етказсинлар. Умар ва Али пайғамбаримиз вафотидан кейин Наджга келадилар ва қаранликлардан дарак топиб, улар билан учрашиб, Увайс аҳволини сўрайдилар. Улар Умарга айтадилар: «Ҳа, Қаранда Увайс деган бир девона киши яшайди: ободликларда юрмайди, ҳеч ким билан суҳбатлашмайди ва халқ еганини емайди, ғам ва шодлиги йўқ». Умар деди: «Уни кўришим керак!» Дедилар: «Саҳрода туяларимиз олдида». Умар жойидан туриб унинг олдига борди ва ундан дуо сўради. Пайғамбар саломини етказди. Инчунин шу топда пайғамбаримиз насиҳатига биноан у кишининг вафотларидан кейин хирқалари (сўфиёна тўни) ни Увайсга кийгиздилар.

Бу воқеадан кейин Увайснинг обрў-эътибори хийла ошади. Унга ҳурмат кўзи билан қарайдиган бўладилар. У Кўфа шаҳрига келади. Кейин Алининг душманлари билан Сиффин дашти (677 йил)да қилган урушида (бу жангда Ойша туяга миниб қатнашган эди) иштирок этади ва жангда ҳалок бўлади.

Увайс Қараний биринчи зоҳидлардан эди. Туя боқиб, «хурмо донасидан тановул қилиб, эски кийимлар кийиб» (23,27), девонасифат юрарди. Унинг тариқати тавба-тазарру, ҳалоллик, фақр ва парҳез эди. Тамаъдан юз ўгирганди, аллоҳ нафаси билан яшаб, халқдан узоқда юрарди. Савмаада ўтириб, чилланишинлик қилмасди. Чўлларни кезиб, девоналик ихтиёр қилиб, шу йўл-йўриқ негизда ўз тариқатини яратган эди. Юргувчи, телбамижоз шайхлардан бўлиб, ҳеч нарсага, жумладан аҳли аёлга ҳам эътибори йўқ эди.

Атторнинг ёзишича (23,27) Увайс Қараний номи билан боғлиқ увайсийлик силсиласи пайдо бўлади. Бу силсила тарафдорлари пирга эҳтиёж сезмас эдилар, яъни унинг муридлари ўзларини пайғамбар паноҳида парвариш топган кишилар деб билиб, пирга қўл бермас ва унинг тарбиясига эҳтиёж сезмас эдилар. Бунинг сабаби уларнинг бош бўғини-Увайс Қараний зоҳирда гарчи пайғамбар билан кўришмаган бўлса-да, амалда унинг паноҳида бўлганди ва пайғамбар назарига тушиб унинг ҳурматини қозонган эди. Шундай қилиб, увайсийлар Увайс Қараний шахсидан илдиз олиб, кейинги асрларда тасаввуф тарихида ном чиқардилар ва уларнинг мақомати пирсиз шайхлик даражасига эришиш ва авлиё сўфий бўлиш эди. Бу йўлда уларга ўтган авлиёлар руҳи мададкор эди.

ҲАСАН БАСРИЙ

728-мелодий йилда Басрада туғилган (9,64). Энг қадимги сўфийлардан ҳисобланади. «Кашф ул-махжуб» да келтирилган ҳикоятга кўра (3, 104) «бир куни бир араб унинг олдига келиб сабр сифати ҳақида сўради. Деди: «сабр икки хил бўлади: бири сабр мусибати ва балият (бало-қазо)да ва иккинчиси сабр мунаҳҳиёт (манъ этилган ишлар)да». Араб деди: «сен зоҳиддурсен ва мен зоҳидликда сендан афзалроқ кишини кўрмаганман ва сабрда ҳам».

«Тазкират ул-авлиё»да келтирилишича, (23, 30-32). Ҳасан ҳаётининг илк даврида гавҳарфуруш (қимматбаҳо тошлар сотувчи) киши эди. Бир куни Рум мамлакатига савдо иши билан борганида подшоҳнинг ўғли мазорида ўтказган аламли тадбирни кўриб, аҳволи ўзгаради ва Басрага қайтиб ибодатга машғул бўлади.

Шу тартибда Ҳасан Басрий сўфий бўлади ва сўфийликда шуҳрат қозонади. У бир ҳафтада бир маротаба сўфиёна мажлис ўтказарди. Унинг мажлисларида баъзан сўфий аёл Робиа Адавия ҳам қатнашарди. Шу топда Ҳасаннинг юриш-туриши ўзгарган эди. У беморга ўхшаб дард-алам чекарди, ҳеч кулмасди. Бир йили Басрада қурғоқчилик бўлади. Ваҳимага тушган икки юз минг халқ Ҳасаннинг олдига келиб дуо сўрайдилар. Ҳасан дейди: «агар хоҳишларинг ёмғир бўлса, мени бу жойдан ҳайдаб юборинглар» (23,35). Ва шундай қиладилар. Тезлик билан ёмғир ёғади (кейин Ҳасан кўз ёш қилади ва ёмғир тўхтади).

Ҳасан Басрий тариқатидаги сўфиёна сўзлар бундай садо берарди: «Деди: эранларга илм, ихлос ва қаноат ярашади». «Деди: огоҳликда қўй инсондан яхшироқдир, зеро чўпон агар овоз берса, қўйлар ўтлашдан бош кўтариб атрофга қарайдилар, аммо инсонни аллоҳ таоло сўзи ҳам ўз қилмишидан тўхтатолмайди». «Деди: ёмонлар билан бирга бўлиш одамларни яхшилардан гумонсирашга чорлайди». «Деди: агар кимки мени май ичишга таклиф қилса, уни мен мол-дунё талабига таклиф этгандан ҳам яхши кўраман». «Деди: маърифат даражаси шунда билинадик, агар сен ўзингдан хусумат аломатининг бирон-бир заррасини тополмасанг». «Деди: вараъ учга бўлинади: ҳақ сўзи, ҳалоллик ва аллоҳ ризо берган нарсаларга қараш». «Деди: минг йил номоз ва рўза тутишдан бир мисқол зарра вараъ яхшироқдир». «Деди: инсон аъмолининг энг олий даражаси тафаккур ва вараъдир». «Деди: менинг наздимда биродарларим аёл ва фарзандлардан азизроқдир, чунки улар дин аҳлидандирлар, аммо аёл ва фарзандлар эса мол-дунё ташвиши билан машғул бўладилар». «Деди: ўзингга ва ота-онангга хизмат қилишнинг ҳисоби бор, агар меҳмонлар ва дўстлар олдига таом қўйсанг, кифоядир». (яъни буларга хизмат қилиш ота-она хизмати билан баробардир). «Деди: ҳар бир номозки унга кўнгил ҳозир бўлмаса, азобга яқин нарсадир» (23, 39-41).

Ҳасан Басрий вафот этаётган вақтда кулиб юборади, аммо ҳаётда у ҳеч қачон кулмаган эди.

Шу тариқа, Ҳасан Басрий зоҳид шахсининг асл ва типик намояндаси эди. Унинг тариқатда тутган ўрни сабр ва вараъ (парҳез) эди. Яъни ҳамма ҳолатларда сабр қилиш ва аллоҳ йўлидан ҳеч қачон қайтмаслик; вараъ эса мол-дунёдан, ҳаром ва ножўя ишлардан парҳез тутишдир. Шу тартибда Ҳасан Басрий фақр йўлини тутган, парҳез билан шуғулланган, ҳалолликни шиор этган улуғ зоҳид ҳисобланади. У дин ва шариат буюрган ишларга қаттиқ риоя қиларди. Зоҳидлик одобини диний ғоялар билан ҳамроҳ тутарди. Аллоҳ муҳаббатини ҳамма нарсдан устун кўрарди. Шу боис майни мол-дунёдан афзал деб биларди. Чунки аллоҳ ёди билан банд ва маст бўлиш маърифат мақомига хос нарса эди. Маълум бўладики, Ҳасан Басрий тариқат босқичларини енгиб, маърифат оғушига интилган машҳур шайхлардан эди.

РОБИА АДАВИЯ

Зоҳидликда ном чиқарган машҳур сўфий аёл эди. 718 мелодий йилда Басрада туғилиб, 801 мелодий йилда вафот этган. Аттор уни эркакларга қиёс қилиб ёзади: «агар мендан сўрасаларки, нимага уни эркаклар қаторига қўшиб ёздинг, дейманки, пайғамбар айтганлар: иш суратда эмас, ниятда яхшидур». Яна Аттор давом эттириб: «аёл агар аллоҳ йўлида эркак бўлса, уни аёл дейиш қийин, чунки Аббосайи Тусий деган эди: «вақтики индин аросатда қичқирсаларки, эй эркаклар, биринчи бўлиб эркаклар сафига қадам қўйган киши Марям бўлади» (23, 61). Шу сабаблар ила Фаридаддин Аттор эркак табиатли Робиани тазкирасида эркак сўфийлар қаторига қўшиб ёзади ва унинг сўфиёна фаолиятига эркак сўфийларга хос баҳо беради.

Атторнинг ривоят қилишича, Робиалар хонадони қашшоқ ва камбағал оила бўлган ва Робиа туғилган кечаси чақалоқни йўргаклаш учун ҳатто бир парча мато топилмаган ҳамда унинг киндигини кесиш учун юмшатадиган бир томчи мой ҳам бўлмаган ва улар зим-зиё қоронғида ўтирганлар. Робиа эса оилада тўртинчи қиз бўлганлиги учун унинг исмини Робиа (тўртинчи) деб қўйган эдилар. Робианинг онаси чироқ ёқиш учун эрини қўшнисиникига бир томчи ёғ сўрашга юборади. Аммо ота умрида ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамаган эди. Шундай бўлса ҳам ота қўшни ҳовлига боради-ю, лекин ёғ сўрашдан истиҳола қилиб қайтиб келади. Хотинига ёлғондан айтадики, қўшнилари ухлаган экан. Шу билан ота ғамга ботиб ётади. Тушида пайғамбарни кўради ва пайғамбар айтадиларки, «у ғамга мубтало бўлмасин, туғилган қиз сайидадир ва етмиш минг умматлари унга хизмат қиладилар». Кейин пайғамбар яна қўшадиларки, «ота Басра амири Исо Родан олдига

борсин, отанинг номозлари эвазига мазкур амир унга албатта ёрдам беради. Ота эртаси уйғониб, тушини бир қоғозга ёзиб Исо Родан олдига боради ва ундан ўн минг дирхам садақа олади» (23, 62). У уйига қайтиб, камбағалликдан қутулади ва тинч ҳаёт кечира бошлайди.

Робиа вояга етади. Шу пайтда унинг ота-онаси вафот этадилар. Басрада ғаттиқ қурғоқчилик ва очарчилик бошланади. Озиқ-овқатнинг нархи осмони фалакка кўтарилади. Робиялар оиласи яна қашшоқликка гирифтор бўлади. Робиянинг уч опаси бошларини олиб ҳар томонга кетадилар. Робиа эса бир золим кишининг қўлига тушади. Бу золим Робияни қайтадан сотиб юборади. Робиянинг янги хўжайини уни оғир ишларга буюриб азоб бера бошлайди. Бир куни Робиа кўчада номаҳрам эркак таъқибидан қутулиш мақсадида тез югуриб, қочмоқчи бўлади. Шошилишидан йиқилиб тушиб қўли синади. Юзини ерга қўйиб аллоҳга нола қилади. Шу топда ғойибдан овоз эшитиладики, «ғам емаки, сенинг иқболинг бор ва фаришталар сенга хизмат қиладилар».

Робиа жойидан туриб уйига қайтади. У энди ҳамиша рўза тутиб, тонггача номоз ўқир эди. Бир кечаси хўжайин уйғониб овоз эшитади ва кўрадики, Робиа номозга турибди ва аллоҳга нолалар қилаётир. Хўжайин бу аҳволни кўриб Робиага раҳми келади, худодан кўрқади ва Робияни озод этади. Робиа қулликдан қутулиб, озодликка чиқиб ибодатга машғул бўлади (23,64). «Айтадиларки,-дейди Аттор,-бир кеча-кундузда минг ракъат намоз ўқирди ва гоҳ-гоҳида шайх Ҳасан Басрий мажлисига борарди. Бир гуруҳ одамлар дейдиларки, ашулачилик (мутрибийчилик) ка майл қилди, аммо зудлик билан тавба қилиб, кейин ҳажга борди» (23,64).

Фаридаддин Аттор ўз тазкирасида Робиянинг ғаройиб одатлари, маноқиблари ва каромату муножотларидан хийла нақллар келтиради. Жумладан, «кунлардан бир кун икки шайх Робияни кўргани келадилар ва улар оч эдилар. Робиянинг икки нони бор эди, уларнинг олдига қўйди. Шу топда бир гадой эшикни тақиллатди ва бир нима сўради. Робиянинг ҳеч нарчаси йўқ эди. У меҳмонлар олдидаги икки нонни олиб гадойга бериб юборди. Шайхлар ажабланиб қолдилар» (23, 65). «Нақл қиладиларки, бир кечаси Ҳасан Басрий шогирдлари билан Робиянинг олдига борадилар. Робиянинг чироғи йўқ эди, эранлар эса ёруғлик хоҳлардилар. Робиа бармоғини пилик қилиб пуфлади, шу заҳоти у шамга айланиб, тонггача ёниб турди» (23,66). «Бир куни Ҳасан Басрий Робиага айтди: турмушга чиқиш ниятинг борми?» Деди: «никоҳ вужуд (тирик тана)га муносибдир. Бу ўринда тирик тана (жисм) йўқ, чунки мен ўзимнинг маним эмасман («ман азони ман нестам») ва мен Уникиман ва унинг сояси остидаман («дар сояйи ҳукми ўям»). Мени аллоҳдан сўраш керак (менинг розилигимни аллоҳдан сўраш керак)» (23, 66).

Молик бин Динор деди: «Робиа олдига бордим. Уни кўрдимки, синган бир кўза билан таҳорат қиларди ва ундан сув ҳам ичарди. Бир бўйрада ўтирарди ва ёстиқ ўрнида бошини бир ғиштга кўярди. Жуда эзилиб кетдим ва айтдим: «Эй Робиа, менинг бой дўстларим бор, агар ижозат берсанг, улардан бирон нарса сен учун сўраб олай». Деди: «Эй Молик, хато қияпсан, мени ва уларни едирадиган бир киши эмас» (23,67). Айтадиларки, Басранинг бир шайхи Робия олдига келди ва дунёдан нолий бошлади. Робиа деди: «сен дунёни қаттиқ севасан, зеро агар уни севмаганинга бунча ёд қилмас эдинг... Ҳар кимки бирон нарсани севиб қолса, уни ҳамиша ёдга олади» (23,69).

Робиа муножотларидан: «Деди: бор худойим, агар мени индин қиёматга жўнатсанг, сенга бир сир-синоатни ошкор қилайки, дўзах мендан минг йиллик йўлга узоқлашади». «Деди: оллоҳим, мол-дунёдан менга берган нарсангни душманларингга бер ва нимаики охиратдан берган бўлсанг, дўстларингга бер, зеро биз учун сен бўлсанг бас». «Деди: худойим, агар сени дўзохинг хавфидан яхши кўрсам, дўзохта ёндир ва агар жаннат умиди билан яхши кўрсам, жаннат юзини менга ҳаром қилғил, ва агар сенинг учун яхши кўрсам, жамолинг боқийлигини мендан дариғ тутма». «Деди: аллоҳим, жумлаи жаҳонда менинг ишим ва орзуйим сенинг ёдинг ва охиратда сенинг жамолинг» (23,70).

Шундай қилиб, кўрамизки, Робиа Адавия зоҳид сўфийлардан бўлиб, умр бўйи тавба ва ибодат билан шуғулланганди. У кароматли ва кароматларга бой аёл эди. Туғилганидан сайида бўлиб дунёга келди ва кейин умрининг охиригача кароматлар билан яшади. Унинг тариқати фақат ва фақат аллоҳни билиш, унинг висоли билан яшаш ва унинг муҳаббатида ёниб куйиш эди. Аллоҳга қаттиқ муҳаббат боғлаш ва у билан анис (ҳамдам) бўлиш сўфиёна маърифат босқичидан далолатдир ва Робиянинг тасаввуфда тутган ўрни маърифат мақоми эди. Аммо унинг севгиси ва аллоҳга бўлган муҳаббати орифона эмасди. Яъни ҳаётда, тирикликда руҳий босқичлардан ўтиб, руҳониятга етиб, аллоҳ жамолини мушоҳада қилиб, у билан ваҳдат ҳосил қилиш ва сифатларини эгаллаш Робиянинг тариқатига хос эмасди. Балки бу дунёда аллоҳ ёд-хаёли билан банд бўлиб, шу орқали унинг раҳм-шафқатини қозониш ва охиратда, руҳ жисмни тарк этгандан сўнг унинг жамолига мушарраф бўлиш (келтирилган охирги муножот мазмунига эътибор беринг) зоҳидлик тариқатининг бош ғояси эдики, Робиа уни сўзсиз бажарарди ва ўзининг бош мақсади деб биларди.

Демак, Робиянинг аллоҳга бўлган муҳаббати тавҳид, яъни бирлик мавзуси бўлмасдан, балки халлоқият ғояси бўлиб, унда махлуқлар холиқи акбарни севиб, кейин руҳлари қиёматда у билан бирга бўлишлари лозим эди. Робиа бу йўлда туну кун тавба-тазарру ва

ибодат қилишдан ташқари тилда ва дилда ҳамиша аллоҳ номини зикр этиш, унга меҳр-муҳаббат боғлаб, уни бутун вужуди билан севиш ила банд бўлди. Шунда жаннат ва дўзах, мол-дунё ва ўзининг жисм-жони бу йўлнинг қурбони бўлди. У жисман бутунлай йўқолган эди, ўзи ўзиники эмасди. Балки у ўзини аллоҳники деб биларди ва унинг соясида яшарди. Шу боис Робианинг аллоҳга бўлган ошиқона кечинмалари хийла дардли садо берарди ва унда аллоҳ севгиси шу қадар кучли эдики, шоира ҳаётини севгини тамоман ёддан чиқариб юборганди. Демак, Робиа учун ҳаётини севги ва тирик ёр жамоли аллоҳ севгиси ва унинг нуроний жилвасининг инъикоси эмасди. Аллоҳ билан тўғридан-тўғри муҳаббат боғлаб, унинг дийдорини охиратда кўриш зоҳидона таълимотнинг ёрқин кўриниши эдики, Робиа шу йўлда жонини фидо этди.

ИБРОҲИМ АДҲАМ

Ислом оламида ва тасаввуф тарихида донг таратган машҳур зоҳидлардан бўлиб, 697 мелодий йилда Балх шаҳрида таваллуд топиб, 776 йилда Маккада вафот этган. Шу даврда яшаган иккинчи балхлик улуғ шайх Шақиқ Балхий (вафот этган йили 791 мелодий) билан учрашиб суҳбат қурган ва Жомийнинг айтишича, уни ўзидан устун деб билган (4, 13).

Иброҳимнинг отаси Адҳам Девона номи билан шуҳрат қозонган эди ва унинг девоналиги эса ошиқона тус олиб, ишқ дардига гирифтор бўлишдан бошланганди. Адҳам Девона ва унинг ўғли Иброҳимнинг саргузашти ниҳоятда ўзига хос ва ҳаяжонли қисса бўлиб, бу ҳақда ўзбек ва тожик тилларида дostonлар битилган. Бу дostonнинг хусусан, ўзбекона нусхаси хийла шуҳрат қозонган. XV асрнинг бошларида бухоролик шоир хожа Исматулла Бухорий уни ўзбек тилида назм қилганди. XX асрнинг олтмишинчи йилларигача мазкур дostonнинг нусхаларини қарийб ҳар бир хонадондан топиш мумкин эди.

Бу дoston XX асрнинг бошларида бир неча марта Марказий Осиёда тошбосма шаклида нашр этилган. Унинг халқона вариантлари ҳам жуда кўп. Бу ҳодисанинг биринчи сабаби Иброҳим Адҳам қиссасининг ниҳоятда мутаассирлиги ва сентиментал хусусиятга эгалигидадир. Қисса аламли ва дардомуз садо беради. У ажойиб бир тарзда ёзилганки, сўфийнинг азобу уқубатларга бой ва дарду балоларга оғушта ҳаётини эшитиб, ўқувчи жуда қаттиқ қайғуради ва таассуротга фарқ бўлади.

Сўфийнинг шоҳ ва гадойлиги, оила ва азиз фарзанддан ажралиб ёмон аҳволга тушиб қолгани қиссахон ва қисса эшитувчиларни лол қолдиради, уларни сир-синоатли бир дунёга етаклаб йиғлатади ва афсусланишга сабаб бўлади. Бу ғоя аслида сўфиёна асарларнинг

хусусияти ҳам эди. Сўфиёна дostonлар, шеърлар, қиссалар ўқувчига таъсир этиб, унинг художўйликка ишончини орттириб, шу йўлга бошлаш мақсадида раҳимдиллик билан ўзига хос оҳангда айтиларди. Шу боис асрлар давомида бу одоб ва анъана ўз вазифсини тўлиқ бажариб келди. Ва шу сабаб тарих саҳнасида яратилган тасаввуфона асарларнинг таъсири ниҳоятда кучли эди. Иброҳим Адҳам қиссаси эса шундай қиссалардан эди. Бу қисса яратилган даври-VIII асрдан кейин мисли кўрилмаган тарзда шуҳрат қозонди ва бир мингу икки юз йил мобайнида ҳар бир Ўрта Осиёлик кишиларнинг хонадонини сўфиёна нур ва жило билан тўлдириб келди. ¹

Мазкур дoston мундарижасига кўра еттинчи асрнинг тўртинчи чорагида Балх шаҳрида Маликшоҳ отлиғ бир подшоҳ ҳукмронлик қиларди. Унинг фарзанди йўқ эди. Худога илтижолар қилиб бир фарзанд-қиз дийдорини кўрди ва унинг номини Маликайи Хубон (Гўзаллар маликаси) қўйдилар. Шу пайтда Балхда Адҳам Девона деган бир дарвеш яшарди. У аксар қабристонларда юрарди ва аллоҳ ишқида кўйиб, ёниб девоналарга хос кун кечирарди. Бир куни малика ҳаммомга борганида Адҳам уни кўриб қолади ва ошиқ бўлади. Девона эртаси истиҳола қилмасдан Маликшоҳ хонадонига совчи юбориб ўз дардини изҳор этади. Маликшоҳ вазири-Сарафроз ўртага тушиб девонани куёвликка номуносиб топади ва уни бу йўлдан қайтариш мақсадида шоҳ қизига тўхфа тарзида гавҳари шабчироғ (нур таратадиган гавҳар) олиб келишни буюради. Бундай гавҳарни топиш эса ниҳоятда мушкул эди, уни денгиз қаъридан излаш керак бўларди.

Адҳам денгиз соҳилига бориб сувни коса билан қирғоққа тўка бошлади. Денгиз атрофидаги ерларнинг шоҳи бу аҳволни кўриб кўрқадикки, девона бир кун эмас бир кун денгиз сувини қуритади ва у бу аҳволдан ташвишга тушиб Адҳамнинг талабини қондиради: унга бир халта гавҳари шабчироғ беради. Адҳам Маликшоҳ саройига келади ва гавҳарлардан биттасини беради. Вазир Сарафроз гавҳарни кўриб Адҳамдан жаҳли чиқади ва айтадики, у гавҳарни шоҳ хазинасидан ўғирлаган. Шунда Адҳам сўрайдики, шоҳнинг нечта гавҳари бор эди? Айтадиларки, иккита ва биттасини Девона ўғирлаган. Буни эшитиб Адҳам халтадаги гавҳарларни тўкиб юборади ва ҳаммасини шоҳ ва вазирга тақдим этади. Аммо шундай бўлса ҳам, вазир Сарафроз шоҳ қизини гадойга лойиқ кўрмайди ва Адҳамни саройдан ҳайдаб юборади.

Адҳам худога нолалар қилиб, оҳ-воҳ тортиб Балхдан чиқиб кетади. Йўлда у карвондаги одамлардан билиб қоладики, Маликайи Хубон бехосдан ўлиб қолибти. У йўлдан қайтиб Малика кўмилган қабристонга келади ва кечаси қабр устига нола қилиб, аллоҳ деб ёта

¹ Биз дostonнинг 1916 йилда Тошкентда нашр этилган нусхасидан фойдаландик

беради. Шу топда мўъжиза рўй бериб, қабрдан садо эшитилади ва Адҳам қабрни очиб, мурдани ташқарига олиб чиқади. Малика аслида ўлмаган эди. Унинг қон-томирлари тортишиб, ҳушидан кетган эди. У аста-секин ўзига келади. Достоннинг айрим нусхаларида шу ўринда номаълум бир табиб (баъзан у Абу Али ибн Сино ҳам дейилади) пайдо бўлиб, Адҳам аҳволига раҳми келиб, Маликани муолажа қилади.

Адҳам маликани савмааси (зикр учун қурилган вайрона кулбаси)га олиб келиб, мулла чақириб, никоҳ ўқитади ва у билан яшай бошлайди. Улар ўғилли бўладилар ва унинг номини Иброҳим қўядилар. Ўғилчани етти яшарида бир куни Маликанинг тарбиячиси кўчада кўриб қолади. Маликага айнан ўхшашлигини ҳис этади. Энаганинг кўнглига олов тушади. У Маликани эслаб, гўдак орқасидан бориб, у яшаган вайрона жойни кўради. Кейин энага камбағал оилага ёрдам тариқасида тўхфалар олиб кела бошлайди.

Шундай қилиб, воқеадан Иброҳимнинг момаси (Маликанинг онаси) хабардор бўлади. Мома, энага тараддуд қилиб Адҳам кулбасига борадилар ва Маликани ўғли билан саройга олиб келадилар. Адҳам шу лаҳзада емак учун бирон нарса топиш мақсадида саҳрога чиққан эди. У хурмо доналари билан уйига қайтаётганида кўрадики, хотини ўғли билан чиқиб кетаётир. У тушунадики, умр ҳаёти тамом бўлипти. Маликшоҳ қизи Маликайи Хубон ва невараси Иброҳимни кўриб, бениҳоя хурсанд бўлади, тўй-томошалар қилади. Иброҳим ўсиб ўн тўртга киради. Маликшоҳ уни валиаҳд қилиб, оламдан ўтади. Иброҳим Балх шаҳрининг подшоҳи бўлади ва Султон Иброҳим номи билан шуҳрат қозонади.

Кўрамизки, Иброҳим Адҳам қиссасининг то шу жойигача шоҳ ва гадо муносабати ривоят қилинади. Адҳам дарвеш (гадо) эди ва дарвешга хос ҳаёт кечирарди. Унинг мол-дунёси йўқ, тавба-тазарруга берилган ва ишқ дарди билан яшарди. Бу ишқ аллоҳ ишқи эди. У фақат аллоҳни билади ва унга махлуқ сифатида бўйсунди. Аллоҳга сиғиниш ва аллоҳ билан ҳамнафас бўлиш унга мўъжиза орқали насиб этади. У Маликани кўриб қолади. Аммо унга эришиш осон бўлмади. У муҳаббат мақомини босиб ўтади ва ниҳоят маҳбубасини топиб, унга эришади. Аллоҳ бу йўлда унга мададкор бўлади. Бу зоҳидона бир ғоя эди. Рухлар охиратдан ўтиб, бир-бирларига васл бўладилар ва жон танани тарк этгандан кейин аллоҳ дийдори насиб бўлади.

Иброҳим Балх шаҳрида подшоҳлик кайфияти билан яшай бошлади. Ҳамма нарса унга муҳайё ва дунёдан ғами йўқ эди. Аммо кўп ўтмай, у подшоҳликдан воз кечиб, дарвешлик тариқатини ихтиёр этади. Бу ҳодиса «Кашф ул-маҳжуб»да (3,128) бундай шарҳланади: Иброҳим бир куни овга чиққанида бир сайд (оҳу-тоғ эчкиси) орқасидан қувиб, лашкаридан узоқлашади. Оҳу унга дейди: сени шу иш учун

яратдиларми ёхуд бу ишга буюрдиларми»?! Бу сўз далил бўлди ва у тавба қилди, мол-дунёдан қўл ювиб, зуҳд ва вараъ ихтиёр этди».

Иброҳим аҳволининг ўзгариши «Тазкират ул-авлиё» да ҳам шу ҳикоя орқали тасдиқланган (23,82). Аммо унганча Аттор яна икки ҳикоятни айтиб ўтади. Бу ҳикоятлар мазмунига кўра Иброҳим мазкур ўзгаришга аста-секин тайёр бўлади ва ниҳоясида оҳунинг ишораси тўғрисида тарикат йўлига кирилади. Масалан мазкур ҳикоятларнинг биринчиси бундай садо беради: «Иброҳим бир кечаси қаттиқ уйқуда эди. Ваҳимали ғалвадан уйғониб, ташқарига чиқиб томга қарадики, устида бир киши юрибди. «Ким сен?» деб сўради. Деди: «Туя йўқотганман». Деди: «Туя том устида нима қилади?» Деди: «Эй ғафлатда қолган инсон, сен-ку аллоҳни тахт устидан ахтаряпсан, туяни томдан излаш эса ажабланарли эмас». Иброҳим бу сўзни эшитиб тафаккурга ботади ва мутаҳаййир бўлади».

Иккинчи ҳикоят: «Бир куни Иброҳим қабул маросимини ўтказарди. Бехосдан бир киши келди. Деди: «Нима хоҳлайсан?» Деди: «бу вайрона жой (работ)га тушгим келяпти». Деди: «бу вайрона жой работ эмас». Деди: «қандай бу работ бўлмасунки, биров келади-ю биров кетади». У бу сўзни айтди-ю кетди. У Хизр эди ва мазкур сўздан Иброҳим жисмида олов шуъласи ёна бошлади» (23, 80-81).

Атторнинг ёзишича, Иброҳим мана шу икки ҳолатдан паришон бўлиб, ўзига ўзи айтди: «қандай ҳолат эди буларки бирини кечаси ва иккинчисини кундузи кўрдим». Бундан кейин унинг фикр-хаёли ўзгарган ҳолатда у овга боради ва оҳудан яна мутаассир сўзларни эшитиб, бирдан ўзини йўқотади ва тож-тахтни тарк этиб, ёху-ёманху деб уйидан чиқиб кетади. Шундай қилиб, Иброҳим ғойибдан оҳу ва туябон тилларига киргизган сўзлар ва Хизр алайҳиссаломдан эшитган гаплар орқали дарвешликни ихтиёр этади: бойлигу тож-тахт, гўзал аёл ва хазина, қуллару жамики мамлакатидан, яъни подшоҳликдан юз ўгириб, зоҳид зотга айланади ва бу табақа одамларига хос кун кечира бошлайди. У дунёни тарк этади, бойлик ва шоҳликдан тавба қилиб, ибодатга берилади ва тили-ю дилини аллоҳ номи билан банд этади.

Атторнинг ёзишича, Иброҳим оҳу сўзидан ошуфта бўлган ҳолда ҳатто уйига ҳам қайтмайди ва йиғлаб-йиғлаб йўлдан бошқа томонга бурилиб кетади. У бир чўпонни учратади. Чўпон унинг қули эди. Иброҳим заррин тўнини чўпонга бериб, унинг жун матодан тикилган эски чакмонини кийиб, бошига кулоҳини қўйиб, боқиб юрган қўйларини чўпоннинг ўзига бахшида қилиб, тоғу биёбонлар аро пиёда йўл олади. Йўл юриб, Марв шаҳрига келади, у ердан Нишопурга ўтади. Ва бу шаҳарда бир ғорда жойлашиб, тўққиз йил тоат-ибодат билан машғул бўлади. Бир ҳафтада фақат бир кун-пайшанба куни ғордан чиқиб емак учун бир орқа ўтин йиғиб, Нишопур бозорига олиб бориб сотарди ва унинг пулига бир нон олиб, ярмини дарвешга бериб,

ярмини ўзига қолдирарди ва кейинги пайшанбагача қаноат қиларди (23,82).

Иброҳим тўққиз йил шу аҳволда ғорда яшади. Унинг бир ҳафталик ризқ-рўзи ўтинфурушлиқдан, яъни ҳалол меҳнатдан келадиган ярим нон эди. Ҳимматига қарангки, бир ҳафтада бир нон топиб, унинг ҳам ярмини дарвешга берарди. Ярим нон етти кунга унга қандай етарди, маълум эмас. Аммо Иброҳим тоқат қилиб яшади. Худонинг паноҳида соғ-саломат эди. Бу аҳвол зоҳидликнинг олий даражасидир. Иброҳим зоҳидга хос барча фазилатларни ўзида тажассум қилган эди. Ҳақиқий зоҳидлар у даврлар (VII-VIII асрлар)да шундай эдилар. У ориф бўлганида бундай қилмас эди. Майхона (хонақоҳ)да ўтириб, майпарастлик қилиб (аллоҳ ишқи билан банд бўлиб) яшарди.

Иброҳимнинг мазкур ғордаги аҳволидан Аттор кароматли бир лавҳа келтиради. Чунончи ёзади: «айтадиларки, бир кечаси қишда ул ғорда Иброҳим музни синдириб таҳорат қилади ва тонг отгунча намозга ўтиради. Тонгда совуқ таъсир қилиб, Иброҳим қотиб қолади. У ўйлайдики, исиниш учун ўт керак ёхуд бирон қалин пўстин. Шу лаҳзада бир иссиқ тўн унинг орқасини иситти ва ўзига келиб ухлаб қолди. Вақтики у уйқудан уйғонди, кун равшан бўлган эди ва у исиган эди. Қараса елкасидан бир аждарҳо тушиб кетаётир. Иброҳим кўрқиб кетади ва ҳайратда қолади. Тушунадики, орқасини иситган «тўн» аждаҳо экан» (23, 83).

Иброҳим тўққиз йилдан сўнг ул ғордан чиқиб, Маккага йўл олади ва тавофу ибодат билан машғул бўлади. «Қиссаи Султон Иброҳим» китобида айтиладики, Иброҳим Балхдан кетганидан кейин ҳомиладор аёли Зулфия йиғлаб қолган эди. Кейинроқ ўғли Муҳаммад таваллуд топади ва ўсиб камолга етади. Муҳаммад онасидан отаси ҳақида эшитиб, уни излаб Маккага йўл олади. У отасини топади. Отаси ўғлини кўриб қаттиқ йиғлайди ва жондан севиб у билан бўлади. Шу онда аллоҳдан нидо келдики, Иброҳим ўғли деб аллоҳни ёддан чиқарди. Иброҳим аллоҳга нолалар қилиб, ўғлидан воз кечади. Ўғли вафот этади ва Иброҳим ҳам унинг изидан оламдан ўтади. Хотини Зулфия ҳам эри ва ўғли орқасидан сафарга чиқиб, Маккага келади. Шу топда Иброҳим жисмини қабристонга элтиб кўмаётган эдилар. Зулфия эри ва ўғлини тирик топмайди ва дард аламга ботиб, у ҳам вафот этади.

Шу билан табиий зоҳидона қисса тугайди. Ҳамма ҳолатда дард, алам, қайғу, оҳ-воҳ, нола-ғам, кулфат, айрилиқ, ўлим садолари янграйди. Сурур ва хурсандчилик туйғулари қиссада қарийб йўқ даражада. Яъни зоҳид аллоҳ йўлида жонини фидо қилади, хор-зорлиқда кун кечириб, нафсини тийиб, гадойга айланиб, ғам-аламларга ботиб оламдан ўтади. Зоҳидлар аллоҳга шундай сиғинар эдилар; жон танани тарк этгандан сўнг қиёматда уни кўриш мақсадида

бу дунёда чексиз-чегарасиз азоб тортиб, ибодат қилиб юрардилар. Аммо ориф киши ҳам нафсини тийган ва аллоҳга зикр қилган зот эди. Лекин у ўзини бунча азобларга мубтало қилмас эди, у хонақоҳда, чиллахонада, савмаада, хароботда, мазоротда маскан тутиб, бозор ва кўча-куйда муридлари билан юриб, самоъ мажлисларини ўтказиб, сўфиёна мақоматлар ва ҳол орқали аллоҳни бу дунёда топарди, реал ҳаётда унинг маърифатига ноил бўлиб, комилликка эришарди.

Энди Иброҳим Адҳам ҳақидаги зоҳидона сўзлар ва унинг маноқибу кароматлари билан танишамиз. Ал-Жуллобий ёзадики, у «Хизр пайғамбар муриди ва имом Абуҳанифа билан суҳбатдош эди, у кишидан илм ўрганди» (3,128). Зоҳидлар ҳаётига Хизрнинг даҳлати табиий бир ҳодиса ва буни ҳамиша кўриш ва ҳис этиш мумкин. Яна ал-Жуллобийнинг фикрича, Иброҳим Адҳам замондош шайхлар «Фузайл бин Аёз ва Суфён Саврийларнинг суҳбатига эришган эди ва умр бўйи ҳалол меҳнат билан кун кечирарди» (3,129). Фаридаддин Аттор ёзади: «бир киши минг динор олиб келиб Иброҳим Адҳамга деди: «буни ол». Деди: «мен дарвешлардан ҳеч нарса олмайман». Деди: «мен бой-бадавлат кишиман». Деди: «бойлигинг яна кўпайсин» (23,86). Дейдилар: «бир киши ўн минг дирҳам олиб келиб, Иброҳимнинг олдига қўйди. У қабул қилмади» (23, 82).

«Халифа ал-Муътасим Иброҳимдан сўрадики «нима аҳвол билан юрибсан»? Деди: дунёни дунё талабгорларига топширганман ва охиратни охират талабгорига. Бу дунёда мен аллоҳ-таоло зикри билан машғулман. Ул дунёда эса аллоҳ юзини кўрмоқчиман» (23, 88). «Айтадиларки, Иброҳим кемага ўтирган эди, тўфон кўзғалди ва кема фарқ бўлишига сал қолди. Иброҳим дуо қилди ва шу заҳоти тўфон тўхтади»; «Айтадиларки, Иброҳим кемага чиқиб, дарёдан ўтмоқчи бўлди, аммо пули йўқ эди, дарёдан ўтиш нархи эса бир тилло танга эди. Иброҳим дуо қилди ва шу онда дарё соҳилидаги қум тиллага айланди. Иброҳим бир ҳовуч зар олиб пул сўраганларга берди»; «Айтадиларки, бир куни Иброҳим Дажла соҳилида хирқасининг йиртилган жойларини ямаб ўтирган эди. Бехосдан игнаси Дажлага тушиб кетди. Иброҳим балиқларга ишора қилди. Минг балиқ сувдан бош кўтариб турдиларки, ҳар бирининг оғзида бир тилла игна бор эди» (23, 93).

ШАЙХ ЗУННУН МИСРИЙ

796 йилда туғилиб 860 йилда вафот этади. Шайхнинг мазкур таҳаллуси унинг ҳаётида содир бўлган ва барча тасаввуф тадқиқотчилари томонидан такрорланадиган (1, 16-17) бир ҳикоят билан боғланган. Шу ҳикоятда келтирилишича, шайх бир вақт кемада саёҳатга тушади. Бир савдогар бехосдан ўз гавҳарини йўқотиб қўйди

ва қуръа ташлаб, Зуннунга тухмат қилади. Шайх ҳайрон қолади, зеро қуръа унга тушган эди. Шайх дуо қилади, дуо таъсири остида бир балиқ сувдан чиқиб унга бир гавҳар тақдим этади. Зуннун гавҳарни олиб тухматчига беради. Мана шу ҳикоят натижасида унинг исмига «зуннун, яъни балиқ эгаси» деган сўз қўшилиб, кейин шайх номига сингиб кетади.

Фаридаддин Атторнинг ёзишича, шайх Зуннун ҳеч кимга ўз ҳолидан хабар қилмасди ва ўзини тамом сир тутарди («Худро пўшида медошт»). Шу боис мисрликлар уни тушунмас ва каромату маноқибларига ишонмасдилар. Улар шайхнинг мўъжизага ўхшаган кароматларига ҳайратланиб зиндиқийлик (дин-диёнатсизлик)да айблаб, уни тан олмас эдилар. Зуннун эса парво қилмасди ва шундай қилиб унинг вафотигача ҳеч ким ҳолини билмай қолди (то вафот накард, кас воқифи ҳоли ў нашуд)» (23, 102).

Бу эса табиий сўфиёна бир ҳолат эди. Узоқ ўтмишда шайхлар аҳволини баъзан тушунар ва ё баъзан тушунмас эдилар. Хусусан, агар шайх халқдан узоқлашиб, сир-синоатини пинҳон тутса унга нотўғри баҳо бериб, тариқат учун яратган таълимотини шариятга хилоф деб билиб (ҳақиқатдан хилоф эди) расмий дин намояндалари шайхга қарши чиқардилар. Зуннун билан ҳам шу ҳодиса рўй берди. Масалан «Юсуф бин Хусайн Зуннундан сўради: «ким билан суҳбат қилайлик?» Деди: мен ва сен ўртада бўлмасак, шу билан» (23,113). Яъни Зуннун ўзидан воз кечиб, аллоҳ билан суҳбатдош бўлишни хоҳларди.

Агар шайх ўзидан воз кечиб, аллоҳ билан бирга бўлса, шарият қоидаларидан парҳез (ижтиноб) қилиши баъзан мумкин эди. Масалан у намозу рўзани бир тарафга қўйиб, аллоҳ номи билан яшарди. Мана шу тартибдаги таълимот одамларга ёқмасди ва шайх Зуннун Мисрий эса ҳамон халқнинг танбеҳига учрарди. Халқ катта куч. Зуннуннинг зиндиқийликда айбланиши ўз ишини қила бошлади. Бу гапни эшитган дин ва шарият раҳбари халифа ал-Мутаваккил қаттиқ ғазабланди. Унинг фармони ила Зуннунни ушлаб, оёғига кишан солиб, қамоққа тиқиб қўйдилар. Зуннун қирқ кеча-ю қирқ кун қамоқда ётди.

Атторнинг ёзишича, шайх Зуннунни нақд ўлимдан қутқариш мақсадида машҳур мутасаввуф арбоб Бушр Ҳофийнинг орифа синглиси ҳар куни унга бир нон юборарди. Қирқ кундан сўнг Зуннун ҳибсдан озод бўлди ва унинг ҳужрасини кўрсалар қирқ нон турибди. Бушр Ҳофийнинг синглиси деди: «Сен билардинги, бу нонлар ҳалол ва миннатсиз эди, нимага емадинг?» Деди: «тобоқи тоза эмасди» (яъни нонни зиндонбон узатарди) (23, 108).

Зуннун қирқ кун ҳибсда нима еб тирик қолди, ҳеч ким билмайди. У учун аталган битта нонни зиндонбоннинг қўли теккан, нон макруҳ бўлган деб эмасди. Пайғамбардек бунча ҳарому ҳалолга эътибор бериб, ўз ўлимини ҳам унутган шайх Зуннун ҳақиқатан олий мартабали

ва ҳаққа эришган улуғ зот эди ва мўъжизалар уни ўлимга яқин барча ҳодисалардан қутқариб қолди. Зуннун сўфиёна ҳалолликнинг энг бузрук намояндаларидан бўлган. Ҳалолликка бунча қаттиқ эътибор бериш VIII-IX асрларда ҳар бир шайхнинг қўлидан ҳам келмасди, аммо шайхлар ўлгунича ҳаромдан ҳазар ва ҳалолга назар қилардилар ва энг оғир кунларда, ҳатто бошларига қилич соя солганда ҳам, ҳалол гапириб, ҳалол луқма еганлар. Ҳалоллик эса сўфиёна маслакнинг биринчи талаби эди.

Зуннуннинг тавба-тазарру қилиши ва сўфиёна маслак тутиши ажойиб бир воқеа билан боғлиқ эди. У тавбага юз ўгириш борасида сўфийлар аҳволдан огоҳ бўлмоқчи ва тавба усуллари билмоқчи бўлади. Шу мақсадда, Атторминг таъкидлашича, Зуннун сўраб-сўраб бир жойда бир обидни учратади. Кўрадики, обид ўзини дарахтга осиб айтар эди: «Эй тана, агар мен билан тоат-ибодатда ҳамкорлик қилмасанг, сени шу аҳволда қолдираман». Зуннун дейди: «бу аламли аҳволни кўриб, мен йиғлаб юбордим». Обид деди: «ким у кишики, менга раҳм қиляпти?». Дедим: «бу қандай аҳволдур?». Деди: «бу менинг таним тоатда мен билан бўлмоқчи эмас ва халқ билан бўлмоқчи. Сен билмайсанки, агар халқ билан ҳамкорлик қилса, ҳамма нарса унга муҳайё бўлади». Дедим: «ана бу ҳақиқий зоҳидлик!»

Буни эшитиб ул зоҳид деди: «мендан ҳам зоҳидроқ кишини кўргинг келяптими?» Зуннун жавоб берди: «ҳа, буни хоҳлайман». Деди: «бу тоққа бор». Кейин Зуннун тоққа бориб бир зоҳид йигитни учратадики, бир аёлни кўриб, унга ҳавас қилганидан афсусланиб ва буни шайтон васвасаси деб билиб, ўз танасига азоб бериш мақсадида бир оёғини кесган эди (23, 103).

Юқорида биз зоҳидларнинг аёлга бўлган муносабатини айтганимизда бу ҳақда сўз юритган эдик. Бу ўринда эса сўфий ёхуд зоҳид бўлиш учун қандай азобларга чидаш ҳақида сўз боряпти. Ва кўринадики, шайх Зуннун зоҳидларнинг ўзларига қўллаган азобларини ёмон бир таассурот билан қабул қилади ва уларга қойил қолади, раҳм-шафқат билдиради.

Аммо зоҳидлик йўли ҳақиқатан бундай азобларни тақозо этарди. Фақат шу азобли йўллар орқали мақсадга эришиш мумкин эди. Шу боис Зуннун уларни кўргандан сўнг ниҳоясида тавба йўлини тутиб, қанча оғирликни зиммасига олиб, шу йўлга киради ва азоб чекиб, йиқилиб-сурилиб, маломатлар эшитиб, охирида зоҳидлик маслагига эришади. Зуннун энди ном чиқарган художўй ва ҳалол шайхга айланиб, ўзининг сўфиёна таълимотига эга бўлади.

Шайх Зуннун тасаввуф тариқатидан ўтиб, маърифат даргоҳига эришган улуғ зот эди. Аммо у тасаввуфнинг зоҳидлик маслагига мақом тутган шайх бўлди. Масалан, зоҳидлар билан доимий равишда учрашгани, суҳбат қилгани, уларнинг одобига бўйсунгани, улар тутган

йўлдан боргани мазкур фикрларимизнинг яққол далилидир. У зоҳидлик бобида тариқат босқичларидан тўлиқ ўтди. Уларнинг тўққиз поғоналик мақомат даражасидан саккизинчиси-таваккулга тўхтаб, шу зинани ўз мақсадига яқин деб билди ва уни ўзининг маслаги деб қарор қабул қилди. Зуннун бу ҳақда ўзи шундай дейди:

«Менинг ишончим таваккулдир» (эътимоди ман бар таваккул аст»). Ва яна айтади: «Ҳар кимки аллоҳ-таолога таваккул қилса, унинг иши ўнгидан келиб, яхшилик кўради» (23,104). Шу билан Зуннун ўз маслаги-таваккул этагини қаттиқ ушлаб, уни тарғиб-ташвиқ қилади. Буни эшитган ва билганлар ундан сўрайдилар: «таваккул аломатини сен нимада кўрдинг?» Жавоб беради: «жамики халқдан таъмани қатъ (бук) этишда» («таъма аз халойиқ мунқатеъ гардонидан») (23, 112).

Шундай қилиб, шайх Зуннун энг ҳалол инсон, зоҳидликда моҳир устоз ва сўфиёна таваккулнинг етакчи намояндаси эди. Худо йўлига таваккул қилиш, тамаъ билан боғлиқ барча иллатлардан воз кечишни тақозо этарди. Зуннун тамаъдан буткул юз ўгирди. У қаноат ва парҳез билан шуғулланиб, оз бўлса ҳам, ҳалол луқмасига қаноат қилди. У аллоҳга қаттиқ ишонарди, аллоҳ унинг халлоқи олами эди. Аллоҳга тавба ва таваккул қилиш у учун сўфиёна мақсадга эришиш йўли эди. Яъни бу дунёда аллоҳ сифатларини касб этиб, унга эришиш ниятида эмас, балки унинг йўлига таваккул қилиб, унинг номи билан яшаб, қиёматда унинг дийдорига мушарраф бўлиш умиди зоҳидона таълимотнинг асосий йўналиши эдики, Зуннун Мисрий ҳам шу йўлни танлаб, у билан фахрланарди.

Энди «Тазкират ул-авлиё» да келтирилган шайх Зуннун Мисрийнинг таваккул бобидаги панд-насиҳатлари, таълимоти ва маноқибларидан кейинги намуналарга назар ташлаймиз: Бир киши Зуннундан сўради: «менга бир васият айт». Деди: «ўз нафсингни душман билиб, худой билан ёр бўл ва ҳеч кимнинг озорига йўл берма» (23,113). Яна бир киши Зуннундан васият тилади. Деди: «зоҳиринг (ташқи кўринишинг)ни халққа кўрсатиб, ботининг (ички оламинг)ни ҳаққа бағишла» (23, 113). Ундан сўрадилар: сўфийлар қандай инсондирлар? Деди: «шундай кишиларки, аллоҳ-таолони ҳамма нарсадан устун кўрадилар ва аллоҳ-таоло эса уларни барча кишилардан устун кўради» (23, 113).

Зуннун деди: «авом (халқ)нинг тавбаси гуноҳдан ва хос (кибор) лар тавбаси ғафлатдандир». Деди: «тавба икки қисмга бўлинади: инобат тавбаси (гуноҳдан тавба қилиш) ва истижобат тавбаси (қабул тавбаси). Инобат тавбаси шудирки, банда (инсон) аллоҳ таолонинг азоб уқубат (қиёмат)идан қўрқиб тавба қилади. Аммо истижобат тавбаси шудирки, инсон аллоҳ олдида қарздорлиги боис («аз шарми худой») тавба қилади» (23,111). «Ҳикоят қиладиларки, бир куни бир киши у (Зуннун)нинг олдида келиб айтди: «қарзим бор ва ҳеч нарсам

йўқ». Зуннун ердан бир тош олиб унга берди. Ул одам тошни кўтариб бозорга олиб борди ва кўрдик, тош зумуррадга айланган эди. Тўрт юз тилла тангага сотди ва қарзини узди» (23, 106).

Аттордан хийла олдинроқ X аср охири ва XI асрнинг бошларида яшаган машҳур тасаввуфшунос олим Абуабдурраҳмон ас-Сулламийнинг (936-1020) «Табақот ус-сўфия» тазкирасида келтирилишича, (1, 17-18) Зуннуннинг насиҳатомуз сўзларидан намуналар бундай садо беради: «Кимки қилган иши, амали билан мақтанса, барча яхшиликлар ёмонликка айланади». «Ҳожат сўрасанг, ҳоким тили билан эмас, фақир забони билан сўрагин». «Камбағал дўстим бор эди, оламдан ўтди. Бир куни тушимга кирди. Унга дедим: «аллоҳ сен билан нима қилди?» Деди: пасткаш бойваччалар узатган нонни олмаганинг учун гуноҳларингни мағфират этдим, деди». «Илм аҳлидан бўлмиш ҳар бир эр илми зиёда бўлгани сари молу дунёга нафрати кучайиб, уни тарк этарди. Энди-чи? Бугун илми кўпайгани сари молу дунёга муҳаббат ва талаб кучаймоқда. Илгари олим одам молини илм йўлида сарф этарди. Бугун-чи? Илми орқали молу дунё тўплайди. Илгари илм олувчининг ботини ва зоҳири кучга тўларди. Ҳозир-чи? Унинг ботини ҳам, зоҳири ҳам фасоддир».

Яъни шайх Зуннун қилинган ишлардан фахрланишни яхши кўрмас экан; камбағал, фақирлар билан бирга бўлишни ёқтираркан. У киши пасткаш ҳаромхўрларнинг инъомини қабул қилмасликни буюриб, илмини мол-дунё йиғишга сарфлаб, хор қилган ножинс олимларни танқид қилади. Зуннуннинг ушбу фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда ва уларга эътибор бериш бизнингча, фақат фойда келтиради холос.

БОЯЗИД БИСТОМИЙ

Ал-Жуллобий Боязидни «кибор шайхлардан» деб таърифлаб, замондоши Жунайд Бағдодий номидан келтирадики, у айтган экан: «Боязид бизнинг орамизда фаришталар орасидаги Жаброилга ўхшайди» (3, 132). Мазкур муаллиф Боязиднинг тўлиқ исмини «Абуязид Тайфур бин Исо ал-Бистомий» шаклида ёзиб, «унинг бобоси мажусий» (насроний) бўлган деб таъкидлайди. Кейин ал-Жуллобий унинг тайфурия силсиласи эгаси бўлганига ишора қилиб, тасаввуфнинг ўнта машҳур имомларидан бири деб билади (3,132). (Бу ўринда ўн иккита сўфиёна силсиладаги ўнта керакли ҳалқа имомларига ишора қилинган).

Боязиднинг таваллуд топган йили аниқ эмас, вафоти 875 мелодий йилда рўй берган. «Тазкират ул-авлиё» да келтирилишича, (23, 116-118) онаси уни мактабга берган, кейин у ҳажга борган ва ҳаждан қайтишда онаси уни кутиб олган ва Боязид она ризолигига

ноил бўлган: у тиз чўкиб, таъзим қилиб, она хизматини бажо келтирган, унинг таяммуми (тахорати)га сув берган.

Боязиднинг устозлари кўп бўлган. Тасаввуф тадқиқотчиси Зарринкўб VIII аср сўфийси Абулфазл Муҳаммад Саҳлакийнинг «Ан-нур мин каламоти Абутайфур» китобига мурожаат қилиб ёзадики, Боязид уч юзу ўн уч (313) устозни кўрган ва охирги устози имом Абужаъфар Содиқ бўлган. У икки йил имом Жаъфарга саққо (сув ташувчи хизматкор) лик қилади. Кейин имом уни уйига қайтишга рухсат беради ва айтадики, халқни аллоҳ йўлига даъват этгин (6, 36).

Боязид учун шайхлик одобининг биринчи кўриниши бошқа шайхлар каби нафси аммолага қарши чиқиш ва уни енгиш эди. Атторнинг фикрича, у нафсини тийиш мақсадида ўн икки йил курашади ва ниҳоясида ғолиб бўлади. Кейин эса ўз-ўзини кўзгудек назорат қилиб юриш учун беш йил муттасил саъй-ҳаракатда бўлади. Мана шу тартибда Боязид тоғдек баланд ва мустаҳкам сўфиёна таълимот чўққисини забт этиб, камолотга эришади.

«Кашф ул-маҳжуб» китобининг муаллифи ал-Жуллобий тасаввуфнинг ўн икки ҳалқаси хусусида баҳс юритганида тайфурия ҳалқасининг Боязидга мансублигини яна бир бор таъкидлаб, бу ҳақда тўлиқ маълумот беради (3, 234). Тайфурия, яъни Боязид Бистомий ҳалқасининг бош ғояси сукр (мастлик) таълимоти эди. Бу таълимотга биноан аллоҳ йўлида мастона ҳаракат қилиш, майхона мастлиги асосида беҳудликка берилиб, фано даражасини топиш сўфиёна маслак ва мақсаднинг ниҳояси ҳисобланади. Сукр аломатлари май, майхона, соқий, харобот ва шуларга ўхшаш тушунчалардир. Бас шундай экан, мастлик тимсолида ҳайратга тушиб, аллоҳ даргоҳига ғарқ (мустағрақ) ва худо муҳаббатига ноил бўлиш учун ваҳдат майи ичиб фано манзилига эришиш мумкин деган ғоя шайх Боязид Бистомий ҳалқасидан сарчашма олиб, ундан сўнг ёйилиб кетди ва минг йиллик тарихга эга бўлди (бу ҳақда тайфурия ҳалқасини таъриф-тавсиф этганимизда батафсил тўхталиб ўтганмиз).

Шу тариқа, Боязид Бистомий тариқат ва маърифат мақомларини забт этган улуғ шайх эди. Тасаввуф тарихида унинг ўзига хос ҳалқаси ва таълимоти бор. Тасаввуф мактабининг забардаст устози сифатида унинг ривожига алоҳида хизмат кўрсатди. Сўфиёна сукр-мастона руҳий йўл тутиш ҳаққа эришиш омили деган таълимотнинг муаллифи ва ижодкори. Шу боис Атторнинг айтишича, «ҳамиша курб (аллоҳ билан қаробат-яқинлик тутиш) мақомида юрарди, муҳаббат олови (аллоҳ муҳаббати)га ғарқ бўлганди. Доимий равишда танаси мужоҳада (ҳаракат)да ва кўнгли мушоҳадада эди» (23, 115).

Булар Боязиднинг художўйлик ва ҳақшунослик йўли эди. Шу тартибда у ҳаққа эришишни хоҳларди ва буни собитқадамлик билан амалга оширган эди. Эронлик олим Зарринкўб ёзади: «Хуросон

мулкида зухд тушунчасини реал (воқелик) тасаввуф билан ҳамроҳ этган киши Боязид эди» (6, 35). Яъни Боязид зоҳидлик ва орифлик тасаввуфининг орасида туриб, зухднинг урфонга ўтиши ва орифона тасаввуфнинг ривожланишида бош намоянда бўлди. Демак, буни тасаввуф тарихида Боязиддан бошлаб зоҳидона таълимотнинг орифона ғояларга ўтиши ва кейин орифлик даври бошланиши деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни сўзсиз Боязиднинг суқр бобидаги таълимоти тезлаштирди, зеро суқр-мастлик аслида зоҳидона таълимотга зид бўлиб, зоҳидлар бу йўлни ҳеч қачон қабул қилмаган эдилар. Шайх Боязид Бистомий суқр йўли орқали аллоҳ муҳаббати билан боғланди. Аллоҳ висолига эришиш ва кейин фано бўлиш унинг асосий мақсади эди. Ибодат йўлини тутиб, аллоҳ соясида юрган зоҳид шайх ошиқу маъшуқалик йўлига кириб Е.Э.Бертельснинг фикрича, ошиқлик «мен»ини маъшуқа «мен»ига ҳулул қилиб, ўзини фано қилган. Натижада у аллоҳга бирикиб кетган (9, 32). Яъни Боязид фалсафасига кўра ҳамма нарса ўткинчи ва аллоҳники, абадият фақат аллоҳдир. Шу боис инсон уни топиб, унга фано бўлиши билан абадиятга шерик бўлиши мумкин. Инсонни эса бу мартабага ҳол зиналари воситасида суқр олиб чиқади. Фано мақомида йўқлик (махв ёхуд ғарқ бўлиш) гўё суқр туфайли ҳосил бўлади.

Айтдикки, сўфиёна суқр, яъни мастлик ва шу восита орқали майу майхона қиссаси, тасбеҳу таровеҳ, намозу рўза, ибодат, масжиду минбарга зид эди. Бас шундай экан, Боязид мазкур таълимот воситасида диний қонун-қоидаларга ва шариат талабларига баъзан бўйсунмас ва керак бўлса уларнинг қаршисида чиқишлар қилар эди. Бу чиқишлар эса «Шатҳиёт» номи билан шуҳрат қозониб, унинг негизида ана шу Боязид айтган шариатга хилоф сўзлар, ҳазилу мутойиба ва ҳақоратли гаплар ётади. Боязиднинг кофирлик ва бединликда айбланиши ҳам унинг насронийлар наслидан бўлиши билан бирга, мазкур шатҳиёт сўзлари билан боғлиқдир. (Боязиднинг «Шатҳиёт»и ҳақида Е.Э.Бертельс мисоллар орқали маълумот берган ва тафсилот учун олимнинг «Суфизм и суфийская литература» (9, 33) номли китобига мурожаат қилиш мумкин).

Энди Боязиднинг кароматлари, шатҳиёти, маноқиблари, муножоти ва айтган сўфиёна сўзларидан мисоллар келтирамиз. Боязид айтган эди: «уч йил мужоҳадат (жаҳд, ҳаракат) қилган эдим, аммо шу уч йилда ҳеч нарса тополмадимки, менга илмдан ва унинг тобелигидан қаттиқроқ таъсир қилса эди. Агарда олимлар муҳолафати (баҳси) бўлмаганида, мен ҳамма нарсдан бўш қолардим. Шу боис олимлар баҳси яхшидур, аммо тажриди тавҳид (вахдат бирлиги)да мумкин эмас, яъни тавҳид ҳақида баҳс бўлмаслиги керак» (3, 133).

Илм ўрганиш ва илмга аҳамият бериш шайх Боязид учун алоҳида мақомга эга эди. Уч йил эмас, балки «ўттиз йил илм олдим, илмдан

юксакроқ нарса тополмадим» (1, 28) деб у ўттиз йил илм ўрганди ва бу муддатда сўзсиз жамики илмларни ўзлаштириб, хусусан тажриди тавҳид (аллоҳ бирлиги)га қатъий ишонч ҳосил қилди, уни баҳссиз, шубҳасиз бор вужуд деб билди.

«Кашф ул-маҳжуб» муаллифи Боязид айтганларидан яна қуйидаги фикрни келтиради: «муҳаббат аҳли олдида жаннат хатарли эмас, яъни жаннат махлуқ (яратилган нарса)дир, аммо ҳақ таоло муҳаббати унинг номахлуқ сифатидир, яъни унинг асл зотига дахлдордир. Дўстлар йўли ваҳдониятдан ваҳдониятга боради (ягоналикдан ягоналикка боради) ва дўстликда мурид мурод билан жоиздир, зеро банданинг муроди ҳақ муридига етиш чорасидир» (3,133).

Ҳикоят қиладиларки, «бир куни шайх Боязид ўтириб икки оёғини ёйган эди. Буни кўрган мурид унга тақлид қилди. Шайх шу заҳоти оёқларини йиғиштирди. Мурид ҳам шундай қилмоқчи бўлди, аммо у оёқларини йиғиштира олмади, оёқлари унга итоат қилмасдан ёйилганича қолаберди. Мурид билдики, ул ҳолат шайхнинг каромати эди» (23, 126). Бир киши Боязид уйи олдида келиб уни чақирди. Ичкаридан шайхнинг овози эшитилди: «кимни ахтаряпсан?» Деди: «Боязидни». Деди: «уйда худодан ташқари ҳеч ким йўқ» (23, 128) (яъни қоришиш (хулул) ҳолати рўй бериб, фано даражаси ҳосил бўлди, демоқчи).

«Айтадиларки, шайх бир куни аллоҳ ҳақиқатидан сўзлар ва пировардида лабларини ялаб айтарди: ҳам шаробдурман (майдурман), ҳам шаробхўрман ва ҳам соқийман» (23, 130). Бу сўз шайхнинг суқр ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан яхши бир мулоҳаза эди. Чунончи мастона сифат касб этиб, бехудликка берилиб, оқибатда фано топиш йўли шароби ваҳдат ила муяссар бўлардики, унинг ўлжаси ва моҳияти бутун вужуди (жисми)ни забт этган ана шу шароб кайфияти бўларди. У ҳам шароб эди, ҳам шаробхўр ҳам соқий. Аллоҳ шаробидан маст-аласт бўлган шайх аллоҳга фарқ бўларди. Яъни у йўқ бўлиб, аллоҳ қоларди. Шундай қилиб, Боязид ваҳдониятдан сўз очади, аллоҳ билан инсон ва оламнинг бирлигини эътироф этади. Аллоҳни ваҳдат-бирлик натижаси деб билиб, унинг муҳаббатига масти шайдо бўлади. Боязиднинг бу ғоялари эса аста-секин ваҳдати вужуд таълимотига олиб келгандики, у кейинроқ XII асрда шаклланди ва қоидага айланди.

«Боязид айтар эди: агар саккиз табақа (қават) жаннатни бизнинг кулбамизда очсалар ва икки жаҳон ҳоқимлигини бизга бахшида этсалар, тонготарда аллоҳ шавқининг ёди билан жонимиздан бир оҳ чиққанига бермайман, балки унинг дарди билан бир нафас урганим, ўн саккиз минг олам мулки билан баробар (тенг) эрур» (23, 130). Боязиднинг бу фикри тариқат ғояси билан суғорилгандир. У аллоҳ шавқи олдида жаннату икки жаҳонни ҳеч нарса деб ҳисоблайди. Зеро,

аллоҳ ёди билан яшаш Боязиднинг асосий мақсади эди. Шариатда эса жаннат орқали аллоҳга эришиш бош ғоя ҳисобланарди.

Боязид айтарди: «аллоҳнинг муҳаббати менинг даъвом (талабим)дир. Ориф камолотининг олий даражаси унинг муҳаббатида ёнишдир. Аллоҳ муҳаббати менга шу даражада қоим бўлди (жисмимга жо бўлди)ки, мен ўзимнинг жисмим (вужудим)ни ўзимга душман тутган эдим» (23, 131). Бу сўзлар бўйича аллоҳ муҳаббати билан ёниш, унга қаттиқ боғланиш ва шу муҳаббат туфайли ўзини ўзига душман деб ҳисоблаш ҳақиқий орифона ғоядир. Бундай олий муҳаббатга фақат орифлар қодир эдилар. Обидлар эса холиққа махлуқона муносабатда бўлар ва муҳаббат ўрнида унга ибодат қилишни кўпроқ маъқул кўрардилар. Боязид Робиа Адавия каби бевосита аллоҳ билан муҳаббат боғлайди, ҳол зинасидан сўзлайди, бошқа мезонлар ва даражалар билан иши йўқ, аллоҳга фано бўлиш унингча муҳаббат орқали ҳосил бўлади.

Боязид дейди: «юракдаги аллоҳ ҳаловатининг бир зарра (томчи)си жаннатда қурилган мингта қасри аълодан яхшидур. Ва яна дейди: унинг бирлиги кўп мард ўғлонларни майиб-мубтало қилур ва жуда кўп нотавон-ожизларни мардликка етказур» (23, 132). Боязиднинг фикрича, аллоҳ ана шундай қудратли ва беназир зотдир, инсон эса аллоҳ наздида қадрсиз ва кучсиз жисм, шу боис унга махлуқона хизмат қилиб юриш, унинг тавба ва ибодати билан шуғулланиш шарт ва зарурдир. Бу зоҳидона ғояларнинг кўриниши эди. Хусусан бу кўриниш Боязиднинг қуйидаги сўзидан яхшироқ намоён бўлиб туради:

«Дедилар: пирлар сўзларини кўп эшитдик. Деди: улар айтдилар: «сену биз» («тую мо»). Биз айтамыз: «сену сен» («тую ту») (23, 134). Демак, Боязид бу ўринда орифлик ваҳдониятидан эмас зоҳидлик холиқиятидан сўзлайди. Унинг «сену сен» дегани ўз зотинга қоимсан ва сен борсан, бизлар эса сен яратган халқ ва шу боис сенга тенг бўлишни эмас, сен учун яшашни хоҳлаймиз холос деганидир. Бунинг ҳулосаси: сен-сенсан, биз-бизмиз. Бизни сен яратгансан, шу сабаб сени севиш, сени билиш, сенинг ёдингда бўлиш биз махлуқларнинг эҳтиёжимиздир. Орифлик ғоясининг амалий натижаси эса Боязиднинг кейинги муножоти бўла олади: «Деди: эй худойим, сенинг ва менинг ўртамызда сену сен деган гап то қайгача бўлади? Мен деганни ўртадан кўтар, токи менинг меним сен билан бўлса ва мен ҳеч бўлмасам» (23, 135). Яъни Боязид демоқчики, мен сен билан бўлишим шарт, зеро мен ўзимники эмасман, балки сеникиман, чунки сен менинг яратувчимсан, шу боис сену мен деган гап йўқ, сен борсан, мен сеникидурман ва ўртамызда бирлик ва ягоналик бор.

Шу тариқа, Боязид Бистомий тасаввуфона суқр таълимотининг асосчиси бўлиб, худо йўлида сўфиёна мастона ҳаракатни қўллаб-

қувватлайди. Унинг фикрича, солиқ ваҳдат майи туфайли беҳудлик топади ва мастона мақомат эса унинг ибодат ва зикр йўли бўлиб шу восита орқали у фано даргоҳига эришади. Аммо Боязид сўфиёна зоҳидлик ва орифлик орасида ҳаракат қилиб, зоҳидликдан орифлик мезонига ўтиб боради ва орифона сўзлари билан касбий (профессионал) ва амалий тасаввуфнинг ривожига тегишли ҳисса қўшади. Унинг таълимотидан бошлаб май, шароб, мастлик, чоғир, суқр тушунчалари махсус сўфиёна оҳанг касб этиб, кейинги минг йил давомида адабиёт, хусусан шеърининг бош мазмунига айланиб кетди.

Фикримизнинг охирида Зарринқўбнинг «Эрон тасаввуфи бўйича изланишлар» китобида Боязид ҳақида келтирилган шайх Саҳлакийнинг «Китоб ан-нур» асаридан қуйидаги ҳикоятга назар ташлаймиз: «айрим кишилар унга айтадиларки, муридлар ҳеч қачон саёҳат ва талабдан тинчимайдилар. Боязид жавоб бердики, менинг ёрим мусофир эмас, турғундир ва мен у билан турғундурман ва мусофирлик қилмайман» (6, 39). Суллабийнинг «Табакот ус-сўфия» сида ўқиймиз: «Абуязиддан бир кимса сўради: «бу олий маърифатга қандай эришдингиз?» Деди: «оч қорин ва либоссиз бадан билан» (1, 30). «Шайхнинг суҳбатдошларидан бири шундай ҳикоят қилади: «Ўн уч йил Боязид билан суҳбат қилдим, аммо шу муддатда ундан бирон бир сўз эшитмадим. У ҳамиша бошини икки тиззаси ўртасига қўйиб кейин кўтарарди ва оҳ тортарди, яна тиззалари устига қўярди» (6, 40).

ШАЙХ ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ

Тасаввуфнинг энг буюк намояндаларидан ва соҳиб силсилаларидан эди, унинг тариқати-сахв-ҳушёрликдир. Бу тариқат тайфурия силсиласи негизида пайдо бўлди. Агар тайфурия аллоҳ зикри ила фано даргоҳига етгунга қадар суқр-мастликни тарғиб этса, жунайдия таълимоти унинг акси ҳушёрлик-сахвни қўллаб-қувватлади. Жунайдиячилар фикрига кўра, суқр-мастлик инсонга хатар ва офат келтиради ва уни ташвишларга дучор қилади. Ўлим аломати бўлган мастлик керак эмас. Шу боис аллоҳни ҳушёрлик билан англаш даркор: ғафлат, уйқу ва мастлик ҳеч қачон фойда келтирмаган ва ибодатда ҳам унинг фойдасизлиги маълум бўлган. Аммо ҳушёрлик инсонни бахт-иқболга етаклайди. Аллоҳ идрокида унга янги-янги сирлар эшигини очади; инсонлар куч-қувватини сақлашга, уларга жасорат бахш этишга ёрдам беради. Шу сабаб сахв-ҳушёрлик зикр усулининг энг муҳим йўлидир,-дейди жунайдиячилар ва бу ҳақда биз ал-жунайдия ҳалқаси тизими билан танишганимизда батафсил сўз юритган эдик.

Ал-Жуллобийнинг ёзишича, «Жунайд Бағдодийнинг тўлиқ исми Абулқосим ал-Жунайд бин Муҳаммад бин Жунайд ал-Қаворирий бўлиб, тариқатда шайхларнинг шайхи ва шариатда имомларнинг имоми эди» (3, 161).

Унинг туғилган йили маълум эмас, вафоти 910 мелодий йилда рўй берган. Аттор айтадики: у ёшлигида ранжур, яъни дардманд бола эди, аммо ниҳоятда одобли бўлиб, катталар ҳурматини жойига қўярди. Отаси бадавлат киши эди ва Жунайд шу хонадонда илмий ва ахлоқий тарбия топиб, кейин махсус мактабда таълим олди. (23, 288).

«Кашф ул-махжуб» да ёзилишича, ул даврнинг машҳур тариқатшунос олими шайх Сарий Сақатий Жунайднинг тоғаси эди («хоҳарзодаи Сарийи Сақатй буд»). Жунайд шу тоғасига мурид тутинган эди. «Бир куни Сарийдан сўрадилар: «бирон-бир муриднинг даражаси пирга нисбатан баландроқ бўладими?» Деди: «бўлади ва бунинг исботи менинг олдимдадир. Масалан: Жунайднинг даражаси мен қаторидир» (3,161). Шу тариқа, Жунайд мазкур тарбия қанотида улфайиб, етти яшарида сўфиёна шукр ва зикрда катталар қаторидан жой олди. Шу ёшида тоғаси уни ҳажга олиб борди. Ҳаж пайтида улар кўрадики, Маккадаги машҳур ал-Ҳаром масжидида тариқат пирларидан тўрт юз ҳожилар йиғилишиб, бир-бирлари билан сўфиёна зикр қонун-қоидалари бўйича баҳс қилаётирлар. Жунайд тоғаси билан баҳс мажлисида иштирок этади. Навбатдаги баҳс зикр мавзуидаги шукр масаласига оид эди. Тўрт юз ҳожи шукр ҳақида таллашиб, аммо бир қарорга келолмас эдилар. Шунда шайх Сарий етти яшар жиянига ишора қиладики, баҳсга қўшилиб, бирон бир нарса дейиш шарт. Жунайд айтади: «Шукр улдурки, аллоҳ сенга берган неъматга ношукур бўлмасанг ва аллоҳ неъматини гуноҳ учун сарфламасанг-бу шукрдир». Тўрт юз ҳожи бу сўзни эшитиб Жунайдга офарин дейдилар.

Жунайд бир дунё тажриба орттириб, билим ўрганиб, тоғаси билан ҳаждан қайтиб келади. У Бағдодда мўъжизалар ва сўфиёна кайфиятлар оғушида яшай бошлайди. Аммо уйда давлатманд отаси уни савдо-сотик ишлари билан машғул қилмоқчи бўлади. Шу мақсадда ота Жунайдни бозордаги шишафуруфлик дўконига ўтирғизиб, савдо машғулоти билан банд этади. Савдо дўкони эса Жунайднинг сўфиёна хонақосига айланади. У ҳар куни дўконга келганида эшикнинг устидан парда билан ёпиб, тўрт юз ракъат номоз ўқирди. Бу аҳволдан воқиф бўлган ота уни дўкондан ҳайдаб юборади.

Жунайд дарбадарликка тушиб, алалоқибат шаҳарнинг бир чеккасидан майдагина бир ҳужрани ижарага олиб, унинг бурчагидаги даҳлизга жойлашиб олади ва шу аҳволда қирқ йил умр ўтказиб, намозу зикр ва муроқабга билан машғул бўлади. Бунинг ўттиз йилида у хуфтон намозини ўқиганида тонг отгунча тик туриб оллоҳ деярди ва

ҳам аср номозининг вузуси (таҳорати) ила тонг намозини ўқирди (23, 288-289).

IX асрнинг иккинчи ярмида Жунайд мана шундай сўфиёна аҳволда яшарди. У сўфиёна саҳв-хушёрлик тариқатининг кенг тарқалишида доимо саъй-ҳаракат қиларди, гарчанд ўша пайтда мазкур тариқатнинг душманлари кўп бўлиб, омма уни яхши қабул қилмаган эди. Чунки мазкур таълимот қаршисида тайфуриялик суқр-бехудлик ғояси аллақачон кенг тарқалиб, кундан-кунга тараққий топарди ва жамики сўфиёна муассасаларда кенг муҳокамадан ўтиб, тасаввуфона мезонга айланганди. Сўфиёна мастлик тариқатининг майхона билан боғланиши шайху соликларнинг ҳамон кундалик машғулоти бўлиб қолган эди.

Аммо шундай бўлса ҳам жунайдиячиликнинг саҳв тариқати ўзига хос мақомга эга бўлиб, тасаввуфнинг илмий доираларида бош қоида сифатида қабул қилинган эди. Жунайд Бағдодий ўз таълимоти-саҳв атрофида алалхусус зикр усулининг янги тармоқларини кашф этди ва уларни кенг кўламда тавсия этди. Эрон тадқиқотчиси Зарринкўбнинг ёзишича, Жунайднинг сўфиёна хушёрлик тариқати шарият буюртмаларига асосланган эди ва шу жиҳатдан сўфий рақиблари ҳам уни яхши қабул қилиб, унинг исми шарифини ҳурмат билан тилга олардилар (6, 104). Яъни Зарринкўб айтадики, Жунайднинг хушёрлик тариқати илмий хулосалар билан суғорилган бўлиб, маърифатдаги ҳол системаси билан қўшилган эди ва шу сабаб у ҳол зиналари доирасига кирганди, аммо мазкур тариқатда дин ҳақида ҳеч қачон ёмон сўзлар айтилмасди.

Демак, Жунайд Бағдодийнинг сўфиёна ғоялари диний тус олиб, дину шарият қоидалари асосида ривож топарди. Шу мезонда унинг саҳв-хушёрлик таълимоти кўпроқ фикҳ илми назарияси билан боғлангандир. Жунайд диний ҳукмлар атрофидан бир қадам ҳам нари турмаганди ва зотан расмий дин намояндасига айланган сўфий бўлганди. Бас шундай экан, Жунайд сўфийдан кўра шарият арбобига яқин намоянда эди ва у ҳақиқатан шариятнинг тариқат билан қўшилишида астойдил саъй-ҳаракат қилган зот ҳисобланади. Жунайднинг ушбу ҳаракати XI асрга келиб мутасаввуф-исломшунос олимлар имом Ғаззолий ва имом Ансорийлар назарига тушади ва улар томонидан қўллаб-қувватланди ва ривожлантирилди.

Жунайд таълимотидаги саҳв тушунчаси маърифат босқичининг мезони бўлмиш тавҳид поясига етиб боради. Аммо бу тавҳид сўфиёна «сену биз» («тую мо») тавҳиди эди, яъни Жунайднинг тавҳид зоти билан боғлиқ таълимоти жаннатда холиқи акбар висолини кўриш ниятида айтилган мулоҳаза эди. Шунда Зарринкўбнинг фикрига биноан, Жунайд аллоҳга фано бўлиш мақомини, яъни суқр зинасининг энг сўнгги чўққисини олий бочқич деб ҳисобламай, суқру фанодан

қайтиш йўлини ҳушёрлик тариқатида деб билади ва шу сабаб саҳв манзилини сулук мақомининг охирги ниҳояси деб талқин қилади (6, 107).

Жунайд шу усуллар орқали сўфиёна суқр сулуқатини рад этиб саҳвга кенг ўрин беради ва уни асосий сулук йўли деб ҳисоблайди. Аммо Жунайднинг бу фикрлари диний фикҳ илми ғояларига асосланган эди ва шариату тавҳид илмининг куч олишига хизмат қиларди. Шу боис мазкур таълимот сўфийлик тариқатидан узоқроқ турарди. Масалан, Жунайднинг кейинги фикрларига диққат-эътиборни қаратамиз. Имом Қушайрий ўз рисоласи («Рисолаи қушайрия»)да Жунайд сўзларидан шундай нақл қилади: Жунайд сўфий ошиқ ҳақида шундай деган: «Ошиқ бир абд (қул) дан ташқари ҳеч нарса эмас ва у ўз ибодатини доимий равишда бажо келтириб, аллоҳни ўз қалбида мушоҳада қилади» (6, 107).

Аммо бу ақидаларни тан олмайдиган, яъни диний қоидаларга масхараомуз кўз билан қарайдиган сўфийлар назарида ошиқ озод ва эркин шахс бўлиб, аллоҳ ишқида мастона йўл юриб фано мақомига етади. Жунайднинг бу ошиқ кишиси эса қулдир ва у доимий равишда ибодат қилиб, кўнглини аллоҳ муҳаббати билан тўлдиради. Демак, Жунайд зоҳидона тасаввуфга кўпроқ эътибор беради ва уни шариат аҳкомлари билан қўшиб юборади. Унинг саҳв-ҳушёрлик таълимоти эса шу доирада намоён бўлади ва бу таълимотнинг кейинги таъсири ҳам шу тартибда давом этади.

Жунайд барча бошқа сўфийлар каби дунёдан воз кечишни истади, ғуруру манманликни қоралайди ва мол-дунёни, мағрурликни ҳақ йўлидаги тўсиқ деб билади. Чунончи «ундан сўрайдилар: оллоҳ таоло йўли қандайдир?» Деди: «дунёни тарк эт, топасан ва агар ҳаво (енгилтаклик ва ғурур)га қарши иш юритсанг, ҳаққа пайванд бўласан» (23, 301).

Жунайд кароматлар эгаси эди. Ҳаққа эришган шариатпаноҳ сўфий ҳар қадамда каромат билан яшарди ва каромат унга халқ орасида авлиёлик мақоматини берган эди. Мана бир мисол: Бағдод халифаси Жунайд тавбасининг қай даражада тўғри эканлигини билиш ниятида ва уни гуноҳга ботириш мақсадида шайх олдига гўзал бир канизакни юборади. Жунайд бу инъомни қабул қилмайди. Халифа эса ўз навбатида Жунайд ҳаракатини қоралайди. Шунда Жунайд каромат кўрсатиб бир оҳ тортади ва канизакка дам солади. Канизак шу заҳоти йиқилиб ўлади. Жунайд эса халифа қасдидан қутулади (23, 290).

Шу тариқа, Жунайд Бағдодий Боязид ва шайх Зуннун қаторидаги авлиё зот эди. У тасаввуфдаги саҳв таълимотининг муаллифи ва шариатни тариқатдан афзал билган сўфийдир. Жунайд асосан зоҳидликка берилган шайх эди. Аммо тариқатда ҳол даражаларини тайин этиб маърифат томон йўл олганди. У сўфиёна ғалвани эмас,

сокинликни хуш кўрарди. Масалан, Қушайрийнинг «Рисолат ул-қушайрия»сида келтирилишича, Жунайд айтарди: «биз тасаввуфни қилу қол (баҳсу мунозара)дан эмас жўъ (очлик)дан ва таркидунёчиликдан топганмиз ва шу ўринда ҳаммуаллифлик ва таҳсину офаринни ҳам рад этганмиз» (6, 105).

Жунайд Бағдодий мана шундай сўфий шайх бўлиб, унинг мазкур фикри амалий мақсади ва маслаги эди.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ

Олиймақом тасаввуф арбоби ва шариатпаноҳ олим эди. XI асргача бўлган ўн икки сўфиёна силсиланинг еттинчи намояндаси. Бу халқа ҳакимия деб номланади. Ҳакимиянинг моҳияти валоятлик тариқатига асосланади ва бу ҳақда тафсилотлар кейинроқ баён этилади.

ал-Ҳаким ат-Термизийнинг туғилган йили аниқ эмас. 869 мелодий йилда вафот этганлар. Бу сана қабр тошида қайд этилган. Унинг тарихи XV асрга бориб тақалади. Ҳаким ат-Термизий эса IX асрда яшаган зот. Аммо у кишининг вафотларидан кейин қабр тошида вафот этган саналари рақам қилинган эди. Демак XV асрда кўрсатилган мазкур сананинг тарихи қадимги санага бориб туташади ва у аниқ ва рост бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Академик В.В.Бартольд ҳам мазкур санага шубҳа қилмаган эди.

Ҳаким ат-Термизий «Бадв уш-шаън» асарида камолотга эришиб, қариллик онларида юз бераётган рўё ҳолатларини тасвирлаганида 269 ҳижрий-863 мелодий йилга ишора қиладилар. (2, 37). Маълум бўладики, у киши мазкур йилда ҳаёт бўлганлар.

Тожикистон шарқшунослик институтининг қўлёзмалар захираси (фондида) да 3765F12 рақам остида сақланаётган олимнинг «Наврўзнома» асарида алоҳида ҳарфлар билан таъкид қилинган: «аллоҳ таоло менга бир юзу йигирма йил умр ато этди» (аллоҳ таоло маро саду бист сол умр дод). Бир юзу йигирма йил умр кўриш инсон учун табиий бир ҳодиса. Шундай инсонлар борки, бир юзу йигирмадан ҳам ортиқ умр кўрадилар. Агар мазкур кўрсаткич ҳақиқатан рост ва аниқ бўлса, Ҳакимнинг таваллуд топган йили 749 бўлади.

Ул зот ҳақидаги биринчи маълумотни ўз асарларидан топиш мумкин. Кейин шайхнинг шогирдларидан бўлмиш Абубакр Варроқ Термизий у кишининг таржимаи ҳоли саҳифаларидан айрим нуқталарни ёзиб қолдирган. Бундан ташқари, бир йўла қадимий тазкира ва сўфиёна рисоаларда Ҳакимнинг таржимаи ҳоли, маноқиб ва кароматлари баён этилган. Жумладан: «Кашф ул-маҳжуб», «Китоб ат-таарруф», «Тазкират ул-авлиё», «Рисолат ул-қушайрия», «Табакоти

суллабий», «Тарихи бағдодий», «Табақоти сибқий», «Мезон ул-этидол», «Лисон ал-мезон», «Нафаҳот ул-унс», «Насойим ул-муҳаббат» номли асарларда бу ҳақда айрим маълумотлар топилади. Мазкур асарларнинг рўйхати ва қисқача тавсифи эронлик тасаввуфшунос олим Зарринқўбнинг «Эрон тасаввуфи бўйича изланишлар» номли китобида берилган. (6, 47).

Шу тариқа, Ҳаким ат-Термизийнинг тўлиқ исмини ал-Жуллобий «Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Али ат-Термизий», Аттор «Муҳаммад бин Али ат-Термизий» ва Ҳакимнинг биз тилга олган «Наврўзнома» асарида «Хожа Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Али бин Ҳасан бин Бушр ал-Ҳаким ат-Термизий» шаклида берилади.

Маълум бўлишича, олимнинг номи Муҳаммад, кунияти (фахрий унвони) Абуабдуллоҳ, отасининг исми Али, боболари Ҳасан ва Бушр экан. «ал-Ҳаким» сўзи илмий унвони бўлиб, у кишининг ҳакимиялик тариқатига оид бўлган ёхуд нисбат берилган номидир. Айни пайтда бу нисба шайхнинг номига сингиб кетган бир тушунча ҳисобланади. «ат-Термизий» сўзи тахаллусларига айланиб кетган исmdir. Олимнинг «ҳаким» номи билан боғлиқ масалага ал-Жуллобий бундай ойдинлик киритади: «уни Термиз муҳитида Муҳаммад Ҳаким дейдилар ва мутасаввуф ҳакимлар у кишига иқтидо қиладилар». (3, 178).

Демак, «ҳаким» номи аслида сўфиёна силсила мундарижасини ифодалаб, термизлик мутасаввифлар қуршовидаги муҳитда шаклланган ва ал-Ҳаким ат-Термизий эса бу мутасаввифларнинг буюк намояндаси ва раҳбари ҳисоблангани боис мазкур исм у кишининг номларига тахаллус шаклида қўшилиб, ҳақиқий номга айланиб кетган. Шундай қилиб «ҳаким» сўзи ал-Ҳаким ат-Термизийнинг исми шарифи ва айни пайтда у кишининг сўфиёна ҳакимиялик силсиласини ҳам ифодалаб, мазкур силсила ғояси эса олимнинг сўфиёна валоятлик тариқатига оид мақсадни ифодалайди. Валоятлик тариқати авлиёлик омили билан боғланган ва авлиёлигу анбиёлик тушунчалари орасидаги фарқни белгилайдиган тариқатдир. Шу муаммо ҳақида сўз юритган ва уни ҳайратланарли бир тарзда ҳал этган киши ал-Ҳаким ат-Термизий ҳисобланади. Шу боис Атторнинг айтишича, X-XII асрларда у кишини олий эҳтиром юзасидан «Ҳаким ул-авлиё» лақаби билан тилга олганлар. (23, 358).

Олимнинг ўз таржимаи ҳоли хусусида битилган «Бадв уш-шаън» асарида ёзишича, у саккиз ёшида устоз бир шайхдан (номи кўрсатилмайди) ҳадис илми бўйича таълим олади. Йигирма етти ёшида ҳажга жўнайди ва Бағдоду Басрадан ўтиб Маккага етиб боради. Ироқда ҳадисшунос олим сифатида танилади. Ватанига қайтганида йўлда қуръони каримни ёд олишга киришади ва кейин Термизда муқаддас китобни бутунлай ёд олади. Маърифат йўлига киргач хилватнишинликка юз ўгириб, вайрона жойларни ватан тутди. (2, 32).

Фаридаддин Аттор эса шу топда Ҳаким ҳаётидан қуйидаги ҳикоятни шундай нақл қилади: «ёшлигида илм ўрганиш мақсадида икки толиби илм билан машҳур шаҳарларга бориб таҳсил олмоқчи бўлади. Бунинг билган онаси ғам-аламга ботиб шундай дейди: «эй азиз фарзанд, мен ёлғиз ва заифадурман, сен эса менинг пушти паноҳим, энди мени кимга ташлаб кетмоқчисан»? Бу гапни эшитган Ҳаким кўнглида қаттиқ бир дард ҳис этди ва сафардан воз кечди. Унинг ул икки дўсти илм талабига шайланиб жўнаб кетдилар. Ҳаким зор-ҳайрон қолган эди ва қабристонларни маскан тутиб туну кун йиғлаб юрарди.

Бир куни қабристонда ўтириб зор-зор йиғлаб айтарди: «мен бу ерда нодонликда қолабераман ва менинг дўстларим илм ўрганиб, камол топиб келадилар». Шу онда нуроний бир мўйсафид пайдо бўлиб деди: «эй ўғлон, нимага йиғлайсан?» Ҳаким ўз аҳволидан у кишига ҳикоя қилди. Пир деди: «хоҳишинг борми, сенга ҳар куни сабоқ ўргатсам, токи тезлик билан дўстларингдан ўтиб кетасан». Деди: «хоҳлайман». Бас, пир ҳар куни унга сабоқ ўргатди, токи уч йил ўтиб кетди. Бу орада Ҳаким илмдан тўлиқ баҳраманд бўлиб, етук донишманд олимга айланди. Ҳакимнинг ўзи ҳикоят охирида айтади: «менга маълум бўлдики, ул киши Хизр пайғамбар эканлар ва бу донишмандликни мен волидаи муҳтарамам ризолигидан топдим». (23,359).

Мазкур ҳикоятлар шайхнинг ёшлигида илм ўрганишга қандай чанқоқ бўлганлигини фактлар асосида тасвирлаб беради. У муддаосига ўз ватанида эришади. Иккинчи томондан ҳикоят мазмунига кўра олим она ҳурматида ўз жойига қўйиб, ул зотнинг беминнат хизматида бўлади ва она ризолигини топган фарзанд машаққатсиз ўз мақсадига етади.

Шу йўсинда Ҳаким ёшлик йилларидан бошлаб аллоҳнинг назари тушган ва кароматларга бой бўлган шахс сифатида камол топади. Жумладан келтирилган ҳикоятлардан кейин ал-Жуллобий томонидан Абубакр Варроқ Термизий тилидан нақл қилинган қуйидаги ҳикоят ҳам Ҳаким кароматларидан яна бир далилномадир. Унда Варроқ айтади:

«Муҳаммад бин Али ал-Ҳаким ўз ёзувларидан бир босма тобоқ менга бериб айтдики, бунинг Жайхунга ташлагин. Менинг кўнглим бўлмади ва ул босмани уйга олиб келиб яширдим ва Ҳакимга айтдимки, Жайхунга ташладим. Деди: «нима кўрдинг?» Дедим: «ҳеч нарса кўрмадим». Деди: «ташламапсан, қайт ва босмани сувга ташла». Қайтдим ва кўнглим васвасага тушди ва ул босмани олиб сувга улоқтирдим. Кўрдимки, сув иккига бўлинди ва қопқоғи очилган бир сандиқ пайдо бўлди. Ул босма қоғоз сандиққа тушди, унинг қопқоғи ёпилди.

Мен қайтиб келдим ва шайхга ҳикоят қилдим. Деди: «энди босмани ташлабсан». Дедим: «эй шайхларнинг шайхи, бу воқеанинг

сир-синоати нима эди, менга айт?!» Деди: «сўфиёна услуб ва муҳаққиқлик бобидан бир китоб тартиб берган эдим, уни идрок қилиш ва англаш ҳаммага осон бўлмади. Шунда менинг биродарим Хизр алайҳиссалом мендан ул китобни талаб қилдилар. Хизрга ул китобни элтиб бериш йўлини аллоҳ таоло сувга буюрган эди. Бу муддао шу тартибда бажарилди». (3, 179).

Бу гаплар Ҳакимнинг сўфиёна каромати эди. Хизр пайғамбар у кишига нафақат ёрдам берарди, балки улар умр бўйи бир-бирлари билан биродардек яшаб, ҳамиша учрашиб турардилар. Чунончи, яна ўша Варроқ Термизийнинг гапига кўра «ҳар якшанба кунлари Хизр Ҳакимнинг олдига келиб суҳбат қуради ва улар бир ҳафта ичида кўрган ва билган воқеаларини бир-бирларидан сўраб олардилар». (3,178). Хизр иштирок этган Ҳаким ҳаётидаги воқеалардан яна биттасини Атор қуйидагича ҳикоя қилади: «бир марта Ҳаким ўзининг барча китобларини сувга ташлаб юборди. Шу заҳоти Хизр келиб ул китобларнинг ҳаммасини сувдан йиғиштириб олди ва Ҳакимнинг олдига қўйиб айтди: «ўзингни шу китоблар билан машғул эт» (23, 360).

Шу воқеадан кейин Ҳакимнинг таълифу таснифлари бошланиб кетади. Жумладан бирин-кетин сўфиёна ва диний асарлари яратилади. Зарринкўбнинг айтишича, уларнинг сони 126 тага етади. Булардан 60 таси бизгача етиб келган ва улар калом, фикҳ, тафсир, ҳадис ва тасаввуф ҳақидаги асарлардир. Олтмиш асарнинг аксарияти чоп бўлган ва уларнинг рўйхати Зарринкўбнинг рисоласида келтирилган ва олим улар ҳақида батафсил маълумот беради. (6, 50).

«Кашф ул-махжуб» муаллифи Али бин Усмон (XI аср)-«унинг асарлари бисёрдур ва улар яхши (неку) асарлар ва ҳар китобнинг баёнида кароматлари машҳур бўлган» деб-олимнинг уч китоби «Хатм ул-валоят», «Китоб ан-наҳж» ва «Наводир ул-усул» ни тилга олиб ўтади. (3, 178).

Бундан ташқари, Али бин Усмон олим ҳақида-«бошқа китоблар ҳам ёзган ва у киши менинг олдимда муаззам кишидур, зеро ҳамиша кўнглим у кишига муштоқ эрур. Менинг шайхим менга айтдики, Муҳаммад бин Али дурри ятимдур, жумлайи оламда тенги йўқ ва зоҳирий илмлар соҳасида ҳам китоблари бор ва ҳадисда ҳам қудратлидур» каби-гўзал сўзлар ҳам айтиб, яна таъкидлайдики «у киши ҳадисда бир тафсир бошлаган эдилар, аммо умрнинг бевафолиги сабабли уни тамом қилолмадилар, ундан қанча ёзган бўлсалар, аҳли олам ўртасида шуҳрат қозондилар». (3, 178). Инчунин Али бин Усмон ўз тазкирасида сўфийларнинг жун матодан тикилган кийимлари хусусида баҳс юритганида ўрни билан ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Тарих ул-машойих» китобини ёдга олади. (3, 50).

Шундай қилиб, XI асрда ёзилган биргина «Кашф-ул-маҳжуб» нинг ўзида олимнинг бешта асари тилга олинади. ал-Ҳаким ат-Термизий бир ҳолатда айтган эканлар: «мен бирон босма тобоқ ёзганим йўқки, бу китоблар уникидир десалар. Аммо баъзан нима иш қилишимни билолмасдан ўзимга шу китоб ёзиш билан тасалли берардим» (23, 360-361). Улуғ донишманд мана шундай олийжаноб инсон бўлганлар. У киши китоб ёзишни амалий ва касбий машғулот деб билмасдан, балки буни кўнгил эҳтиёжи юзасидан инсон учун тасалли бергувчи бир восита деб ҳисоблаганлар.

Ҳакимнинг валоятлик тариқатида авлиё ва анбиё тушунчаларининг даражаси қиёслаб ўтилади ва у киши бу ўринда авлиёга диққат эътиборни қаратиб, унга ўз мансабидан баландроқ жой тайинлайди ва ул зотлар гуруҳини пайғамбарлар қаторига яқинлаштириб қўяди. Олимнинг бу фикри эса илмий ва назарий қиёслар асосида юзага келган эди ва шу боис хато эмасди. Аммо ул замонда Ҳаким фаолиятини кўролмайдиган ғанимлари кўп бўлиб, улар шайхнинг мислсиз обрўйини пасайтириш учун гуруҳ тузиб унга қарши иш бошлаган эдилар. Уша ғанимлари Ҳакимнинг мазкур таълимотини дастак қилиб-у валийларни пайғамбарлардан устун қўймоқда деб-ул зотга тухмат уюштирадилар ва олимга қарши халқни қўзғолонга чақирадилар.

ат-Термизийнинг «Бадв уш-шаън» асарининг бир неча жойида- «диёримизда менга озор бериш ниятида фитна ва ғалаён кўтарилди», «улар мени бидъатчи деб тухмат қилиб, бадном қилган эдилар», мен ҳақимда «пайғамбарликка ҳам даъво қилаётганмиш» деган сўзлар айтардилар деб надомат ва дард-алам билан сўз юритгани (2, 33-34) мазкур фикримизнинг далилидир. Уша китобда келтирилишича, Ҳаким ҳақидаги «тухмату бўҳтонлар авж олиб шу даражага етадики», унга озор бериш мақсадида шаҳар ҳокимига хабар қиладилар. Ҳоким номидан вакил воқеани ўрганиш учун келганда унга ҳакимнинг пайғамбарликка даъвогар эканлиги ҳақида ноўрин ва ёлғон маълумот берадилар. Ул зот бу фитна-фасодлардан ҳайрон ва иложсиз қолиб дарёдан ўтади ва Балх шаҳридан паноҳ топади.

Абдурахмон Суллабийнинг айтишича, ғанимлар ҳакимнинг мазкур гапларини хато тушунган эдилар, зеро аслида у набилар даражасини ҳеч қачон валийлардан пасайтирмақчи эмасди, балки валийларга ҳам набиларга хос мартаба ва мавқе бермоқчи бўлган эди (6,19). Зарринкўб ўз навбатида Суллабийнинг фикрларига батафсил шарҳ бериб, олимнинг «Наводир ул-усул» ва «Маърифат ул-асрор» китобларида келтирилган фактларга суяниб айтиб ўтадики, у валийларни набилардан устун қўйган эмас, зеро мазкур китобларида ёзишича, нубувват (пайғамбарлик) агар қирқ олти босмадан (жузъдан) иборат бўлса, ундан икки-уч босмаси валийларникидир. Бундан ўтиб,

Ҳаким «Адаб ун-нафс» китобида пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) га махсус даража берган эди. Масалан у пайғамбаримизнинг рутбаси, эътибори ва мақомини барча набилардан афзал ва устун кўрарди (6, 50).

Шу тариқа, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Хатм ул-валоят», «Наводир ул-усул» ва «Маърифат ул-асрор» китобларида кўрсатилган валоятлик тариқати хусусидаги таълимоти тасаввуф тарихида махсус ва алоҳида тушунча бўлиб, силсила ва ёхуд ҳалқа зинасига кўтарилган ғоя бўлди. Имом Ғаззолий, Ибн ал-Жузий ва Ибн ал-Арабийлар бу таълимотни ўрганиб чиқиб, у асосида сўфиёна валоятлик таълимотининг янги қирраларини ва босқичларини яратдилар.

Жумладан, Ибн ал-Арабий Ҳакимнинг «Хатм ул-валоят» китобида келтирилган сўфиёна мулоҳазаларининг тасдиғи ва улар анъанасининг жорийланиши учун икки китоб: «Футухат ул-маккия» ва «ал-Жавоб ул-мустақим ат-Термизий ал-Ҳаким» ларни ёзади. Имом Ғаззолий «Эҳё ул-улум» китобини ёзганида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Рисолат ул-футух» китобидаги айрим нуқталарга ишора қилиб, ҳакимия тариқатининг моҳиятига оид янги далиллар келтиради.

Аммо олимнинг валоятлик тўғрисида айтган фикрларини нотўғри тушунган кишилар ўз мақсадларига эриша олмаган эдилар. Ҳаким бу ҳақда «Бадв уш-шаън» асарида таъкидлайди: «Менга нисбатан ҳасад ва жафони раво кўрганлар умидсизликка тушдилар. Олдинроқ улар шаҳар халқини ва султонни менга шу даражада қарши кўтарган эдиларки, бошимни баланд кўтариб, ўз ақидаларимни баён этишга ҳам журъат этолмас эдим. Аммо худонинг амри ила бу ёлғон ақидачиларнинг фикрлари ўз-ўзидан ботил бўлди» (2, 34).

Шу ўринда Ҳаким ат-Термизий душманларига муносиб жавоб қайтариб, ўзини ғалвалардан қутқаради ва ўз фикрларини қайта-қайта далиллаштириб анбиё ва авлиёларга хос мақомларни тайин этишга муваффақ бўлди. Жумладан, у кишининг таълимотида кейинги фарқлар махсус ўрин олди: пайғамбар бузрук сиймоси ва даражаси ила авлиёдан афзалдир, у мўъжиза яратади, аммо авлиё каромат кўрсатувчи шахсдир; набилар дунёни билувчи кишилар бўлсалар, валийлар қавволи дунё, яъни дунё ҳақида сўзлагувчилар ҳисобланади; набилар муҳаққиқлар мақомига эга кишилардир, валийлар муҳаддисдурлар. Ушбу ғояларни ал-Ҳаким ат-Термизий қатъий қўллаб-қувватлаган эди.

Шайхнинг валоятлик тариқатидан ташқари маломатия тариқатига бўлган муносабати ва шиалар ғояси ва мазҳаби бўйича билдирилган фикрлари ҳам манбаларда қайд этилган. Жумладан, айтиб ўтиладики, Ҳаким бир вақт маломатия ватани бўлган Нишопур шаҳрига сафар қилиб, ул жойда маломатия таълимоти билан яқиндан танишиб чиқади ва уни маъқуллайди. Зарринкўб бу фикрга қарши сўз юритади ва изоҳ

берадики, у киши маломатиячиларни аслида танқид қиларди ва уларни умуман яхши кўрмасди (6, 51).

Зарринкўб бу ўринда ҳақ, зеро агар ат-Термизийнинг ҳаётига разм солсангиз, кўриниб турадики, ул зот маломатия таъсирига унча берилмаган эдилар. Шайхнинг дарвештабиатлиги эса зоҳидона тариқат ва хокисорликка кучли эътибор қилганларига асосланади. У киши шиамазҳабчилар ҳақидаги фикрларини ўзининг махсус рисоласида-«ал Радд алал-рофизия»да баён этган. Зарринкўбнинг таҳлилига кўра, Ҳаким бу рисолада пайғамбаримизнинг шиалар мақомати бўйича ҳазрат Алига берган махсус васияти хусусида тўхталиб ўтганлар (6, 51). Бу васият шундан иборат эдики, пайғамбаримиз гўё Алига-мендан кейин сен биринчи халифа бўласан деган-маслаҳат берган эканлар. Аммо ундан сўнг ислом дини икки мазҳаб: шиа ва суннийга бўлиниб, улар орасида асрлар давомида жанжаллар авж олиб кетди ва ҳалигача бу курашлар давом этмоқда. ал-Ҳаким ат-Термизий IX асрдаёқ зоҳиран бу можарога чек қўйиш мақсадида мазкур мавзу атрофида баҳс юритиб, унга илмий ёндошиб, аниқлик киритган эди.

Ҳакимнинг сўфиёна таълимотида валоятлик тариқатидан ташқари, қалб масаласи ҳам ўрин олади. Зарринкўб бу масала бўйича олимнинг «Баён ул-фуруқ» асарига мурожаат қилиб, унинг фикрларига қуйидагича шарҳ беради: Ҳаким қалб омилини садр, қалб, фуод ва лаб тушунчаларига бўлади ва буларнинг ҳар тўртови табиатан бир-бирини тўлдиради ва тақозо этади. Масалан, садр зоҳирда бўлса, қалб унинг ичида, фуод (юрак) эса қалб ичида ва лаб фуод ичидадир. Қалбнинг бу тизимдаги ҳолати кейинги алоқаларга оид бўлади: чунончи, садр ислом нурунинг маъдани, қалб иймон нурунинг маъдани бўла олади. Бу тақсимот бўйича садр муслмонларга, қалб мўъминларга, фуод орифларга, лаб муваҳҳидларга дахлдор ҳисобланади (6,51-52).

Шу тариқа Ҳаким ат-Термизий қалбни маърифат кўзгуси деб билиб, у ҳақида махсус сўфиёна таълимот яратади. Қалбни тўртга бўлиш билан унинг жудан куллгача, ибтидодан интиҳогача бўлган манзилини тасвирга олади. Садр зоҳир, яъни шариатдир, қалб аллоҳга иймон келтириш, фуод (юрак) маърифатга оид ва лаб ваҳдатга эришишдир. Демак, сўфий шариатдан тариқатга ва ундан маърифатга ўтиб, оқибатда ваҳдатга ноил бўлади. Бу йўл, бу масофа ва манзил ат-Термизийнинг сўфиёна таълимотида шундай ифодаланади. Агар зоҳидлик рутбасида тўққиз поғона мақомларни босиб, ундан кейин орифлик томон саккиз зиналик ҳол даражаларидан ўтиб маърифатга йўл олинса, бу мураккаб масофани олим тўрт зина орқали муайянлаштиради. Шу тўрт зинадан эсон-омон ўтган сўфий орифлик мансабини топиб ҳақиқатга эришади.

Шу тартибда ул зот соликнинг маърифатга эришиши учун осон ва тушунарли йўлни белгилайди ва шу билан махсус сўфиёна таълимот яратади. Унингча фано йўли ва ваҳдат топиш мазкур тўрт зиналик қалб ҳаракатига боғлиқ бўлиб, уларни босиб ўтган киши албатта мақсадга эришади. Ва яна Ҳақимнинг фикрича мусулмон, мўъмин, ориф ва муваҳҳид деган тушунчаларнинг тақсимланиши ҳам ваҳдат марҳиласининг тавба, зикр, харобот ва фано атамаларига тақалган бўлади ва бу инъикос (акс) орқали садр яъни шариат, лаб яъни ваҳдониятга пайванд бўлиб, бирлик доираси ҳосил бўлади. ал-Ҳақим ат-Термизийнинг бу ажойиб тасаввуфона баёноти кейинги асрларда шуҳрат қозонди. Масалан машҳур мутасаввиф арбоблар имом Ғаззолий ва Нажмиддин Кубро мазкур таълимотни қўллаб-қувватлаб, шу мезонда қалб тушунчаси ҳақидаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини изҳор этадилар (6, 51). Бу эса ат-Термизий таълимотининг теран таъсири ва унинг сўнмас сўфиёна анъанасидан далолат беради.

Аммо шуни айтиш керакки, қадимги сўфийлар таълимотида инсон қалбини етти қават осмонга қиёслаш ҳодисаси учраб туради. Чунончи бу босқичлар қуйидаги тартибда муайянлашади: қалб пардаси-шайтон васвасаси жойи, қалбнинг ўзи иймон мавзейи, ишқоқ-муҳаббат жойи, фуод-мушоҳада мавзейи, хуббулқалб-аллоҳга қаратилган хос муҳаббат, сувайдо-мукошафа жойи, муҳтож ул-қалб-илоҳий сирлар жойи (26,75). Кўрамизки, ал-Ҳақим ат-Термизийнинг қалб хусусидаги мазкур таълимоти бу таълимотдан фарқ қилади ва у алоҳида мазмунга эга бўлиши билан бирга, мантиқий муҳокамаларга асосланган ғоядир. Шу боис қалб тушунчаси ҳақида айтилган ҳақимнинг фикрлари ўзига хос махсус бир қоида бўлди ва кейин анъана касб этиб, издошлар пайдо этди.

Мутасаввиф олим қалб билан боғлиқ бўлган нафс масаласига ҳам диққат-эътиборни қаратиб, бу борада илмий асосланган янги ҳулосаларга келади, у имкони борича инсоннинг душмани бўлган нафсни фош этади ва унга қарши ҳалоллик ва поклик ғоясини илгари суради (3,178, 251). Аммо у ўз навбатида нафсни мазкур қалб таркибидаги тушунчалар билан боғлайди. Чунончи у нафси амморани садрга, нафси мулҳимани қалбга, нафси лаввомани фуодга, нафси мутмаинани лабга мансуб этади (6,52).

Шу билан олим нафснинг тўрт даражасини тайинлайди, уларнинг зоҳирдан ботингача бўлган муносабати ва ҳаракатини аниқлайди. Нафси аммора ва мулҳима (илҳомга келтирувчи нафс) агар инсонга душманлик қиладиган нарса ҳисобланса, нафси лаввома (виждонли нафс) ва мутмаина (тинч ва ором нафс) инсонга таскин бергувчи нафсдирлар. Яъни ал-Ҳақим ат-Термизий фикрига биноан, нафс тушунчаси аслида поклик ва нопоклик масаласи билан боғланган муаммодир. Унинг поклиги сидқу сафо ва руҳониятга етаклайди ва бу

эса илоҳият даргоҳига олиб келади. Фуод ва лаб, яъни маърифат ва тавҳид даражаси шу нафс яъни руҳ ҳаракати билан ҳосил бўлади.

Аммо нафси аммора ва мулҳима ҳамиша ул зотнинг танқидига учраган. Ҳақим бу икки нафсдан қутулиш учун доим нажот излаган, уларга лаънатлар билдириб, поклик ва мусаффоликни шиор қилганлар. Хусусан илҳом бергувчи нафс, яъни нафси мулҳимага қарши олим жанг эълон қилади. Жумладан «Бадв уш-шаън» асарида бу ҳақда бундай дейдилар: «нафс хоҳиш қилган нарсалардан ўзимни тийдим; хусусан менга илҳом бахш этгани учун шаҳват нафсидан узоқда бўлдим» (2, 32).

Шу тартибда ал-Ҳақим ат-Термизий бир муддат аёл алоиқидан иборат шаҳват нафсидан, яъни аёл билан яқинликдан мутлақо воз кечганлар. Аслида у киши сўфиёна бу машҳур одобни ўзларига тегишли қоида деб билиб, шу тартибда аёл жинсидан имкон қадар узоқроқ бўлганлар. Улуғ мутасаввиф арбоб тан ва жисм поклигини эҳтиёткорлик билан асраб, муҳофаза қилиб юрганлар. Бу ҳақда Аттор ўз тазкирасида Ҳақим саргузашти билан боғлиқ яна бир ажойиб ҳикоятни нақд қилади:

«Нақл қилурларки, йигитлигида бир соҳибжамол (гўзал қиз) унга ошиқ бўлди. Шайх унинг илтифотини рад этди. Бир куни қиз хабар топтики, шайх боғ сайрига чиққан. У ўзига оро бериб боққа борди. Шайх буни кўриб қочди. Қиз унинг орқасидан қувлади. Шайх тўхтамади ва боғ бурчагидан баланд деворга осилиб ўзини кўчага ташлади» (23, 360).

Тасаввуф тариқатидаги уйланмаслик масаласи, аёлдан воз кечиш ундан юз ўгириш ва ибо қилиш, шу орқали ҳалолликка берилиш мазкур усуллар орқали амалга оширилди. ал-Ҳақим ат-Термизий ҳам бундан мустасно эмас эдилар ва ўзларининг айтишича, «нафси хабиси пур аз маъсиятни» яъни гуноҳга бошловчи нафсни ўлдириш мақсадида бу йўлни танлаган эканлар. Бу йўл эса энг олийжаноб, табарррук ва виждонли, ҳалол шайхларнинг йўли эди. Зоҳидлик тариқати аксар шу усуллар билан ривож топарди ва у Ҳақимнинг зоҳидона ҳаракатлари ва фаолиятдан бир намуна эди.

Нафсни тийиш, ундан воз кечиш, уни рақиб тимсолида билиб лаънатлаш аслида ал-Ҳақим ат-Термизийнинг бош мақсади ва мезони бўлгани сабабли у киши барча нопок ва шубҳали нарсалардан юз ўгириб, парҳез билан кун кечиришни ўзларига асосий вазифа деб билганлар. Парҳез масаласи у кишида шундай бўлганки-«менга сувлар қандайдир нопок жойлардан ўтиб келгандек туюлар ва шу сабаб мен қудуқ ва булоқ сувидан ичар эдим» деб-ҳатто «оқиб келаётган дарёнинг сувидан ҳам парҳезланганлар» (2,32). Улуғ ҳамшаҳримиз мана шундай пок ва мусаффо авлиё бўлганлар ва у кишининг бу

тартибдаги сўфиёна одоби бугунги кунда ҳам намуна сифатида барча учун ахлоқий хусусият ва муҳим аҳамият касб этади.

Хулосада шуни айтмоқчимизки, ал-Ҳаким ат-Термизий валоятлик қалб ва нафс ҳақидаги таълимотидан кейин саҳв ва ғафлат (саҳв ва суқр) (23, 362) яъни орифона ҳушёрлик ва мастлик усуллариға ҳам эътибор қаратган эди. Бу борада у Жунайд Бағдодий ва Боязид Бистомийларнинг илгари сурган таълимотига содиқ қолди ва уларни янада тараққий эттирди.

Фаридаддин Аттор Ҳаким сўзларидан қуйидаги ҳикматларни қайд этади: «Жавонмардлик ва тақводорлик бобидан сўрадилар: деди: «тақводор (диндор)лик улдурки, қиёматда ҳеч ким сенинг этагиндан ушламайди ва жавонмардлик улки, сен бошқалар этагини ушламайсан». «Деди: азиз улдурки, гуноҳ уни хор қилмапти, озод улдурки, тамаъ уни қул қилмапти, хожа улдурки шайтон уни ўз асоратига олмапти ва оқил улдурки аллоҳ таоло учун парҳезгарликка берилиб, нафснинг ҳисоб-китобини эҳтиёт қилиб юради». «Деди: кимки тариқат йўлини тутган бўлса, гуноҳ аҳли билан унинг иши бўлмайди».

«Табакот ус-сўфия» муаллифи Абдурраҳмон ас-Сулламий Ҳаким ҳикматларидан қуйидаги мисолларга диққат-эътиборни қаратади. ал-Ҳаким ат-Термизий айтган эди: «Беш тоифа беш жойдан ислоҳ топиши мумкин: болалар китобдан, жиноятчи қамоқдан, аёл киши уйдан, ёшлар илмдан ва гиёҳвандлар масжиддан» (1, 76); «Дунё подшоҳлар келинчагидир ва зоҳидлар кўзгудаги офатларни кўришиб, бурилиб кетишади» (1, 76); «Ҳикматга қулоқ берувчилар икки тоифадир: оқил ва омил (амалдор). Оқил ҳар бир ҳикматдан ҳайратга келади, эшитган сари ўзгаради, гўёки қалби илонга айланиб, тўлғанаётгандай» (1, 75); «Дунёда савобдан оғир юк йўқ, чунки сенга савоб қилган ишончингни қозонади, жафо қилган эса сени ўзидан йироққа улоқтиради» (1, 75).

МАНСУР ҲАЛЛОЖ

Энг буюк, энг машҳур ва жаҳон миқёсида донг таратган тасаввуф арбобларидан эди. Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Туркия ва бошқа мамлакатларда унинг номини билмайдиган ва эшитмаган киши йўқ десак хато қилмаймиз. Хусусан, мазкур халқлар адабиётида Мансур Ҳалложнинг номи минг йил давомида ҳамиша абадий туради, унинг таъсири ва анъанаси ёд олинади. XX асрнинг ўрталарида француз олими Луи Массиньон

Ҳаллож ҳақида катта китоб ёзиб нашр этди. Бу китоб араб ва форс тилларида таржима қилиниб, чоп этилган.

Ҳалложнинг номи «Кашф ул-маҳжуб» да, «Абулғайс Ҳусайн бин Мансур «ал-Ҳаллож» (3, 190), «Тазкират ул-авлиё»да «Ҳусайн бин Мансур» (23,411) шаклида зикр этилади. Е.Э.Бертельс Мансур Ҳалложга бағишланган тадқиқотида унинг тўлиқ номини «Абулмуғис ал-Ҳусайн ибн Мансур ибн Муҳаммад ал-Байдавий ал-Ҳаллож» тарзида ёзади (9, 33).

Ҳалложнинг туғилган ва вафот этган йиллари тазкира ва ундан кейин тадқиқотларда аниқланган бўлиб, бу сана 858-922 мелодий йиллардир. У Эроннинг форс вилоятидаги Байзо шаҳрида таваллуд топти. Исми шарифи «Ҳусайн», отасининг исми «Мансур» бўлиб, «Ҳаллож» лақаби билан шуҳрат қозонди. Атторм бу лақабнинг шайхга мансублигини унинг кароматларига боғлаб ёзади: «уни ул жиҳатдан Ҳаллож дейдиларки, бир марта пахта омборига борган эди, бир ишора қилди, шу заҳоти чигит пахтадан ажралди ва буни кўрган халқ мутаҳаййир бўлдилар» (хайратга тушдилар) (23, 414). Тасаввуф тадқиқотчиси Зарринкўб эса Мансурнинг мазкур лақабини пахтанинг ҳаложиланиши касбидан, яъни ҳаложи номли ёғочдан ясалган асбоб туфайли чигитларни тозалаш усулидан олинган ном деб қайд этади (6, 116). Боз устига Зарринкўб Ҳаллож лақабини узоқ асрларда яшаган орифларнинг «сирлар ечим» (шикофандан асрор) иборасига мансуб этиб, унинг эгасини («Ҳалложи асрор») номи билан тилга олади (6, 116).

Ҳаллож ёшлигидан тасаввуфга берилади ва Аттормнинг ёзишича, давр шайхларидан ўрганиш ва билим олиш мақсадида Байзодан Шустарга келиб, икки йил Саҳл Шустарий хизматида бўлади. Кейин Бағдодни кезиб Басрага боради ва Амр бин Усмон Маккий билан ўн саккиз ой суҳбат қуради. Бу орада у шайх Абуяъқуб Иқтоъ қизига уйланади (23, 413). Шу кезларда Ҳалложнинг шайх Амр бин Усмон билан муносабати бузилади. Бунинг сабаби шу бўладики, ўзаро суҳбатда Ҳаллож тариқатшунос олим сифатида ўз таълимотини Амрга талқин этмоқчи бўлади. Ёш Ҳалложнинг бу ўзбошимчалиги Амрга ёқмайди ва шогирдидан ранжиб ундан воз кечади.

Ҳаллож иложсиз қолиб, устоз суҳбатини тарк этади ва яна Бағдодга келиб, бу сафар шайх Жунайд Бағдодийнинг сўфиёна суҳбатига ноил бўлади ва бир муддат унинг ҳузурида қолади. Ундан сўнг Ҳаллож Ҳижозга сафар қилиб, бир йил у ерда қолади ва ҳаж амалларини бажо келтиради. У ҳаждан қайтиб яна Бағдодга келади ва Жунайд Бағдодийнинг олдида бориб, масойил (яъни сўфиёна масалалар) хусусида у билан баҳс қуради. Баҳс пайтида Жунайд Ҳаллождан ранжийди ва уни суҳбатидан маҳрум этади.

Шундай қилиб, Ҳалложнинг сўфиёна таълимоти ва тариқатдаги ҳаракатлари Бағдод шайхларига ёқмай қолади. Биринчи бўлиб Амр бин Усмон, иккинчи бўлиб Жунайд Бағдодий ва уларнинг ортидан бошқа кўп шайхлар Ҳалложни ёқтирмайдилар. Бу ҳодисанинг бош сабабини Аттор бундай шарҳлайди: «Ва у (Ҳаллож) замона аҳли (шайхлари)нинг сўзларини писанд манзур қилмай қўйди ва шу сабаб унга ҳасадгўйлик қилдилар» («Ва ў сухани аҳли замонаро ҳеч вазн нанҳодӣ, то ўро ҳасад карданд») (23, 414). Демак, Ҳаллож туғма истеъдод соҳиби ва ўта билимдон бўлгани боис суҳбат, баҳс ва учрашувларда машҳур замондош шайхларга эътиборсизлик кўзи билан қараб, уларнинг ҳурматини ўз жойига қўймаган эди. Бу эса ҳасадгўйлик бозорини қизитиб, Ҳалложга нисбатан чексиз гинакудурат уйғотди.

Бу ҳали биринчи масала эди. Иккинчиси, Ҳаллож халқ орасида сўфиёна ғояларни тарғиб этиш ва маъқуллаш, инчунин ўзининг шуҳратига шуҳрат қўшиш мақсадида ҳазиломуз шеърлар айтиб шуъбадабоз (масхарабоз)ликка берилиб, бу ажойиб ва ғаройиб санъатдан фойдалана бошлади. Бу муаммо юзасидан Ҳаллож аввалом бор саёҳатга чиқиб, мазкур ҳунарни маромига етказиб ўрганмоқчи бўлади. Шундай қилиб, у кўп мамлакатларни жумладан: Туркистон, Чину Мочин, Ҳиндистон, Ҳижоз ва Хуросонни кезиб чиқади. Ул жойларда эса Атторнинг фикрига кўра, халқни худо йўлига тарғиб-ташвиқ қилиш масаласи билан бирга уларнинг урф-одати, анъана ва удуми, инчунин сирли хусусият ва санъатини ўрганиб чиқади. Масалан у Ҳиндистонга борганида жодугарлик ва сеҳргарлик санъатидан хабардор бўлиб, уларни тамом ўзлаштиради (6, 120).

Бу ишлар Ҳалложга қўл келади ва у бора-бора ўзидан ғаройиб ҳаракатлар зоҳир қила бошлайди. Чунончи у ногаҳон Бағдод бозорида ўртага тушиб, овозининг борича ҳўнграб йиғлай берарди ва ваъз айтиб худога нола қиларди. Бу воқеани кўрган ва ҳайратга тушган халқ шафқат кўзи билан қараб, уни кузатиб қўярдилар. Ёхуд бошқа бир вақт бозорга келиб, мазкур манзарадан кейин қаҳқаҳа уриб масхарабозликка берилиб кетарди. Бу ажойиботдан ҳайрон қолган халқ чуқур таассуротга ботиб қоларди. Учинчи марта кўчада ва ёхуд издиҳом орасида пайдо бўлиб шеър ўқирди, панд-насихатга тушарди ва ҳакозо. Бу хусусда бундан-да батафсилроқ маълумот олиш учун Зарринкўбнинг китобига мурожаат қилиш мумкин (6, 121).

Мана шу тартибда Мансур Ҳаллож шуҳрат қозониб, бошқаларни рашк-ҳасадга чорлайди. Ҳалложнинг мазкур пайтда шеър ўқиши фақат ҳазилона содда шеърлар билан чегараланарди, деб тушуниш албатта ножоиз. Ҳаллож фақат ўша пайтларда кўпроқ шундай шеърлар айтарди, холос. Аслида эса у сўфиёна олий таълимот соҳиби бўлиш билан бирга, ҳақиқатан катта ва забардаст шоир ҳам эди. Шу мезонда

шеър унга куч-ғайрат ва ғурур бахш этарди ва шеърхонлик таъсири остида у имкони борича овозини баланд кўтариб, ўзига нуфузли тарафдорларни кўпайтиришга ҳаракат қиларди ва бунга эриша оларди. Унинг шеърлари эса араб тилида жарангларди, зеро Ҳаллож форсий тилни билмасди ва арабча сўзлашарди (6, 115).

Мана Ҳаллож саргузашти билан боғлиқ мазкур воқеалар замона пешволарига сунний оқимидаги, шайху руҳонийларга, хусусан покзода ислом намояндаларига маъқул тушмади ва улар Ҳалложнинг телбаларга хос ҳаракатларини сўфиёна одобга зид деб ҳисоблаб, уни рад этдилар. Ул дамларда шундай ҳолат рўй берадики, Ҳалложнинг ўзи бу ҳаракатлари учун одамлар кўзига гуноҳкордек намоён бўлади. Унинг ҳасадгўйлари эса бу ҳолатдан фойдаланиб жуда қувониб, унга қарши ҳаракатга тушадилар.

Бу қора манзараларнинг энг мудҳиш ва учинчи босқичи Ҳалложнинг сўфиёна таълимоти билан боғланган масала эди. Ҳаллож ориф шайх ва ирфон маслагининг етакчи намояндаси сифатида аллоҳнинг жон танани тарк этгандан сўнг жаннатда учрашиш ва унинг наздида махлуқ бўлиш таълимотини ёқтирмасди, билъакс, инсонни аллоҳ билан бир қаторда тенг қўйиб, унинг буюклигига ишонарди. Шу асосда Ҳаллож тасаввуф тарихида биринчи бўлиб **аналҳақ** таълимотини юзага олиб чиқди. Бу таълимот тариқат мақомлари ва маърифатдаги мавжуд ҳол даражаларига хос муаммо эмасди. Уларнинг орасида бу тушунча йўқ ва у ишлатилмаган. Инчунин Х асргача яшаган тасаввуф арбоблари томонидан ҳам мазкур тушунча тилга олинмайди. Демак унинг ижодкори Мансур Ҳаллож эди. Х асрдан сўнг бу тушунча сўфиёна ҳалқа сифатида шуҳрат қозонди ва машҳур силсилалар қаторига қўшилиб, улар билан бирга тилга олинди.

Шундай қилиб, Ҳалложия силсиласи пайдо бўлиб, унинг негизини аналҳақ таълимоти ташкил этди. Бу таълимот ўзига хос сўфиёна бир кўриниш ва бузрук ирфоний ғоя бўлди. У гарчи мақом ва ҳол зиналари қаторида учрамаса-да, аммо сўфиёна мақом ва ҳол таркибидан келиб чиққан ғоядир. Солик тариқатдаги мақомлар ва маърифатдаги ҳол зиналарини босиб ўтиб, ҳақиқатга эришади ва ҳаққа фано бўлиб, сўнг бақо топади.

«Аналҳақ» эса «мен ҳақдурман» дегани билан ўзини аллоҳ мақомида кўради ва бақо топгандан сўнг аллоҳ бўлганини эътироф этади. Мансур Ҳаллож ўзини ана шундай олий мақом шайхлардан деб биларди. Кейин, унинг таълимотида мукошафа, яъни аллоҳ зотини кашф этиш алоҳида ўрин тутди. Бу ғоя асосида ҳам аллоҳни билиб, унинг ўрнида ўзини кўриш мақсади ётади ва у «аналҳақ»нинг иккинчи кўринишидир. Шу тариқа «аналҳақ» пантеистик (барча нарсада аллоҳ зуҳур этади деган) таълимотига мойил тушунча бўлиб, бирлик ва ваҳдониятни тарғиб этади. Яъни Мансур Ҳаллож «аналҳақ» дейиш

билан инсон зотига катта эътибор беради. У инсонни улуғлайди ва унинг қадр-қийматини аллоҳ даражасига кўтаради. Инсон аллоҳ бўлиши мумкин деган гап инсоннинг ўзи аллоҳдир деган маънони беради ва шу боис Мансурнинг «аналҳақ»и инсоннинг ҳурмати ва улуғлиги учун кашф этилган ноёб таълимотдир.

Мансур Ҳаллож бир томондан ўз жисми ва вужудида ҳақ сифатларини кўрган ва кашф этган ва иккинчи томондан Бағдод кўчаларида телбаларча ҳаракатлар қилиб ваъз айтиб юрганида «аналҳақ» сўзидан кенг фойдаланиб, уни такрор-такрор айтиб юрарди. У ўзини ҳаққа эришган аллоҳ сифатли инсон тимсолида намоён этарди. Лекин Ҳалложнинг бу ҳаракат ва таълимоти бутунлай шариатга зид эди. Зеро, шариат инсоннинг аллоҳ бўлишини рад этади: у инсонни махлуқ ва аллоҳни холиқ деб билади. Шу боис махлуқнинг холиқ бўлиши мумкин эмасди, балки махлуқ ўз яратганига сиғиниб, унга иймон келтириб банда бўлиб, ҳамиша тавба-тазарру қилиб яшаши талаб этиларди. Шу асосда XI асрда Али бин Усмон ал-Жуллобий томонидан Ҳалложнинг мазкур чиқишларини кофирлик ва шариат йўлига зид таълимот деб эълон қилиниши албатта бежиз эмасди. Али бин Усмон Ҳалложнинг замондошларидан кейин яшаган ҳалложиячиларнинг ҳасадгўйларидан бири эди ва шу сабаб у аналҳақ таълимотини қабул қилмай, унга танқидий нуқтаи назардан баҳо беради. Масалан у ҳалложиячиларни «шариатдан қайтиш ва бединликка берилишда, тарки шариат ва илҳодда» айблади ва ҳалқалар ҳақида маълумот берганида аналҳақни мардуд, яъни рад этилган таълимот деб қайд этади (3, 164). Бу эса аслида диний ғоялар билан суғорилган сунний тасаввуф назарияси ва шу назария нуқтаи назаридан айтилган фикр эди. Шу боис Али бин Усмон Ҳалложнинг фалсафий оҳангида шаклланган тасаввуфига қарши сўз юритиб, уни амалда рад этишга журъат ва иқтидор пайдо қилганди.

Лекин мазкур хунук гапларнинг негизи аслида Ҳаллож давридан бошланган эди. Жумладан, қуёшдай равшан эдики, X асрда, шариат ғояларининг авж олган палласида «аналҳақ» деб ҳайқириқ солиш жуда ҳам хавfli эди ва уни эшитганлар шу заҳоти унинг олдини олишга ҳаракат қилардилар. Шу йўсинда Ҳалложнинг мазкур ҳаракатлари ва «аналҳақи» га жавобан шариат пешволари исён кўтариб, халқни оёққа турғиздилар. Атторминг ёзишича, улар Мансурдан талаб қилдилар: «аналҳақ» («мен ҳақ») демасунки, кофир бўлади, балки «хувалҳақ» («ўзи ҳақ») десунки, шариат шуни буюради. Лекин Ҳаллож бу таклиф ва талабларни рад этади ва айтадики «барча удир» («ҳама ўст») (23, 415). Яъни Ҳалложнинг фикрича, ҳамма нарса бирликдан ташкил топиб, инсон зоти ҳам аллоҳники ҳисобланади ва шу боис у сўзсиз аллоҳ бўлишга ҳақлидир.

Ҳалложнинг бу тимсолда кўриниши унинг аллақачон ҳаракатга келган душманларига қурол берди ва улар шариат пешволарига қўшилиб «аналҳақ» муаллифини жисман йўқ қилиш ҳаракатида бўлдилар. Бу ҳаракат Ҳалложни тамом оёқдан йиқитишга учинчи босқич ва далил бўлди. Булардан биринчиси Ҳалложнинг замондош шайхлару шариат эгаларини писанд-манзур қилмаслиги ва улардан ўзини устун ва афзал кўрганлиги бўлса, иккинчиси тарафдорларни кўпайтириш мақсадида Бағдод кўчаларида вазъғўйлик ва шеърхонлик қилиб кароматлар кўрсатиши эди. Учунчиси бу Ҳалложнинг ҳақиқий «кофирлиги» бўлди. Унинг «аналҳақ» дейиши тубдан шариатга хилоф таълимот эди. Шу уч далил асосида Ҳаллож қўлга олинди ва душманлари ғолибона бош кўтариб, унинг қатлига камарбаста бўлдилар.

Аммо ўзини аллоҳ билан бир деб билган ва ўзини худо даражасида тутган шайхни шундай осонлик билан ўлдириш мумкин эмасди. Шу боис шариат пешволари ва ифво тарқатувчи ғанимлар ғалаён кўтариб Бағдод халифаси ал-Мўътасим олдига бордилар ва ундан Ҳалложнинг жазоланишини талаб қилдилар. Халифа бу можорога рози бўлди ва унинг махсус фармони билан Ҳалложни ҳисбга олдилар. Қатлга ҳукм қилингунича Ҳаллож бир йил ҳибсда турди (23, 416).

Аттор ривоят қилади: «Ҳаллож бир кеча-кундузда («шабонарўзй») тўрт юз ракъат номоз ўқиди... зиндонда эса бир кеча-кундузда минг ракъат номоз қиларди. Дедилар: «сен мен ҳақман» деяпсан (худо бўлган бўлсанг) бу номозни ким учун қиларсан?» Деди: «биз қадримизни биз биламиз» («мо донем қадри мо») (23, 416). Ҳибсда ҳам Ҳаллож «аналҳақ» деб яшайди. У ўзининг қадри учун, ўзи учун номоз ва ибодат қиларди. Зеро ҳақнинг талаби шу эди. Ҳаққа эришган ва ҳақ бўлган зот ҳам барча диний кўрсатмаларни бажо келтиришни зарурият деб билади ва шундагина «барча у» (Ҳаллож ибораси) тушунчаси намоён бўларди.

Бир йиллик қамоқ азоби ўтиб кетади. Сўнг Ҳалложнинг муурофааси (суди) бошланади. Атторнинг ёзишича, барча имомлару шайхлар Ҳалложнинг ўлдирилишига («дар куштани ў») фатво бердилар. Аммо халифа ал-Муътасим Бағдод шайхулмашойихи Жунайд Бағдодийнинг (у киши ҳақида олдинги фаслда сўз юритдик) ўз қўли билан ёзган фатвосини («хати Жунайд бояд») кўрмоқчи бўлди ва Жунайд эса Ҳалложга бир муддат устозлик қилгани боис бошқаларга қўшилмаган эди. Кейин, айнан шу пайтларда, юқорида кўрганимиздек, Жунайд Бағдодий ўзаро суҳбатларда Мансур Ҳаллождан қаттиқ ранжийди ва уни ёқтирмай қолади. Шу масала сабаб бўлдими ёхуд халифанинг талаби мажбур қиладими донғи кетган шайх Жунайд Бағдодий ўз шогирди ва ундан кейин касбдош ва сафдоши сифатида

бўй чўзаётган буюк аллома Мансур Ҳалложнинг қатлига ёзма тарзда фатво беришга розилик беради.

Жунайд шу топда «сўфиёна либосда эди (дар жомаи тасаввуф буди). (Уни ечиб) салла ва желак («дастор ва дурроа») (жангда кийиладиган махсус либосни ҳам дурроа дейилади) кийиб бу тартибда фатво жавобини берди: «зоҳирда, яъни жисман қатлга маҳкумдир ва шу боис фатво унинг зоҳирий жисмини йўқота олади, аммо ботинни аллоҳ билади» (23, 414). Бу фатво Мансурнинг қатлига асос бўлди. Ҳалифа уни қабул қилиб, Мансурни дорга осиб, кейин жисмини тилка-пора қилишга фармон берди. Бу билан, мислсиз фожиали бир тарзда Ҳалложнинг ўлдирилиши зоҳиран бошқаларга ўрناк бўлиши учун қилинди. Зеро, халифа ва унинг тарафдорлари шу тартибда «аналҳақ»қа хотима бермоқчи бўлдилар.

Шундай қилиб, халифа ал-Муътасим фармони Ҳалложни махсус ясалган дор остига, қатлгоҳга олиб келди. Аттор ривоят қилади: «Мансурни ўн уч жойидан оғир банд билан куллаклаган эдилар («бо сездеҳ банди гарон»). Шунга қарамай у жасорат ва бардамлик кўрсатиб йўл юрарди, айёрона икки кўлини ҳаракатга келтириб, бепарво ва дадил дор томон олға борарди» (23, 417). Шу тарзда Ҳалложнинг қатл маросими бошланиб кетди. У оёқларини нарвон зинасига қўйиб баландликка чиқади ва арқон ҳалқасига бош эгади.

Шу лаҳзада унга дедилар: «аҳволлар қалай?» Деди: «мардлар меърож (баландликка кўтарилиш)и дор учидир» ва қибла томон юз ўгириб муножот қилди. Шу мавридда бир дарвеш ундан сўради: «Ишқ нимадур?» Деди: «Бугун, эрта ва индин кўрасан». Ул куни уни ўлдирдилар, кейинги куни куйдирдилар ва учинчи куни кулини кўкка совурдилар-бу ишқдир» (23, 417).

Ўз қисматини аниқ билган Ҳаллож дарвешга ҳам аниқ жавоб беради ва унинг тақдири ҳақиқатан шундай тугайди. У бу қонли намойишни ишқ деди ва «аналҳақ» сўзи билан илоҳий муҳаббатни ифодалади. Ҳаллож ўлиб, ёниб ва кулини шамол олиб кетган бўлса-да, аллоҳ ишқида ёнган ва кул бўлган солиқ эди. Ва шу восита орқали Ҳаллож ҳаққа эришиб, пайванд бўлди, куллиёт топди. У нурга айланган ҳақ бўлганди ва ҳақ тимсолида зухур қиларди. Бу омил эса «аналҳақ» омили эди. Ҳаллож аналҳақ мисолида аллоҳ муҳаббатига ноил бўлиб, йўқлик топиб, бирликка эришганди. Шу тартибда Ҳаллож дарвеш ва бошқалар учун зоҳирда фожиали бўлган, аммо ботинда нурга чулғанган ўз қисматидан башорат берди.

Бу воқедан кейин Ҳалложнинг бўйнидан маҳкам боғланган дор арқони тортилиб баландга кўтарилди ва унинг жисми ҳавода муаллақ қолди. Талаб ва ташвиқот учун дорга осилган Ҳаллож жисмига тош отардилар. Ундан сўнг Ҳаллож жисмини пастга тушириб, икки кўли ва икки оёғини кесдилар ва сўнг икки кўзини ўйиб олдилар. Бу мислсиз

фожеани кўрган халқ оёққа туриб ғалаён кўтардилар, гўё ул лаҳзада қиёмат қойим бўлган эди. Баъзилар хўнграб йиғлар эдилар. Кейин Ҳалложнинг қулоқ ва бурнини кесдилар ва шу ҳолатда у уч кун ётди. Учинчи куни Ҳалложнинг қуруқ танасини куйдириб, унинг кулини сувга совурдилар (ташладилар). Шу заҳоти сув қаъридан «аналҳақ» ҳайқириғи эшитилди ва Дажла суви тошиб баландликка кўтарила бошлади. Йиғилганлар кўрқдилар. Шу пайтда Ҳалложнинг ходими унинг тириклигида қилган васиятига амал қилиб, шайх хирқасини тошқин сувга ташлади. Сув аста-секин пасайиб, Дажла сокин бўлиб қолди. Кейин кулни сувдан жамълаб олиб, дафн қилдилар (23, 419-420).

Шу билан Мансур Ҳалложнинг душманлари унинг қиссасига хотима бердилар. Аллоҳ мақомига эришган ҳурфикр шайхни диний фанатизм туфайли ўлдирдилар. Унинг «аналҳақ» деган сўфиёна таълимоти ҳақиқатан инсон зотини улуғлашга қаратилган қимматли ғоя бўлиб, бу ғоя мисолида у инсонни аллоҳ деб танитган эди; инсонни аллоҳ зотига қоришиб, уларни бирлик воситаси ва ифодаси ҳисоблаганди. Шу восита орқали Ҳаллож диний суннатларга асосланган сунний тасаввуф ўрнига сўфиёна ҳаётий фалсафа оҳангидаги таълимотни қўллаб-қувватлаганди ва бу эса халқона демократик ғоялар принципига мос келарди.

Мазкур қулоқ эшитмаган фожиа Ҳалложнинг аввалига дўст ва устози бўлган ва сўнг рақибига айланиб, унинг қатлига фатво берган Жунайд Бағдодийни ҳам бефарқ қолдирмади. У ўз фатвосидан пушаймон эди ва оёқ қўйишга жой тополмасди. Аммо Ҳаллож ваҳшийларча ўлдирилган бўлса ҳам, унинг таълимоти ўлмади. Аналҳақ тушунчаси Ҳаллождан илдиз ва сарчашма олиб асрлар оша шуҳрат қозонди ва шарқ адабиётининг сўнмас образига айланди. Мазкур ибора инсонни пантеистик ва гуманистик руҳда тарбиялашга сўзсиз хизмат қилди. Тариқат мақомлари воситасида инсон ривожланиб, руҳан тараққий топади. У бора-бора аллоҳ зотини эгаллаб, уни мушоҳада қилиб, унга қоришиб кетади; сўнг эса нурга айланиб бирлик топади. Шу йўсинда оламини кулл ва воҳид «мен ҳақ» деб хулоса чиқариш сўфиёна буюк таълимот ва фалсафий ғоя бўлиб, сўзсиз бу Ҳаллождан бошланди ва унинг мангу анъанаси ва ҳалқасини ташкил этди. Аммо Ҳалложнинг фанатик душманлари эса бу ҳалқани рад этиб, муаллифини дорга осдилар.

Мансур Ҳалложнинг фожиали ўлимидан сўнг дор тагида ва унинг кеча-кундузида, инчунин мурдаси атрофида айтилган ривоятлар қуйидаги тартибда садо беради: «Шайх Шиблий айтарди: «ул кеча унинг хоки пойи остида («бар сари турбати ў») бўлдим ва тонггача номоз ўқидим. Ҳақдан нидо эшитдимки, айтарди: «бу ҳодисани шу жиҳатдан унга жоиз кўрдимки, у бизнинг сирримизни бошқаларга

ошкор этди» (23, 420). «Бир донишманд («бузурге») деди: «ул кеча то кун чикқунча ул дор тагида намоз ўқидим. Кун тиккага келганда ваҳийдан бир овоз эшитдимки, деярдди: «уни асроримиздаги бир сирдан огоҳ қилдик, аммо у уни фош этди. Кейин унинг жазоси шу бўлди» (23, 420).

Айтиш керакки, ҳувалҳақ тарафдорлари томонидан айтилган бу ривоятлар аналҳақ таълимотини рад этиш мақсадида аллоҳ номидан баён этилган фикрлардир. Аслида Мансур Ҳаллож аллоҳ сиррини фош қилмаган эди, балки у оламнинг бир бутунлиги ва инсоннинг аллоҳ бўлишини қайд қилган авлиё-шайх тимсолида зуҳур этган зот ҳисобланади. Ҳаллож ҳайрат мақомига тушганида ҳақ билан рўпара бўлиб, ўзини фано даргоҳида кўради ва ҳушдан кетиш ҳолатида бўлиб, аналҳақ даражасини топади. Аллоҳнинг иродасига кўра у бу ҳолатда жим бўлиши шарт эди, аммо у бу олий руҳоният зинасини ҳазм қила олмади ва бирдан «аналҳақ» дея қичқира бошлади. Бу эса ҳақ сиррини ошкора қилиш воситаси эдики, келтирилган ҳикоятларда таъкидланди.

Аммо бу шариат ҳомийлари учун энг муҳим аслаҳа бўлди ва улар аналҳақлик баҳонаси билан Ҳалложнинг ёқасидан ушладилар. Кейин унинг тарафдорларига ҳам ҳужум қилиб халифа ва унинг амалдорлари қўли билан уларни йўқ қилишга муваффақ бўлдилар. Жумладан «Тазкират ул-авлиё» маълумотида биноан, улўф шайх Ибн Атони (ваф.309 ҳ.) Ҳаллож билан тил бириктирган ва уни қўллаб-қувватлаган шахс деб халифанинг вазири-ал-Муқаддар Ҳомид бин Аббосга хабар берадилар ва у шайхни тутиб қатл этади (23, 500).

Лекин халқ ва унинг донишманд зиёлилари «аналҳақ» ҳалқаси ва унинг ортида турган муаллифи Ҳаллож ва тарафдорлари таълимотини, яъни фалсафий тасаввуф ғояларини асраб-авайлаб адабиёт ва исёнкор шеърият орқали унга қанот бахш этиб машҳури олам қилдилар.

Шариат таълим берадики, аллоҳ сирри ўзига хос сир бўлиб, ул яширин сир фақат аллоҳга тегишлидир. Унинг зоти эса ўзига қоим. Аллоҳга ҳеч қандай куч таъсир қилмайди ва унинг сир-синоатидан воқиф бўлиш мутлақо мумкин эмас. Яъни инсон билан аллоҳ ўртасида фарқ бор. Аллоҳ яратувчи қувва бўлиб, унинг яратганлари у бўла оламиз деб даъво қилмасликлари керак, балки бош эгиб унинг соясида яшамоқликлари лозим.

Бу савдолар, айтганимиздек, шариат ҳукмларидан келиб чиққан нидолар ва Ҳаллож даврида ҳаёт ва жамият моҳиятини белгилайдиган асосий қонун эди. Ҳаллож эса бу қонунга бўйсунмади, у ўзининг куч-қувватини кўрсатди, инсонни ҳам ошкора аллоҳ деб билди. Шу боис унинг жазоси аллоҳ номидан белгиландики, мазкур ҳикоятда таъкид қилинган. Бу эса Ҳалложни мазаммат қилиш ва қоралаш учун давр

талаби ва шариат қоидаларига мослаштирилган тадбирлар эди. Аммо Ҳаллож дорга баланд кўтарилиб, уларнинг ҳаммасидан устун чиқди ва бу унинг олий ва бузрук ғалабаси эди.

Мансур Ҳалложнинг мастона ҳаракатлари, чиқишлари, ҳаяжонли жазабаси, ўткир шатҳиёти (шариатга хилоф сўзлари) бутун оламини ҳайратга солган эди. Нафақат оддий халқ, балки шайхлару руҳонийлар, халифалару давлат арбоблари ундан ажабланардилар ва унинг «аналҳақ» деб ҳайқириқ солганини шўри қиёмат, яъни қиёмат қоим бўлган кун деб билардилар. Шу ҳодиса жаҳолатга яна-да имкон бериб, Ҳалложни дор тагига олиб келди. Кейинги фикрларнинг пайдо бўлиши ҳам шайхнинг шу исёнкор ҳаракатларининг натижаси эди. Чунончи:

Ориф аёл Аббоса Тусий деди: «қиёматда аросат вақтида Ҳусайн Мансурни темир кишан (занжир) га қаттиқ боғлаб олиб келадилар. Зеро, агар унинг занжирини очиб олиб келсалар, у жумла қиёматга барҳам бериб юборади» (23, 421). Зарринкўб «Ҳаллож ахбороти» мажмуасидан шайхнинг орифона пандомуз сўзларидан қуйидаги сатрларга диққат-эътиборни қаратади: «Бир киши Ҳаллождан сўрай берарди: аллоҳга йўл қандай бўлади?» Ва жавоб эшитади: «йўл икки нарса ва икки киши орасида бўлади ва мадомики, худодан ташқари бошқа бирон вужуд йўқ, бошқа йўл қандай бўлиши мумкин?!» (6,21). Яъни Ҳаллож айтмоқчики, мен ва аллоҳ орамизда ҳеч қандай масофа ва йўл йўқ, чунки бизлар бир мавжудмиз ва шу боис аллоҳ мавжуддир ва биз аналҳақ бўлганмиз. Бу фикр аналҳақ тушунчасининг жоизлигини исботлаш мақсадида айтилган далилномадир. Ҳаллож ҳаж қилишга улгурмаган ва имкон топмаган дўстларига уни уйда ҳам бажо келтириш мумкинлигини айтган эди. Масалан у айтади: «кимки вожиб ҳажни бажо келтириш имконини топмаса, ўз уйида меҳроб ясаб ва махсус одоб билан тавоф қилса, каъба ҳажига баробар бўлиши табиий» (6, 129). Ҳалложнинг шахсий ҳаётидан Аттор бу лавҳаларга диққат-эътиборни қаратади: «Нақл қилишларича, аввалларида риёзатда ўтирган пайтларида бир эски тўни бор эдики, уни йигирма йил танасидан ечмаган эди. Бир куни ул тўнни танасидан зўрға ечдилар. Унинг қат-қатини қурт ва бит («газанда шабуш»)лар банд этган эдилар. Биттасини олиб оғирлигини ўлчадилар, ярим данак ҳажмича келди» (23,315).

«Нақл қилишларича, бир чаённи кўрдиларки, унинг атрофида парвонадек айланиб юрарди. Уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Деди: «ундан қўл тортингларки, ўн икки йилдан бери бизнинг хизматкоримиздир» («надими мост») (23,315). Фикримизнинг ниҳоясида «Кашф ул-маҳжуб» нинг материали асосида Ҳалложга нисбатан бир-бирига қарши турган ва сўз юритган шайхлар ва гуруҳлар номи билан

танишиб чиқамиз. XI асрда яшаган мазкур асар муаллифи Али бин Усмон ал-Жуллобий ёзади:

«Ҳаллож бир гуруҳ олдида мардуд (рад этилган)дир ва иккинчи гуруҳ наздида мақбул (қабул)дир. Жумладан шайхлардан Умар бин Усмон, Абуяъқуб Наҳржурий, Али бин Саҳл Исфаҳоний уни рад этадилар, аммо Ибн Ато, Муҳаммад бин Хафиф, Абулқосим Насрободий ва жумлаи мутааххирин (X-XI асрларда яшаган шайхлар) уни қабул қилганлар. Ва бир гуруҳ шайхлар масалан: Жунайд Бағдодий, шайх Шиблий, шайх Жаририй ва шайх Ҳасирий унинг амри (қандайлиги)га ҳайрон ва ҳатто бир гуруҳ Ҳалложни соҳир ва жодугар деганлар. Аммо бизнинг давримиз (XI аср)да шайх Абусайид Абулхайр, шайх Абулқосим Гургоний ва шайх Абулаббос Шаққоний унинг қандайлигидан яширин бир сир идрок этиб, уни бузрук бир пир сифатида эҳтиром қилардилар» (3, 190)

Ал-Жуллобий фикрини давом эттириб, Ҳаллож хусусида ўзининг махсус хулосасини айтиб ўтади ва уни бу ўринда имкон қадар муҳофаза қилиб, бузрук даҳо даражасига етган олампаҳо шайх сифатида тавсиф этади. Чунончи ёзади: «Мен ким Али бин Усмон ал-Жуллобийман, Бағдод шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда Ҳаллож таснифоти (ёзганлари)дан эллик босма тобоқ» («панжоҳ пора») ҳажмида ёзув кўрдим ва Ҳусайн Ҳаллож то оламдан кетгунича салоҳ либоси (пок кийим)да эди ва унинг эзгуликка чорлайдиган номозлари ва зикру муножотлари ҳам бисёр эди ва тавҳид ҳақида латиф нукта (ибора)лари мавжуддир. Шу боис агар у соҳир бўлганида бунча орифона феъл унда қандай намоён бўларди?! (3, 191)

Бу XI асрда Мансур Ҳалложга нисбатан берилган ҳақиқий ва муносиб баҳо эди ва бу баҳолардан янада яхшироғи ва баландроғини у кейинги асрларда яшаган садоқатли издошларидан хийла кўп топти. Таъкидлаб ўтмоқчимизки, ал-Жуллобий сунний тасаввуф тарафкашларидан бўлгани боис аслида Ҳаллож таълимотини унча ёқтирмасди ва унинг ҳасадгўйларидан бири эди (юқорида айтилган фикрларимизга қаранг). Аммо ҳар ҳолда у маданиятли зиёли сифатида Ҳаллож ҳақида ниҳоятда яхши хулосаларга келади ва ўз фикрини кўрамизки, яхши сўзлар билан якунлайди. Бу ўринда ал-Жуллобийнинг фалсафий тасаввуфга бўлган некбинлик нуқтаи назари яққол кўриниб турибди.

ИККИНЧИ БОБ

ХІ-ХІІ АСРЛАРДА ТАСАВВУФ

Биз юқорида олтинчи аср, жумладан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) давридан илдиз олиб, X асргача давом этган тасаввуф ғоялари ва унинг етук намояндалари билан қисқача танишиб чиқдик. Тасаввуф зоҳидлик ғояларидан бошланиб IX-X асрларда орифлик миқёсида ривож топти. Ҳақпарастлик ва аллоҳни холик деб билиб, унга банда сифатида сиғиниш, инчунин жон танани тарк этгандан кейин аллоҳ дийдорига ноил бўлиш ғояларидан тортиб тасаввуф холик ва халқнинг бирлиги, тирикликда аналҳақ бўлиш ва мақомлару ҳол даражаларидан ўтиб аллоҳни мушоҳада қилиш, унинг сифатларида ўзини кўриш, фанодан кейин бақо топиб, реал дунёда аллоҳ каби сарбаланд бўлиш, шариат ҳукмларига, жаннату дўзах, қоли бало, арши аъло каби нарсаларга беъътиборлик билан назар ташлаш ғояларини тарғиб-ташвиқ этди.

Шу орада тариқат мақомлари ва маърифат босқичидаги ҳол даражаларидан ташқари сўфиёна силсилалар ва уларнинг ўзига хос мақомлари пайдо бўлди. Хусусан, Жунайд Бағдодий ва Боязид Бистомий ҳалқаларининг бош ғояси-суқр ва саҳв таълимоти кейинги асрларда қанот ёйиб кетди ва адоғи йўқ издошлар пайдо қилди. Шу тариқа, X асрдан бошлаб орифона тасаввуф жўшқинлик билан жараён топти, аммо унинг зоҳидлик манбаи ҳам зимдан ўз йўлини топиб бораверди ва у омихта тарздаги аралашув сўфиёна ғояларда ҳам намоён бўлаверди. XI асрдан сўнг янги номлар ва силсилалар пайдо бўлиб, улар ўтган сўфиёна таълимотлар асосида ўз ғояларини янгича шакл ва кўринишда илгари сурдилар.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, XI-XII асрларда ошиқона нолага асосланган осуда муҳаббат (Робия Адавия), мастона суқр (Боязид Бистомий) ва аналҳақ можароси (Мансур Ҳаллож)-демак мақом, манзил ва даражаларни руҳий тайин этиш ғоясидан кўра **зикр усули** алоҳида ўрин тутди. Масалан мазкур асрлар тасаввуфида сўфиёна рақс, самоъ, важд, жаҳр, ранг мезони пайдо бўлди. Мастона ғавфо кўтариш, харобот ва майхонани ватан тутиш, ваҳдат, айрилиқ, эманация, пантеизм фалсафасидан сўз юритиш, инчунин инсон зотини таърифлаш, аёл муҳаббатидан сармаст бўлиб, майу маъшуқапарастликка берилиш ва шу асосда нурланиш, тажаллий аломатларини васф этиш тамомила расмий тус олди.

Шу тариқа, нурланган ёр, дилдор, маъшукани аллоҳ мисолида тасаввур этиш, куллу жуздан ҳикоя қилиш, нур жилвасидан сўз юритиш ва ҳақозолар кўпайиб кетди, мазкур ғоялар фалсафага асосланган орифона тасаввуфнинг том маънодаги моҳиятини ташкил этди. Энди сўфийлар масту аласт бўлган раққосаларга, важд ҳолатига тушган телбаларга, жаҳрчи ҳайқирувчиларга монанд бўлдилар. Аммо

буларнинг ҳаммаси сўфиёна хос усулда, кароматли бир тарзда, ҳаққа чексиз интилиш тартибида бажо келтириларди ва моҳиятан аллоҳ зикри, аллоҳ васфи, аллоҳ жамоли учун бажариларди; ваҳдатул вужуд ва олам бирлигини ифодалаш мақсадида амалга ошириларди. Аммо шу мазмунлар замирида ҳам зоҳидона холиқу махлуқ ғояси сўзсиз ўз аксини топган эди.

Энди мазкур ғоялар муаллифлари юзасидан XI-XII асрларда тилга тушган бир гуруҳ табаррук номлар билан танишиб чиқамиз. Булар етук орифлар шайх Абулҳасан Ҳараконий (вафоти 1033), шайх Абусаид Абулхайр (967-1049), Хожа Абдуллоҳ Ансорий (1006-1088), имом Муҳаммад Ғаззолий (1059-1111), Хожа Юсуф Ҳамадоний, Айнулқуззот Ҳамадоний, Аҳмад Жом Жандапил (1099-1142), шайх Сухравардий (1155-1191), Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Нажмиддин Кубаро (1145-1221), Ибн ал-Арабий (1165-1240) ва машҳур мутасаввиф шоирлар Санойй Ғазнавий (1080-1140), Фаридаддин Аттор (1136-1221) ва Жалолиддин Румийлар (1202-1273) эдилар.

Абдулҳусайн Зарринкўб **Абулҳасан Ҳараконий** тасаввуфини маҳзунлик ва маъюслик ғояларига асосланган тасаввуф деб таърифлайди (6, 56). Инчунин у ўша шайхни «риёзатпеша ва шариатга берилган» ва рақсу самоъ усулига эҳтиёткорлик билан қарайдиган зот ҳисоблайди (6, 56). Демак, Абулҳасан Ҳараконий тасаввуфи зоҳидона художўйлик ғоялари ва орифона рақсу самоъ усули билан омихта ва махлут (қўшилиш) бўлган тасаввуф эди. Шайх Ҳараконий холиққа сиғиниб сидқидилдан тавба қиларди ва унинг жамолини кўриш мақсадида рақсу самоъга тушарди.

Ҳараконий гуруҳига мансуб шайх **Абусаид Абулхайр** эса рақсу самоъ усулига чандон (хийла) эътибор берган эдики, бу усул унинг сўфиёна зикр усулига айланиб кетиб, бу ғояни тараққий эттирган муаллиф бўлди. Мазкур шайхлардан олдин IX-X асрларда рақсу самоъ тизими учраса-да, аммо унинг таъсири ва ўрни унча сезиларли эмасди. Шу боис уни саидия ҳалқасининг янги услубда яратилган зикр усули ёхуд тариқатдаги янгича пардозланган сўфиёна мақомат десак, янглишмаймиз. Сўфиёна рақсу самоъ шайх Абусаиддан кейин хийла ривож топиб кетди ва сўфиёна ҳол даражасига кўтарилиб, тасаввуфнинг махсус бир рукни, илҳоми, кўриниши сифатида мавқе топти.

Рақсу самоъ аслида халқона бир санъат ва удум бўлиб, қадимдан халқ ҳаёти ва унинг фольклори билан чамбарчас боғланиб кетган. Рақс халқ ҳаётидаги узилмас санъат ва унинг тарихи, саргузаштини белгилайдиган омилдир. Даврлар ва асрлар оғушида рақс сайқал топиб, ўзига хос хусусиятлар ва ранг-баранглик касб этиб, ҳар хил гуруҳлар, ҳалқлар ва миллатлар ғояси ва анъанасини ифодалаб келди. Жумладан, туркий халқлар тарихида рақсу самоъ усули халқона ва

демократик мазмундан ўтиб, диний, мазҳабий, тасаввуфий ғояларга ҳамоҳанг бўлди. Шундай қилиб, тасаввуф жараёнининг ривожланиши билан рақсу самоъ ва мусиқа санъати сўфиёна мезонда ишлатилди ва унинг аллоҳга интилиш руҳияти эса кундан-кунга кучайиб, шайх Абусаид Абулхайр томонидан сўфиёна қонунга киритилиб, зикр усули ва тариқат мезонига айлантирилди.

Рақс аниқ ва мустаъмал бир усул. Самоъ эса эшитмоқ, ўқимоқ, суруд, ашула ва тарона айтмоқдир. Унинг сўфиёна мазмуни зикр вақтида юз берадиган ҳаяжон, шавқ-завқ, важд ва жазаба. Демак рақсга тушган сўфий рақс пайтида илҳомланиб важдга тушади ва унинг ҳоли аста-секин ўзгариб, унда беҳудлик ҳолати рўй беради. Хусусан шу лаҳзаларда жўр бўладиган мусиқий оҳанглар, майин дилнавоз қарсақлар ва нафис садоларга бой ва сержило шеърхонлик нидолари, яъни самоъ ҳолати сўфий табиатига фавқулодда таъсир этиб, уни ҳушу ёдидан тамоман бегона этади ва сўфий шу пайтда ўзини фано даргоҳида кўриб, аллоҳ нурининг тажаллийсини ҳис этади. Аммо сўфиёна рақслар, албатта бугун биз тасаввур этадиган ва саҳнада кўрадиган рақслардан эмасди. Бу рақслар алоҳида усулда, аллоҳ жамолини кўриш мақсадида бажариларди. Уларда қўл, оёғ, бел, умуман жисмининг махсус ҳаракати, машқлар асосида унинг қолипга киритилган ҳолати ҳисобга олинарди. Ҳар бир аъзонинг ҳаракати алоҳида шаклда зоҳир бўларди. Ҳаракатлар юмшоқ, майин ва ифодали услубда бўларди ва маълум бир ритмга бўйсунарди. Қўллар ҳаракати ҳамиша самога қаратиларди. Оёқлар эса тавоф қилгандек тарзда букилар, бел ва тана айланар, бош, сийна ҳам шунга монанд ҳаракатда бўларди. Бу рақсларни кўрган киши уларнинг оддий халқона рақс эмаслигига сўзсиз ишонарди ва кўз олдида сеҳрли бир мўъжиза олами жилваланарди. Руҳ эса рақс туфайли бадан қафасидан озодлик истарди.

ал-Жуллобий «Кашф ул-маҳжуб» нинг «Боб ул-рақс» фаслида рақс тушунчаси ҳақида жуда яхши фикрлар баён этиб, сўфийлар рақсини ҳақдан келадиган ваҳий ҳолат ва сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳолат-ҳаракат билан кўрсатиладиган зикр усули деб таърифлайди. Бу билан у сўфиёна рақсларни халқона табиий ва реал рақслардан фарқини белгилайди. Чунончи у ёзади: «Билгилки, шариат ва тариқатда рақсининг умуман моҳияти йўқ, зеро у ўйин-кулги воситасидир... Ва шайхлардан ҳеч ким уни таърифламаган... оёғ ўйини аслида ақл ва шаръ (шариат) наздида тамоман зишт (ифлос ва рад этиладиган нарса)дир... Аммо ул кишиким унинг ихтиёрисиз ғаройиб ҳолатлар унга ҳақдан келади, у ҳаракат билан уни ўзига тортади ва уни ҳақ ҳолати деб номлайди. Ул ҳолатким, ҳаққа мансубдир, ул нарсаки, уни нутқ билан баён қилолмайсан» (3, 541-542) ва бу сўфиёна рақсдир.

Мана шу каби сўфиёна рақс шайх Абусаид Абулхайр томонидан ижод этилган ва кейин тариқатнинг бир зинасига айлантирилган ўзига хос зикр усули эди. Бу усулда мусиқа, куй, оҳанг, рақс, шеър, тарона, суруд-буларнинг ҳаммаси сўфиёна мазмун, ғоя ва шакл касб этарди. Рақс пайтида имо-ишора, унли нола, қайғули ҳолат ва руҳиятга берилиб, маҳзунона кўриниш каби усуллар эътиборга олинарди, гўё сўфий шу онда илоҳий бир сир-синоатни кашф этгандай ва ўзидан кетиб висол топгандай бўларди. Рақсу самоъ сўфийнинг фавқулдда руҳий парвози, унинг руҳониятга етиши ва аллоҳга бўлган муҳаббатининг рамзи-ошиқона дил изҳори эди. Зарринкўбнинг айтишича, сўфий рақсининг махсус рамзлари ҳам бор эди. Чунончи рақс пайтида сўфийнинг ўз кулоҳига шол боғлаши қабр усти тошининг файзи, унинг ерга теккан узун желаги ёхуд тўни эса кафан рамзи, хирқаси қабр рамзи, самоъ ҳолатида беҳудликдан тилка-пора бўлган кўйлаги-руҳ парвози рамзи эди (6, 368). Шунга ўхшаш этак қоқиш-дунёдан қўл силташ, жома йиртиш-ўзидан кетиш ҳолати эди.

Шайх Абусаид Абулхайр ижодидан «Асрор ут-тавҳид фи мақомати шайх Абусаид» номли катта ҳажмли китоб етиб келган. Бу китобнинг матни 1899 йилда рус шарқшунос олими В.С. Жуковский томонидан илмий-танқидий тарзда нашр этилган. Китоб шайхнинг маноқиблари, саргузашти, кароматлари ва шеърий асарларини қамраб олган. Шайхнинг рубоийлари «Шабнами ишқ» (ишқ шабнами) номи билан катта ҳажмли китобда 1995 йили Хўжандда нашр этилган. Бу асарлар шавқ-завқ ва илҳом билан ўқилади. Уларда шайхнинг рақсу самоъга оид таълимоти ажойиб бир жозоба ва илҳом билан акс эттирилган. Бу ҳақда халқ орасида ҳикоят, ривоят ва нақлу хабарлар тарқалган. Бир мисол келтирамиз: шайх Абусаид шогирдлари, муридлари ва ёронлари билан бир куни халқа тузиб, самоъ мажлисида ўтирган эди. Ҳазин мусиқа садоси нолаю фарёд ва шеърхонлик оғушида майин янграб юракни ўртар ва уни ўрнидан турғазиб аллоҳ томон парвоз эттирарди. Ҳол жазбаси рўй берган эди. Шу пайтда бир мурид бу байтни тилга олади:

Андар ғазали хеш ниҳон хоҳам гаштан,
То бар ду лабат бўса занам чун-ш бихони.

Мазмуни:

Ўз ғазалимда мен ўзимни пинҳон тутмоқчиман, токи сен ўқиган пайтда икки лабингнинг ҳаракати ила икки лабингдан бўса олмоқчи бўламан. Яъни менинг ғазалимдан менинг нафасим уфуриб турибди ва уни ўқиган заҳоти сен билан ҳамнафас бўламан-демоқчи шоир.

Шайх Абусаид байтни эшитган заҳоти таассуротга ботиб қолади ва сўрайди: бу байт кимники? Эштади: Аммора Марвазийники (IX аср шоири). Шайх халқа тузиб ўтирган муридларига қараб айтади:

юринглар, Аммора қабрини зиёрат қиламиз ва зиёратга шайланадилар. Бу самоъ мажлисининг таъсири ва илҳомлантирувчи кучи эди.

Навбатдаги XI аср сўфийси-**Хожа Абдуллаҳ Ансорий** шайхулислом мансабини эгаллаган исломшунос арбоб эди. Унинг сўфиёна таълимоти «Табақот ус-сўфия» ва «Манозил ул-соирин» номли асарларида акс этган. Биринчи асар X аср сўфийси Суллабийнинг «Табақот-ус-сўфия» номли асарининг Ҳирот лаҳжасига ўгирилган таржимасидир. Иккинчи асарда Ансорий сўфий учун белгиланган мақомат шартларининг юз поғоналик манзиллини баён этади (6, 71). Яъни сўфий бу мезонда тавбадан мукошафа ва яқингача бўлган кўп зинали зикр манзиллини босиб ўтиб, кейин фано даргоҳига етишга имкон топади ва бирликка эришади.

Аммо Ансорий ушбу ғояларни шариат қоидалари ва талаблари асосида баён этиб, улар билан мослаштиради ва зоҳидона хилқат кийдиради. Шу тариқа, Ансорий тасаввуфи зоҳидлик тавба-тазарру усулида ва ислом буйруқлари остида жараён топган таълимот эди. Бу йўлни у, ўзи айтганича, доимий равишда қуръон тиловати, хуфтон номозини тонг отгунча ўқиши ва ҳадиснавислик усули билан амалга оширарди. Масалан, хожа Ансорий уч юз минг ҳадис ёд олган эди. Хийла кўп шеърларни ёддан биларди. Чунончи арабча шеърлардан етмиш минг байт ва форсийона шеърлардан юз минг байтни ёд қилган эди (9, 67).

Хожа Ансорий мана шундай бузрук, донишманд сўфий бўлиб, ўз ижодида сўфиёна таълимотнинг мистик ғояларини ривожлантирди ва уларга қанот бағишлади.

Бу ҳодиса мазкур даврда яшаган бошқа бузрук сўфий-машҳур шариатпаноҳ олим, ҳужжатул ислом **имом Ғаззолий** ижодида янада тараққий топиб ўз маромига етади. Жомийнинг ёзишича, Абуҳомид Ғаззолий шайх Абуали Фарюмадийдан тасаввуф илмини ўрганди. Тус ва Нишопур шаҳарларида таҳсил олди. 1091 йили Бағдодга бориб, машҳур «Низомия» мадрасасида муаллимлик қилди. Зоҳидлик маслагини танлаб ҳажга борди. Кейин хилватнишинлик ихтиёр этди ва китоблар ёзди. Охир-оқибат ватани-Тусга қайтиб сўфийлар учун ўз маблағидан хонақоҳ қурдирди ва азиз вақтини хайрли ишларга сарф этди (4,64).

Ғаззолий реформатор-ислоҳотчи олим сифатида иш тажрибасида шариат билан тариқатни бирлаштириш мақсадида куч-қувватини аямай саъй-ҳаракатда бўлди. Унинг бош мақсади орифона тариқатнинг озод ғояларини зоҳидона ғояларга бўйсундириш ва шу тартибда ҳамма нарсада шариат қоидаларининг устунлигини таъминлаш эди.

Демак, Ғаззолийнинг сўфиёна таълимоти шариат муҳофазасига бағишланган ва зоҳидона тус олган осуда тасаввуф сирасига киради. Ғаззолийнинг ушбу таълимоти унинг «Эҳё ул-улум» ва «Кимиёи

саодат» китобларида баён этилган. Зарринкўбнинг ёзишича, Ғаззолий тариқати Жунайд Бағдодийнинг саҳв (хушёрлик) тўғрисидаги таълимотига яқин бўлиб, Боязиднинг сукр (мастлик) ва шатҳиётидан узоқда турарди (6, 91. Ғаззолийнинг «Эҳё ул-улум» асарида келтирилишича, сўфийнинг хилватланиши, тиламчилиги ва меҳнатдан юз ўгириши ножоиз усул бўлиб, бу ҳодисалар риёкорлик ва қаллоблик аломати ҳисобланади. Ғаззолий ростгўй ва чин, ҳалол орифлар тарафдори бўлган. Шу тариқа, Ғаззолий маккорлик, ножўя ишлар ва нафси амморани рад этиб, ҳақиқий художўй сўфийни ардоқлайди. Аммо унинг сўфиёна ғоялари зоҳидона таълимотга асосланган эди. Яъни у аллоҳга интилиб аналҳақ бўлишни эмас, уни холиқ билиб унга банда бўлишни хоҳларди. Ғаззолий аллоҳ нурининг жилвасини инкор этиб, аллоҳ билан тенг бўлишни истамасди (6,91) яъни у ҳувалҳақ таълимотининг тарафдори ва сунний тасаввуф намояндаси эди.

Олдинроқ танишиб чиққан шайх Абусаид Абулхайрнинг рақсу самоъ ва кейин фано фалсафаси **Айнулқуззот Ҳамадоний** ижодида ҳам ривож топган эди. Абдуррахмон Жомий унинг тўлиқ номи ва кунятини Абулфазл Абдуллоҳ бин Муҳаммад дейди (4,70). «Айнулқуззот» унинг лақабидир. Бу сўфий ҳақиқат йўлининг кашфиётчиси эди. У оламни азалий зот тажаллийси деб биларди. «Зубдат ул-ҳақойиқ» асарида келтирилишича, шайх Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ғаззолий (вафоти 1124 йили) билан учрашган. Бу шайх Ҳамадонга ташриф буюрганида улар икковлари йигирма кун давомида суҳбат қуриб, бир-бирлари билан баҳслашади (4,70).

Айнулқуззот суҳбат ниҳоясида воқиф бўладики, шайх Аҳмад «ману манинг талабим» фалсафасидан бошқа нарсага эътибор бермади. Айнулқуззот ҳам бу иборанинг тарафдори эди. Мазкур шайхлар аллоҳни талаб қилар ва ўзларини унинг жилоси дердилар. Шу билан улар бирлик ва ваҳдониятни талқин қиларди ва инсон қадрини аллоҳ даражасига тенг биларди. Шу ўриндан бошлаб аллоҳга фано бўлиш ва кейин бақо топиш масаласи ҳам Айнулқуззот таълимотининг навбатдаги ғояси бўлиб қолди.

Айнулқуззот рақсу самода худди Абусаид Абулхайр каби шогирдлар ҳалқасига кириб, уларнинг орасида ҳаракат қиларди. Чунончи бу ҳалқада ҳамма баробар ёхуд танҳо-танҳо байтлар ўқирди, баҳслашарди, йиғларди, дод-вой соларди ва охирида чарчаб, ҳолсизланиб, масти лоъяқил бўлиб, ҳайратга тушарди ёхуд хушёрликка берилиб, қофила тузиб, қабристонларга зиёратга чиқарди, кўча-кўйларда юрарди, халқ диққатини ўзларига қаратиб, тарафдор ва муридлар сафини кўпайтирарди. Шайх Айнулқуззотнинг навбатдаги бу зикр усули ҳам уни фано даргоҳига етаклаб, орифона таълимотга зимдан мос келарди.

Жумладан, Жомий бу борада ҳикоя қилади: «Айнулқуззот айтар эди: «мен, отам ва шаҳримиз имомларидан бир жамоаси Муқаддам сўфий хонасида суҳбатлашиб ўтирардик. Жиндак фурсатдан кейин биз ҳаммамиз рақсга тушдик. Шу пайтда шайх Абусаид Термизий бир неча байтлар ўқиди («пас мо рақс мекардем ва Абусаиди Тирмизи байтаке мегуфт») Буни эшитган отам йиғлаб юборди ва деди: «жамоада кўраманки, хожа Аҳмад Ғаззолий ҳам (юқорида номи зикр этилган) биз билан рақс қияпти ва унинг либоси ажойиб бир тусда (чунину чунон)дир. Ана у деб, отам уни кўрсатди» (4,71).

Айнулқуззот умрининг ниҳояси фожиали бўлди. Худди Мансур Ҳаллож каби унинг сўфиёна ғояларини маъқул топмадилар. Уни Бағдодда ҳибсга олдилар ва кейин Ҳамадонга олиб келиб дорга осдилар.

Кейинги XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг ярмида яшаган мутасаввиф арбоб андалуслик сўфий **Ибн ал-Арабий** бўлиб, у тасаввуф жараёнидаги энг машҳур ва энг улкан йўналиш-вахдат ул-вужуд ғоясининг муаллифи ҳисобланади. Мазкур тушунча XII асргача шу шаклда учрамайди. Аммо зоҳидлик даври ўтиб кетиб, IX асрдан бошлаб орифлик даври шаклланишида вахдат ул-вужуд ғояси тасаввуфга йўл топти ва у қандай бўлса ҳам шайхлар томонидан талқин этилди. Масалан унинг айрим оҳангларини шайх Абусаид Харрознинг **фано ва бақо**, Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Хафифнинг **ғайбат ва ҳузур**, Абулаббос Сайёрнинг **жамъ ва тафриқа**, Мансур Ҳалложнинг **аналҳақ**, Жунайд Бағдодийнинг **сахв**, Боязид Бистомийнинг **суқр**, Ҳорис Муҳосибийнинг **тажриди тавҳид** ва бошқалар таълимотидан баралла эшитиш мумкин. Инчунин расмий дин фалсафаси бўлган калом илми таълимотидан ҳам вахдат ул-вужуд ғояларига мос оҳангларни ҳис этамиз.

Расул Ҳодизода вахдат ул-вужуд таълимотининг шаклланиши ҳақида ҳатто бундан-да орқароқ қадам ташлаб, уни VIII-IX асрларга мансуб этади ва Боязид Бистомий ва Мансур Ҳалложнинг «вахдат ул-вужуд ақидасининг собитқадам ташвиқотчиларидан» деб билади (28,38-39,66). Масалан у ёзади: «Дар тасаввуф яке аз пояҳои идеявии он таълимоти ваҳдати вужуд буд, ки он низ дар асри дуюми пайдоиши ин жараён ба вужуд омад» (28,38); «Мансури Ҳаллож, гуфтан мумкин аст, баъд аз Боязиди Бистомии яке аз мубаллиғони собитқадами ақоиди ваҳдати вужуд буд» (28,66).

Аммо шундай бўлганда ҳам яхлит тарзда ва бир бутун маънода мазкур тушунчани юқоридаги ном билан биринчи маротаба Ибн-ал-Арабий ижодида учратамиз. Бу олим унга махсус ва янгича мазмун бахш этиб, зикр усулини алоҳида бир манбасига айлантирди.

Шундай қилиб, вахдат ул-вужуд таълимоти тасаввуфнинг тараққий топган даврида пайдо бўлиб, унинг янги эстетик босқичлар

сари ривожланаётган моҳиятини белгилади. XII асрдан бошлаб бу ғоя сўфиёна асарларда, хусусан назмга сингиб кетиб, ҳар томонлама истифода этилди ва сўфиёна таълимот буткул шу ғоя асосида инкишоф топди. Тасаввуфнинг XII асргача шаклланган барча ғоялари гўё ваҳдат ул-вужуд таълимотига мослаштирилди ва уларнинг кейинги ривожини шу таълимот асосида таъминланди.

Ваҳдат ул-вужуд тушунчаси нимадан иборат эди? Ваҳдат ул-вужуд бутун мавжудотнинг воҳидлиги ва яхлитлигини ифода этади. Яъни унингча, олам коптоксимон бир бутун ва лўнда воҳиддан иборатдир. Еру осмон, юлдузлар, жамики мавжудот, жумладан инсонлар ҳам унинг таркибига киради. Олам марказида аллоҳ зотига мансуб нур мавжуд ва бу нур бутун оламини ўз ичига қамраб олиб, бутун мавжуд ва мавжуд бўлмаган пинҳон нарсаларга таралган ва ёйилгандир. Бу эса вужуднинг вожибидир ва унинг мезони тажаллий, яъни нур жилваси дейилади. Ер олами таркибидаги барча материя шу нурдан озикланган ва улар шу нур кучи туфайли мавжуддир. Шу асосда тупроқдан ҳам, тошдан ҳам, сувдан, ҳаводан ва ҳамма нарсадан нур манбаи таралиб туради, жумладан, инсон омилидан ҳам. Ашёлар ранг-баранг, инсон зоти турфа хил. Нур эса бир хил ёйилган. Аммо ашёлардаги унинг таъсири ва жилоланиши мухталиф ва даражалар билан боғлиқ бўлган. Шунда уларнинг намуди (кўриниши) хилма-хил намоён бўлиб, уларни идрок этиш аллоҳ зотининг эҳсоси билан баробардир. Агар бу нур бўлмаганида ва ғойибликда қолганида бутун олам ва унинг ашёси, умуман борлиқ рангсиз, ҳиссиз, ҳаракатсиз ўликдай қотиб қоларди. Уларнинг руҳи, жони, вужуди ва тирилиши шу нурдир. Бинобарин олам бирликдан, ягоналикдан иборат ва у ваҳдат ул-вужуд дейилади.

Мазкур таълимотнинг улкан давомчиларидан бири Абдурраҳмон Жомий сўфиёна рубоийларида бу ғояни хийла аниқ ва равшан ифода этади. Масалан у ёзади:

Дар кавну макон нест аён жуз як нур,
 Зоҳир шуда он нур ба анвори зуҳур.
 Ҳақ нуру танвини зуҳураш олам,
 Тавҳид ҳамин аст, дигар ваҳму ғурур.

яъни:

Бутун оламда бир нурдан ташқари бирон нарса мавжуд эмас,
 Ул нур эса аён нуридан аён бўлган нурдир.

Аллоҳ нурдиру унинг пастдаги зуҳуроти (кўриниши)нинг номи олам,
 Бирлик шудир, бошқаси ваҳимаю хаёлдан иборат.

Ваҳдат ул-вужудни мана шундай бир жараён деб билиш керак ва унинг моҳиятини эса нур бирлиги ва икки оламини бутун бир борлиқ шаклида тасаввур қилиш ташкил этади. Бу нур аллоҳнинг ўзгинаси ва

у кавну макон, яъни бутун мавжудот эгаси ва асл моҳияти ҳисобланади.

Бунинг баробарида кавну макон, яъни бутун олам ҳақида кейинги сўфиёна таълимотга ҳам диққат-эътиборни қаратамиз. Азизиддин Насафий (XIII аср) «Зубдат ут-ҳақойиқ» асарида ёзади: «Билгилки, олам зот ва сифатларнинг исмларидан иборатдир. Зот ва сифатларнинг жамъини олам дейдилар. Олам аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисми олами ғайб (яширин олам), иккинчиси олами шухуд (кўринадиган) дея айтадилар» (15,113). Бундан ташқари мазкур олим оламни кичик ва каттага бўлиб, бу ҳақда бундай ахборот беради: «Билгилки, сени кичик инсон (инсони суғро) дейдилар. Бутун оламнинг ўзини улуғ инсон (инсони кубро) дейдилар. Эй дарвеш, сен кичик оламсан, Улуғ оламда бор нарсалар кичик оламда мавжуддир. Улуғ оламни идрок этиш учун ўзингни англаб етгин» (15,113).

Бу тавсифномада оламни иккига: ғойиб ва ҳозирга бўлиб, бирини суғро (кичик) ва иккинчисини кубро (катта) дейишади ва кичик оламдаги инсон ва жамики ашёларни катта оламники деб билинади; зоту сифатларнинг азалий алоқаси ва уларнинг бир бутун эканлиги ҳам таъкидланади. Иккинчи томондан дин уламолари айтадиларки, ваҳдоният дахлсиз, тағйирсиз мутлоқ мавжуддир ва уни илоҳий тавҳид дейдилар. Аммо ваҳдат ул-вужудда бутун олам борлиқдан иборат бўлиб ва у аллоҳ, ашёлар эса унинг акс нури ҳисобланади. Унда суғро, кубро, зот, сифат бир воҳиддир ва ул ваҳдоният нурдан таркиб топиб, бутун мавжудотга инъикос этган.

Ваҳдат ул-вужуд ғояси бўйича инсон аллоҳ нуридан нурланган зот. Бу нурнинг жойи эса инсон юраги. Шу боис илоҳий сифатлар ва нур ҳақиқатининг зухуроти инсон қалбида намоён бўлиб туради. Демак, ваҳдат ул-вужуд ғояси оламни бир бутун ҳаёт-борлиқ деб билади ва ушбу борлиқ тажаллий нури ихотасида макон топади. Мазкур нур манбаи аллоҳ зотига тааллуқли бўлиб, ул зот ўз ҳусну жамолини олам аро намоён этиш мақсадида бутун олам, жумладан ерни ҳам нурлантириб туради. Шу тариқа, олам ва ер аллоҳ кўзгуси ҳисобланади ва аллоҳ бу кўзгуда жилва этиб ўзини кўради, жумладан инсон юрагидан ҳам. Бас, шундай экан, инсон юраги-қалби аллоҳ нури, аллоҳ номи билан беланган ва тўладир. Чунончи Жомий ёзади:

Дили ман пири таълим асту ман тифли забондонаш,

Дарафтодам бад-он баҳре, ки пайдо нест поёнаш.

Мазмуни:

Менинг юрагим таълим бергувчи устоздир ва мен эса унинг энди тил чиқарган шогирдиман.

Ул уммонга фарқ бўлганманки, унинг аввали ва охири йўқ ва ноаёндир.

Яъни, мавлоно Жомийнинг «менинг юрагим таълим бергувчи пиру мен унинг эндигина тил чиқарган шогирдиман» дегани шу мазмунда айтилган фикрдир. Юракда аллоҳ бўлса, у муаллимдир ва шогирд ундан сабоқ олиб, нурнинг асл манбаини билиш мақсадида саъй-ҳаракатга тушади. Юракдан ташқари инсон жамоли ва унинг ҳусн-малоҳати ҳам нурланган нарсалардир. Шу тариқа нур жозоба, оҳанрабо ва ўзига жалб этувчи, тортувчи гўзал манбадир. Бу нарса энг аввало муҳаббатни уйғотади ва муҳаббат эса аллоҳдан, азалий манбадан моҳият олади. Бу эса инсон жамолини сифатлашга доимо чорлайди. Жамол камол топиши керак бўлади ва ҳусн таърифи орқали камолот сари интилиш бош қуввага ва мақсадга айланади. Шу тартибда аллоҳ маъшуқ зотига айланиб, солиқ-ошиқлар унинг ишқида куюётган, ёнаётган кишилар бўлиб, ул зот учун, севги учун, худованд муҳаббати учун курашга чорлайдилар. XI-XII асрларда яшаган шайх Аҳмад Ғаззолийнинг (1124 йилда вафот этган) гапига кўра «маъшуқанинг сифати ноз-истиғно ва ошиқларнинг сифати фақр-тавозу бўлиб, ошиқлар доимо маъшуқани излаб, аммо маъшуқа ҳеч нарсага аҳамият бермайди, зеро у ўзи ўзига қоим зотдир» (4,65). Сўфийларнинг юрак ўртагувчи, жонкуяр ошиқона шеърлари мана шу мезонда ривожлана бошлади ва улар ваҳдат ул-вужуд оҳангини акс эттиришга йўналтирилади. Масалан:

Эй нури худо дар азал аз рўйи ту моро,
Бинмой, ки дар рўйи ту бинем худоро.

Мазмуни:

Эй, сенинг юзингга азал-азалдан аллоҳ нури акс этган
Шу сабаб оч юзингни, сенинг юзингда аллоҳни кўрайлик.

Бу ғоя аслида Ибн ал-Арабийнинг «Футухат ул-маккия» китобида баён этилган бўлиб, унга кўра бутун борлиқнинг асл моҳияти аллоҳ нуридан иборат бўлиб, бу нур жилваси туфайли ҳамма нарса қоим ва устувор, муҳаббат абадий, севги бирлаштирувчи куч ҳисобланади. Демак, олам севгидан, муҳаббатдан иборат ва муҳаббат олам кўзгуси туфайли жилвалангани боис инсонга шавқ-завқ келтириб, уни асл манбаига боғлаб туради. Юрак таълим-тарбия туфайли аллоҳга қаратилади. Нурдан шайдо ва сармаст бўлган ёр ёхуд солиқ, умуман инсон албатта бутун нурдан яралмаган. Уларда нур зарраси мавжуд ва бу зарра уларни гўзаллаштиради, қалбларига куч-қувват, фусункорлик, мафтункорлик бағишлайди. Бутун нурдан яралган зот эса пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) дирлар.

XI-XII асрларда тасаввуф шеърияти фавқулудда куч билан ривожлана бошлади ва бутун оламда донг таратган буюк шоирларни берди. Бу шеърият VI асрда тасаввуфнинг илк қадамларидан бошлаб юзага келган эди ва кейинги асрларда тараққий топиб самара бера бошлади. Аммо ул шеърларнинг тўқсон тўққиз фоизи араб тилида

ёзилган бўлиб, форс ва турк ўқувчилари учун унча тушунарли эмасди. Робиа Адавияга ўхшаган сўфийларнинг форсиёна шеърлари асосан бадиҳагўйлик (импровизация) тарзида бўлиб, ниҳоятда содда ва халқона услубда ёзилган эди. XI асрдан бошлаб бу шеърлар профессионал руҳ ва куч олди, ҳақиқий адабиёт ва жозибали санъат асарига айланди. Бу шеърлар услуб, нафосат ва санъат жиҳатдан профессиоанал (касбий) шеърлардан мутлақо фарқ қилмайди, балки ички таассуроти ва кучи билан улардан устун туради. Мазкур асрлардаги сўфиёна шеърлар энди араб тилида эмас, балки форс ва туркий тилда яратилди. Улар янги эстетик руҳ билан фавқулодда ҳаракатга тушиб, ўқувчига алоҳида кайфият бахш этадиган кучга айланди.

Бу эса ҳақиқий ҳиссиёт билан боғланган тасаввуфна шеърлар эди ва қаҳрамонлик ҳақидаги асарлар, шоҳлар мадҳияси, уруш ва базму разм садосига ҳамоҳанг васфлар, тарихий ва илмий шеърлардан тубдан фарқ қиларди. Шу боис мумтоз форс-тожик шеърляти ҳақида айтилган қуйидаги фикр, бизнингча, ноўрин бўлса керак. Чунончи М. Ҳазратқулов ёзади:

«Шеър ва адабиёт тарихи шунга шоҳидлик берадики, форс-тожик классик шеърлари биринчи навбатда пок инсоний ишқ-муҳаббатни маъновий ишқнинг биринчи зинаси сифатида тараннум этиб, кейин унга ирфоний ҳамоҳанглик бахш этдилар» (26, 104). («Таърихи шеър адаб ба он шаҳодат медиҳад, ки ашъори классикии форс-тожик аввал ишқу муҳаббати поки инсониро чун зинаи нахустини ишқи маънави тараннум намуда, баъд ба он жанбайи ирфони додаанд»).

Бундай эмас. Мумтоз форс-тожик шеърлятига умумий тарзда бир хил баҳо бериш нотўғридир. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Унсурий, Фаррухий, Манучехрийларнинг катта ҳажмдаги девонларини қандай қилиб «маъновий ишқнинг биринчи зинаси» деймиз? Мазкур шоирлар шеърлари ирфону маъновий ишқ билан умуман боғлиқ эмас. Ҳа, сиз айтмоқчисизки, дунёвий ишқ маъновий ишқнинг биринчи зинасидир. Бу ҳодисани фақат сўфий- машраб шоирлар ижодида кўриш мумкин. Зеро, улар мажозий ишқни тараннум этиб, ирфоний тушунчалар орқали ҳақиқий ишқни кўзда тутганлар. Аллоҳ жамолини ердаги маъшуқа сиймосида кўрганлар. Аммо бундан ташқари, форс-тожик мумтоз шеърлятида мажозий ишқ билан шуғулланган шоирлар сон-саноксиз эди. Уларнинг шеърлари ҳаёт манбаи ва реалистик тасвирлардан нари ўтмаган ва ирфону маъновий ишқ билан алоқадор эмас. Ун минг байтдан иборат Фаррухийнинг (XI аср) шеърлари базму разм тантанаси, шоҳидбозлик кайфияти, фаҳш машғулоти, реал май ва гул, баҳор васфи, шоҳларнинг муболағоумуз мадҳиясидан ташкил топган холос. Унинг «Синаи гармаш ҳамемолам ба зери дасти хеш, Синаи гармаш ба нарми парниёне дигар аст» яъни «иссиққина

кўкракни кафтим билан эзфилаётганим шундай туюладики, юмшоқликда шоҳий ҳарирни эслатаётир» деган байтига ўхшаган юзлаб байтлари сарой канизакларини мажбур қилиш воқеаларини яққол ифодалайди. Бу ғоялар сўфийлик ишқ-муҳаббатидан узоқ туради ва яланғоч (парнографик) оқимнинг турли-туман кайфиятини ифода этади.

Шу тариқа, форс-тожик мумтоз шеърлятига бир қур назар ташлаб, уларга бир хил баҳо бериш мумкинмас. Кароматлар соҳиби бўлган улуғ шайхлару авлиёларнинг шеърлари ҳақиқий зоҳидона ва орифона шеърлар эди. Санойи, Румий, Аттор каби шоирларнинг шеърлари ҳам ирфоний ишқ ғояси билан тўлиб тошган бўлиб, улар ҳам ориф шоирлар эдилар. Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоийлар шеърлари ҳаётий ғоялар ва ишқ-муҳаббат заминиде орифона оҳангларни баён этишга қаратилган шеърлар эди. Носир Хисрав, Анварий, Ҳоқоний, Заҳир Фарёбийлар эса ёлгон мадҳиябозликни аста-секин тарк этиб, умрларининг охирида ирфоний ғоялар ва фалсафага майл қилдилар. Аммо буларнинг қаршисида Рўдакий, Фирдавсий, Унсурий, Фаррухий, Манучехрий, Рашид Самарқандий шеърларини сўфиёна ғояларга зўрлаб мансуб этиш, бизнингча, кулгилидир ва уларнинг ижоди ҳеч қачон «маъновий ишқнинг биринчи зинаси» га кирмайди ва унга дахли ҳам йўқ.

Форс-тожик мумтоз адабиёти тарихидаги профессионал сўфиёна шеърлят намояндаларидан бўлган улуғ шоирлардан бири номи юқорида эслатилган **Санойи Ғазнавий** эди. Бу шоир ҳақида Тожикистонда яхшигина ишлар қилинган. Кароматулла Олимовнинг Санойига бағишлаб ёзган монографияси бор. Абдурраҳмон Жомий (4,109) ва Алишер Навоий (7,168) уни хожа Юсуф Ҳамадоний муридларидан эди, дейдилар. Санойи аввалида Ғазнавийлар саройида мадҳиябозлик билан шуғулланарди, кейин сўфийликка интилди. Бу ўзгаришни Навоий бундай шарҳлайди:

Санойи султоннинг Ҳиндистондаги бир юришида иштирок этиб, бир мажзуб (аллоҳ ишқида маст сўфий) кишини учратиб, унинг таъна-маломатларини эшитди. »Шунда унинг ҳоли мутағаййир бўлди ва у лойхўр (мажзубнинг лақаби) танбеҳи била ғафлат мастлигидан айрилиб, йўлга қадам қўйиб, сулукка машғул бўлди» (7,168).

Шу тариқа, Санойи ғирт маддоҳликдан соф тариқатга қадам ранжида қилиб, сўфий бўлди ва ижодини сўфиёна шеърларга мойил этди. Шу мезонда у «Ҳадиқат ул-ҳақойиқ», «Сайр ул-ибод» номли машҳур сўфиёна китоблар ёзди. Жомий унинг 180 байтдан иборат «Роия» номли сўфиёна оҳангда битилган махсус қасидасини ҳам эслатиб ўтади (4, 112). Санойи шеърлари умумий орифона оҳангда ёзилган шеърлардир. У бирон-бир ҳалқага мансуб ёки зикр усулидаги бирон зинани ўтган сўфий эмас. Аммо у сўфиёна тушунчалар орқали

фано, бақо, мақом, ҳол, жазаба, муҳаббат, манзил, зот, парда ҳақида сўзлаб, тасаввуфона ғояларни баён этишга журъат қилган шоир эди. Зарринқўб Санойӣ ғазалларидан қаландарона оҳанг кашф этади (6, 209). Демак, Санойӣ ХІ асрда алоҳида мақомга эга бўлган сўфийларнинг қаландария маслагига майл қилиб, у гуруҳнинг талабига хос ва мос шеърлар ёзишга ҳаракат қилган.

Санойидан кейин яшаган иккинчи сўфий шоир **Фаридаддин Аттордир**. Аттор «Тазкират ул-авлиё» асари туфайли тасаввуф оламида муҳаққиқ олим сифатида ном чиқарди. У тасаввуф дунёсида донг таратган мутасаввиф арбоб ва забардаст шоирдир. Жомий (4,115) ва Навоий (7,169) уни шайх Мажидиддин Бағдодийнинг шогирди дейдилар. «Аттор» тахаллусининг боиси эса унинг атрфурушлик дўкони ва шу касб билан боғлиқ тушунчадир.

Навоийнинг ёзишича, бир куни Аттор дўконига бир дарвеш келиб у билан савол-жавоб уюштиради ва пировардида айтади: бу мол-дунё билан дунёни қандай тарк этасан? Аттор дейди: «Сен қандай тарк этсанг, мен ҳам шундай». Дарвеш шу онда ёғоч косасини боши тагида қўйиб ётди ва оламдан ўтди. Бу ҳодисани кўрган Аттор «дўкон ва анда доғи ҳар не бор экандур барҳам уриб, тариқатга кирди» (7,170).

Бундан сўнг Аттор тариқати бирданига шундай ривожланиб кетадики, зимдан аналҳақ муаллифи Мансур Ҳаллож даражасига етиб боради. Шунда Жалолиддин Румий бу борада илдамона хулоса чиқариб айтиб ўтадики, шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра шайх Фаридаддин Аттор руҳига тажаллий қилди (7,169).

Шу тариқа, Аттор ўз даврида иккинчи Мансур Ҳалложга айланган ва аналҳақ ғоялари билан яшаган устоз сўфий эди. Бу унвон у учун катта ифтихор ва олий шухрат даражаси бўлганди. Румийнинг ҳурмат-иззати Атторга нисбатан жуда баланд эдики, мазкур тавсифдан сўнг ёш навқирон йигит Маккага бораётганида Нишопурда қариган бузрук шайх суҳбатига эришади ва Аттор унга «Асрорнома» китобини тақдим этади (4,114). Навоийнинг эслашича, «Мавлоно доим ул китобни ўзидан айирмай ўзи била асрар эрмиш ва ҳақойиқ ва маориф адосида иқтидоси аларгадур» (7,170).

Атторнинг кейинги қисмати фожиали якунланди. У 1221 йилда 104 ёшида муғуллар дастидан ҳалок бўлди. Шайх Атторнинг сўфиёна ғазалу рубоийлари сон-саноксиз ва улар девон шаклида йиғилган. Бундан ташқари «Асрорнома», «Илоҳийнома», «Хусравнома», «Мусибатнома», «Мухторнома», «Мантиқ ут-тайр» ва ҳақозо дostonлари бор. Атторнинг сўфиёна фалсафаси «қатра -дарё бўлур, томчи денгиз бўлур». Яъни, Аттор оламини жузъ ва кулдан иборат деб билади. Жузъ эса руҳан ривожланиб кулга айланади. Аслида олам кулдан-аллоҳдан таркиб топиб унинг нури жузъларга жиололанган. Жилолар йиғилиб ўз манбаига табдил бўлиши, қайтиши табиий.

Жузъ ва кулл ғояси эса Атторнинг барча асарларида баён этилган. Жумладан «Асрорнома» нинг кейинги байтлари бунга мисол бўла олади:

Чаро дар дарди сурат мубталойи?

Чу ту сурат фиканди, кулл-худойи.

Яъни: нимага жисм қолипни (зиндони)га мубтало бўлиб ётибсан? Билгилки, агар қолипни бартараф этсанг, сен куллга айланасан, яъни худо бўласан.

Ҳақиқат чист? Аз жон бигзар, эй дўст!

Чу диди ин замон, Аттор, кулл ўст.

Яъни: ҳақиқат нимадир? Жондан айрилишни унда билгил, эй дўст! Бу ҳодисани билганинг заҳоти, эй Аттор, англагилки, сен кулл бўлибсан, яъни уни-куллни топибсан.

Инсон-сурат, аллоҳ унинг руҳидир, дейди Аттор. Жузьлардан иборат руҳлар куллга айланиб, аллоҳлик мартабасини топади. Бунинг учун риёзат чекиб, руҳ тарбиясига интилиб, қолипни бартараф қилиш керак ва жондан айрилиб, яъни фано топиб ҳақиқатга восил бўлиш зарур бўлади. Яъни сен-қатра дарёга қўшилиб куллият топасан. Бу Аттор тарғиб ва ташвиқ этган бирлик ва ваҳдоният ғояси эдики, жузъ ва кулл принципи билан ифодаланади ва унинг қуйидаги сўфиёна формуласига замин яратди.

Атторнинг қуйидаги сўфиёна формуласи «биз аллоҳни ҳамма жойда ҳозир нозир деб биламиз» деган таълимотдир. Мазкур ғоя ҳамма нарса аллоҳдан иборат деган фикр бўлиб, барчахудойлик-пантеистик таълимотга асосланган ғоя ҳисобланади. Шундай қилиб пантеист Аттор аналҳақ ғоясидан ваҳдат ул-вужуд ғоясига ўтиб кетади ва оламни воҳид, воҳидни аллоҳ ва барча бошқа мавжудотларни унинг партави (акс нури) деб билади.

Улуғ шайхнинг бу таълимоти унинг «Мантиқ ут-тайр» асарида равшанроқ ва ёрқинроқ ўз ифодасини топган. Қуш образидаги солиқлар шайх (худхуд) йўлбошчилигида тариқат зиналаридан ўтиб камолотга эришадилар ва шу мақомда ўзларидан бошқа ҳеч бир нарсани кўрмайдилар. Чунончи, улар босиб ўтган водийлар ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақр ва фано бўлади. Худойни излаган солиқлар ўзларини унинг тимсолида кўрадилар ва улар англайдиларки, барча кўринадиган ва ғойиб нарсалар худодир, жумладан ўзлари ҳам шу доирага кирадилар. Бу пантеистик яъни, ҳамма нарсада аллоҳ жилва қилади деган қараш бўлиб, Аттор ижодида ўз жилоси билан зухур этади ва унинг бу ҳалқаси кейинчалик анъанага айланади.

Жумладан «Мантиқ ут-тайр» оҳангида ёзилган улуғ Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида ҳам айнан шу ғоя талқин этилади (11,394). Аммо ушбу ғояни тажаллий, яъни аллоҳнинг жилваланиши тушунчаси

билан чегараламай, уни бирлик ва ваҳдоният ифодаси деб билиш айни муддаодир. Зеро, ҳар иккала мазкур адиблар ҳам қушларнинг ваҳдоният топиши туфайли бирлик назариясига тўхталиб уни илгари сурадилар ва ифода этадилар.

Аттор ва ундан кейин бошқалар, хусусан, ҳазрат Навоийнинг бирлик ва ваҳдат ул-вужуд ғоясига асосланган таълимоти расмий шариат ва унинг негизида шаклланган калом илми ва унинг намояндалари-мутакаллимлар ақидасига ҳамоҳанг эмас. Каломчилар аллоҳни сирли мавжудот деб билиб, унга холиқ сифатида иймон келтиришни талаб қилардилар ва бу шариат қонун-қоидалари билан мувофиқлаштирилган ғоя эди. Улар оламни аллоҳ зухуроти эмас дердилар ва табиийки, ашёларда ойнадек аллоҳнинг кўринишига инкор кўзи билан қарардилар. Бас шундай экан, Ибн ал-Арабий, Аттор, Навоий, Жомийларнинг мазкур таълимоти шариат ва каломга нисбатан катта инсоний ва ҳаётӣ аҳамият касб этган ва схоластик илмлар қаршисида дунёвий илмларнинг ривожига алоҳида урғу берган.

XIII асрда яшаган тасаввуф тариқатининг яна бир етук адиби **Мавлоно Жалолиддин Румӣ** Санойӣ ва Аттордан кейин дунёга келган ва ўзини улар яратган таълимотни давом эттирувчилардан бири деб биларди ва айтарди: Аттор руҳ буду Санойӣ ду чашми ў-мо аз паси Санойӣу Аттор омадем (мазмуни: Аттор руҳ эдию Санойӣ унинг икки кўзи, Бизни эса Санойӣ ва Аттордан кейин дунёга келган издош деб билгил).

Бу улуғ инсон ҳақида жуда кўп мақола ва рисоалар ёзилган. 2001 йилда Мавлононинг ҳаёти, ижоди ва орифона фаолияти ҳақида Муҳаммад Истиломийнинг яхшигина рисоласи ўзбек тилида нашрдан чиқди (таржимон Жаъфар Муҳаммад). Мавлоно ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун ушбу рисолага мурожаат қилиш айни муддаодир. Биз бу ўринда Мавлононинг айрим шеърлари ва манбалар асосида ўз фикрларимизни ижмол тарзда баён этамиз.

Мавлоно Румӣ 1202 йилда Балхда таваллуд топти. Навоийнинг ёзишича «беш ёшидан ғайби сувар ва руҳоний ашкол унга зоҳир ва мутамассил бўлурлар эрмиш» (7, 147). Олти ёшида болалар билан том устида ўйнаётганида мўъжиза юз бериб, у ҳавога кўтарилади ва яна қайтиб тушади. Ҳажга борганида Нишопурда қария шайх Аттор билан учрашади ва шайх суҳбатидан баҳраманд бўлади. Ҳаждан сўнг Рум-Қунияга йўл олади ва ул жойда қолади. Шу сабаб «Румӣ» тахаллуси билан шуҳрат қозонади.

Румӣ тасаввуф дунёсида мисли кўрилмаган бир денгиз сифатида зухур этган зот эди. Унинг таълимоти «Маснавийи маънавий» номли бузрук ва табаррук китобда акс этган. Мавлоно Аттор каби сўфиёна жуз ва кулли ёқлайди ва пантеистик-барча нарсада аллоҳ жилваси мавжуд деган маслакни тарғиб этади. Жамики мавжудот, жумладан

инсон ҳам аллоҳ нури билан жилваланган ва аллоҳдан илдиз олади, дейди улуғ шайх, яъни унингча, барча мавжудот, жузлардан иборат аллоҳдир. Шу боис улар камол топиши ва кулл бўлиш учун ҳамиша ҳаракатда. Агар камол топсалар, ваҳдат топадилар ва бирликнинг ҳосиласи ҳам шу бўлади. Бизнингча, пантеист Румий таълимотида барча мавжудот ва инсон ҳам эманация орқали зотдан ажралган деб ҳисобланади. Шунинг учун Мавлоно доимо жудоликдан, айрилиқдан тўлиб-тўлиб шикоят қилади ва асл зотга, асл нусхага қайтишни хоҳлайди. Мана унинг фалсафаси бу ҳақда:

Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,
 К-аз жудоиҳо шикоят мекунад.
 К-аз найистон то маро бубридаанд,
 Аз нафирам марду зан нолидаанд.
 Ҳар касе, к-ў дур монд аз асли хеш,
 Боз жўяд рўзгори васли хеш (12,5)

Яъни:

Найдан эшитгил унинг ҳикоятини:
 Айрилиқлардан шикоят қилаётир:
 Ул лаҳзадаким мени найистондан кесиб жудо қилдилар,
 Барча эркагу хотин менинг фарёду фиғонимдан нола
 қилурлар.

Ҳар кимки ўзининг асл зотидан узоқлашган бўлса,
 У албатта асл зотига қайтишни хоҳлайди.

Демак, зотдан сифатлар ажралган бўлиб, зот сифатларни яратган ва сифатларга унинг нури таралгандир. Сифатлар эса зот бўлмоқчи ва шунда улар доимий ҳаракатдадирлар. Булар жуз ва кулл, пантеистик ва эманация ғоялари эди. Буларнинг ҳаммаси бир воҳид бўлиб, у ҳасти-борлиқ деб номланади. Румий мана шу ғоялардан таълим беради ва унинг бу назарияси кейинчалик мавлавия силсиласи деб номланди ва ўзига издошлар пайдо этди.

М.Ҳазратқулов эса Мавлоно ҳақида умумий сўз юритиб, унинг мазкур шеърдаги «най садосини айни вақтда унинг сўфиёна ҳаёти ва руҳий ҳолатини ифодаловчи» манба деб билади (26,111). («Нафири найи ў, дар айни ҳол, зиндагии сўфиёнаи шоир, холи руҳии ўро нишон медиҳад»). Ваҳоланки, айтганимиздек, най айрилиқ (холиқ) дан ва асл зот (васл)га қайтишдан аниқ ва равшан садо чиқаради ва умр бўйи уни машқ қилиб юради.

Мавлоно сифатнинг зот томон ҳаракатини ишқ манбаида кўради. Шу билан у олами, куллни ишқдан иборат деб билади ва уни маъшук деб ҳисоблайди. Солик-ошиқлар эса ишқ туфайли камолга эришади. Бу сўфиёна муҳаббат ҳол даражасига мансуб бўлиб, қадимдан тасаввуфнинг бош ғоясига айланиб кетганди. Маъшук, аллоҳ, ошиқ солик ва соликнинг ўз аслига қайтиб бориши унинг бирлик топиши

ифодаси бўлиб, оламнинг воҳидлиги ва ягоналигига хос ғоядир. Бу назария Румий фалсафасида бундай ифода этилади:

Оташи ишқ аст, к-андар най фитод,
 Жўшиши ишқ аст, к-андар май фитод.
 Жумла маъшуқ асту ошиқ пардае,
 Зинда маъшуқ асту ошиқ мурдае (12,5-6)

Яъни:

Ишқ оловидан найга садо тушди.
 Ишқ оташидан майга оташ тушди
 Ҳамма нарса маъшуқдир, ошиқ бир парда,
 Маъшуқ тирикдиру ошиқ бир мурда.

Румийнинг тирик маъшуқи-аллоҳ. Ошиқ-солик унинг олдида ҳеч нарса, у мурдага ўхшаган ҳиссиз бир жонзот, тана. Бу мурдасимон ошиқ фақат ривожлангани ҳолда ўз маъшуқини топади, шунчалик жўшқин ва жонкуяр ишқ орқали мақсадига муяссар бўлади. Ишқ эса ошиқ ва маъшуқни бирлаштирадиган улуғ бир куч ва манба. Бас шундай экан, Жалолиддин Румий бор куч-қуввати билан муҳаббатдан сўз очади ва ҳаётдаги, ердаги реал муҳаббатга илоҳий ишқни қўшиб, ишқ мўъжизасини қадрлайди ва қутлайди. Аслида инсон унинг аллоҳи эди ва инсон таърифини аллоҳ таърифи деб биларди. Бу борада у айтарди:

Онҳо, ки талабгори худоед, худоед,
 Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед.

Яъни:

Эй сизлар, худони изловчи кишилар, ўзларингга бир қаранглар, ўзларинг худодирсизлар, худодирсизлар, Сизлардан ташқари ҳеч нарса йўқ, ахир ўзларинг бор, ўзларинг.

Бу сўзлар аллоҳнинг инкори эмасди, балки инсон ва аллоҳнинг бирлигини ифода этувчи тушунчадир. Шунда инсонни таърифлаш аллоҳнинг таърифи эди ва инсон эса ўз вужудида худони кўради, холос. Бу бирлик ва воҳидликка хос ғоя бўлиб, пантеистик руҳда ифода этилган сўфиёна таълимотдир.

Жалолиддин Румий ғазалининг кейинги байтида ҳам мазкур фикрнинг ривожини кўрамиз:

Эй қавми ба ҳаж рафта, кужоед, кужоед?
 Маъшуқ дар ин жост, биёед, биёед!

Яъни:

Эй ҳажга борган қавм намояндалари, қаерда сизлар, қаерда?
 Маъшуқ бу ердадир, келингизлар, келингизлар!

Бу байтда шариатга нисбатан эътирозли фикр баён этилган. Тариқат арбоби шариатга хос рукн-ҳажни писанд-манзур қилмайди. Унга маърифат зинасидаги маъшуқа муҳаббати ҳаммадан афзалдир. Бу ўринда ҳам бирлик ва пантеистик ғоя таъкидланган. Аллоҳ ҳамма ерда

мавжуд; Маккада ҳам, Румда ҳам, уйда ҳам. Уйда у билан бўлиб, у билан яшаб, ўз тимсолида уни ҳис этиш асл мақсадга эришиш демақдир. Шу тариқа, Румий аллоҳ билан яшарди, уни севарди ва инсон билан уни бир ваҳдат деб биларди; унингча, кўкдаги маъшуқа ердаги нозанин сифатида зуҳур этарди.

Бу севги ва жазаба Румий ижодида асосан рақсу самоъ орқали ифода этилади. Яъни Румий шайх Абулҳасан Ҳараконий ва шайх Абусаид Абулхайрларга ўхшаб (улар ҳақида илгарироқ сўз юритган эдик) сўфиёна самоъ тарафдори эди ва уни зикр усули деб биларди. Муסיқа, рақс, ашула, телба-тескари ҳаракатлар, ҳайқириқлар, таронахонлик, сурудхонлик, майин хонишлар, айтишувлар, чилдирма ва най садолари Румийга илҳом бахш этарди ва у шу ҳолатда ўзини йўқотиш даражасида кўриб, фано даргоҳига тушарди. Шунда у ҳақ таоло дийдорини, унинг акс нурина кўриш ва ҳис этишга муваффақ бўлиб, сўзсиз бирлик даражасини топарди ва зот билан сифатнинг ваҳдониятига иймон келтирарди.

Мавлононинг муридлар даврасида ижро этган рақс усуллари «чарх урувчилар» рақси, яъни айланма рақслар деб ном олганди ва хусусан «Мавлононинг кейинги издошлари чарх урувчи дарвешлар (дарвешони чархон)» номи билан шуҳрат қозондилар (26,116).

Эслатиб ўтамизки, сўфиёна рақсу самоъ ва муסיқий оҳанг шайх Ҳараконий, шайх Абусаид ва Румийлар анъанасига айланиб кетади. Ҳанузгача уларнинг мақбаралари қошидаги хонақоҳ ва ҳужралардан сўфиёна суруд, ўйин-кулги, хусусан най садосини эшитиш мумкин.

Шу тариқа, Румий аллоҳ зотига интилиш воситасини руҳбаландлик ва хурсандчилик туйғулари билан боғлайди. У рақс, ўйин, кулгу, завқли ҳаракатлар ва сурур билан аллоҳ даргоҳига йўл топади ва шу тартибда Аттор ва Ибн ал-Арабийга ўхшаб инсон омилини улуғлашга, бирлик ва ваҳдат ул-вужуд ғояларини қадрлашга, яъни гуманистик ва инсоний ғояларга риоя қилишга интилади ва уларни тасдиқлашга ҳаракат қилади. Бу чин орифона ҳиссиёт эди ва тариқат қоидаларига устивор бўлганди.

Аммо бунинг қаршисида Иброҳим Адҳам ва кейинги зоҳидлар, жумладан Хожа Аҳмад Яссавий ижодида зотга интилиш ҳижрон азоби орқали ифода этилади. Уларда хурсандчилик ўрнига дард, фиғон, ўлим, ўтар дунё, кетиш, қадрсизлик, ишонмаслик, қайғуриш воситалари ёд олинди, аллоҳ раҳм-шафқатини уйғотиш ва уни раҳбар, холик, соябон сифатида наът этиш муҳим аҳамият касб этадики, зоҳидлик маслагининг асл мақсади ҳам шунда бўлиб, шариат омилига асосланган чиқишлар сирасига киради.

Абдурраҳмон Жомий Жалолиддин Румийнинг орифона сўзларидан қуйидаги ривоятларни эслатиб ўтади: «Мавлоно Румий айтар эдилар: «мен ул жисм эмасманки, ошиқлар назарига тушиб

қолсам, балки мен ул завқ ва масрурликдирманки, муридлар замирида менинг сўзларимдан ҳосил бўлади» (4,88). Бу сўзларни ўқиганда ихтиёрсиз Мавлононинг қуйидаги байти хотирга тушади:

Баъд аз вафот турбати мо дар замин мажуй,
Дар синаҳои мардуми ориф мазори мо.

Мазмуни:

Вафотимдан кейин менинг хоқимни ер остидан изламанглар,
Зеро, билингларики, бизнинг мазоримиз орифлар зотининг
кўксидадир

«Шайх яқинларидан бирини ғам-аламга гирифтор ҳолда кўрди. Деди: «сенинг бу безовталигинг бу оламини яхши кўрганингдандир. Ул дамдаким, бу жаҳондан озод бўлсанг ва билгинки оқибат бошқа жойга борарсан, нотинч ва безовта бўлмайсан» (4, 88).

«Шайх деди: ҳақиқий мард улдурки, бирон киши уни ранжитса, у ранжимади ва ул киши жавонмарддурки ранжитган кишини ранжитмайди» (4, 89).

«Шайх Муайяддин Чандий шайх Садриддин тилидан айтди: бир куни хос эранлардан Шамсиддин Аюко, Фахриддин Ироқий, Шарафиддин Мавсилиий, шайх Сайид Фарғоний ва бошқалар ўтириб суҳбат қурган эдилар. Сўз мавлоно Румийнинг сийрат ва сурати ҳақида борди. Шайх Садриддин ҳазратлари дедилар: агар Боязид ва Жунайд бу даврда бўлсалар эди, бу эранлар эрани (Румий)нинг этагини тутардилар ва ўз жонларига миннат қўярдилар. Муҳаммадона фикр-ақиданинг хонсолори (дастурхонбошиси, кайвониси) у эди. Биз у туфайли завқ ҳолатига кирганмиз» (4,91).

УЧИНЧИ БОБ**ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ**

Марказий Осиёнинг энг буюк мутасаввиф арбобларидан эди. Эроннинг Ҳамадон шаҳрида дунёга келган бўлса-да, Марв, Бухоро ва Самарқандда нашъу намо топиб, Мовороуннаҳрда етук шогирдлар вояга етказиб, улар билан бирга сўфиёна ғояларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Таваллуд топган йили аниқ эмас, вафоти 1140 йилда Марв шаҳрининг ташқарисида рўй беради, сўнг жасадини Марвга олиб келиб дафн этадилар (7,124). Хожа Юсуфнинг куняти (фахрий унвони) Абуяъқуб. У ўсмирлигида Бағдодга бориб шайх Абуисҳоқ Шерозийнинг сўфиёна мажлисларида қатнашади ва у кишидан фикҳ илмини ўрганади (4,65). Кейин Самарқандга келади. Жомийнинг айтишича, «Бағдод, Исфаҳон ва Самарқандда самоъ ғояси билан шуғулланади» (ҳадиси самоъ кард) ва кейинчалик ибодату риёзат ва мужоҳада усулига юз ўғирди (4, 65).

Шундай қилиб, Хожа Юсуф тасаввуф оламига кириб келади. Жомий унинг сўфиёна нисбатини шайх Абуали Фарюмадийга пайванд этади. Хожа Юсуф зоҳиран бу шайхдан махсус таълим олган эди. Кейинги паллада Хожа шайх Абдуллоҳ Жувайний ва шайх Ҳасан Симнонийлар суҳбатига мушарраф бўлади. Бу суҳбатлар, учрашувлар ва муридлик касби Хожа Юсуфнинг сўфиёна қарашлари ва уларнинг шаклланишига катта таъсир этди.

Жомий (4,65-67) ва Навоий (7,124) Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг кароматли саргузаштидан машҳур шайх Ибн ал-Арабий тилидан

қуйидаги ҳикоятни келтирадилар: «шайх Муҳиддин Ибн ал-Арабий деярдди: 1205 йилда шайх Авҳадуддин Ҳомид Кирмоний Қуния шаҳрида менинг манзилимда бўлган эди. У айтди: Хожа Юсуф Ҳамадоний олтмиш йилдан кўпроқ шайхлик ва иршод (даъват) мақомида ўлтирган эди. Бир куни ўз зовияси (манзили) да ўтирган эдики, тўсатдан унда ҳовлидан кўчага чиқиш нияти пайдо бўлди ва шайхнинг бундай одати йўқ эди. Зеро, шайх фақат жума кунлари ташқарига чиқиб, бошқа кунлари хилватда бўларди.

Энди кўчага чиққан шайх қаерга боришини билмайди. У бир эшакка миниб, қаерга борса борсин деб унинг бошини қўйиб юборди. Эшак шаҳардан ташқарига чиқиб, шайхни бир вайрона масжидга олиб келиб тўхтади. Шайх масжидда муроқаблага ўтирган бир йигит билан рўпара бўлди. Йигит муроқабадан сўнг шайхга юз ўгириб ечими ўзига мушкул бўлган бир масалани сўрайди. Шайх унга жавоб беради ва сўнг бошига қийинчиликлар тушиб қолган пайтда йигитнинг шаҳарга боришини таклиф қилади. Йигитга шайх маслаҳати маъқул бўлади».

Ибн ал-Арабий мазкур ҳикоятдан қуйидагича хулоса чиқаради: «агар мурид ҳақиқий ва содиқ бўлса, у ўз хожасини ўзининг олдига келишини таъминлайди» Натижа шу бўладики, нафақат Хожа Юсуф, балки унинг тарбиясида бўлган муридлари ҳам зотан кароматли шахслар бўлганлар. Мурид ҳамиша Хожанинг хизматкори ва қули ҳисобланади. Аммо Хожа Юсуфнинг муридлари фазилати унинг даражасида эдилар ва улар ҳатто устозни ўз хизматларига жалб қилишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳодиса шайху муридлик дунёсида янги бир қоида ва унинг ижодкори Хожа Юсуф Ҳамадоний эди.

Мавлоно Жомий Хожа Юсуф ижодидан уч рисола эслатиб ўтади, булар: «Рутбат ул-ҳаёт», «Манозил ул-соирин» ва «Манозил ул-соликин». Хожанинг ўз даражасида бўлган шогирдлари ҳам жуда кўп эди. Жомий (4,67) ва Навоий (7,124) уларнинг энг машҳурларидан тўрт кишини ёдга оладилар. Булар Хожа Абдуллоҳ Барақий, Хожа Ҳасан Андақий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийлар. Бу инсонлар шогирдлик даражасидан ўтиб, Хожанинг халифа (ўринбосар)лик мансабига эришган эдилар. Шу боис бу халифалар Хожа билан биргаликда ҳалқа тузиб ва ё хонақоҳда ўтириб сўфиёна ғояларни тарғиб-ташвиқ қилишга банд эдилар («ин чаҳор дар мақоми даъват буданд»).

Мазкур тўрт киши орасида Хожа Аҳмад Яссавий гуруҳ сардори эди ва тарғибот асосан у орқали амалга ошириларди. Шу пайтларда Хожа Юсуф сўфиёна ташвиқот етказиш мақсадида Хожа Аҳмадни ўз ватани-Туркистонга жўнатиб юборади. Унинг жойини эса Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний эгаллайди. Бу инсон Бухоро ва Самарқанд атрофида даъват билан машғул бўлади. Сўфиёна иршод (даъват) мазкур хожаларнинг кундалик машғулоти эди. Бундан ўтиб буюк шайх

Хожа Юсуф мазкур шогирдлари билан **сўфиёна зикр** усулида алоҳида таълимот яратган эди. Уларнинг ҳалқаси **зикри жория ёхуд жаҳрия** деб номланарди. Шайх муридлар ҳалқасида туриб, бирданига ҳайқириб зикр мавзусидаги сўзларни махсус оҳанг ва садо билан такрор қиларди, муридлар эса нақоратга ҳамроҳ бўларди. Шу тариқа, жаҳр ҳолати важди ҳаяжон ва жазаба билан ўтарди, табаррук сўзлар унга куч ва қанот бахш этарди. Шу усуллар орқали шайх иршод (даъват)га, табобатга, тарбияга интилиб, ўзидан кароматлар кўрсатарди.

Жаҳрия тариқатига асосланган бу зикр усули шайх Абусаид Абулхайрнинг рақсу самоъ тариқатига ҳамоҳанг эди ва шу боис Жомийнинг «ў ҳадиси самоъ кард» (самоъ усулидан хабар топти) дегани мазкур фикрларга ойдинлик киритади. Яъни Хожа Юсуф жаҳрия ёхуд жория усули орқали рақсу самоъ ҳикматидан хабардор шайх эди ва бу унинг орифона тимсолини намоён этарди. Аммо шуни ҳам эслатиб ўтамизки, Хожа Юсуф зоҳидона тариқат ва шариат мақомларидан нари ўтмаган эди. У йиллар давомида хонақоҳ ва хилватда риёзат ва ибодат билан ўтирди. Диний ибодат ва аллоҳ йўлида риёзат чекиш унинг асосий машғулоти эди. Хожа Юсуф шариат қонун-қоидаларига бош эгиб, уларни бажонидил бажарарди ва аллоҳ жамолини кўриш орзусида умр бўйи ҳаракат қилди. Бу амал ва орзу-истак зоҳидона сунний тасаввуфнинг ғояларига асос соларди.

Шу тариқа, Хожа Юсуф Ҳамадоний XII асрда Марказий Осиёда яшаб ижод этган забардаст сўфийлардан эди; шариат ва тариқатда мислсиз даражалар топган буюк шайх ҳисобланарди. Унинг сўфиёна даъват ва ташвиқоти пандомуз ғоялар билан суғорилган бўлиб, инсон зотини яхши йўлга, яхши одоб-ахлоққа сафарбар этарди. Бу ғояларнинг ҳаммаси унинг машҳур халифаси Хожа Аҳмад Яссавий ижодида ўз аксини топди ва ёрқинроқ намоён бўлди.

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

Хожа Аҳмад Яссавий туркий оламининг машҳур ва забардаст тасаввуф арбоби. Туркона соф тасаввуфона шеърӣ ғоялар шу зотнинг ижодидан бошланди. Зеро, XII асргача Туркистон минтақасида шайхулмашойихлар яшаган бўлсалар-да¹, аммо туркий тилда соф

¹ Бу ыринда «Туркистон минта=аси» деганимиз шозирги Туркистон вилояти билан бо\ли= шудуд былиб Мвароуннашр ылкаси эмас. Зеро XI асргача Мвароуннашрда яшаган шайхулмашойихлар сон сано=сиз. Бу ылканинг энг =адимги беназир шайхларидан «Тазкират ул-авлиё»да (23, 236, 360, 365, 525) шайх Абубакр Шиблий, Абутуроб Нахшабий, Мушаммад бин Али ал-Шфким ат-Термизий, Абубакр Варро= Термизий ва «Кашф ул-Мащжуб»да (3, 217) X-XI асрларда яшаган шайхлардан Хожа Имом Ма=бул Хос, Имом Абужафар

сўфиёна шеърий оҳанглар хийла кам янграган эди. VIII аср сўфийси Иброҳим Адҳам саргузашти билан боғлиқ ва шеър билан безатилган ўзбекона қисса эса кейинги асрлар маҳсули эди. Шу боис туркона сўфиёна шеърий ижод маҳсули ва уларда кенг кўламда тарғиб-ташвиқ этилган тасаввуфона мазмунлар қарийб илк тартибда девон ҳажмида Хожа Аҳмад Яссавий ижодидан сарчашма олди.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат» да бошқа шайхларга нисбатан Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижодига камроқ тўхталади. Аммо шу қисқа маълумотда шайх ҳаётининг асосий йўналишлари ойдинлаштирилган. Бундан ташқари Яссавийдан етиб келган катта ҳажмдаги «Девони ҳикмат» да шайх ҳаётига оид материаллар хийла кўп топилади. Айтиш керакки, шайхлардан кўп китоблар етиб келган бўлса ҳам «Девони ҳикмат» каби тўлиқ ва аниқ шеърий маълумотга эга асарлар кам учрайди ва шу сабаб «Девони ҳикмат» нафақат адабий манба, балки илмий-биографик асар сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади ва жуда қимматли ёдгорликдир.

Яссавийнинг ҳаёти ва ижоди «Девони ҳикмат» ва манбалар асосида XIX асрдан бошлаб илмий тадқиқотга тортилди ва ушбу изланишлар ҳанузгача давом этиб келмоқда. Бу ҳақда хусусан ўзбек олимлари Абдурахмон Саъдий, Фитрат, Эргаш Рустамов, Иброҳим Мўминов, Воҳид Зоҳидов, Натан Маллаев, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз эса «Девони ҳикмат» ва манбаларнинг янгича талқини асосида улуғ шайхнинг тариқати ва сўфиёна таълимотига оид мулоҳазаларимизни янгича бир назар билан тақдим этамиз.

Хожа Аҳмад Яссо² ёхуд Туркистон шаҳрида XI асрнинг иккинчи ярмида таваллуд топган. (Туққан ерим ул муборак Туркистондин) (24,71). Навоийнинг тасдиғи бу борада шундай: «Ва онинг мазори Туркистонда, Яссо деган ердаки, анинг мавлуд ва маншаидур, воқеъ бўлбтур» (7, 153).

Аммо адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов Аҳмад Яссавий «Сайрамда таваллуд топган» деб айтиб ўтади. (24,5). Хожа Аҳмаднинг таваллуд топган йили ҳалигача аниқ эмас. Вафотлари 1166 йилда Туркистонда

Мушаммад бин Шўсайн ал-Шўрабий, Имом Шўв=атий, Хожа Фа=ещ Абумушаммад Босфарий, Хожа Ориф, Али бин Исҳо= ва бош=алар рыйхат =илинган. Аммо шуни шам айтиш керакки, улар ижодидан шеърлар са=ланган бўлса шам, девон шажмида битилган туркона сўфиёна оҳанглар шалигача топилгани йи=.

² Мазкур сўзнинг асли «Яссо», аммо у арабча «Ясси» ёзилади-ю «Яссо» ёзилади. Чунончи «аъло», «Лайло» сўзлари шам худди шундай «аъли», «лайли» ёзилади-ю «аъло», «лайло» тарзида ёзилади. Лекин асарларимизда мазкур сўзнинг ёзилиш шакли унутулиб кетган. Шўрдан кыра кеч бўлса шам биз сўзнинг ты\ри шаклидан фойдаландик.

воқеъ бўлган ва Яссода дафн этилган. Яссо Хожа Аҳмад номи туфайли ҳалигача табаррук ва авлиё нафаси уфурган жой ҳисобланади ва Навоийнинг таъкидича ул жой ва унинг эгаси «Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир» (7, 153).

Шайхнинг муборак номлари «Аҳмад», шайхона олий унвони «Хожа» («Отим Аҳмад, Туркистондур элим менинг» (24,94). «Девони ҳикмат» да шайх бир ёшидан олтмиш уч ёшигача бўлган ҳаёт йўли ва фаолиятини айтиб ўтади. Отаси Иброҳим исмли эшон эди. Ота Аҳмад ёшлигида оламдан ўтган ва у етти ёшида Арслонбобо номли покнафас инсоннинг тарбиясини олган («Етти ёшда Арслон бобом бердим салом» (24,45); «Етти ёшда Арслон бобом излаб топди» (24,54). Бу инсондан кейин Хожа Аҳмад пир излаб Бухоро-ю Марвга боради ва Хожа Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушади. Бу шогирдлик эса аста-секин уни шайхнинг муносиб издоши даражасига кўтаради ва шу боис шайх уни сўфиёна ғояларни тарғиб қилиш учун яна Туркистонга ўзининг маъво ва манзилига жўнатиб юборади.

Шу тариқа, Яссавий етук шайхлик мақомини эгаллаб, жуда кўп муридларга раҳнамолик қилади; Туркистон ва унинг атрофидаги авом аҳолига сўфиёна диний ғояларни тарғиб қилишга тун-у кун машғул бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Хожа Аҳмад Юсуф Ҳамадонийга шогирд тушгач, кўп ўтмай Ҳамадоний руҳида тарбияланаётган шогирдлари-Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Абдуллоҳ Барақий, Хожа Ҳасан Андақийлардан ўтиб кетган эди. Шу боис у халифалик-ўринбосарлик рутбасини топгандан сўнг Ҳамадоний уни ўзидай олий мақомат даражасида кўриб, унга ишониб махсус диний даъват учун уни Туркистонга юборади ва Хожа Аҳмад Туркистонга келиб пир ишончини оқлайди, бу ердаги барча авом аҳолини шариат қонун-қоидаларига бўйсундиради. Бу Хожа Аҳмаднинг юрт назаридаги катта хизмати бўлади.

Хожа Аҳмад Яссавий бу орада ҳажга боради ва Марказий Осиё, Эрон, Арабистонни кезиб чиқади. Кўп шайхлар, азиз авлиёлар ва машҳур руҳонийлар билан учрашади. XII асргача Туркистон ўлкаси ҳақида хотиржам сўзлаганлар, энди уни ҳаяжон ва эҳтирос билан тилга оладилар; уни табаррук ўлка сифатида қайд этадилар. Бу эса муборак Хожа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ эди. Унинг номи XII асрдан кейин Туркистонни авлиёлар манзилига айлантирди. Яссавий кароматлар ва мақоматлар билан яшарди ва барча туркистонликлар унга ихлосу эътиқод қиларди. Шу ҳодиса, яъни Яссавийнинг фавқуллодда обрўйини назарда тутиб Навоий у ҳақида бундай ёзган эди: «Туркистон мулкининг шайхул машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, каромати мутаволий ва номаҳсур эрмиш. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш» (7,153).

Бундан сўнг Хожа Аҳмад Яссавий хизматида бўлган қатор шогирдлару муридлар нафақат шайхлик мансабига эришадилар, балки жуда кўп ном чиқарган шайхлар ҳам унинг суҳбатига ноил бўлиш мақсадида Яссога келардилар ва шайхул машойихдан сабоқ олиб, унинг дуосига мушарраф бўлардилар. Навоийнинг қуйидаги ишораси шу ҳақда: «Ва рўзғор машойихидин кўп бузруквор анинг тарбиятин топибдурлар ва шайх Разииддин Али Лоло шайхи бузруквор шайх Нажмиддин Кубро хизматида етардин бурун Хожа Аҳмад Яссавий хизматида бўлуб эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди била сулук қилибтур» (7, 153). Хожа Аҳмад Яссавий мана шундай шайхларга раҳнамолик қилган замонасининг буюк шайхи ва қофиласолор (қофила бошлиғи) мутасаввифи эди. Унинг тариқати ҳақида фикрлар кўп. Шўролар даврида бу зот кўпинча реакцион мистик ва диний ғоялар тарғиботчиси деб танқид қилинди. Мустақиллик даврида хожа ҳақида янгича фикрлар пайдо бўлиб, муносабатлар тубдан ўзгарди ва унинг ижодига муносиб баҳо бериш бошланди. Аммо илҳом ва ҳиссиёт билан айтилган бу баҳоларда қисман муболаға ҳам мавжуд. Навоий Хожа Аҳмад тариқати борасида ошкора тарзда ҳеч нарса айтмаган бўлса-да, унинг таърифидан бу ҳақда тегишли маълумот олиш қийин эмас. Лекин бу масалани хожанинг «Девони ҳикмат» идаги шеърлари батамом ойдинлаштиради.

Шундай қилиб, Хожа Аҳмаднинг тариқати яссавия ҳалқасига оид силсилани ташкил этади. Бу тариқат қадимги тайфурия, жунайдия, ҳакимия, ҳалложия, нурия ва ҳакозо тариқатлар каби муҳокамага асосланмаган бўлиб, билъакс зикр усулига таянган таълимот эди. Масалан қудамо (қадимийлар) мукошафа ва мушоҳада мақсадида оллоҳ томон руҳониятга берилиб, тариқат мақомлари ва ҳол зиналарини босиб ўтиш билан бирга, янгича тушунчалар, жумладан суқр (мастлик), саҳв (хушёрлик), валоят (валийлик), аналҳақ (мен ҳақ), жамъ ва тафриқа, суҳбат ва ҳакозо каби ҳалқаларни ҳам илгари сурган бўлсалар-да, Яссавий, Румий, Аттор, Абусаид жаҳр, нола, сафар, самоъ каби зикр йўлини кўрсатдилар ва бу усуллар билан ҳам улар аллоҳ жамолига мушарраф бўлиб, ваҳдатга эришишни баён этдилар. Хожа Аҳмаднинг шу зикр усулига асосланган тариқатининг замирида жаҳр ҳайқириғи ётади ва кейинчалик жаҳрия номи билан шуҳрат топти.

Жаҳриянинг моҳиятини нидо ва ҳайқириқ ташкил этади. Муридлар шайх атрофида ҳалқа ва тўда бўлиб, симфоник жўр овоз билан аллоҳга зикр бажо келтириб, муножот қилардилар. Агар қиёслаб айтсак, самоъда ҳалқа тузиб рақс қилсалар, сафарда гуруҳ бўлиб йўлга тушардилар, нолада жудоликдан лаб очиб, бирликка интилардилар, суқрда майхона ва хароботда маст (бехуд) ётардилар, аналҳақда густохлик билан шатҳиёт гаплар айтардилар ва ҳакозо.

Яссавийнинг мазкур жория ёхуд жаҳрия тариқати унинг устози Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотидан сарчашма олганди. Зеро, бу зикр усули аслида Хожа Юсуф томонидан кашф этилган ва тажрибага олиб киритилган таълимот эди. Зикри жория хонақоҳда ва ундан ташқарида ижро этиларди. Кўпинча даъват вақтида ундан фойдаланардилар. Хожа Юсуф Ҳамадоний ва шогирдлари жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий халқ орасида сўфиёна диний ташвиқот билан машғул бўлганларида кароматга асосланган зикри жория уларнинг мушкулини осон қиларди.

Булар масаланинг ҳали зоҳирий томони эди. Унинг ботиний томони Яссавийнинг илмий асосланган тариқати нимадан иборатлигида зоҳир бўларди. «Девони ҳикмат»даги шеърлар шуни кўрсатадики, Яссавий ҳақиқатан ниҳоятда сўфиймашраб зот бўлиб, биринчи галда барча шайхларга ўхшаб тасаввуфнинг асосан шариат босқичида мақом ва манзил тузиб, кейин тариқат ва маърифат сари йўл олган зотдир. Лекин у бошқалар каби шариатдан зудлик билан озод бўлолмай унга берилиб кетади. Жумладан у шариат зинасида ўзини ҳақиқий шариатпаноҳ сиймо сифатида кўрсатади ва жамики шариат талабларини жон-дили билан бажаради ва таъриф-тавсиф этади. Чунончи, у сидқидилдан аллоҳга тавба қилади ва бошқаларни ҳам шу йўлга даъват этади. («Гуноҳингга тавба қилғил, эй бадкирдор!» (24,101) «Гуноҳингга тавба қилиб, йиғлаб юргил» (24,104; «Қул Хожа Аҳмад, бу дунёда тавба қилғил» (24,184). У доимий равишда тоат-ибодатга берилади ва аллоҳ йўлида зор-зор «йиғламакни одат қилади» («Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, йиғламакни одат қил» (24, 218); «Ҳаққа ёниб мўъмин бўлсанг, тоат қилғил» (24,112).

Шу тариқа, Яссавий тавба-тоат ва ибодат зинасида диний аҳкомлар ва шариат қоидаларини чуқур эгаллаб, назариётчи ва амалиётчи олимга айланади (Тирикликда дин навбатин яхши ўргил-24,175). Шу ўринда аллоҳга муножотлар қилиб пайғамбар ва унинг ёронларига илиқ гаплар айтиб, уларга иймон келтиради. Шу билан у шариат учун курашувчи шахс бўлиб қолиши ҳам табиий бир ҳодиса эди. Аммо бора-бора хожанинг тафаккури ўзгариб, у бошқа йўлга киради. Лекин бу ҳали у учун шариатдан воз кечиш дегани эмас эди. Хожа шариат замани (базаси)да фикрий ўзгаришларга берилади ва бу йўл уни ҳақиқий сўфийликка олиб келади.

Шундай қилиб, Хожа Аҳмад тариқатга йўл олади. Аммо бу зинада у ҳали орифлик томон ҳаракат қилмай, шариат билан қарийб тенг бўлган зоҳидлик даражасида қотиб қолади ва аввалида зоҳид бўлиб, шу таълимот тушунчаларини тарғиб этишга киришади. Хожанинг шариат замиридаги ўзгаришлари шариатга мос ва зоҳидлик ғояларига тенг эди, шу боис хожа Аҳмад зоҳидона ишларга берилиб кетади. Масалан:

Зоҳид назарида нафси аммора инсоннинг душманидир ва шу сабаб ундан воз кечиш ва уни енгиш талаб этилади. Яссавий шу йўлни танлайди (Нафс йўлига кирган киши расво бўлур (24,102); Қул Хожа Аҳмад нафсин тефтим, нафсин тефтим-24,71; Ҳозир сан деб нафс бошини янчдим мано-24, 47). Иккинчи, зоҳид киши ҳаққа интилиб, унга фано бўлиб, бақо топишни эмас, ҳақни холиқ ва бандаларни махлуқ деб билиб, ўзини ҳақнинг бандаси ҳисоблайди ва унинг дийдорига руҳ жисмни тарк этгандан кейин мушарраф бўлишни назарда тутди. Хожа Аҳмад Яссавий ҳам ушбу назарияни қўллаб-қувватлайди (Ҳар ким ҳақни қули бўлса, ҳаққа ёнсун-24,101; Бу дунёда яратилгон махлуқларга-24,172; Ҳаққа қуллуқ қилмадинг деб янчиб тепинг (24,57). Учинчи, фақирлик ва бенаволикка интилиш зоҳидларнинг мақсади эди. Улар қанча камбағал, қашшоқ ва хор-зор бўлсалар, шунча яхши эди. Улар тож-тахтдан (Иброҳим Адҳам), халифалар тақдим этган мол-мулкдан ва мансаблардан (Суфён Саврий) ва ҳатто ота меросини қабул қилишдан (шайх Шиблий) юз ўгирадилар ва уларни рад этиб, бир бурда ҳалол луқма билан яшашни ҳамма нарсадан афзал кўрадилар. Яссавий ҳам шу даражадаги зоҳид эди (Бу дунёда фақирликни одат қилгон, Қиёмат кун андоқ киши султон бўлур (24, 154).

Тўртинчи, зоҳидлар ҳақир ва хокисор бўлишни яхши кўрадилар. Ўзларини ниҳоятда паст ва камтар тутиш ва йўлдаги тупроқ билан баробар бўлиш улар учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Улар фақирликдан фахр қилиб, уни энг эзгу иш ва ҳаётнинг мазмуни деб билардилар. Хожа Аҳмад Яссавий эса ҳатто бошқа зоҳидлардан ҳам ўзини бунга ҳақлироқ деб ҳисобларди; у ниҳоятда камтар ва хокисор бўлгани боис ўзини тупроқ билан тенг кўрарди ва ҳатто олам уни босиб ўтишидан ҳам ор қилмасди (Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсин; Муҳаммаддек туфроқсифат ҳақир бўлсин) (24, 91).

Камтарлик Хожа Аҳмад Яссавийнинг энг гўзал одоби эди. Унинг мазкур биринчи мисраси бўйича яссавийшунослар орасида фикрлар хилма-хил. Биргина унинг таҳлилига хийла саҳифалар бағишланган. Аммо мисранинг асл мазмуни камтарликни эъзозлашдан иборатдир холос. Зеро, туфроқ ҳамма нарсадан пастда жойлашган ва уни ҳамма босиб ўтади. Мумтоз адабиётимизда туфроқ рамзи камтарлик тимсолидир. Масалан, «хоки сари роҳ шав» дегани «йўл устидаги туфроқ бўл» деганидир. Бу туфроқни истаса-истамаса ҳамма босиб ўтади ва хокисор киши ҳам шу даражадаги туфроққа тенгдир.

Бешинчи, таркидунёчилик билан шуғулланиш, дунёдан воз кечиш бошни олиб узоқ-узоқларга сафар қилиш, дунёни назарга илмасдан хилватда, ғор ва чиллахоналарда ёлғизликда умр кечириш зоҳидлик тариқатининг навбатдаги одоби эди ва буни ҳам Яссавий хуш кўрган (Дунё тепиб ҳақни суйгон топти мурод-24,191; Шариатда тажрийдур

дунёсини тарк этмак-Тарк этмайин дунёни ҳақни суйдим демасин-24, 227). Шу одатнинг давоми дунёнинг юнонча Ubi Sund таълимоти партави (акс нури) да пастга уриш, уни бевафо деб, мазаммат (танқид) қилиб бир тийинга олмаслик, уни ўткинчи деб, инсон умрининг ниҳояси ўлим билан яқунланишини эслатиш ҳам зоҳидларга хос анъана эдики, Хожа Аҳмад Яссавий бу ишни ҳам маъқуллаган (Бешак билинг бу дунё барча элдин ўтаро... Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро-24, 221; Вафоси йўқ бевафодур дунё-тани-24,174).

Шу тариқа, Хожа Аҳмад Яссавий тариқат даргоҳига қадам қўйганида зоҳидликка берилиб, VI-VIII асрларда ўтган зоҳидларга ўхшаб, юқорида кўрганимиздек, уларга хос барча одоб ва талабларни бажо келтиради. Унинг зоҳидона тариқати шариат ҳукмларига жуда яқин турарди ва шариатда кўзда тутилган қонун-қоидалар ва тавбаю ибодат билан ҳамоҳанг ва пайванд эди. Аммо айтганимиздек бу одоб ва кўриниш Хожа Аҳмад Яссавий ҳаётидаги иккинчи босқичга тўғри келади: Ҳаётининг биринчи босқичи шариат бўлса, иккинчиси тариқатнинг зоҳидлик йўналиши эди.

Хожа Аҳмад Яссавий шу тартибда аста-секин зоҳидлик даврини ҳам яқунлаб, тариқатнинг орифона зинасига майл қилади ва бу йўналиш уни маърифат томон етаклайди. Ўзининг эътироф этишича, ўттиз беш ёшида у ҳануз шариат ва зоҳидликда даврон сурарди, фақат эллик уч ёшидан бошлаб унинг қарашлари ўзгариб, орифлик даврони унга гўё қўл беради (Ўттиз бешда масжид кириб даврон сурдим-24,61; Эллик учда ваҳдат майдин рўзи қилди-24,68). Ва ниҳоят Хожа Аҳмад олтмиш учда ичган майидин сармаст бўлиб, жонини жононга гўё пайванд этади ва фано даргоҳига етиб боради. Олтмиш учда у маърифатни англаган эди, ваҳдатдан сўз юритиб, бирлик ва ваҳдоният таълимотини тарғиб этарди. Хожа бу зинада шайхулмашойих даражасини топган эди. Энди унинг шу ҳолатдаги сўзларига эътибор қилайлик. (Олтмиш учда нидо қилди қул ерга кир-ҳам жонинг мен, жононинг мен, жонингни бер-24,70; Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил-24,81; Рақсу самоъ урганларга дунё ҳаром -24, 145; Тажаллийнинг мақомидур ажаб мақом-24,157; Майхона кирган ошиққа сирри аён-24, 192; Ваҳдат хуми очилди, майхонага кирдим мен (24,276).

Шу тариқа, XI-XII асрларда яшаган туркистонлик машҳур инсон, туркий адабиётнинг етук намояндаси Иброҳим эшон ўғли Хожа Аҳмад Яссавий ёшлигидан адабий-ижтимоий ва мафкуравий оқимлардан бўлмиш тасаввуф ғояларига берилиб, шайхлик, кейин эса авлиёлик мақомини забт этиш мақсадида олтмиш учдан кейин у гўё авлиё бўлди, ўзидан кароматлар зоҳир қилиб, чиллада ўтирди. Ер ости чиллахонасидан сўфиёна таълимот, тарғибот ва даъватга машғул бўлди. У ердан зикри жаҳрия ёхуд жориянинг ҳайқирғи олам аро

танин (мавж) соларди: Беморларга, хусусан асаб касаллиги билан оғриганларга ёрдам кўрсатишда мушкулларини енгиллатишга, зикр сўзларининг таъсири ва жорийланишини амалга оширишга бутун Туркистонда нидо қиларди.

Иккинчи томондан, Хожа Аҳмад Яссавий зоҳидона ва обидона удумлардан ўтиб, орифона (ошиқона) тариқатга ноил бўлган эди. У энди тариқат зиналари ва ҳол босқичларини гўё забт этиб, рақсу самоъга интилади ва бу остонада оламини холиқу махлуқдан эмас, балки тажаллий нурдан иборат деб билиб, барча мавжудотни шу нурнинг жилваси ва нишонаси деб ҳисоблади. Ваҳдат хумидан май ичиб майхонага кирган бу ориф, маърифат мақомини эгаллади: Унинг шеърларидан ҳам сезилиб турадики, бу босқичда Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий ва Мансур Ҳаллож каби улуғ орифлар ва тариқатшунослардан ибрат олди ва эҳтирос билан уларнинг суқр, саҳв ва аналҳақ таълимотини қўллаб-қувватлади. Икки асрдан кейин Ҳофиз Шерозий айтган эди:

Дўш аз масжид сўйи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо.

Яъни: Кеча пиримиз масжиддан майхона томон қадам қўйди-энди, эй тариқат ёронлари, бундан кейин бизнинг тадбиримиз (ишларимиз) нима бўлади? Шундай қилиб, масжиддан майхонага йўл олган пир шариатдан тариқатга ва тавбадан зикрга йўл олганди ва энди тариқатнинг ҳақиқий ва амалий тадбири-орифлик машғулоти бошланиб кетарди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг тариқатдаги усули эса шу йўналиш бўлганди.

Гапнинг ниҳоясида шуни айтмоқчимизки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг диний-урфоний таълимоти ва сўфиёна қарашлари ундан кейин Туркистон ва Марказий Осиё халқлари ўртасида мустаҳкам илдиз олди ва кенг миқёсда ёйилиб кетди. Бу анъанани XIV-XV асрларда Ўрта Осиёда шуҳрат қозонган янги сўфиёна таълимот-нақшбандийлик назарияси-ва уни темурийларнинг ҳукмрон доиралари қўллаб-қувватлаши боис-қисман пасайган бўлса ҳам, XVI асрдан бошлаб яссавия тариқати яна кучга кириб Шайбонийларнинг асосий қуролига айланди. Яссавиянинг мафкуравий таъсири эса XIX асргача етиб келди. Хусусан унинг жаҳрия тариқати жаҳр тушунчаси остида халқона тус олиб, асаб касалликлари муолажасига қаратилган тадбир сифатида кенг омма орасида сақланиб қолди.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО

Яссавийдан кейин ўзбек тасаввуф адабиётининг иккинчи забардаст вакили. У ҳақида адабиётшунос Нажмиддин Комилов махсус рисола ёзиб, шайхнинг таржимаи ҳоли, тариқати, таълимоти,

маноқиблари, каромати ва кубравия ҳаракатининг асослари ҳақида батафсил маълумот берган. (21,151-188).

Машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўз вақтида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) даги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидан Нажмиддин Кубро ҳаётига оид 116 варақдан иборат катта ҳажмдаги насрий қиссани топган эди. Бертельс бу қиссанинг тузилиши ҳақида бобма-боб тўхталиб ўтади ва ушбу маълумотга биноан қисса шайх саргузашти ва хусусан Хоразмда юз берган мўғуллар можаросини тўлиқ акс эттирган (9,329-334). Агар қадимги манбаларга кўз ташласак, шайх Нажмиддин ҳаёти ва ижоди борасида Жомий ва Навоий ўз тазкираларида тўхтаб ўтганлар.

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хоразмнинг Хива ёхуд илгариги талаффузига биноан Хевақда таваллуд топган. Унинг номини Жомий (4,72) ва Навоий (7,141), Аҳмад ибн Умар ал-Хевақий ёзадилар. «Кубро» сўзини унинг лақаби ҳисоблаб, шарҳ берадиларки, ёшлигида илм таҳсили билан машғул бўлганида қайси киши билан мунозара қилса, уни енгиб қолиб бўлар ва шу сабаб, яъни қолиблик ғурури боис уни «кубаро» деб атаган эдилар.

Ёшлик давридаги бу ярим жиддий ва ярим ҳазил ибора кейинчалик шайхнинг машҳур лақабига айланиб, ундан кейин силсиласи номига сингиб кетади. Лекин бу лақаб аслида умр бўйи шайхнинг ички дунёси ва хусусиятини белгилаб беради. Ҳақиқатан шайх Нажмиддин Кубронинг ёшлигидаги мағрурона ҳаракатлари кейин унинг табиатини белгилайди ва у умрининг охиригача кибр-ғурурдан зарар кўриб, уни йўқотиш учун умр бўйи саъй-ҳаракатда бўлади. Лекин бунга эришиш осон бўлмайди.

Нажмиддин Кубро ёшлигидан кароматларга яқин турадиган ёхуд назаркарда инсон бўлган. Гўёки шайхлик ва ё авлиёлик руҳияти ваҳий орқали унга насиб этган. Шу сабаб уни «шайхи валитарош» яъни авлиё каби шайх деганлар. Бунинг сабаби ҳақида ҳам Жомий (4,72) ва Навоий (7,141) шарҳ берганлар. Уларнинг фикрича, бу ҳолат шундай бўлганки, шайх важд, ҳол ва жазаба ҳолатида қайси кишига тасодифан кўз ташласа, у чўпон бўлса ҳам, шу заҳоти тўсатдан валоятлик мартабасига эришиб, вали бўлар экан. Бу ривоятга ўхшаш фикрни далиллаш учун албатта мисол ҳам келтирилади. Масалан, бир куни бир савдогар «тафарруж расми била» (7,142) яъни сайру саёҳат юзасидан шайх хонақоҳига кириб боради. Шайх сўфиёна ҳол ҳолатида ўтирар эди. Унинг кўзи савдогарга тушди ва савдогар шу заҳоти валоят (валий)лик мартабасига эришди. Шайх ундан сўрадики, қайси мамлакатдансан. У деди: фалончи мамлакатдан. Шайх зудлик билан унга «иршод ижозати» ёзиб (ишонч ёрлиғи бериб), халқни ҳақ йўлида ташвиқ-тарғиб қилиш учун ўз юртига жўнатди (4,72). Савдогар шайхнинг кароматли нигоҳи туфайли вали бўлган эди ва шайх

валийсифат нигоҳи билан қараб, уни валийларга хос хизматга равона этди.

Нажмиддин Кубро ёшлигидан «валитарош шайх»-авлиё каби шайх мақомини олган бўлса-да, сўфиёна таълимот олиш ва донишманд сўфий бўлиш мақсадида Хоразмдан чиқиб пир излайди ва уларга мурид тушади. Жумладан, ғарбий Эроннинг Табриз шаҳрига бориб қолади ва у ерда Навоийнинг ёзишича «бир кун бир устод ҳузурида жамъи аймма била ўлтуруб «Шарҳ ул-сунна» китобини ўқир эрди». Шу онда бир дарвеш кириб келади ва у «ҳақ таолонинг мажзублари ва маҳбубларидин бўлмиш Бобо Фаррух Табризий эрдилар». Шайх бу покнафас Бобо билан кўришади ва «бир замондин сўнгра Бобо дейдики, «санга дафтар ўқур чоғ эмас, вақтдурки, оламнинг сардафтари бўлғайсен». Бундан сўнг шайх дейди: «Менинг ҳолим мутағайир бўлди ва ботиним ҳарнедин ҳақ ғайридур, мунқатеъ бўлди» (7, 142).

Шу тариқа, гўё машҳур пир Бобо Фаррух Табризий башоратидан сўнг валитарош Нажмиддин Кубро ҳақиқий шайхликка эришиш учун интилади.

Е.Э.Бертельс томонидан (9,329-330) Нажмиддин Кубро ҳаётига оид топилган мазкур қиссада келтирилишича, шайх Эрон саёҳатида бўлганида биринчи марта Замирий номли бир пир билан учрашади, аммо у бу пир сўзларидан қаноатланмайди ва Бистом шаҳрига бориб шайх Аҳмад суҳбатини топади. Бу суҳбат ҳам унинг сўфиёна ғояларга ташналигини қондирмагач, у Торон мавзеига шайх Ҳасан Жомий ҳузурига боради. Шундай қилиб, у шу орада йигирма бешта пир билан учрашади, лекин уларнинг ҳеч қайсисидан қониқиш ҳиссини туймайди. Охирида Бағдодга бориб шайх Иброҳим хонақоҳида маскан тутуди ва етти йил ҳақиқий фарзанд сифатида шайхга хизмат қилади.

Аммо Нажмиддиннинг табиатидаги мағрурлик ва унинг илмий манманлиги шайх Иброҳимга ёқмайди ва уни Бистом шаҳрида яшовчи шайх Исмоил ҳузурига юборади. Шайх Исмоил Нажмиддиннинг табиатидаги мағрурликни бартараф қилиш мақсадида шогирдига нисбатан қаттиққўллик қилишга тушади ва унга жисмоний жазо беришдан ҳам тоймайди. Катта илмий салоҳиятга эга ва зоҳирий илмларни яхши биладиган Нажмиддин шайх Исмоил хизматида жазо ва танбеҳларга тоқат қилиб, оқибатда ботиний илмлар сирридан воқиф бўлади ва шайхлик мартабасига эришади. Шайх Исмоил «мис Нажмиддинни тиллага айлантириб» (қўлёзма ибораси) қайта Бағдодга, шайх Иброҳим қошига жўнатади. Шайх Иброҳим ҳузурига етиб келгунича Нажмиддин Кубро йўл-йўлакай яна тўртта Исмоил исмли шайхлар билан учрашади. Булар шайх Исмоил Ҳалабий, шайх Исмоил Куфий, шайх Исмоил Румий ва шайх Исмоил Бағдодий эдилар. Бу шайхлардан ташқари у шайх Рўзбеҳон Мисрий ҳузурида бўлади ва

ниҳоят Нажмиддин шайх Иброҳим хонақоҳига етиб келади. Иброҳим кўрадики, Нажмиддин бузрук шайх бўлиб, ҳақиқий авлиёлик мақомини эгаллапти, шу йўсинда уни ўз ватани Хоразмга жўнатади ва у ерда сўфиёна янги ҳалқа-кубравия силсиласига асос солишга даъват этади.

Жомий (4, 73-74) ва Навоий (7,143-144) маълумоти ҳам бу ҳақда мазкур сатрлар билан деярли мос келади. Бу ердаги ўзгаришлар шундан иборатки, мазкур муаллифлар Амир Иқбол Систонийнинг ўз пири шайх Рукниддин Алоуддавла маноқибларининг жамланган китобига таяниб ва шайх Рукниддин айтган сўзларга эътибор бериб ёзадиларки, шайх Нажмиддин Кубро Эрон саёҳатида бўлганида Ҳамадон шаҳрига бориб қолади ва у ерда ҳадис илми билан шуғулланади. Пировардида эшитадики, Искандария шаҳрида катта бир ҳадисшунос олим яшайди. У томон йўл олиб чуқурроқ ҳадис ўрганади. Қайтишидан бир кеча олдин пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) ни тушида кўради ва у кишидан куньят (фахрий унвон) сўрайди. Пайғамбар ул зотга «Абулжанноб» деган куньят беради. Бу лақабнинг маъноси «дунёдан ижтиноб қилиш» деганидир. Яъни дунёни тарк этиб ундан воз кечиш маъносини билдиради.

Аён бўладики, пайғамбаримиз лақаб баҳонаси билан шайх Нажмиддин Куброни таркидунёчилик ва дунёни пастга уриш маслагига, аниқроғи зоҳидликка даъват этадилар. Аммо шайх умрининг кейинги саҳифалари шуни кўрсатадики, у зоҳидлик даражасида қолиб кетмасдан ориф бўлади ва бутун умр бўйи сўфиёна маърифат билан шуғулланди. Тушидаги пайғамбар билан учрашувдан илҳомланган шайх Нажмиддин шу қайтишда пир излашга тушади. Муҳаддисликдан мутасаввуфликка йўл олади. Аммо унинг илмий ғурури ва диний зоҳирий донишмандлиги халақит бера бошлайди ва ҳеч бир пир билан келиша олмайди.

Йўл аста-секин шайх Нажмиддинни Хужистон вилоятига олиб келади ва у «Зурфул деган ерда хасталанади» (7,143). Бир илож қилиб шайх Исмоил Қусайрий хонақоҳига етиб олади. Бу ерда унинг касаллиги узоққа чўзилиб қолади. Бунинг устига, ўзининг айтишича, тун-у кун бақриб, ҳайқириб нохуш садолар билан ўтказиладиган самоъ мажлисларидан ниҳоятда безиб, ранж тортади. Зеро шайх Нажмиддин ул вақтларда самоъ зикрини хуш кўрмасди ва эътироф этишича, унинг ўқиладиган мақом нуқаротига ҳамроҳ бўлишни истамасди. Бир кеча самоъ ўтказар эдилар, -дейди шайх Нажмиддин ва давом этади:-самоъ иссиғидан шайх Исмоил ёстиғим олдига келиб айтди: туришни истайсанми? Дедим: балли. Менинг қўлимни ушлаб, бурчакка тортти-ю самоъ рақсининг ўртасига тушириб айлантира бошлади. Кейин деворга суяб қўйди. Мен ўйладимки, ҳозир йиқилиб кетаман. Аммо ҳушимга кела бошладим ва ўзимни саломат кўрдим (7, 143).

Кейин Нажмиддин шайх Исмоилга хизмат қилиб, ботиний илмлардан баҳраманд бўлади. Аммо яна зоҳирий илмлар ғурури Нажмиддин бошига кўп ташвиш олиб келади. Шайх Исмоил уни Аммор Ёсир исмли шайх хизматига равона этади. Ул остонада ҳам Нажмиддин ўз донишмандлигидан ғурурлана бошлайди ва Аммор Ёсир ундан юз ўгириб уни Мисрга шайх Рўзбеҳон олдига жўнатади. Шайх Рўзбеҳон Нажмиддиннинг илмий ғуруридан воқиф бўлган ҳолда уни бошқа шайхлар каби эркалатиб бошқасига юбормай, балки ўзи тарбиялашга киришади ва тўғри йўлга бошқариш учун уни баъзан дўппослаб туради. Шу тартибда у шайх Нажмиддин Кубро бўйнини қайириб, уни сулукка ўргатиб, барча ботиний илмлардан хабардор қилади ва ҳақиқий художўй сўфийга айлантиради. Кейин, Жомийнинг ёзишича, шайх Рўзбеҳон Нажмиддинни куёвликка муносиб кўриб, қизини унга беради ва улар икки ўғилли бўладилар. (4,71). Бундан сўнг шайх Рўзбеҳон куёвини ўз ихтиёрига юборган шайх Аммор Ёсир олдига яна қайтариб юборади ва Амморга «бир мактуб ҳам битиб зикр қиладики, ҳар неча миским топарсен, йиборғилки, холис олтун қилиб йиборай» (7, 144).

Нажмиддин шайх Аммор Ёсир олдига келади. Унинг сулукати тамом бўлган эди. У шариат илмидан ўтиб- ва у доимий равишда уларни яхши билганлигидан фахр қиларди-тариқатни батамом ўрганган ва забардаст тасаввуф арбобига айланганди. Шайх Аммор Ёсир бу ҳолатни кўриб Нажмиддиннинг тариқатдаги сулукатидан ишонч ҳосил қилади ва унга тариқат жарчиси сифатида дастур бериб, ўз ватани Хоразмга юборади. Шайх Нажмиддин «Хоразмга келиб, бу тариқат (сўфиёна художўйлик тариқати)ни мунташир қилади (ёяди) ва бу тариқатниким зоҳир қилибдур, халойиқ кўп мурид бўлуптурлар ва иршодга машғул бўлубдурлар» (7,145).

Шундай қилиб, Нажмиддин Кубро илм ўрганиш ва сўфиёна маслак йўлига тушиш мақсадида Эрон, Миср, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларни айланиб чиқади ва ўнлаб шайхлар билан учрашади. Улар билан баҳслашади, изланади, ўрганади. Тариқат маслагига мусаллаҳ бўлган (эришган) Нажмиддин охир-оқибат Хоразмга қайтиб, худди Аҳмад Яссавий Туркистонга қайтиб авом халққа художўйликни тарғиб қилгани каби, ўз ватанида халқ орасида сўфиёна иршод (ташвиқот) билан шуғулланади. У хонақоҳ очади, атрофида ўнлаб фаол муридларни жамлаб, ўзи шайхлик мақомига ўтириб, кубравия халқасини тузади. Хоразмликлар шайх ва унинг хонақоҳи атрофида йиғилишиб, янги маърифий халқ ва унинг дунёқараши билан ошно бўлиб, кубравия таълимотига бўйсунна бошлайдилар.

Ойлар кетидан йиллар ўтади. Машъум 1221 йил етиб келади. Марказий Осиёга Чингизхоннинг қонли юриши бошланади. Хон от

чоптириб Хоразм дарвозасига етиб келади ва шаҳарга бостириб киради. Жомий (4, 77-78) ва Навоийнинг (7,145) ёзишларича, хоразмликлар ваҳимага тушадилар. Хоразмшоҳ шаҳардан чиқиб кетади. Аҳли илм, донишмандлар, сўфий арбоблар ҳайратда қоладилар. Шайх Нажмиддин Кубро ҳам ажабланади. Шунда унинг муридлари шайхдан сўрайдиларки, сиз дуо қилинг, токи бу бало хоразмликлар бошидан дафъ бўлсин. Шайх кўнмайди. Дейдики, бу қазою қадардир ва дуо унга таъсир қилмайди. Шу онда шайх атрофида олтмиш нафардан кўпроқ муридлари, асҳоблари (одамлари), шогирдлари ва халифалари жамъ бўлган эдилар. Шайх уларга, жумладан шайх Саъдиддин Ҳамавий ва шайх Разиуддин Али Лололарга айтадики, зудлик билан шаҳардан чиқиб ўз ватанларига кетсинлар. Улар шайхга айтадиларки, биз билан бирга Хуросонга кетганингиз маъқул. Аммо шайх қабул қилмайди ва шу жойда-ватанида шаҳид бўлишини айтади. Шундай бўлса ҳам бир гуруҳ шайхнинг фидойи шогирдлари у билан қоладилар ва улар жамулжам бўлиб ёв қаршисида жангга тушадилар.

Шайх Нажмиддин Кубро ўзининг сўфиёна хирқасини кийиб, белини маҳкам боғлаб, қўйинини тош билан тўлдириб, қўлида найза билан алоҳида тайёргарлик кўриб ташқарига чиқади. У мўғуллар билан рўпара бўлади ва уларга тош ота бошлайди. Аммо кучлар тенг эмасди. Тиш-тирноғи билан қуролланган мўғуллар шайхга қарши минглаб ўқ отадилар ва шайх душман ўқидан шаҳид бўлади. Шаҳодат пайтида шайх мўғуллар байроғини маҳкам ушлаб олади. Шаҳодатдан кейин ўн киши байроқни унинг қўлидан ажратолмайдилар ва охиروقибат унинг панжаларини кесиб байроқни оладилар. Бу фожиа 1221 йилда рўй берди.

Бизга маълумки, катта сўфиёна мақомларга эришган шайхнинг мурид ва шогирдлари сон-саноксиз бўлган. Улар сирасига шайхлик мансабига эришиб, силсилалар эгаси бўлган ўта машҳур кишиларни Жомий ва Навоий эслатиб ўтадилар: Булар Шайх Мажидиддин Бағдодий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Бобо Камол Жандий, шайх Разиуддин Али Лоло, Шайх Сайфиддин Бохарзий, шайх Нажмиддин Розий, шайх Жамолиддин Гелоний, Мавлоно Баҳоваддин Валад ва бошқалар эдилар. Шайх Нажмиддин Кубро Хоразмда мана шулар билан бирга кубравия силсиласини таъсис қилиб, унинг ғояларини ривожлантирди. Бу силсила шарқ тасаввуфининг катта бир мактаби бўлди, унинг остонасида мазкур шайхларга ўхшаб юзлаб шогирдлар тарбия топиб, жамиятнинг маданий-маърифий ишларига ҳақли равишда ёрдам бердилар.

Кубравия силсиласининг мазмун ва моҳияти нимадан иборат эди? Кубравия худди мавлавия, жунайдия, тайфурия, ҳақимияга ўхшаган янгидан ташкил топган ҳалқа бўлиб, тасаввуфнинг умумий

принципларини сақлаган ҳолда, унинг негизида ўзига хос таълимотга эга бўлди. Бу таълимотда, кўрганимиздек, сўфиёна самоъга бир йўла эътибор йўқ эди. Аммо у учун дунёдан ижтиноб (парҳез) қилиш, яъни таркидунёчиликка эътибор бериш (пайғамбар қавли (сўзи)га асосланган ҳолда) аҳамият касб этди. Инчунин кубравия таълимотига биноан иршод ва сулукка (руҳ ривожланиши ва тариқатга) аҳамият бериш ҳам ҳамиша таъкидланади.

Агар шайх таржимаи ҳолига синчиклаб қарасак, шайх тариқатини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчиси, шайхнинг ақлий тафаккури бўлса, иккинчиси, ҳиссий тадбиридир. Яъни Нажмиддин Кубро биринчи галда илоҳий илҳомга ақлий фаросат билан ноил бўлишни мақсад қилган бўлса, кейинроқ, шайхлар тарбиясини олгандан сўнг, бу йўлда ҳиссий эътиқодни маъқуллаб, хилватнишинлик ва зикрга машғул бўлди ҳамда кибрга қарши риёзатга берилди. Шу асосда унинг фаолиятида зоҳидларнинг таркидунёчилиги ва хилватланиши, орифларнинг, жумладан Жунайд Бағдодийнинг саҳв (хушёрлик) таълимоти янгича кўринишда зуҳур этди. Масалан саҳв (хушёрлик) кубравия ҳаракатида алоҳида ўрин тутди ва тариқатнинг негизини ташкил этди.

Булардан ташқари, профессор Нажмиддин Комиловнинг тадқиқотига биноан (21,174), кубравия тариқатида дунёнинг иккига бўлиниши алоҳида қайд этилади. Бунга кўра дунё кабиру сағир ёхуд куброю суғрога бўлинади ва улардан биринчиси аллоҳники бўлса, иккинчиси инсоникидир. Инсон руҳи ўз тараққиётида босқичлардан ўтиб, кубро оламига етади ва руҳоният топади. Аллоҳни англаш эса кубравияда уч восита орқали муяссар бўлади. Уларни профессор Н.Комилов (21,175) қуйидаги тартибда тасниф этади: доира (фалак), доғ (дунё), нуқта (аллоҳ). Фалак айланади, дунё унинг ичида бўлади ва икковлари доимий ҳаракатда бўлиб, аллоҳ томон йўл олади. Кейин у билан қоришиш ва ваҳдат ҳосил бўлади.

Мазкур таснифда руҳнинг кўтарилиши ранглар орқали муайянлашади. Масалан кўтарилишда у қора ранг бўлиб, йўл масофасида қизғишга айланиб, васл пайтида яшил тус олади (21,175). Шундай қилиб, кубравия халқасининг асл ва янги белгиси кашф этилади. Бу эса ранглар олами туфайли руҳониятга етиш ва руҳ ҳаракатини ранглар туси билан белгилаш эди. Мазкур назария бошқа халқларда гўё учрамайди ва унинг асосчиси шайх Нажмиддин Кубро ҳисобланади. Ранглар ҳам суқр, саҳв, самоъ, ҳайрат, нола, сафар, жаҳр тушунчалари каби махсус сўфиёна таълимот бўлиб, художўйлик ва аллоҳга интилиш воситасининг бир кўринишидир. Кубравиянинг таркидунёчилик, ибодат, сулукат, даъват, иршод ғоялари бошқаларда ҳам учрайди, аммо унинг ранглар бўйича таълимоти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, кубравиянинг бошқа силсилалардан фарқини белгилайди. Шунга биноан профессор Н.Комилов (21,176) ранглар

бўйича кубравия тариқатининг қуйидаги сифатини шундай қайд этади: тавба-зангори, муҳаббат-сарик, яқин-қизил, васл-оқ, ваҳдат-яшил. Ва охирги босқичда ранг туси аста-секин йўқолиб рангсизлик ва ундан сўнг бирлик аломати пайдо бўлади.

Бу сўфий руҳининг ривожланиш ҳолати бўлиб у ранглар туфайли ифода этилиб, сўфиёна художўйлик таълимотининг янгича принциплари жорий этилади. Кубравия тариқатининг асосий моҳияти шунда ва уни тасаввуфдаги янги бир ғоявий мафкура десак хато қилмаган бўламиз. Ҳазрат Навоийнинг ғазалиётида «сарик, қизил, яшил» радифли ғазаллар ва ранглар асосига қурилган мазмунлар учрайди. Уларнинг сарчашмаси эса зоҳиран мана шу кубравиянинг ранглар орқали руҳониятга етиш таълимоти бўлган бўлса ажаб эмас.

Шуни ҳам айтмоқчимизки, сўфиёна ранглар тушунчаси комилликка интилиш аломатидир. Чунки солиқ сулук йўлида хонақоҳда риёзат чекиб ўтирганида, тафаккур дунёсига ботиб, тилида фақат аллоҳ сўзи бўлади. Унинг руҳи сайр эта бошлайди ва руҳоният томон йўл олади. Шу йўсинда руҳ ҳаракати мезонида солиқ назарида ранглар туси пайдо бўлади ва шу аломатлар орқали солиқнинг ҳол даражасидаги сулукати ва сулукат босқичлари муайянлашади. Бу ранглар эса «оқ, сарик, зангори, яшил, кўк, қизил ва қорадир»-дейди профессор Н.Комилов ва уларни кубравия тушунчасига биноан қуйидаги тартибда шарҳлайди:»-ислом, иймон, эҳсон, итминон (ишонч), иқон (тўлиқ ишонч), ирфон ва ҳаяжон» (21, 176). Шайх Нажмиддин Кубронинг шу мезондаги ранглар таълимоти тасаввуф дунёсига ёруғлик бахш этган янгича бир ғоя эди ва у ҳақиқатан бу дунёни ранглар жилоси ила безатди.

Нажмиддин Кубро мутасаввуф арбоб, тариқат дунёсининг буюк даҳоси ва кубравия ҳалқасининг ижодкори бўлиш билан бирга, бошқа кўп шайхлар каби шоир ҳам эди. Шеърлар орқали сўфиёна маслагини ифода этарди. Аксарият шеърлари рубоийлардан иборат. Рубоий эса сўфийларнинг энг мақбул ва маъқул кўрган жанридир. Шу жанр асосида улар ўзларининг бутун сўфиёна ғояларини ва унинг фалсафий моҳиятини ифода этганлар. Сабаби рубоий олам ва одам фалсафасини ихчам ва лўнда тарзда тасвирлашга қўл келадиган жанр; иккинчидан унинг келиб чиқиши фольклордан ва бу хусусият эса сўфийлар завқига жуда маъқул тушган ифода бўлган. Зеро, мақсад халқона жанр орқали халқ кўнглига йўл топиб, унга нақоратли ихчам оҳанг ва мазмун билан таъсир этиш эди. Шу боис Нажмиддин Кубро ҳам асосан рубоий жанридан фойдаланган ва сўфиёна дунёқарашини шу шеърый шакл туфайли содда, марғуб, мақбул ва равшан ифода этган. Масалан:

Девест даруни ман, ки пинҳони нест,
Бардоштани сараш ба осони нест.
Иймон-ш ҳазор бор талқин кардам,

Он кофирро сари мусулмони нест.
 (Рубоийларнинг форсча нусхаси Н.Комилов рисоласидан олинди
 (21, 187-188).

Мазмуни:

Менинг ичимда дев бор ва у гердайиб такаббуруна ётгани ётган.
 Бошини кўтариш ҳам унга осон эмас.

Ул девга минг бор иймон талқин қилдим мен (мусулмон бўл деб),
 Аммо у кофирлигича қолабериб мусулмонликка бош буриб ҳам
 қарамайди.

Бу рубоийда барча қадимги шайхлар, жумладан Нажмиддин
 Кубро ҳам ёмон кўрган ва лаънатлаган нафс балоси танқид қилинган.
 Нафс дев деб аталган ва у дев эса инсон вужудини забт этган. Нафс
 инсонни ҳамиша энг ёмон ва гуноҳ йўлларга бошлайди, инсон унинг
 қўлидан осонликча қутула олмайди. Бунга катта ирода керак бўлади.
 Нажмиддин Кубро эса энг иродали инсон эди ва нафс балосидан ўзини
 қутқаза олган авлиё бўлган. Аслида у киши нафс девини мусулмон
 қилиб, аммо бошқаларга шу йўл-йўриқни насиҳат тарзида етказганлар.
 Шайхнинг иккинчи рубоийси бундай садо беради:

Дар роҳи талаб расидае мебояд.

Домон зи жаҳон кашидае мебояд.

Бинойи хешро даво кун, зеро-к

Олам ҳама ўст, дидае мебояд.

Мазмуни:

Талаб йўлида комилликни эгаллаш зарур бўлади,

Дунёдан воз кечиб, танҳоликни танлаш керак бўлади.

Ўз кўнглингни давола, зероки олам ҳамаси удир ва уни кўриш
 учун фақат яхшироқ ва равшанроқ кўз керак бўлади.

Кўрамизки, Нажмиддин Кубро бутун оламини аллоҳдан деб билган
 ва унингча, олам аллоҳдан таркиб топган жисмдир. Ундай бўлса, ер
 юзидаги барча мавжудлик ҳам аллоҳ туфайли боқий ва само ҳам
 инчунин шундайдир. Бас шундай экан, сен барча нарсалардан воз
 кечиб, дунёни тарк этиб ёлғизликка берилишинг керак. Инчунин тоат-
 ибодат қилиб, тариқат босқичларини ўтсанг, комилликка эришасан ва
 аслингга қайтасан. Зеро олам У бўлса, У комил зотдир, сен бўлсанг
 унинг зарраси ва бу ғояга асосан сен ҳам риёзат орқали У бўлишинг
 мумкин. Бунга эришиш учун сўфиёна назар билан қараш керак. Агар
 шундай кўз билан қаралса, мақсадга етишиб илоҳий асрорга воқиф
 бўлинади. Бу ўринда Нажмиддин Кубро бирлик, ваҳдат, аналҳақ
 таълимотига ҳамоҳанг фикр юритади ва ваҳдат ул-вужуд чегарасига
 етиб боради. Бу фикрлар ҳақиқий ориф сиймосини белгилайди ва
 Нажмиддин Кубро ҳам маърифат босқичини забт этган шундай улўф
 шайхлардан ҳисобланади. Энди шайхнинг учинчи рубоийсини мисол
 келтирамиз:

Як дам дили мардонайи фарзонайи мо
 Холи нашавад зи ишқи жононайи мо.
 Он дам, ки шароби ошиқи дардоданд,
 Дар хуни жигар заданд паймонайи мо.

Мазмуни:

Бизнинг жасур ва доно дилимиз бир лаҳза
 Жонона ишқидан холи бўлолмас ҳеч
 Ул лаҳзадаким ошиқлик шаробидан бердилар,
 Бизнинг паймонамизни жигар қонига беладилар.

Бизнинг доно дилимиз аллоҳ ишқи билан банд ва унинг муҳаббати ила маст-дейди шайх мазкур рубоийда ва бу фикр Боязид Бистомийнинг суқр таълимотига ишорадир. Кўнгил қанча жасур ва доно бўлса ҳам, ишқ олдида заифдир. Ишқ эса уни маст қилиб фано қилмоқчи, зеро фанода у аллоҳ билан бирикади. Шу тарзда рубоийда харобот беҳудлигидан фаногача бўлган манзил ва бирлик ғояси ифодаланган.

ХОЖА БАҲОВАДДИН НАҚШБАНД

Хожа Аҳмад Яссавий ва шайх Нажмиддин Кубродан кейин Марказий Осиёда яшаган машҳур тасаввуф арбоби. Унинг зикри холи, саргузашти ва таълимоти «Маноқиби хожа Баҳоваддин Нақшбанд» ва шу каби китобларда келтирилган. Аммо Нақшбанднинг ўз замонага яқин энг ишонарли маълумотни биз Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» идан топамиз. Бу маълумот ҳақиқий, ишончли далиллар асосида бўлиши билан бирга, унда улуғ шоир бирон нарсани қўшмасдан Нақшбанднинг бошқа шайхлардан фарқли ўлароқ асл сиймосини кўрсатади ва нақшбандийлик назариясини қиёсий тарзда аниқ ва равшан белгилайди. Шу боис бизнинг Нақшбандия ҳақидаги фикрларимиз асосан Навоий маълумотиغا таянади.

Хожа Баҳоваддин Е.Э. Бертельс (9,466) ва Нажмиддин Комиловнинг эътироф этишича, 1327 йилда туғилиб, 1389 йилда оламдан ўтган. Навоийнинг ёзишича (7,130) у кишининг исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий. «Баҳоваддин» сўзи куньяти (фахрий унвони), «Нақшбанд» тахаллуси. Халқ орасида «Балогардон» лақаби билан шуҳрат қозонган. Яъни ҳикматли сўзлари ва кароматлари боис «Баҳоваддин Балогардон» номи билан тилга олинадилар. «Нақшбанд» тахаллуси ул зотнинг касб-кори билан боғлиқ тушунча. У киши матоларга ҳар хил гуллар ва безаклар нақш қилар эканлар. Ҳозир эса бу ишни техника бажаради.

Хожа Баҳоваддин ёшлигидан сўфиёна маслакка берилиб, шариат одобини ўрганиб, тариқат томон майл этади. Навоий қуйидаги тахминий фикрни келтириб: «тариқат таълими» бўйича машҳур

шайхлар хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ва Амир Сайид Кулолнинг «қабул назарига тушади»-ва шу заҳоти уни рад этиб айтадики, «ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар ва тарбият ҳазрати хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидин топибдурлар» (7,130). Тасаввуф одобига кўра ушбу маслакнинг шогирди албатта пир тарбиясини олади ва бу оғир мактабдан ўтгандагина кейинги зиналарга қадам қўяди. Аммо увайсийлик одоби пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) даврида яшаган дастлабки сўфийлардан бўлмиш Увайс Қаранийдан бошланди ва у киши пайғамбар билан кўришмаган бўлсалар ҳам, пайғамбар назарига тушган ва у кишининг паноҳида яшаган зот эди. Шу боис пайғамбар паноҳида бўлган кишилар ул зот давридан бошлаб пайғамбарни пир билиб, аммо амалда ҳақиқий пирга қўл бермас эдилар. Кейинги асрларда бу ҳодиса бирон-бир шайх паноҳида бўлганини ҳисобга олган ёхуд унинг руҳ тарбиясини қалбан ҳис этган ҳолда пирга эҳтиёж сезмас эдилар ва пирсиз шайх бўлиб, авлиёга айланиб кетардилар. Навоийнинг хожа Баҳоваддин хусусидаги мазкур сўзи шу ҳақда. Улуғ шоир хожа Баҳоваддинни пирсиз устозлик мақомини топган зот дейди ва XII асрда яшаган хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг муборак руҳини илҳомланишига сабаб қилиб кўрсатадики, бу мазкур увайсийлик ғоясига асосланган тушунча эди.

Шундай қилиб, хожа Баҳоваддин, Навоийнинг таъкидлашича, пир тарбиясини олмасдан, тариқат усулини ўзлаштириб, мартаба топади. Аммо шундай бўлса ҳам, Навоий томонидан хожа Баҳоваддинга ўз устозлигини инкор этган Бобойи Самосий ва Амир Сайид Кулол, Хожа Баҳоваддин маноқиблари (ҳолномаси) га биноан, у кишининг фаолиятида иштирок этадилар ва ҳолнома тафсилотига кўра, Нақшбанд увайсий бўлиш билан бирга зимдан мазкур шайхларнинг тарбиясини ҳам олган эди. Чунончи Навоий «андоқки дер эрмишларки мабодии аҳволда» деб шайх ҳолномасига ишора қилиб, бу ҳақда кўйидаги ҳикоятни нақл қилади: Ҳолномада келтирилишича, Хожа Баҳоваддин бир кеча жазабага тушиб Бухоро мазорлари зиёратига жўнайди ва уч мазорга етади. Қазодан мазорларнинг ҳар бирида ёнган бир чироғни кўради. Охирги, учинчи мазорнинг олдида етганда қиблага қараб ўтиради ва шу лаҳзада ғойибдан ажойиб бир манзара кўрина бошлайди. Қибланинг девори иккига бўлиниб «бир тахт пайдо бўлади ва яшил парда». Тахт эса баланд мақомда ва атрофида бир жамоа бор. Ул жамоа орасида Хожа Нақшбанд Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийни танийди.

Шу онда жамоа орасидан биров айтадики «бу тахт хожа Абдулхолиқниқидур ва ул жамоа аларнинг хулафосидурлар». Кейин у киши Баҳоваддинга ҳаммани таништиради ва навбат Бобойи Самосийга келганда ишора қиладики, «аларни ҳаётлари чоғида кўрупсен ва сенинг пирингдурлар ва санга бир бўрк берибдурлар ва

каронат қилибтурларки, нозил бўлғон бало сенинг баракатингдин дафъ бўлғай» (7, 131). Бундан кейин «ул жамоа айтадиларки, хожа ҳазратлари», яъни хожа Абдулхолиқ Баҳоваддинга панд-насихат қилмоқчи ва сулукка чақирмоқчи. Баҳоваддин жамоадан илтимос қиладики, ҳазрати хожа билан уни рўпара қилсунлар. Улар пардани очадилар ва Баҳоваддин нуроний пирни кўриб саломлашади ва пир (хожа Абдулхолиқ) шу заҳоти талқинга тушади. Дейдики, мозорларда кўрган чироғлари тариқат йўлига «ишорат ва башоратдурлар», унинг истеъдоди бор, тарбия қилиш керак ва тайинлайдилар: «суннатни бажо келтирғил ва рухсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва Муҳаммад Мустафо (с) аҳодисини ўзунга пешво қил ва саҳобаи киром ахбор ва осориға мутафаҳҳис бўл» (7,131).

Шу тариқа, Навоий кўрсатган хожа Баҳоваддиннинг маноқибларига ва Навоийнинг илмий хулосаларига таяниб шу натижага келиш мумкинки, хожа Баҳоваддин ҳар ҳолда увайсийлик тариқатининг шайхларидандир, яъни пирсиз, хожа Абдулхолиқ руҳиятида тарбия топган зот эди. Аммо амалда хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ва Амир Сайид Кулол тарбиясини ҳам кўрганлар. Агар хожа Абдулхолиқ у кишини шариатга талқин қилган бўлса, Амир Сайид Кулол тариқатга йўллайди ва хонақоҳ одобини ўргатиб, зикр билан машғул этади. Хожа Баҳоваддин шу онларда шариатдан ўтиб, тариқат зиналарини топиб, кароматли шайхга айланган эди. Энди у кишининг ўзига хос таълимоти бошланиб кетади ва бу таълимот янги бир назария бўлиб, моҳиятан бошқа силсилалардан фарқ қилгани боис аста-секин ўзига махсус йўл-йўриқ олиб, катта бир жараёнга айланди ва нақшбандия силсиласи деб ном олди.

Ушбу тариқат мундарижасига биноан, юқорида келтирганимиздек, биринчи навбатда унинг асл моҳиятини шариат одоби ташкил этади. Силсила муассиси хожа Баҳоваддин руҳоният устози хожа Абдулхолиқнинг кўрсатмаларига асосланиб пайғамбаримиз буюрган ишларга эътибор беради. Ҳадиси шариф, суннат ва қуръони каримни ўзига хос йўлланма деб билади. Бу тизим эса нақшбандиянинг энг муҳим хусусиятларига айланади ва унинг негизидаги диний кўрсатмаларга очиқ ишора этади. Яъни нақшбандлик тариқати шариат билан ҳамкорликда фаолият кўрсатди, унинг ижодкори эса диний раҳбар сифатида шуҳрат қозонди.

Нақшбандиянинг диний мазмуни нафақат хожа Абдулхолиқ Гиждувоний анъанасидан келганди, балки XIV асргача яшаган бир гуруҳ бухоролик хожагон шайхлари ижодидан ҳам илдиз олган эди. Бухоронинг Жўйбор мавзеидан ўтмишда жуда кўп азиз авлиёлар етишиб чиққан эди. Жумладан, хожа Абдулхолиқдан ташқари, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фағнавий, Хожа Али Ромитоний, Хожа Авлиёи Калон, Хожа Аҳмад Жўйборий ва бошқаларни эслатиш

мумкин. Хожа Баҳоваддин ҳам бухоролик ва шу боис шу юртда ўсиб улғайган шайхлар таълимоти у кишининг дунёқарашига сўзсиз таъсир этиб, нақшбандлик тариқатининг шаклланишига асосий омил ва манба бўлганди. Зарринқўбнинг фикрича (6, 375) ҳатто нақшбандийликни хожагон тариқатининг «мантиқий давоми» ва унинг янги тартибдаги зуҳур этилган ғоявий ифодаси десак бўлади.

Аммо нақшбандийлик оқими аслида дунёвий ва замонавий хусусиятларга бой тариқат эди. Унинг илк моҳияти тасаввуф анъаналарига асосланган бўлса ҳам, ўтган силсилаларнинг сўфиёна оҳанги ва уларнинг жараёндаги одобига монанд эмасди, балки ўзининг янгича замонавий қонун-қоидаларига эга бўлди. Масалан, «алардин сўрадиларки, сизнинг тариқатингизда зикри жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур? Дедиларки: бўлмас» (7, 131). Мана хожа Баҳоваддиннинг ўз фикри. У кишининг таъкидича, нақшбандликка жаҳр ҳайқириғи (зикри жория) тим қоронғу хилватда ёлғиз ўтириб муруқабага берилиш (зикри хуфя) ва ҳалқа тузиб, рақсга тушиб, самоъ мажлислари ўтказиш (зикри ҳолия) умуман ёт эди ва улар силсила раҳбарига маъқул эмас эди. Мазкур сўфиёна зикр усуллари Хожа Аҳмад Яссавий, шайх Абусаид Абулхайр, Ҳушом ибн Абдон ва бошқалар қўллаб-қувватлаб, силсила даражасидаги таълимотга етказган эдилар.

Хожа Баҳоваддин мазкур ҳалқалар қаршисида ўзининг қуйидаги зикр усулини тақдим этади. Чунончи, у кишидан «сўрадиларки, сизнинг тариқатингиз биноти не ишгадур?» Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин ҳақ субҳонаҳу ва таоло била» (7, 132). Мана хожа Баҳоваддиннинг ўз тариқати борасидаги жавоби! У киши жаҳр, ёлғузликда хилват, самоъ, жамъу тафриқа, валоятлик, ғайбат ва ҳузур, саҳву суқр ҳалқаларига фарқсизлик билан қараган ҳолда, ўз навбатида «анжуманда хилват» деб номланган янги зикр усулини нақшбандлик таълимотининг асосий йўналишига табдил этди. Ҳақиқатдан XIV асрдан бошлаб мазкур ибора тасаввуф тарихида шуҳрат топиб, нақшбандлик силсиласининг асосий қоидасига айланди.

«Анжуманда хилват» нимани талқин этади? Хожа Баҳоваддиннинг ўзлари айтганидек бу «хилват» ёлғузликда ўтириб, барча-нарсалардан юз ўгириш эмас, балки жамоа билан бирга бўлиб, кўнгилни аллоҳ хаёли билан банд этишдан иборатдир. Демак, нақшбандиянинг «анжуманда хилвати» бўйича солиқ ёхуд ҳар бир шахс танҳоликка берилиши, касб-кордан узоқланиши, омма суҳбатидан ўзини четга олиши, хусусан савмаа, ғор ва хонақоҳда туну кун ҳиссиз, мадорсиз бош эгиб ўтириши керак эмас, билъақс у жамоа орасида бўлиб, халқ билан бирга яшаб, бирга нафас олиб ҳамроҳ ва ҳамдам бўлиши муҳимдир. Аллоҳни таниш, билиш, унинг хаёли билан яшаш эса шу ҳолатларда ҳам мумкин бўлади. Фақат кўнгилни пок

тутиб, ботиний, ҳиссий аъзоларни у билан банд этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан сокинлик, осудалик, оромликка қаратилган нақшбандияликнинг принциплари доимий равишда қалбни аллоҳга боғлаш, жисмни эса халққа қаратиш ва сурункали ибодат орқали аллоҳ ҳузурида ҳозир бўлиш ғояларига мослаштирилган бўлиб, ушбу ғоялари билан алоҳида ажралиб туради. «Анжуманда хилват» моддаси халқ ичида бўлиб аллоҳ билан бирга бўлишни хоҳлайди.

Бу таълимот ўзига хос аҳамият касб этади. Унинг негизида таркидунёчилик ва хилватнишинлик, ёлғизлик ва жамоадан ажралиш, жаҳру ҳайқириқлар, самоъ ва рақс ўйинлари рад этилади. Халқ билан бирга бўлиб, бир-бирига садоқат кўрсатиб, аммо ножўя ҳаракатлардан ҳазар қилиш тарғиб-ташвиқ қилинади. Жамоа билан бирга бўлиш инсонни меҳнат ва касб-корга сафарбар этади. Бу эса жамиятни тараққиётга етаклайдиган муҳим омилдир. Меҳнатнинг турлари кўп, албатта. Хожа Нақшбанднинг ўзи косиб эди. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш ҳам жамоа меҳнатини ташкил этишда мазкур таълимот бўйича муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабаб «анжуманда хилват» иборасининг моҳиятини нақшбандийликнинг навбатдаги зикр усули «даст ба кору дил ба ёр» (қўл ишдаю кўнгил ёрда) иборасида ҳам ёрқин ва баралла кўриш мумкин. Бу ибора -уни илк бор «Латоиф ут-тавоиф» муаллифи Мавлоно Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобида учратамиз (20,96)-ҳалигача ишлатилади ва барча давр учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Ушбу зикрда тўғридан-тўғри меҳнат манбаи ташвиқ этилади, унинг аҳамияти таъкидланади, инсон учун ризқ воситаси деб билинади. Ва ҳақиқатан ҳам шундай. Агар қўл ишда бўлса, албатта роҳат-фароғат ва яхши кайфият ҳосил бўлади. Инсон иш билан тирик ва бекорчилик инсонни ва жамиятни таназзулга ботиради. Нақшбандийликнинг мазкур таълимоти инсон учун энг муҳим дастуриламал бўлди ва демократик-халқчил моҳият касб этди. У жамики ўтган ҳалқалар ва зикр усулларидан тубдан фарқ қилди ва тасаввуфнинг ғоявий қийматини белгилади. Шундай қилиб, нақшбандийлик шариат билан келишган ҳолда тариқат зинасида халқона моҳиятга эга бўлиб, янги зикр усулларини таклиф этди, уларни назарияга киритиб, художўйликни ҳалол меҳнат ва жамоа ҳамроҳлигида деб билди, инсонни илоҳийлаштирмасдан, унинг ўз тақдири ўз қўлида эканлигини исботлади.

Силсиланинг «анжуманда хилват» тушунчаси яна уч ғоявий тушунча билан боғланиб кетади. Улар «сафар ба ватан» (ватанда сафар), «ҳуш дар дам» (нафасда ёхуд жимликда ҳушёрлик), «Назар ба қадам» (қадам босганда эҳтиёткорлик) дир. Буларнинг ҳаммаси махсус сўфиёна талқинда айтилган, албатта. «Анжуманда хилват» ни билдик, «ватанда сафар» дегани нақшбандийлик таълимоти бўйича аллоҳнинг

мулки ва асл манзили ҳисобланмиш ватанга солиқ сафарга чиқиб, шу йўл билан ўз аслига, зотига ва ҳақ таолога қайтиши керак бўлади. Аммо мазкур ибора ватанни севмоқ ва ватанда турмоқ маъносини ҳам билдиради. Шу билан биргаликда бу ибора мажозий маънода инсоннинг қалбини ҳам назарда тутати. Инсон қалби ватан маъносида ҳам тушунилади. Мазкур ибора туфайли ўринсиз кўп ҳаж қилиш (чунончи, Жунайд Бағдодий ўттиз маротаба пиёда ҳажга бориб келган), ҳамиша сайр-саёҳатларга чиқиб, сарсон-саргардон бўлиш, қаландарликка берилиб дунё кезиб юриш, аёл, фарзанд, ватанни тарк этиб таркидунёчилик билан машғул бўлиш каби ҳодисалар рад этилади. Ватанда туриб ҳалоллик, поклик, ибодат ва зикр орқали ҳам аллоҳга интилиш, уни билиш ва таниш мумкин. Шу боис мазкур ибора замирида ватанпарварлик ва ватанни ардоқлаш ғояси тарғиб қилинади, каъба каби муқаддас эканлиги уқтирилади.

«Ҳуш дар дам» ва «назар ба қадам» тушунчалари замирида эса ҳушёрлик талқин этилади. Аммо мазкур қоидалар ҳам аслида зикр учун белгиланган воситалар бўлиб, уларда хотиржам бўлсанг, санаб нафас олсанг, қандай тартибда юрсанг ҳам ҳушёр бўлки, сен аллоҳ билансан ва аллоҳ номи доимо тилингда бўлиши керак, деган маъно яширингандир. Бошқача қилиб айтганда «ҳуш дар дам» ибораси ҳар даму ҳар нафасда ҳушёрлик ва сергакликни шиор қилиб, аллоҳ ёди билан иш юритишни, «назар ба қадам» моддаси эса оёқ остига назар солиб юриб барча ножўя ва мамнуъ (ман қилинган) ишлардан кўз юмишни ташвиқ этади. Нақшбандийликнинг мазкур моддалари тасаввуф тарихида янгича бир ўзгариш эди ва уларни тариқат учун махсус фойдали манбалар десак хато қилмаймиз.

Эрон тадқиқотчиси Зарринкўб (6, 375) Нақшбандийликнинг мазкур тўрт қоидасини ҳисобга олган ҳолда унга яна қўшимча қилиб янги тушунчаларни нисбат беради ва шу тартибда тариқат моҳияти ўн бир нуқтага асосланади. Булар мазкур тўрт тушунчадан ташқари «ёдкард», «бошгашт», «нигаҳдошт», «ёддошт», «вуқуфи замоний», «вуқуфи ададий» ва «вуқуфи қалбийдир». «ёдкард» нафас олмасдан аллоҳ зикрига машғул бўлиш, «бозгашт»-аллоҳ ризолигини кутиш, «нигаҳдошт»-аллоҳдан бошқа нарса ёдга тушишидан хавф сезиш, «ёддошт»-аллоҳ ёди билан яшаш, «вуқуфи замоний»-аллоҳ номи деб замон билан ҳамнафас бўлиш, «вуқуфи ададий»-зикр сўзларининг ададига диққат қилиб унда аллоҳ номининг кўпроқ такрорланишига эътибор бериш, «вуқуфи қалбий» қалб аллоҳ зикри билан банд ва шу йўлда равона бўлиши учун қалб аҳволидан воқиф бўлишдир. Бу тушунчалар ҳам тариқат учун керакли художўйлик воситалари бўлиб, махсус муддао ва мақсадга таянган ҳолда ифода этилган. Кўрамизки, илгари яшаган сўфийлар ва силсилаларда тариқат учун белагиланган мақом ва зикр йўллари бир, икки йўналишда кўрсатилган бўлса-да,

нақшбандийлик тариқатининг биноси ва пойдевори кўп усулларга асосланган. Аслида мазкур моддалар мазмуни нақшбандийликнинг асосий сарчашмаси бўлган хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг сўфиёна таълимотидан келиб чиққан эди. Хожа Абдулхолиқ ижодида нақшбандийликка хос назариялар ҳақиқатан ишлаб чиқилган бўлиб, улар тўғридан-тўғри ва ёхуд билвосита хожагон шайхларининг тариқати орқали Баҳоваддин Нақшбанд таълимотидан жой олди.

Нақшбандия тариқатининг зикр усулларида яна биттаси суҳбат воситаси эди. Бу ҳақда Навоий тариқат раҳбари тилидан келтиради: «Ва дер эрмишларки, бизнинг тариқатимиз суҳбатдур... ва хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда бу шарт билаки бир-бирига нафъ бўлурғай ва улча ул бузург буюрубтурки... агар жамъи бу йўл соликлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракат бўлур». (7, 132). Суҳбат усули Навоийнинг таъкидлашича, жамоа билан бирга бўлиш, фикр алмашиш ва ҳамроҳ тутинишни тақозо этади ва бундан инсонга «кўп нафъ ва кўп хайру баракат бўлғай». Бу усул эса ёлғизлик ва хилватнишинликни ёқтирмайди ва инсонни ҳамжиҳатликка даъват этади, унга яхшилик, нафъ ва манфаат келтиради. Нақшбандийликда аллоҳ билан суҳбат кўпинча танҳоликда бўлишни кўзда тутди ва бу зикр орқали жисм хотиржамликка берилиб, руҳ ривожлана бошлайди ва руҳониятга етади. Уни ботиний ҳол десак ҳам бўлади.

Нақшбандийликнинг суҳбат усулидаги зикри ҳам қадимий сўфиёна силсилалардан, жумладан XI асргача бўлган тасаввуфнинг ўн икки силсиласининг бешинчиси «ан-Нурия» ҳалқасидан сарчашма олган. IX асрда яшаган машҳур тасаввуф уламоларидан бўлган Абулҳасан Аҳмад бин Муҳаммад ан-Нурий сўфиёна суҳбат тариқатининг муаллифи эди ва унинг қоидаларини асослаб шундай деган: «суҳбат дарвешларга фарздур, аммо узлат (ёлғизланиш) яхшилик келтирмас. Узлатдан парҳез қилинларки, у шайтоннинг қўшниси, сизга суҳбат насиб этсунки, унда аллоҳнинг ризолигини кўрасиз» (3,239). Мана шу таълимот беш асрдан кейин XIV асрга келиб нақшбандийлик тариқати томонидан фаоллик билан қўллаб-қувватланди ва унинг моҳияти такомиллаштирилиб, янги сўфиёна таълимотга мослаштирилди.

Шундай қилиб, «анжуманда хилват» ва унинг тармоқлари, «қўл ишда-ю кўнгил ёрда» ва суҳбат усули нақшбандийлик тариқатининг бош ғояси ва тасаввуф жараёнидаги янги таълимотдир. Шулар асосида нақшбандийлик сўнмас сўфиёна силсила сифатида шаклланди ва шуҳрат қозонди. Бу силсилада қадимги сўфийларнинг хилватланиши, кўп мартали ҳаж зиёрати, дарвешона ҳаёт кечириш, таркидунёчилик мақулланмаган. Уларнинг ўрнига жамоа билан бирга бўлиш, ватанни ардоқлаб уни зиёрат қилиш, улуғ инсонлар суҳбатида бўлиш, дунёни

севиб уни ёмонламаслик катта мавқе тутеди. Нақшбандийлик таълимоти инсон кўнглини ҳар нарсадан юқори қўйган. Уни муқаддас Каъба билан тенглаштирган Навоийнинг ёзишича:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлади,

Онча бўлғайким, бузилғон Каъба обод айлади.

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, нақшбандийликка ўтган сўфийларнинг нафси аммора ҳақидаги таълимоти ҳам маъқул бўлмаган эди. Билъакс нақшбандийчилар нафсни тийишдан воз кечиб, унга берилиб кетганди. Масалан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с) айтган эдилар: «Сенинг энг қаттол душманинг нафсингдур» (3,260). Шайх Абусулаймон Дороний шундай деган: «Нафс ризо талаби йўлида хоин нарсадир ва сен учун энг яхши аъмол унга қаршилиқ кўрсатишдир» (3,251). Саҳл бин Тустарий нафсни енгиш учун ўн беш кунда бир марта овқатланар экан ва шу билан ҳам жуда узоқ умр кўрган (3, 252). Ал-Ҳаким ат-Термизий нафсдан қутулиш йўлини ўзини дарёга ташлаб фарқ бўлиб кетишда деб билган экан (23, 360).

Хожа Баҳоваддиннинг ўзлари эса шулар изидан бориб нафсга берилмасликни яхши кўрарди ва бойлик, мол-дунёга кўнгил қўйишга майл қилмасди. Буни адабиётшунос Н.Комилов ҳам улуғ шайхнинг шеърий ижодидан мисол келтириб таъкидлаган эди (20,95). Аммо нақшбандийлик тариқати бўйича нафсга берилиш, жумладан бойлик ва мол-мулк орттириш рад этилмайди ва шу сабаб Хожа Баҳоваддиннинг ўзлари ҳам зимдан давлатманд киши эдилар. Нақшбандийликнинг бу борадаги таълимоти хусусан, XV асрда унинг издошлари ҳаётида ёрқин из қолдирди. Чунончи бу асрда нақшбандийчилар Хожа Аҳрор Валий, Жомий ва Навоий жуда давлатманд кишилар бўлиб, яхши яшаганлар. Алалхусус, Хожа Аҳрор Валий каби бой киши камдан-кам бўлган. Албатта, буни улар аллоҳ номи билан боғлаб, худодод, яъни аллоҳ берган ва аллоҳ назр қилган нарсалар деяри эдилар. Аммо аслида улар нафс борасида янги сўфиёна таълимот кашф этган эдилар ва қадимги шайхлардан тубдан фарқ қилиб, нафсга берилишни художўйликка зиён келтирмайдиган аломат деб тушунганлар. Бу XIV-XV асрлар тасаввуфининг янгича кўриниши ва янги типдаги ғояси эди.

Шу низомномага яқин ва ундан озуқа олган нақшбандийликнинг жамиятдаги таъсири ҳам қадимги сўфиёна ғоялардан фарқли ўлароқ хийла кучли ва ниҳоятда сезиларли эди. XIV асргача бўлган файласуф ва фалсафий тасаввуфга берилган сўфийларнинг таълимоти халифалар ва ислом қонун-қоидаларига зид эди ва шу боис улар доимо таъқиб остида қолиб, ваҳима ва таҳликада яшаганлар. Ҳаётини фалсафага яқин орифона тасаввуф аслида ҳам сиёсат ва расмий ислом билан келишолмас эди ва улар бир-бирига зид эди. Аммо буни қарангки, XV асрга келиб бу таълимот сунний тасаввуф шаклидаги

сўфиёна ғояларни давом эттириб дин ва сиёсат билан келишди ва уларнинг талабини бажарди. Бу нақшбандийлик тариқатининг яна бир янгиланган кўриниши эди.

Шундай қилиб, нақшбандийлик XV асрда темурийлар сулоласи томонидан расмий идеология (мафкура) сифатида қабул қилинди ва уларнинг бош ғоясига айланди. Мазкур тариқат жамият ва давлат миқёсида обрў қозониб эътироф этилди, сиёсатга кучли таъсир этиб, унинг асл моҳиятини ифода этди. Темурийлар нақшбандийликка ислом дини сифатида эътиқод қўйдилар, унинг барча талабларини бажариб, у билан ҳамнафас бўлдилар. Темурий шаҳзодалари нақшбанд шайхларнинг ҳурматини қозонишга интилдилар, улардан дуолар олишга ҳаракат қилиб, амалларини уларнинг маслаҳатисиз қилмадилар. Нақшбандия шайхлари, мурид ва издошлари эса XV асрда бутун Мовароуннаҳрни забт этган эдилар. Улар ҳатто давлат армиясидан ҳам ўзларини устун кўрардилар. Агар темурийлар мамлакат ташқарисида катта сиёсат уюштириб, янги-янги ерларни очишга ҳаракат қилсалар, нақшбандийлар уларнинг ички сиёсатига таъсир ўтказиб, давлатнинг қудратига қудрат қўшардилар.

Бу ғоя Баҳоваддин Нақшбанд ижод этган ғоя эди ва у нақшбандлик тариқати номи билан шуҳрат қозониб, тасаввуф таълимотининг янги эстетик тараққиётининг алоҳида босқичи сифатида эътироф этилди. Бунинг сабаби, айтганимиздек, нақшбандийликнинг исломий хусусият касб этганида эди. Мазкур таълимот зотан диний тус олди, дин билан мувофиқлашди, ҳукмдорларга маъқул бўладиган бойлик ва молк-мулкни инкор этмади, балки уларни аллоҳ инъоми деб эътироф этди. Ахлоқсизликка баъзан эътиборсизлик билан қаради. Натижада XV асрда ахлоқ-одоб масаласи кўз кўриб қулоқ эшитмаган тарзда бузилиб кетди. Шу даражадаки, мансабдор обрўли кишилар агар узоқ жойларга сафарга чиқсалар, эҳтиёткорлик юзасидан ёш фарзандларини Навоий саройида, унинг паноҳида қолдириб кетардилар. Навоий сиймоси ўғил-қизларга бошпаноҳ бўлган эди. Навоий ҳайбатидан ҳеч ким унинг саройига яқинлаша олмасди.

Бундан ташқари, нақшбандийлик ҳаракати жамиятни едириш, кийдириш учун ҳаммани меҳнат қилишга даъват этиб, ўзлари эса анжуманда хилват тутиб аллоҳ дейиш билан банд бўлганди. Бу қоидалар сўзсиз жорий сиёсатга мос келди ва шу боис нақшбандийлик тез орада давлат ва жамоа манфаатини акс эттириб, улар билан қўшилиб кетди; ҳукмдорлар билан яқиндан алоқа боғлаб, улар билан ҳамкорлик қилди, ўз навбатида уларга насиҳатлар ҳам бериб, адолатли бўлишни талаб қилди, инсонийлик, меҳр-вафо ва садоқатга даъват этди.

Хожа Баҳоваддин Нақшбанд ва унинг издошлари ҳикматли сўзлар ва кароматли қарашлар билан халқ орасида ниҳоятда шуҳрат қозонган эдилар. Жамоага таъсир этиш ва ҳаммани ўз тобелигида сақлаш учун ҳар қадамда кароматлар кўрсатардилар. Аммо зарур бўлганда агар талаб қилсалар, кароматдан воз кечиб, уни пинҳон тутардилар. Масалан, улуғ хоразмлик шайх Нажмиддин Кубродан Хоразмга яқинлашган мўғулларни дафъ этиш учун каромат сўрадилар. У эса воқеани «қазойи мубрам» (ечилмайдиган муаммо) деб каромат кўрсатмайди. Хожа Баҳоваддин Нақшбанддан беморнинг сиҳҳат топишини сўраганларида йўқ деганлар ва кароматларининг ёлғонлигини ўзлари фош этганлар. Навоий ёзади: «Алар ҳазратида биров дедик, фалон киши бемордур ва хасталикни (бартараф этиш мақсадида) алардан каромат талаб қилдилар. Алар дедиларки, бизнинг кароматимиз зоҳирдур» (7, 133).

Нақшбандийликда кўп гапириш манъ этилган ва Хожа Баҳоваддин ўзлари «кўп айтмоқ шарт эмас» деб бу одобдан парҳез қилганлар. У кишининг фаолияти билан боғлиқ анжуманда хилват таълимоти ҳам аслида жимликни талаб қиларди ва омма орасида хотиржамликка берилиб зикр бажо келтириш унинг асосий мақсади эди.

ҚИСҚАЧА СЎФИЁНА ЛУҒАТЛАР**А**

Ароқ-ҳаё, ибо
 Айн (кўз)-сурат, аллоҳ суврати
 Аён-аллоҳ олами
 Аён-реал олам
 Аҳад-воҳидлик, ягоналик.
 Аҳвол-илоҳий кайфият, файз
 Амонат юк (бори амонат)-муҳаббат юки
 Ағёр-ғаддор олам
 Афсона-ўтган кунлардан дарак бергувчи омил
 Айёрлик-жосуслик, кўнгиллар жосуслиги
 Айш-кўнгил ҳаловати
 Анқо-аллоҳ зотига ишора
 Асмоъ ва сифат-илоҳий исмлар ва сифатлар; биринчиси зот-бирликка, иккинчиси сифат-кўпликка ишора

Б

Бақо-қоришиш, охирги зина, тирилиш, абадият
 Бел-илоҳий назокат
 Баҳор-сўфий кўнглида пайдо бўлган зиё, ўзгаришлар, фараҳмандлик
 Бадан-(жисм)-тўсиқлик, зиндон, қафас
 Бут-маъшуқа, аллоҳ тимсоли
 Бутхона-хонақоҳ
 Басират-кўз, кўнгил, юрак
 Булут-юрак пардаси
 Бода-муҳаббат
 Бодаи софий-иллатсиз муҳаббат
 Баҳр-ҳақ таоло борлиги, олам кенглиги
 Бўстон-илҳом мавзеси
 Биёбон-ҳайрат мақомининг илк кўриниши; андух, азоб
 Бомдод-ривожланиш
 Бало-имтиҳон, сўралмоқ
 Бандалик-қабул қилмоқ

В

Ваҳдат ул-вужуд-аллоҳ бирлиги, ягоналик
 Вараъ-парҳез
 Васи-шиалар (исмоилия ва ботиниячилар) намояндаларининг ўз таълимотидаги рутбаси; улар етти поғонадир; расул, васи, имом, ҳужжат, доъий, маъзун, мустажиб.
 Вожибал вужуд-аллоҳ, яратувчи
 Валоят-валийлик, фано мақомидаги восиллик
 Воқеа-туш, ғойибдан келадиган тушлар

Важд-борлиққа интилиш
 Вужуд-ҳақ таоло ҳозирлиги
 Висол-бирлик даражаси, ваҳдоният топиш
 Вафо-аллоҳ (маъшуқа) дўстлиги

Г

Гулшан-амри маъруф, шайх суҳбати
 Гулшани роз-илоҳий сир
 Гул-аллоҳ гўзаллиги, маъшуқа тимсоли, ориф юрагида пайдо
 бўладиган дард ва алам ҳосиласи
 Гулзор-юрак саҳнасидаги кенглик
 Гесу-васл талаби, интилиш
 Гавҳар-моҳият, асиллик
 Гулхан-олов, олам кенглиги

Д

Денгиз-руҳоният, илоҳият кенглиги
 Дарё-масофа, йўл
 Доғ-дунё, ғам, алам
 Доира-фалак
 Дайр-насронийлар ибодатхонаси, хонақоҳ
 Дайри муғон-хонақоҳ, савмаа, сўфийлар ибодатхонаси
 Дарвеш-гадой, тиламчи, тасаввуфнинг илк намояндаси
 Дунё-дўзах
 Дил-пир, муршид, муаллим, кўзгу, нур манзили
 Дўстлик-илоҳий муҳаббат
 Далқ-сўфийларнинг тилка-пора либоси; далқи муламмаъ, далқи
 мураққаъ-рангли, олақуроқ ва парча сўфиёна либос

Е, Ё, Ж

Жасад-қафас, реал олам
 Жазаба-ғалаён, ҳаяжонланиш, сўфиёна кайфият
 Жом-нур жилваси, реал дунё, юрак
 Жоми Жам-кўнгил, юрак, нур жилваси
 Жавру жафо-тўсиқлик
 Жамол-ҳусн кўриниши
 Жаннат-тажаллий манзили
 Жонон-асил моҳият, аллоҳ зотиға ишора
 Жабарут-пайғамбар ва авлиёлар олами; бу оламда илоҳий зотнинг
 жилваланиши кўринади; тўрт зинали оламнинг учинчи манзили; икки
 олам оралиғи.

З

Зулф-паришонлик, сарсонлик, жамол жилваси
 Зикр-суҳбат, аллоҳ номини тинмай тилга олиш
 Зовия-узлат, танҳолик, савмаа, ибодатхона
 Зоҳид-хилватнишин, тақводор
 Зино-восиллик, пайвандлик, бирлик топиш
 Зуннор-тасма, ип, насронийлар ва зардуштийларнинг белбоғи,
 шариатга зид шатҳиёт, тобелик
 Зод-озуқа, солик-йўловчининг йўлдаги озуқаси
 Залолат-гумроҳлик, нодонлик
 Занах- кайфият

И, Й

Илмуляқин, айнуляқин, ҳаққуляқин-сўфиёна маърифат даражасининг
 биринчи, иккинчи ва учинчи зиналари
 Ирфон-илоҳий маърифат
 Истиғно-аллоҳ, унинг буюклиги, ноз, оҳанрабо, зулм.
 Илми ҳол- илоҳий маърифат. Руҳий ва ҳиссий ҳолат, илоҳиёт, табиёт,
 ҳусн жилваси
 Илми қол-зоҳирий, дунёвий машғулот.
 Ишва, ноз, карашма- тўсиқлик, азоб, зулм
 Иқлим-борлик, табиат
 Иттисол-восиллик, пайвандлик
 Ижобат-қабул бўлмоқ
 Имом-йўлбошчи, бошлиқ
 Иродат-муҳаббат нури, хоҳиш, қатъийлик
 Исми аъзам-аллоҳ таолога ишора

К

Кавну фасод-кавн-асл ҳолатда мавжуд; фасод-ўзгариш
 Кўз-кўзгу, илоҳий нур, комиллик, ойна, беҳудлик
 Кўза- инсон, одамзод
 Комил инсон-авлиёлар, илоҳий сифатлар касб этган шахс
 Кашф-ғойибликда кўрилган маънолар
 Калом- илоҳий файз, қуръоний оятлар, ҳадислар ва шариат манбалари
 асосида яралган диний таълимот; суннат аҳли йўли
 Каъба-юрак, кўнгил, ваҳдоният, бирлик даражаси
 Куфр-зулм, айрилиқ, ҳақ сиррини ошкор қилиш
 Каромат-фавқулодда амрлар, башорат
 Куй-ҳаракат, важд, сарсонлик, оҳанг
 Карашма-илтифот
 Киприк-ўқ, ваҳима
 Касрат-кўплик

Л

Лоҳут ва носут-йўқлик ва бирлик олами
 Ломакон-охирсиз, маконсиз
 Лаб-баракат, баркамоллик, сўз, калом, чашма, боқий ҳаёт, илоҳий
 кайфият
 Ладаний-туғма билимлар, илоҳий илҳом билимлари
 Лаъллаб-ҳусну жамол манбаи
 Лутф-илтифот, парвариш

М

Масту аласт-сўфий
 Мақом-манзил, қароргоҳ, даража, мартаба
 Май, бода, шароб, чоғир-муҳаббат, жазаба, нур жилваси
 Маъшук, маъшуқа-аллоҳ, пир
 Маод-ўлимдан кейинги тирилиш
 Маротиби вужуд-аллоҳ таоло томон белгиланган зиналар йўли, ердан
 илоҳийгача бўлган масофа
 Маърифат-илоҳий сирлар, илоҳий нур, танишиш зинаси
 Мураққаъ-сўфийларнинг қуроқдан ямалган кийими
 Мурид-шогирд, сўфийларнинг бошланғич намояндаси
 Муршид-шайх, тариқат йўлига иршод (даъват) қилгувчи пир
 Муҳаббат-шавқ, интилиш, маҳбуб жамолини кўришга ҳаракат
 Мушоҳада-маънавий комиллик, ҳақ таоло ҳозирлиги
 Мужоҳада-жаҳд, ҳаракат, ҳақ таолога яқинлик
 Малакут-малоика олами, ғойиблик олами, тўрт зинали оламнинг
 учинчи поғонаси
 Мумкин ал-вужуд-табиат, реал олам, яралган дунё
 Манзил-руҳоният авжидаги қароргоҳ
 Мосиво-тўсиқлик
 Майхона, майкада-хонақоҳ, муножот мавзеи
 Майфуруш-пир, муршид
 Маҳбуб, маҳбуба-аллоҳ, ҳақ таоло
 Муғ-пир, муршид; муғбача-солик, мурид
 Муҳоқабат-эҳтиёт қилиш (қалбни ножўя ишлардан) асраш
 Мусалло-номозгоҳ
 Муомала-шариатдаги фарзиялар ижроси
 Майл-ўз аслига интилиш
 Меҳр-қуёш, ўз аслига ружуъ (ҳаракат)
 Майхўрлик-илоҳий нурга фарқ бўлиш, илоҳий муҳаббатга интилиш
 Мутриб-хабар бергувчи манба (солик аҳволидан)
 Матлуб-аллоҳ таоло, зот
 Макр-мағрурлик, қаҳр, маъшуқа ғурури
 Малоҳат-аллоҳ таоло жамолининг кўриниши

Муножот-ҳақ таоло томон юрак ноласи
 Мажлис-бирлик, восиллик даражаси
 Меҳнат-азоб, дард-алам
 Мулавван, муламмаъ, мураққаъ-парча-парча ҳар хил рангли
 қуроқлардан иборат сўфийларнинг либоси

Н

Нуқта-бирлик, илоҳий манба
 Нафс-руҳ, жон; бало, душман, дев, илон, кофир, зарарга етакловчи
 барча нарсалар
 Нафас-софлик, тозалик (юрак учун), юрак ривожланиши
 Нағма, оҳанг, куй-ҳаракат, аллоҳ таоло ёрдами ва инояти
 Нурулнур-аллоҳ таоло, нур манбаи
 Ноз-парда, маъшуқанинг иззат нафси
 Ноқус-доира, чилдирма, руҳоният даракчиси
 Нола-хуфя муножот
 Най-жон, юрак, руҳ

О, П, Р

Офоқ ва анфус-катта ва кичик олам
 Ошиқ-солик, сўфий
 Ориф-аллоҳ маърифатига машғул шайх; аллоҳни «буд» (бор) деб
 билиб, реал оламни унинг «намуди» (акси) ҳисоблайдиган шахс,
 илоҳий тимсол, умрбоқий шахс
 Обид-шариат ибодатчиси
 Оҳ-авж ва юксалиш
 Ойна-ҳақ таолонинг акс нури; унинг борлиқдаги кўриниши
 Орзу-ҳаракат, ўзлигига майл
 Озодлик-гуноҳлардан нажот топиш
 От (асп)-нафас
 Парда-тўсиқлик, ғов
 Парвона-солик, сўфий, ошиқ, риёзат аҳли
 Пир-комил инсон
 Покбоз-интилиш
 Рақиб-аллоҳ йўлига ғов бўлган барча тўсиқлар; рақиб, душман, ғаним
 Рақсу самоъ-сўфиёна зикр усули, интилиш, руҳониятга берилиш,
 илоҳий томон юксалиш
 Рижо-умидворлик, зикр зинаси
 Риёзат-жисмоний азобларга берилиш, нафсни тийиш, шариат ва
 тариқат талабларини бажариш
 Ринд-озод шахс, бебок инсон, аллоҳ тимсоли, бепарво; нафсониятдан
 қутулиб тана тозалигига интилиш

Ризо-хурсандчилик
 Руку-сажда, сўфиёна либос
 Роҳила-туя, от, маркаб
 Рамз-илоҳий сир

С

Савмаа-хонақоҳ учун жой, чиллахона
 Соч-реал олам, тузоқ, айрилиқ
 Сафойи ораз-(юз тозалиги)-ҳаё ҳосиласи
 Солик-йўловчи
 Сулук-юриш
 Соқий-аллоҳ рамзи, файз, баракат
 Сайри сулук-саёҳат, соликнинг ҳақ томон руҳий сафари ва у ҳаққа эришиб яна халққа қайтади. Ниҳоят солик хилма-хил нарсаларга дуч келиб, уларда аллоҳ жилвасини кўради.
 Саҳв-хушёрлик, хумор
 Сукр-мастлик, маҳв ва фано даражаси, бехудлик
 Сунъ-яратиш, аллоҳни сонё, яъни яратувчи манба билиш
 Сафар-сайри сулук, сўфий сулукати
 Соҳибдил-шайх, пир
 Субҳ-тажаллий кўриниши
 Сабухий-тажаллий пайтидаги суҳбат
 Суроҳий-шиша, соликнинг ҳақ йўлидаги шахдам қадами
 Сафо, софлик-кўнгил поклиги
 Сажжода-дастур, салла, хоҳламоқ
 Сарбон-раҳнамо
 Симурғ-бирлик аломати, комиллик
 Соғар-илоҳий муҳаббат, жом, коса
 Сабу-кўза, ошиқона туйғу, инсон рамзи
 Соил-гадой, тиламчи
 Солус-фирибгар, маккора

Т

Тавҳид-бирлик ифодаси, зот
 Тажрид-танҳолик, аллоҳ йўлидаги покланиш усули
 Тафрид-ягоналик, ваҳдат топиш
 Талвин-рангбаранглик, сифатлар
 Тамкин-бирхиллик, зот. Манзил, денгизга айланган қатра
 Танзиҳ-поклик, руҳоният
 Тавриқ-хайр, баракат, ёрдам
 Таквин-йўқликдан яралган сифатлар, яратиш
 Таъвил-шарҳ, баён
 Тарсо, тарсобача-маъшуқа, пир, шайх, ҳақ мушоҳадаси

Тавба-гуноҳлардан парҳез
 Тажаллий-илоҳий нур жилваси, ҳақ кўриниши
 Таҳайюр-сарсонлик (тавҳид йўлида)
 Тўри сино-тўр-тоғ, сино-чўл; шу чўлдаги тоғнинг устида аллоҳ таоло
 Мусо пайғамбар билан суҳбат қурган эди.
 Тери-шариат, реал мавжудлик
 Том-илоҳий нур жилваси, жилвагоҳ
 Томот-даъват вақтида ишлатиладиган сўфийларнинг махсус сўзлари,
 шатҳиёт, (шариатга нисбатан нораво сўзлар ишлатиш, шаттоҳлик)
 Талоқ-дунё алоқасидан узоқлашиш, ажралиш
 Тарона-интилиш, муҳаббат удуми
 Турк-жазаба, илоҳий тортилиш
 Туш-воқеа, ҳодиса
 Тариқат-сўфиёна йўналиш

У, Ф, Х, Ч

Убудият-қуллик
 Фақр-бенаволик, сўфиёна мақомлардан бири
 Футувват-жавонмардлик, жўмардлик, олийҳимматлик
 Фарзона-сарбон, шайх, пир, муборак, табаррук шахс
 Фиреб-фақр, бечоралик
 Фиғон-ички сирлар ифодаси
 Файз-ғойибдан эшитилган башорат
 Фироқ-жудолик, ғам, алам, қайғуриш
 Хумор-ҳушёрлик, шоҳидлик бермоқ (муҳаббатдан)
 Хирқа-сўфийлар кийими, тилка-пора сўфиёна либос
 Хумхона-жилваланиш мавзеи
 Хамр-муҳаббат ғалабаси
 Хол-бирлик ифодаси
 Харобот-аллоҳ зотига боғланган муҳаббат мавзеи
 Хат-илоҳий таважжух, жамол нурининг кўриниши
 Хати сабз-дорулбақо, охират
 Чалип-салип (крест), табиат, моддий олам
 Чехра-илоҳий нур жилваси
 Чоҳи занаҳдон-қийналиш, мушкуллик

Ш, Э, Ю, Ў

Шашмақом-тариқатдаги музиқий йўналиш
 Шайх-пир, муаллим, устоз, илоҳий сирлар кашфиётчиси
 Шариат-диний қонун-қоидалар мажмуи

Шатҳиёт-шаттоҳлик, ҳақоратомуз ва масхараомуз сўзлар; сўфий ҳол, ҳайрат ва важд ҳолатида ихтиёрсиз шариат қоидаларига нописандлик кўрсатади ва бу унинг шатҳиёти бўлади.

Шом-тўсиқлик

Шаҳодат-реал олам, табиат, ҳақ зотининг ердаги сифати

Шамъ-илоҳий нур, тажаллий, муҳаббат шуъласи

Шоҳидбоз-найрангбоз, дунёни севиш

Шаробхона-илоҳий манзил, хонақоҳ

Шамойил-ҳусн-жамол

Шамол-(бод) юрак аҳволининг ўзгариши

Шароб-завқ-нур жилваси

Шоҳид-реал олам, нур жилваси

Эран-пир, муршид

Юз-нур жилваси

Яқин-сирлар кўриниши, кўнгил мушоҳадаси

Ўйин-туйғулар ўзгариши

Ўт-шаҳват, шаҳвоният

Ўлик-узоқлик, узоқлашиш

Қ

Қад (бўй)-комиллик

Қош-тўсиқ, рангбаранглик, орзу, умид

Қавси нузул-реал олам, оламнинг ярми

Қавси сууд-аллоҳ олами, оламнинг иккинчи ярми

Қалб-илоҳий файз манзили, ойна, нур, чироқ, кўзгу

Қоба қавсайн-икки олам

Қош- (иккинчи) чегара, аллоҳ билан дунё ўртасидаги масофа

Қоф (тоғ)-ниҳоя, фано манзили

Қутб-шайх, пир

Қадах, пиёла, жом-юрак, кўнгил, нур жилваси

Қомат-аллоҳ оламига интилиш, комиллик топиш

Қибла-интилиш мавзеи

Қурбон-нафси ўлдириш

Қадим-илоҳий зот

Қиёмат-дард, алам

Ғ, Ҳ

Ғул-тахорат, таяммум, кўнгил поклиги

Ғамза-фонийликка етаклайдиган нидо жилоси

Ғолия-илоҳий марҳамат

Ғурбат-илоҳий манзилдан узоқлашиш

Ҳол-маърифат, жазаба, қол-илоҳий илҳом: ҳол-ирфон, қол-дунёвий илҳом

Ҳижоб-парда, аллоҳ билан инсон ўртасидаги тўсиқ

Ҳайрат-телбалик (фано мақомида)

Ҳужжат-раҳбар, пешво, далил.

Ҳулул-қоришиш

Ҳотиф-ғойиб нидоси, солиқ кўнглида зухур этилажак ҳақ таоло нидоси

Ҳайвон суви (оби ҳайвон)-замзам, чашма, мавжудлик

Ҳушсизлик-фано мақомати

Ҳижрон-юрак азоби, юрак ҳаракати

Ҳадаф-мартаба

Ҳавою ҳавас-нафс озуқаси

Ҳусн-илоҳий ва инсоний сифатлар

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- I. Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: «Ўзбекистон», 1995, 276 бет.
- II. Ислон Каримов. Асарлар 6 жилд. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Тошкент: «Ўзбекистон», 1998, 431 бет.
- III. Ислон Каримов. Асарлар 8 жилд. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2000, 525 бет.
- IV. Ислон Каримов. Асарлар 9 жилд. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 2001, 440 бет.

х х х

1. Абуабдулла Раҳмон ас-Суллабий. Табақот ус-суфия. Араб тилидан Маҳмудхўжа Нуриддинов таржимаси. Тошкент: «Фан», 2004
2. Абуабдуллоҳ Муҳаммад бин Али ал-Ҳаким ат-Термизий. Бадв уш-шаън. Форс тилидан Рамазон Абдуллаев таржимаси. «Сино» журнали №7, 2002.

3. Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳажвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-маҳжуб. Валентин Жуковский тайёрлаган танқидий матн. Қосим Ансорий нашри. Техрон: 1376 ҳ.
4. Абдурраҳмон Жомий. Асарлар 8 жилд. Нафаҳот ул-унс. Душанбе: «Адиб», 1990.
5. Абдурраҳмон Жомий. Асарлар 8 жилд. Рубоийлар шарҳи. Душанбе: «Адиб», 1990.
6. Абдулҳусайн Зарринқўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. Душанбе: «Ирфон», 1992
7. Алишер Навоий. Асарлар 15 жилд. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
8. Аҳмад Абдуллаев. Адабиёти тожик. IX синф учун дарслик. Душанбе: «Маориф» 1990.
9. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва: «Наука», 1965.
10. Бартольд В.В. Сочинение том I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Москва: «Наука», 1963.
11. Воҳид Зоҳидов. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент; «Ўзбекистон», 1970.
12. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Ринвалд Николсон тайёрлаган матн, доктор Қудамали Саромий нашри. Лондон: 1933.
13. Ибн Батутта ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Н.Иброҳимов таржимаси. Тошкент: 1993
14. Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. Тошкент. «Маънавият», 1998.
15. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент: «Маънавият», 1997.
16. Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчилар Ваҳҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроилов. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
17. Мавлоно Али Сафий «Рашаҳоти айн ул-ҳаёт» Тошкент: Ибн Сино, 2003.
18. Муҳаммад Истиломий. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. Техрон: 2001.
19. Муҳаммад Боқир. Мақомоти ҳазрати хожа Нақшбанд. Тошкент: тошбосма, 1909.
20. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Тошкент: «Ёзувчи», 1996.

21. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Иккинчи китоб «Тавҳид асрори». Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриёти, 1999.
22. Тазкирайи адабиёти бачагон. Тартибдиҳандагон: Аҳмад Абдуллаев ва Садри Саъдиев. Душанбе: «Маориф», 1982.
23. Фаридаддин Аттор Нишопурий. Тазкират ул-авлиё. Муҳаммад Истиломий нашри. Техрон: 1377ҳ.
24. Хожа Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи Иброҳим Ҳаққулов. Тошкент: 1991
25. Қиссайи Иброҳим Адҳам. Тошкент: тошбосма, 1916.
26. Ҳазратқулов Муҳаммадқул. Тасаввуф. Душанбе «Маориф», 1988
27. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. Тошкент: «Шарқ», 2004
28. Ҳодизода Расул. Тасаввуф дар адабиёти форс-тожик. Душанбе «Адиб», 1999

М У Н Д А Р И Ж А

МУҚАДДИМА

БИРИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ:

Тасаввуф нима ва у нима ҳақда баҳс этади?

Сўфий ва жун мато

Шайх ва муридлик одоби

Мурид ҳақида

Шайх ҳақида

ИККИНЧИ БОБ:

Зоҳидлик, обидлик, орифлик. Дарвеш ва қаландар

Дарвешлик тариқати

Қаландарлик тариқати
 Зоҳидлар ва обидлар ҳақида
 Нафс ҳақида
 Ҳалоллик ҳақида
 Орифлик тариқати

УЧИНЧИ БОБ
 Сўфиёна маслак, мақсад ва таълимот

ТўРТИНЧИ БОБ
 Сўфиёна силсилалар

ИККИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ:

ТАСАВВУФ НАМОЯНДАЛАРИ

Увайс Қараний
 Ҳасан Басрий
 Робиа Адавия
 Иброҳим Адҳам
 Зуннун Мисрий
 Боязид Бистомий
 Жунайд Бағдодий
 ал-Ҳаким ат-Термизий
 Мансур Ҳаллож

ИККИНЧИ БОБ:

ХИ-ХИИ АСРЛАРДА ТАСАВВУФ

Абулҳасан Ҳараконий, Абусаид Абулхайр, Хожа Абдуллаҳ Ансорий,
 имом Муҳаммад Ғаззолий, Айнулқуззот Ҳамадоний, Ибн ал-Арабий,
 Санойи Ғазнавий, Фаридаддин Аттор, Жалолиддин Румий

УЧИНЧИ БОБ:

Хожа Юсуф Ҳамадоний
 Хожа Аҳмад Яссавий
 Нажмиддин Кубро
 Баҳоваддин Нақшбанд

ҚИСҚАЧА СЎФИЁНА ЛУҒАТЛАР
 ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Термиз 2005 йил

АҲМАД АБДУЛЛАЕВ

Филология фанлари доктори, профессор. Термиз давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасида ишлайди. Ушбу рисола талабалар учун тузилган курс конспектнинг ҳосиласи сифатида яратилди.

1936 йилда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Пасурхи қишлоғи (Бибиширин мавзеи) да зиёли оиласида туғилган. Юздан ортиқ мақолалар ва ўндан ортиқ китоблар муаллифи. Ҳозирги кунда X-XII асрларда шаклланган Термиз адабий муҳити масалалари ҳақида ва XV аср ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари бўйича изланишлар олиб бормоқда.